

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**М.З. Орзиев, Ж.Ю.Эргашев**

**ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ  
ТАРИХИ**

**(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)**

**“Дурдона” нашриёти  
Бухоро – 2020**

**УЎК 323(575.1)**

**66.3**

**О 36**

Орзиев, М.З.

Жаҳон цивилизациялари тарихи [матн] : ўқув қўлланма /М.З. Орзиев, Ж.Ю. Эргашев. - Бухара: ООО "Sadriiddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2020.- 212 с.

**КБК 66.3**

Ушбу ўқув қўлланма 5120300-Тарих (Жаҳон мамлакатлар бўйича) бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда дунёнинг турли минтақаларида цивилизацияон жараёнларнинг вужудга келиши, илк хўжалик ўчоқлари, маданиятлар, ўзимликларнинг хонакилаштирилиши, жониворларнинг қўлга ўргатилиши, дастлабки аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар даражасига ўсиб чиқиши, ёзувнинг пайдо бўлиши, каби илк цивилизацияон жараёнлардан токим, синфий жамият ва давлатларга ўтиш, уларда фан ва илмий билимларнинг ривожланиши, маданий жараёнлар, санъат, архитектура, маъмурий бошқарув, жамиятнинг тузилиши, этник жараёнлар, “ўлик” ва “тирик” цивилизациялар, қадимги, ўрта асрлардаги цивилизацияон жараёнлар, бугунги кундаги цивилизацияон жараёнлар ва инсоният тараққиётининг кўринишлари таҳлил қилинади.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари тарих таълим йўналишлари бакалавр талабаларига ҳамда ушбу соҳага қизиқадиган кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

**Муаллифлар:** **Орзиев Маҳмуд Зайниевич**, БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси.  
**Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли**, БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Тақризчилар:** **Сафаров Т.Т.** тарих фанлари номзоди, доцент  
**Шукруллаев Ю.А.**, тарих фанлари номзоди, доцент  
**Замонов А.Т.** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

**Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилган.**

**ISBN 978-9943-6824-1-2**

Данное учебное пособие предназначено для студентов образовательного направления 5120300-история (по странам и регионам) для бакалавриата, в котором рассматриваются возникновение цивилизационных процессов в различных регионах мира, первые сельскохозяйственные очаги, культуры, одомашнивание растений и скотов, рост первоначального населения поселений до городского уровня, появление письменности, переход от ранних цивилизационных процессов, до классового хозяйства и государства, развитие науки и научного знания, культурные процессы, искусство, архитектура, административное управление, структуру общества, этнические процессы, "мертвые" и "живые" цивилизации, древние, средневековые цивилизационные процессы, современные цивилизационные процессы и проявления человеческого развития.

Учебное пособие предназначено для студентов бакалавриата по историческому образованию высших учебных заведений, а также для широких масс читателей, интересующихся данной сферой.

**Авторы:** **Орзиев Махмуд Зайниевич**, старший преподаватель кафедры “Всемирная история” при БГУ.

**Эргашев Жахонгир Юнус угли**, преподаватель кафедры “Всемирная история” при БГУ.

**Рецензенты:** **Сафаров Т.Т.**, кандидат исторических наук, доцент

**Шукруллаев Ю.А.**, кандидат исторических наук, доцент

**Замонов А.Т.**, доктор философии по истории, доцент.

This manual is intended for students of the educational direction 5120300-History (World countries) Bachelor degree, in which the emergence of civilization processes in different regions of the world, the first economic foci, cultures, domestication of plants, the teaching of the capture of living things, the growth of the initial population settlements to the urban level, the emergence of writing, the transition from the first, ethnic processes, "dead" and "alive" civilizations, ancient, medieval civilization processes, today's civilization processes and manifestations of human development are analyzed.

The instruction is intended for the students of Bachelor's degree in history education of higher educational institutions, as well as for the broad masses of readers interested in this field.

**Authors:** **Orziyev Mahmud Zayniyevich**, senior teacher of the department of World history of Bukhara State University

**Ergashev Jahongir Yunus ugli**, Teacher of the department of World history of Bukhara State University.

**Reviewers:** **Safarov T.T.**, candidate of historical science, docent.  
**Shukrullayev Y.A.**, candidate of historical science, docent.  
**Zamonov A.T.**, Phd candidate of historical science, docent

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	8
1-мавзу. Цивилизация тушунчаси. Унинг таърифи ва ўзига хос сифатлари. ....	10
2-мавзу. Дастлабки цивилизацияларнинг шаклланиши. ....	17
3-мавзу. Икки дарё оралиғи (Месопотамия)нинг қадимги цивилизацияси.....	23
4-мавзу. Қадимги Миср цивилизацияси.....	32
5-мавзу. Қадимги Кичик Осиё ва Шарқий Ўрта Ер денгиз бўйи цивилизациялари .....	40
6-мавзу. Қадимги Африка ва Жанубий Арабистон цивилизацияси.....	52
7-мавзу. Қадимги Кавказорти ўлкаларининг цивилизациялари ...	62
8-мавзу. Қадимги ва илк ўрта асрларда Эрон .....	69
9-мавзу. Қадимги Жанубий-Шарқий Осиё ва Хитой цивилизацияси.....	80
10-мавзу. Ҳиндистон цивилизацияси.....	97
11-мавзу. Япон цивилизацияси .....	110
12-мавзу. Ислом цивилизацияси .....	120
13-мавзу. Марказий Осиё цивилизацияси. Марказий Осиё цивилизациясини юзага келтирувчи мустақил манба.....	135
14-мавзу. Қадимги Юнонистон цивилизацияси .....	147
15-мавзу. Рим цивилизацияси.....	164
16-мавзу. Византия ва Россия цивилизациялари.....	184
17-мавзу. Ғарб цивилизацияси .....	193
Фойдаланилган манба ва адабиётлар .....	207

## СОДЕРЖАНИЕ

Введения .....	8
1-тема. Понятие цивилизации. Его определение и своеобразные атрибуты. ....	10
2-тема. Формирование ранних цивилизаций.....	17
3-тема. Древняя цивилизация двуречья (Месопотамия) .....	23
4-тема. Древнеегипетская цивилизация.....	32
5-тема. Древние цивилизации Малой Азии и Восточного средиземноморья .....	40
6-тема. Цивилизация Древней Африки и Южной Аравии .....	52
7-тема. Цивилизации древних закавказских стран.....	62
8-тема. Иран в древнем и раннем средневековье .....	69
9-тема. Древняя цивилизация Юго-Восточной Азии и Китай.....	80
10-тема. Индийская цивилизация.....	97
11-тема. Японская цивилизация .....	110
12-тема. Исламская цивилизация .....	120
13-тема. Центральноазиатская цивилизация. независимый источник возникновения цивилизации Центральной Азии .....	135
14-тема. Цивилизация древней Греции.....	147
15-тема. Римская цивилизация .....	164
16-тема. Византийская и русская цивилизации .....	184
17-тема. Западная цивилизация .....	193
Список литератур .....	207

## CONTENT

Introduction .....	8
1-theme. The concept of civilization.....	10
2-theme. The formation of early civilizations.....	17
3-theme. Two ranges of rivers (Mesopotamia ) civilization.....	23
4-theme. Egyptian civilization .....	32
5-theme. Asia minor and Eastern Mediterranean civilizations .....	40
6-theme. African and South African civilization.....	52
7-theme. Civilization of the peoples of the Caucasus .....	62
8-theme. Ancient Iran in the first decades .....	69
9-theme. Southeast Asian and Chinese civilization.....	80
10-theme. Indian civilization .....	97
11-theme. Japanese civilization of the first century .....	110
12-theme. the Islamic civilization .....	120
13-theme. Central Asian civilization. The exclusive source of Central Asian civilization.....	135
14-theme. ancient Greek civilization .....	147
15-theme. Roman civilization .....	164
16-theme. Byzantine and Russian civilizations .....	184
17-theme. West civilization.....	193
References .....	207

## КИРИШ

Цивилизация – энг юксак тартибдаги маданий муштараклик, кишиларнинг маънавий-маданий қиёфасининг кенг кўламли даражаси, тараққиёти десак адашмаймиз. Олимлар ҳисоб китобларига қараганда ер юзида йигирмадан ортиқроқ цивилизация ва ундан ҳам кўпроқ субцивилизациялар вужудга келган емирилган ва давом этмоқда. Жумладан, ғарб, шарқ, ислом, конфуцийлик, япон, провослав-славян, лотин Америкаси (мая, инк, ацтек) Африка (Миср, Ғарбий Судан, мономатапа) цивилизациялари, шунингдек, Европа, Шимолий Америка, Турк, Араб сингари субстанциялар ҳам мавжуд. Ғарб ва Шарқ асрлар давомида икки йирик суперцивилизация ҳисобланади. Цивилизация – кишилик муштараклигининг энг юқори чўққиси экан, бугунги кунда ҳам тил, тарих, дин, урф-одат сингари умумий мутлақо объектив жиҳатлари билан цивилизациялар бир-биридан ажралиб туради. Аксарият цивилизацияларнинг йўқ бўлишига, унитилишига маънавий инқироз сабаб бўлишини тарихдан яхши биламиз. Зеро Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида бу борада: “Шунинг учун ҳам Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўлган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий, албатта” – деган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам мстақилик шароитида нафақат ўз тарихимиз балки, дунё халқлари тарихи, уларнинг цивилизациялар жараёнларидаги иштирокини ўрганар эканмиз, энг аввало ўтмиш цивилизацияларининг вужудга келиши, ривожланиши ва инқирози масалаларига тўхталиб, уларнинг сабаблари ва оқибатлари хусусида тегишли хулосаларга эга бўлинади.

Жаҳон цивилизациялари тарихини ўрганиш орқали дунё ҳамжамияти билан яқиндан алоқа боғлаш, ҳамкорлик қилишда бошқа халқларнинг урф-одат, анъаналарини билишга ва маънавий-маданий ривожланиш даражасини ўрганиш орқали



муносабатларни умуминсоний манфаатлар асосида ўрнатишга хизмат қилади.

Шуни унитмаслик керакки, турли цивилизацияга мансуб кишилар жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий жараёнларда, халқларнинг шаклланишида ўзига хос урф-одат, анъаналарга эга бўлиб, улар юз йиллар давомида шаклланади. Бу тушунчалар сиёсий тартиблар, мафкураларга қараганда бардошли бўлади. Шунинг учун жаҳон цивилизациялари тарихи фанининг асосий мақсади талабаларга дунё цивилизациялари, уларнинг умуминсоний асослари, тараққиёт даражаси ва ютуқларидан чуқур билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни ватанпарварлик, умуминсоний ғояларга садоқат руҳида маданиятли қилиб тарбиялашдан иборат бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

# 1-МАВЗУ. ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ. УНИНГ ТАЪРИФИ ВА ЎЗИГА ХОС СИФАТЛАРИ.

## Режа:

1. Жаҳон цивилизациялари тарихи фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. XVIII-XIX асрларда цивилизация тушунчасига муносабат.
3. Цивилизация ва маданият.

**Таянч иборалар.** Цивилизация, тарихийлик, инсонпарварлик, маданият типлари, эгзистенциализм, авторитаризм, маҳаллий цивилизация, цивилизацияни танқид, маданий шаҳар, “Цивилизациялар тўқнашуви”, “Европа қуёшининг ботиши”, цивилизациянинг ритмик хусусияти, капитализм инқирози.

Цивилизация – энг юксак тартибдаги маданий муштараклик, кишилар маданий қиёфасининг кенг кўламли даражаси, тараққиёт демақдир. Олимлар фикрича, инсоният тарихида 20 дан ортиқ цивилизация ва ундан ҳақ кўпроқ субцивилизациялар ўтган. Улар ғарб, шарқ, ислом, конфуцийлик, япон, православ-славян, Лотин Америкаси (мая, инк, ацтек) Африка (Мономатапа, Ойо, Ифе) ва бошқалар. Цивилизацияларнинг айримлари ҳозирда ҳам тараққий этиб бормоқда. Шунингдек, Европа, Шимолий Америка, Турк, Араб сингари субстанциялар ҳам мавжуд. Ғарб ва Шарқ икки суперцивилизация ҳисобланади. Цивилизация – кишилиқ муштараклигининг энг юқори чўққиси экан, бугунги кунда ҳам тил, тарих, дин, урф-одат сингари умумий мутлақо объектив жиҳатлари билан цивилизациялар бир-бирдан ажралиб туради.

Турли цивилизацияга мансуб кишилар жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий жараёнларда, халқларнинг шаклланишида ўзига хос урф-одат, анъаналарга эга бўлиб, улар юз йиллар давомида шаклланади. Бу тушунчалар сиёсий тартиблар, мафкураларга қараганда бардошли бўлади.

Инсоният тобора кўпроқ интеграция ва ассимиляция жараёнига киришсада, уларнинг маданий-маърифий тараққиёти

ва урф-одатларида ўзига хослик узоқ сақланиб қолади. Реъядр Киплинг ўзининг “Шарқ ва Ғарб ҳақида Баллада” асарида: “Ғарб-бу Ғарб, Шарқ-бу Шарқ. Улар еру-кўк ҳали кўрқинчли қиёмат кунида кунпаякун бўлмагунча бошлари бир жойда қовушмайди”,-деган фикрларни келтиради. Бу билан цивилизацияларнинг сиёсий ва мафкуравий тушунчалардан бардошли эканлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Жаҳон цивилизациялари тарихи фанининг предмети – ер юзида инсоният ақл заковати ва қўли билан яратган моддий ва маънавий маданият тарихи ва тараққиёт даражасини ўрганишдир. Шунингдек, инсоният тараққиётига турли тарихий даврларда муҳим ҳисса қўшган энг йирик мамлакатлар, давлатлар ва халқларнинг ўша давр тарихий тараққиётини таҳлил қилишдир.

Жаҳон цивилизациялари тарихи фанининг методологик асоси, жаҳон цивилизацияларининг тарихийлик, инсонпарварлик, объективлик принциплари асосида реал ёритиб бериш, ўзга халқларнинг тарихи, маданиятини ва жаҳон халқлари маданиятига қўшган ҳиссасини камситмаслик, тарихий анъаналарни бузмаслик, назариялар ва ғояларга тўғри баҳо бера олишдир.

Ушбу фан методи – тўпланган билимларни умумлаштириб, илмий анализ қилиш, объектив таҳлил асосида холисона хулосага келиш.

Жаҳон цивилизациялари тарихи фанининг асосий мақсади талабаларга дунё цивилизациялари, уларнинг умуминсоний асослари, тараққиёт даражаси ва ютуқларидан чуқур билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни ватанпарварлик, умуминсоний ғояларга садоқат руҳида маданиятли қилиб тарбиялашдан иборат.

Цивилизация атамаси – XVIII асрда француз маърифатпарварлари томонидан илк бора қўлланила бошланган эди. Улар дастлаб цивилизацияга мустақиллик, ҳақиқат, ҳуқуқий тизим ҳукмронлик қиладиган фуқаролик жамияти деб таъриф бердилар. Цивилизация атамаси аслида лотин тилидан олинган бўлиб, фуқароликка, давлатга тааллуқли деган маънони беради. Шунинг билан бирга цивилизация сўзининг яна қатор маънолари борки, энциклопедик луғатларда қуйидаги таърифларини учратиш мумкин:

1. Маданият сўзининг синоними;

2. Ижтимоий тараққиёт, моддий ва маънавий маданият даражаси босқичи;

3. Ижтимоий тараққиётнинг варварлик (вахшийлик)дан кейинги босқичи.

Француз маърифатпарварлари асосан цивилизацияни маданият тушунчаси билан боғлиқ ҳолда кўрдилар. XVIII-XIX асрлар давомида Европа умуман Ғарб олимлари цивилизация атамаси хусусида ўз тадқиқотларида кўпроқ тўхтаб бордилар. Биз Америкалик қадимшунос Льюис Генри Морган (1818-1881 йй.)нинг изланишларида цивилизацияни маданий тараққиёт синоними сифатида кўришимиз мумкин. Унинг “Қадимги жамият ёки инсониятнинг ёввойиликдан, варварлик орқали цивилизация босқичига ўтиши” деб номланган асарида барча қадимий халқлар ўз тарихи давомида ёввойилик ва варварлик босқичларидан сўнг цивилизация босқичига ўтадилар деб таъкидлайди. Л.Г. Морганнинг фикрича, цивилизация синфларнинг, яъни хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан бошланган. О.Шпенглер эса, цивилизация атамасини салбий маънода талқин этади, цивилизация маданий-тарихий жараённинг тугаши, унинг чириши, инқирози деб тушунган. Макс Вебер (1864-1920 йй.) фикрича, Ғарбий Европанинг капитализм ва инсоният цивилизацияси марказига айланишига сабаб христиан динининг Ғарбий Европада хўжалик идеологиясини яратганлигида деб қаради. Бу фикрларини Вебер “Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи”, “Протестантлик секталари ва капитализм руҳи”, “Дунё динларининг хўжалик этикаси” каби асарларида асослашга ҳаракат қилди. Бу билан Вебер цивилизацияга хўжалик тараққиёти нуқтаи-назаридан баҳо берди.

Фернан Бродель (1902 й - ?) Вебер фикрини ривожлантириб, “ҳудудий яқин бўлган жамиятлар ўзаро тарихий таъсирда ривожланади”, – дейди. Унинг “Филип II даврида Ўрта ер денгизи ва Ўрта ер денгизи дунёси” номли асарида цивилизациялар ривожда географик жойлашув, демография ва аҳоли психологияси каби масалаларни ҳам унутмаслик лозим дейди. Бродель цивилизацияни ижтимоий хўжалик тараққиёти нуқтаи-назаридан ўрганиш лозим деб ҳисоблайди.

Освальд Шпинглер (1880-1936 йй.) ғояларида Ницше фалсафаси катта таъсир кўрсатган бўлиб, юқорида

таъкидлангандек цивилизацияга тарихий маданий жараённинг тугаши сифатида қаради. У тарихни бир қанча мустақил, такрорланмайдиган маданиятлар, индивидуал тарихга эга бўлган туғилиш, равнақ топиш ва ўтмиш даврини келтирадиган алоҳида организмларга бўлади. Икки томлик “Европа қуёшининг ботиши” асарида монархия тарафдори бўлганини ва урушни “Олий инсоний борлиқнинг адабий формаси” эканлигини таъкидлайди. Бу фикри билан цивилизацияга вайрон бўладиган маданиятлар нуқтаи-назаридан қарайди.

Сорокин Питирим Александрович (1889-1968 йй.) фикрига кўра, воқеълик турли маданий-ижтимоий системалар монархиясидир. Маданият типлари ҳуқуқ, санъат, фалсафа, дин ва ижтимоий муносабатлар структурасида ифодаланган ҳукмрон дунёқарашда намоён бўлади. Сорокин капитализм инқирозини материализм ва фаннинг ривожланишида деб қаради. Бундан келажакда диний капиталистик маданият тантанаси билан қутилиш мумкин деб ҳисоблаб, цивилизацияни кенг қамровли йўналишларда ўрганиш билан бир қаторда диннинг устунлигини унутмаслик зарурлигини ҳам уқтиришга ҳаракат қилади.

Карл Ясперс (1883-1969 йй.) эгзистенциализм (лот-эксистентиа-яшаш мавжудлиги) йўналиши тарафдори бўлиб, умрининг охиригача авторитаризм (бир шахснинг мустабид ҳокимияти)га ва реваншизм (ўч, қасос олиш)га қарши чиқди. Унинг дунёқарашда цивилизацияда инсон мавжудлиги, шахс тақдири, ҳаёт маъноси асосий ўрин тутиб, пессимистик (тушкун) дунёқарашга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Арнольд Тойнби (1889 йй.) цивилизацияга минтақавий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда қаради. У халқ, давлат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва бир-бирига қарамлиги сабабли цивилизация шаклланади, цивилизация ритмик хусусиятга эга деб ҳисоблайди. Тойнби турли даврларда турли ҳудудларда шаклланган цивилизацияларга эволюцион назария асосида қараб, қуйидаги цивилизациялар ва уларнинг минтақавий ҳудудларини кўрсатиб, уларни ўрганишда нималарга эътибор бериш лозимлигини кўрсатади.

1. Ғарб жамияти, Ғарб христианлиги билан бирга;

2. Жанубий Шарқий Европа ва Россияда провослав христиани, ёки Византия жамияти билан бирга;

3. Шимолий Африка ва ўрта Шарқдан Буюк Хитой деворигача ислом жамияти билан бирга;

4. Ҳиндистонда ҳиндуийлик билан бирга;

5. Жанубий-Шарқий Осиёда узоқ Шарқ жамияти билан бирга ўрганиш лозим деб таъкидлайди.

Ҳозирги кунда цивилизация ва цивилизациялар билан боғлиқ кўплаб фикрлар мавжуд. Америкалик профессор С.Хантингтон цивилизация атамасини “ривожланган” маъносида қабул қилишни таклиф этади. 1997 йилда унинг “Цивилизациялар тўқнашуви” номли китоби чоп этилиб, унда кейинги уруш цивилизациялар ўртасида бўлиши, ўз-ўзини йўқ қилувчи уруш бўлиши таъкидланади.

Цивилизация тушунчасига аксарият ҳолларда инсоннинг жамият моддий, маънавий, хўжалик соҳаларидаги ўзгартирувчилик фаолияти ва унинг яқунлари сифатида қаралади. Қадимги Рим давлатининг сўнгги даврларида “Маданият” тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини, жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар. Кейинги даврларда бу фикр бошқа халқлар ва минтақаларга ҳам тарқалди. Ушбу фикрни ўрта асрларда машҳур Ўрта Осиёлик олимлар Фаробий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар ҳам таъкидлаб, асарлар ёздилар.

Фаробий фикрича: “Ҳар бир инсон табиатига кўра, олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади. Бундай етукликка эса, фақат шаҳар жамоаси орқали эришилади”. Қадимги ва ўрта асрларнинг илк босқичида “Маданий жамият” ва “Маданий шаҳар” тушунчаси устун бўлиб, унда ҳар бир одам, кишилар ўртасидаги фарқ бўлмайди, деган тушунчалар мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик цивилизация, моддий-маданият босқичини ифодалаганини кўриш мумкин. Янги замонда цивилизация-инсониятнинг варварликдан кейинги тараққиёт босқичи деб қаралди.

Цивилизация тушунчаси XVIII асрда маданият тушунчаси билан боғлиқ деб қаралган эди. Француз маърифатпарварлари (Вольтер, П.Тюрго, Ж.А.Кондерсе) ақл ва адолатли тизимга асосланган жамиятнинг цивилизацияли жамият деб

тушунганлар. Ж.Ж. Руссо маданий миллатларнинг бузилганлиги ва ахлоқий тубанлашганлигига патриархал босқичда бўлган халқлар ахлоқи содда ва соф бўлишини қарши қўйиб, биринчи бор цивилизацияни “Танқид” қилади.

Немис классик файласуфлари цивилизация зиддиятларига барҳам беришда “руҳ” доирасидан келиб чиқиб фикр юритадилар. И.Кант-ахлоқий, Ф.Шиллер-эстетик, Г.Гегель-фалсафий онг доирасидан изладилар. Лекин XIX асрда цивилизация тушунчасига капитализм тавсифи сифатида қарашлар устун бўлди. О.Шпинглернинг “Маҳаллий цивилизация” назариясига кўра: “Техника тараққиёти, санъат ва адабиётдаги тушкунлик, аҳолининг шаҳарларда тўпланиши, халқларнинг ўз қиёфасини йўқотиши” цивилизация тараққиётининг тугал босқичи эди.

Цивилизация – жамият ривожининг прогрессив босқичи бўлиб, унинг кўринишлари умуминсоний қадриятларни тўла ҳал қилиб бера олмаслиги мумкин. Ана шунинг натижасида бир маданият иккинчи бир прогрессивроқ маданият билан алмашинади.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Цивилизация тушунчасига таъриф беринг?
2. Инсоният тарихида ўтган цивилизация ва субцивилизацияларни санаб беринг?
3. Цивилизация атамаси илк бора қпчондан бошлаб қўлланила бошланган?
4. Цивилизацияларни бир-биридан ажратиб турувчи жиҳатлар жаҳатларни айтинг?
5. Луис Генри Морганнинг цивилизация тўғрисидаги фикрларини биласизми?
6. Тарихий маданий жараённинг тугаши, инқирози, унинг чириши дея цивилизацияни танқид олимни айтинг?
7. Фернан Бродель цивилизацияни асосан қайси нуқтаи-назардан ўрганиш лозим деб ҳисоблайди?
8. Освальд Шпенглернинг “Европа қуёшининг ботиши” асарига таъриф беринг?
9. Эгзистенциализм атамасига таъриф беринг?
10. Арнольд Тоймби эволюционизм назария асосида цивилизацияларни қандай минтақавий ҳудудларга бўлган?

11. Хантингтонни қайси асарида бундан кейинги урушларнинг цивилизациялар ўртасида бўлади деган?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998. – 32 б.

4. Қадимги цивилизациялар. / Ш. Эргашев. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, - 360 б.

5. Urakov D.J. Jahon sivilizatsiyalari tarixi. T., 2018. – 128 б.

6. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

7. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

8. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

### **Интернет материаллари**

1. <http://history.hanover.edu/texts.htm>

2. <http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html>

3. [http://English www.hss.cmu.Edu/history](http://English.www.hss.cmu.Edu/history)

4. <http://www.washlaw.edu/forint/>



## **2-МАВЗУ. ДАСТЛАБКИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.**

### **Режа:**

2.1. Дастлабки цивилизацияларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари.

2.2. Яқин Шарқда деҳқончилик маданиятлари ва ёдгорликлари.

2.3. Шарқий Осиё ва Ганг водийсида деҳқончилик муаммоси. Маданий инқилоб муаммолари.

**Таянч иборалар.** Ишлаб чиқариш, неолит даври, Иерихон, Натуф, Чатал Гуёк, Загрос, Хараппа, Яньшао, Жойтун, Чақмовли маданиятлари, пиктография, петроглия, иероглиф, тасвирий санъат, санъат, хўжалик тараққиёти, мулкый тенгсизлик, ҳашаматли архитектура, илк шаҳарсозлик.

Инсоният ибтидоий жамоа даврида узоқ тарихий жараёни босиб ўтди. Л.Морган таъкидлаганидек, ёввойиликдан оловдан фойдаланиш, кийим-кечак кийиш ва турар жойларни яратиш орқали варварлик босқичига ўтиб, деҳқончилик, чорвачилик, яъни ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик турлари орқали цивилизация босқичига ўтади. Бу ҳолат неолит даврида юз бериб, инсоният бу даврда тошни йўниш, синдириш техникасидан ташқари силлиқлаш, арралаш ва пармалаш техникасини ҳам ўрганди, сопол ихтиро қилинди. Неолит даврида чорвачилик тараққиёти билан ип йигириш ва тўқувчилик йўлга қўйилди. Қичитқи ўт, ёввойи наша, дарахт пўстлоғи, зиғир толаси, юнг тўқувчилик материалларини билиб олди. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш мезолит даврида бошланган бўлсада, бу неолит даврида ягона соҳа чорвачиликни шаклланишига олиб келди. Териб-термачлаш орқали деҳқончиликнинг вужудга келиши захира озиқ-овқатнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади.

Жамиятнинг тараққий этиб бориши билан аста-секин ёзув пайдо бўла бошлади. Сўнгги палеолит (40-12 минг йилликлар)да вужудга келган тасвирий санъат кейинчалик бир тизим тартибга солина борди. Петроглиф (тош ёзув)лар, пиктограф (сурат ёзув)ларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Кейинчалик

мил.авв. III-II минг йилликларда иероглиф (илохий муқаддас ёзув)лар шаклланган бўлса, кишилиқ тараққиётининг мил.авв. II-I минг йилликларида алифбо шаклидаги ёзувлар яратилди. Қадимги цивилизация ривожда ёзув алоҳида аҳамият касб этди. Ёзувнинг ихтисослашуви натижасида Мисрда ёзув худоси Тот, Месопотамияда Донишманд Уту, Юнонистонда Меҳрибон Прометей, Хитойда Юй, Ҳиндистонда Вишну каби ҳомий худолар, қаҳрамонлар тимсоли яратилди.

Илк цивилизацияларни шаҳарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, шаҳар вужудга келиши билан бошқарув, маданий, ижтимоий тартиблар маълум бир тизимда шаклланади. Бу эса, ўз навбатида деҳқончилик асосларига боғлиқ эди. Бу асосдаги илк шаҳарлар Месопотамиядаги Ур, Умма, Лагаш, Ниппур, Эриду, Ларса, Киш..... бўлса, Мисрда Бусирит, Ксонс, Уауат, Мемфис, Фива..., Финикия ва Фаластинда Цертхон, Дур шаруккин, Библ, Сидон, Аврот, Тир... Ҳиндистонда Моҳенжо Даро, Чатху Даро, Хараппа, Равалпинди, Таксилла...дир. Бу шаҳарлар хўжалиқ тараққиёти ва мулкый тенгсизликнинг вужудга келишидан, серсув дарёларни жиловлаш, ташқи душмандан ўзини муҳофаза қилиш сабабларидан шаклландилар.

Қадимги шаҳарлар қиёфаси ўша даврлардаёқ икки қисмга бўлинганлигини кўрсатади. Масалан: мил.авв. 2800 йилликка оид афсоналарда Гилгамиш Урук ва Куллаб ҳокими сифатида тилга олинади. Демак, Куллаб Урук шаҳрининг аристократлар яшайдиган қисми. Бу юқоридаги фикримиз тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

Илк цивилизацияларда ҳашаматли қурилишлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Қадимги дунёнинг эҳромлар, Иерихон, осма боғлар, баҳайбат ҳайкалу, деворлари ҳукмдорларнинг оддий инсон эмас илохий зот эканлигига ишора бўлиши лозим эди. Ҳашаматли биноларга қўплаб қўл кучи ва узоқ йиллар сарф этилар эди.

Неолит замонида чорвачилиқ, деҳқончилик, ҳунармандчилик соҳаларининг вужудга келишида ундан олдинги даврларда, хусусан, мезолит даврида шарт-шароитлар етилган эди. Овчининг ортиқча овни “эртанги” эҳтиёж учун сақланиши чорвачилиқни келтириб чиқарган бўлса, териб-термачлаб овқат топиш, ўсимликлар уруғларини йиғиш, табиатни кузатишга ва

деҳқончиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Хўжаликнинг турли соҳалари билан шуғулланувчиларнинг мол айрбошлаши янги хўжалик соҳаларининг шаклланишига сабаб бўлди. Бу эса неолит инқилоби деб номланди. Деҳқончилик кишиларни бир жойда муқим яшашларига имкон бериб, шаҳар маданияти ривожига ҳам улкан таъсир кўрсатди. Дастлабки маданиятлардан бири бўлган Иерихон харобаси мил.авв. IX-VIII минг йилликларга оид бўлиб, неолит даврида шаклланган илк деҳқончилик маданияти ҳисобланади. Майдони 4 гектар бўлиб, денгиз сатҳидан 200 метр баландликдаги бу маданият аҳолиси асосан буғдой ва арпа экиб тирикчилик қилган. Галла омборининг мавжудлиги жамоа (ёки давлат) захирасининг маълум бир тизим томонидан бошқарилишини англатади. Уйлар тош пойдеворли бўлиб, девор лой пахса билан тикланган. Уйларнинг аксарияти бир хонали 4-5 диаметрли айлана шаклга эга. Мудофаа деворларининг эни 1,64 метрни, баландлиги 3,9 метрни ташкил этади. Шунингдек, 5 метрли минора қазиб ўрганилган. Иордан дарёсининг шимолидаги бу шаҳар аҳолиси савдо-сотик билан ҳам шуғулланган деган фикрлар мавжуд.

Мил.авв. VIII-VII минг йилликларга оид Чейюню ва Чаталгуюк ёдгорликлари жанубий-шарқий кичик Осиё худудида жойлашган бўлиб, бу ёдгорликларда деҳқончилик маданиятининг илк излари инсон хўжалик фаолиятида уй ҳайвонларининг роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Чатал Гуюк майдони 13 гектарни ташкил этиб, уйлар тўртбурчак, ғишт ва тошдан қурилган. Уйга томдан кирилиб, томга зиналар орқали чиқилган. Уйларда махсус қувурлар ҳавони тозалаб турган. Чатал Гуюкликлар буғдой, арпа, нўхат, мурч каби ўсимликлар етиштирганлар. Шунингдек, чорвачилик, овчилик, балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Чатал Гуюкда кўплаб шифобахш ўсимликларнинг уруғлари топилган бўлиб, улардан шароб ва даволашда дори-дармонлар тайёрланган. Денгиз чиғаноқларидан уй-рўзғор буюмлари, тўқилган газламаларга ранг бериш, турли тасвирлар тушириш такомиллашган. Кулолчиликда ранглар ўткирлиги билан ажралиб туради. Ҳайкалтарошлик соҳасида Чатал Гуюкликларнинг учта кекса аёл, она, ёш шаклдаги худолари, турли ҳайвон ҳайкалчалари диққатга сазовордир.

Марказий Осиёда ҳам деҳқончилик маданиятининг мил.авв. IV-II минг йилликларга оид ёдгорликлардан бири бу Жойтун маданиятидир. Бу ёдгорлик Ашхобод яқинида чакмоқли манзилгоҳидан топилган. Чўпонлар бу ердан олов ёқиш учун чакмоқтош териб олгани учун чакмоқли деб номланган. Жойтун номи эса, ёмғирдан сўнг қум остидаги гуваладан қурилган уйларнинг қорайиб кўринишидан келиб чиққан. Бу ерни қазилар давомида ўроқ, пичоқ, суякдан ишланган игна, бигиз ва бошқа анжомлар топилган. Жойтунликлар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлар. Чорва молларидан қорамол, қўй ва эчки боққанлар.

Мил.авв. VII-VI минг йилликларда вужудга келган Месопотамиянинг Жармо, Эрон ва Месопотамия оралиғидаги Эроннинг шимолий-ғарбида Загрос маданияти ҳам инсоннинг ўзлаштирма хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжалик (деҳқончилик, хунармандчилик) турларига ўтиб бораётгани кўрсатади. Загрос маданиятида сопол идишларга қизил бўёқ берилиб, содда геометрик белгилар чиза бошлаганлар.

3. Шарқий Осиё, жумладан, Ҳиндистонда мил.авв. III-II минг йилликларда деҳқончилик тараққий этиб, Сулаймон тоғларида дунёдаги илк буғдойнинг хонакилаштирилганлиги археологик маълумотларда ўз аксини топган. Ҳинд дарёси водийсидаги кенг далаларда буғдой, арпа, нўхат, қовун етиштирилган. Бироз кейинроқ эса, мато тўқиш учун пахта ҳам етиштирила бошланган. Хурмочилик ҳам тараққий этган. Ерлар омовда ишланиб, ўрим вақтида мис ўроқлар ишлатилган. Хараппа харобаларидан топилган йирик омовлар бошқарув тартибларининг мавжудлигидан далолат беради.

Қадимги ҳинд цивилизациясининг Моҳенжо Даро (ўликлар водийси), Хараппа каби катта шаҳарлари улардаги архитектура, шаҳарсозлик анъаналарининг ўзига хослиги, ёзув мавжудлиги, ибодатхоналар бу ерда ҳам орийлар келмасидан давлат ва маданият гуллаб яшнаганлигини кўрсатади.

Шарқий Осиёнинг энг йирик ва ўзига хос маданиятга эга мамлакати бўлмиш Хитойда ҳам мил.авв. IV-III минг йилликлардаёқ илк деҳқончилик маданиятлари ёдгорликлари шаклланган эди. Марказий Хитойдаги Яньшао маданиятига мансуб аҳоли, буғдой, шоли ва дуккакли ўсимликларни

етиштирганлиги маълум. Ишлаб чиқарувчи хўжалик тармоқларига ўтиш билан бирга маданиятнинг янги тури бошланиб, илк цивилизациялар ва маданиятлар шакллана бошлади. Бу эса янги тартибларни юзага келтирди. Хўжалик-иқтисодий ўзгаришларга, ижтимоий-маданий, маънавий ўзгаришлар кўшила борди.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Л.Морган фикрича инсонлар цивилизациягача яна қайси босқичларни ўтганлар?
2. Тошларни йўниш, силлиқлаш, пармалаш техникаси қайси даврда вужудга келган?
3. Алифбо шаклидаги ёзувлар қачондан бошлаб вужудга келган?
4. Қадимги цивилизациялардаги ёзув худоларини санаб беринг?
5. Илк Ҳинд цивилизациясига оид шаҳарларни санаг?
6. Илк цивилизациялардаги ҳашаматли архитектура нима учун керак эди?
7. IX-VIII минг йилликларга оид Иерихон маданияти ҳақида нималарни биласиз?
8. VIII-VII минг йилликларга оид қайси цивилизацияда ёдгорликда шифобахш ўсимликлар етиштирилиб, дори-дармонлар тайёрлаш йўлга қўйилган?
9. Жойтун маданияти ҳақида гапириб беринг?
10. Моҳенжо Даро сўзининг маъносини биласизми?
11. Яньшао аҳолиси кўпроқ қайси ўсимликларни етиштирганлар?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

4. Қадимги цивилизациялар. / Ш. Эргашев. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, - 360 б.
5. Urakov D.J. Jahon sivilizatsiyalari tarixi. T., 2018. – 128 б.
6. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т.: Зарыалам, 2004. – 138 б.
7. Лаумулин М.Т. История Казахстана и Центральной Азии в мировой ориенталистике (к 550-летию Казахского ханства). - Астана: КИСИ, 2015. - 592 с.
8. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – 287 с.
9. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
10. Қадимги цивилизациялар. / Ш. Эргашев. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, - 360 б.

#### **Интернет материаллари**

1. [http:// www.ukans.edu/history/v1/](http://www.ukans.edu/history/v1/)
2. [http:// www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiifindex.html](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiifindex.html) //
3. [http:// www.lib.byu.edu/-rdh/www/](http://www.lib.byu.edu/-rdh/www/)
4. [http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)

### **3-МАВЗУ. ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИ (МЕСОПОТАМИЯ)НИНГ ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

#### **Режа:**

3.1. Қадимги Месопотамия аҳолиси.

3.2. Месопотамиянинг сиёсий аҳволи, ижтимоий-иқтисодий институтлар.

3.3. Қадимги икки дарё оралиғининг маданияти.

**Таянч иборалар.** Месопотамия, илк ўтроқ маданиятлар, шумерлар, аккадлар, илк шаҳарлар, ижтимоий курашлар, “Калхатлар лавҳаси”, Бобил, Оссур, Митанни давлатлари, Хамураппи қонунлари, ёзув, адабиёт, календар, диний қарашлар, анунақлар, игиглар.

Археологик маълумотлар Месопотамияда бундан 100-90 минг йиллардан бошлаб аҳоли яшаб келаётганини кўрсатади. Қазилар даврида қадимий Месопотамия аҳолиси ушбу ўлкани ярим ой шаклида ўраб турган Загрос, Тавр, Ливан тоғларидан тушиб келгани аниқланган. Илк ўтроқ маданият белгилари 10-8-минг йилликларда ишлаб чиқарувчи хўжалик (чорвачилик, деҳқончилик) тармоқларининг пайдо бўлиши билан шакллана борди. Месопотамия ҳудудида мил.авв. 7500-6000 йилликларга хос Загрос, Али Қош, Ан-Натуф, Эл-Убайд маданияти ёдгорликлари асосан Загрос тоғлари Месопотамия текислигига деҳқончилик маданиятининг кириб келганлигини кўрсатади. Бу ёдгорликларда уйлар хом ғиштдан қилинган, арпа ва буғдойнинг ярим маданийлаштирилган тури экилган. Табиий жиҳатдан Месопотамия икки қисмга бўлинган:

1. Юқори Месопотамия (бу ҳудуд тоғли ҳудудлар бўлиб, кейинчалик Аккад деб номланган).

2. Қуйи Месопотамия (бу ҳудуд текислик бўлиб, кейинчалик Шумер деб атала бошланган).

Мил.авв. IV-III минг йилликларда Месопотамияга икки қабила шимолий-шарқдан Загрос тоғлари орқали шумер жануби-ғарбдан семит қабилалари кириб келиб ўрнашганлар. Шумерлар ва уларнинг қайси халқлардан келиб чиқиши ҳозиргача фанда

кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Уларнинг антропологик белгилари шу ҳудудда яшовчи бошқа халқларга ўхшамайди. Шумерликлар паст бўйли, соқоли кам, юзлари япаски, кўзлари катта, бошлари думалоқлиги билан бошқа халқлардан ажралиб турганлар. Уларнинг келиб чиқишлари ҳақида ҳали бир тўхтамга келингани йўқ. Семит қабилалари эса, Семит-Хуррит қабилаларига мансуб бир тармоқ бўлиб, ўзларини Аккадлар деб атаганлар. Аккадлар узун бўйли, серсоқол, узунқоч бош, қирра бурун, кўзлари катта ва чиройли бўлганлиги билан шумерлардан фарқ қилганлар.

Кейинчалик, Месопотамияга Арабистон ярим ороли, шимолий Африкада кенг тарқалган Семит-Хуррит қабилаларининг айримлари, Загрос тоғлари орқали эса воҳага Гутей, Кассит, Оссур, Лулубей, жанубдан Халдей, ғарбдан Арамейлар ва бошқа бир қатор жанговар қабилалар бостириб кирганлар. Мил.авв.IV-III минг йилликлардаёқ Эроннинг жанубий-ғарбида яшовчи элам қабилалари Месопотамияга бостириб кириб, Месопотамиянинг жанубий-шарқида маҳаллий аҳоли билан қўшилиб яшай бошлаганлар. Кишилик тараққиётининг мил.авв.I минг йилликларида эса Месопотамияга эронликлар, юнон-македон, римликлар келиб ўрнашиб, маҳаллий аҳоли билан қўшилиб ҳозирги Месопотамия аҳолисининг юзага келишига сабаб бўлдилар.

Мил.авв. III минг йиллик бошларидаёқ Месопотамияда синфий муносабатлар чуқурлашиб, давлат вужудга келади. Илк давлатлар шаҳар давлатлар сифатида ташкил топиб, доимо бир-бирлари билан рақобатлашиб турганлар. Шумерда Эриду, Ур, Умма, Ларса, Урук, Лагаш, Шурупак, Нипур, Исин, Киш улардан шимолда Ашшур, Мари, Ниневия ва бошқа шаҳарлар бор эди. Мил.авв. XVII-XVII асрларда Киш шаҳри кучайган. Мил.авв.XVII асрда эса, Урук шаҳри кучайган. Мил.авв. XXVI-XXIV асрларда Ур шаҳри Месопотамиядаги етакчилиқни Урукдан тортиб олади. Шундан сўнг, Лагаш подшоси Эанаттум бутун Шумерни Лагашда бўйсундиради. Тинимсиз уруш ва оғир солиқлар натижасида Лагашда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимият тепасига Уруинимгин келади. Мил.авв. 2318-2312 йилларда бир қадар ислохот ўтказилсада, Лагаш Умма шаҳри ҳокими Лугалзагисси томонидан тор-мор қилинади.



Месопотамиянинг марказий ва юқори қисмларида яшаган Семит қабилалари мил.авв. III минг йиллик охирларида Аккад давлатини туздилар. Подшо Саргон I (2316-2261 йй.) бу давлат асосчиси эди. Саргон I (Саргон-ҳақиқий подшо дегани) Аккадда мустақамланиб олгач, Шумерга бостириб кирган Элам подшоси, Лугалзагисси ва уни қўллаб-қувватлаган 50 подшони тор-мор қилган. У Форс қўлтиғи ҳудудигача кириб борган. Саргон вафотидан сўнг тахтга унинг Римуш, Мануштуш, Карамсин номли ўғиллари бирин-кетин ўтирганлар. Лекин улар мустақиллик учун қўзғолон кўтарган шаҳарлар ва сарой аъёнлари билан тинимсиз кураш олиб боришларига тўғри келади. Подшо Шаркалишарри даврида Аккад давлатида исёнлар кучайиб, шимолий ғарбдан аморийлар, жанубий-шарқдан эламликларнинг ҳужуми кучайган. Шаркалишари улар устидан ғалаба қозонсада, Загрос тоғларидан кириб келган гутейлардан мағлуб бўлган.

Гутейлар билан деярли бир вақтда мил.авв. II минг йилликда кириб келган Аморийлар Ашур, Эшнунна, Бобил, Мори, Ларса, Исин каби шаҳарларни босиб олганлар. Ўзаро курашларда ғолиб чиққан Бобил подшоси Сумиаббум 1894-1595 йилларда ҳукмронлик қилган Бобил подшолигига асос солган. Бобил подшолиги айниқса, Хамураппи (1792-1750 йй.) даврида кучайиб, Элам подшоси Римсин, Мари подшоси Зимрилимлари ҳам мағлуб этган.

Аморийлар сулоласи даврида Месопотамияда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланди. Улкан қурилиш ишлари амалга оширилди. Хамураппи қонунлари мамлакатда бир қадар тартиб интизом ўрнатди. Аммо, Бобил подшолиги сўнггида жанубий шарқдан эламликлар, шарқдан касситлар, шимоли-ғарбдан хеттларнинг ҳужумлари кучаяди. 1595 йил касситлар зарбаси натижасида Бобил давлати қулайди. Оссурия давлати ҳудудий жиҳатдан Дажла дарёсининг юқори оқими, қуйи ва юқори Заб дарёлари ҳавзасини ўз ичига олади. Бу ерда илк давлатлар мил.авв. III-II минг йилликларда пайдо бўлган. Хамураппи даврида Оссурия Митаннига қарам бўлган бўлса, мил.авв. XVI-XV асрларда Митанни давлати Ашшур қўшинини тор-мор этиб, олтин ва кумушдан қилинган шаҳар дарвозасини Марига олиб кетган. Бу дарвоза 100 йил ўтгандан

сўнг, Ашшурга қайтарилган XV-XIV асрларда Оссурия давлати кучайиб истилочилик юришлари олиб борган. Салманасар I даврида эса Митанни давлати босиб олинган. XIII асрда Бобил, Элам давлатларига ҳарбий юришлар қилиб турилган. Тиглатпаласар I даврида Қора ва Ўрта ер денгизи ҳавзаларида ҳам кўшин тортган. Лекин мил.авв. XII асрда Мисрнинг Яқин Шарқда таъсирининг кучайиши натижасида Оссурия инқирозга учрайди.

Мил.авв. X асрда Оссурия яна ўзини ўнглаб, кўшни давлатларга таҳдид сола бошлаган. Салманасар III даврида Ўрта ер денгизи шарқий соҳилидаги шаҳар қишлоқлар таланган. VIII аср бошларидаги Урарту билан рақобатда Урарту вайрон этилган.

Тиглатпаласар III бошлаб берган янги сулола мил.авв. VIII асрда Оссуриянинг сўнгги бор кучайишига ва истилочилик юришларига бошчилик қилди. Салманасар V, Саргон II, Синахериб, Асархатдон, Ашшурбанипаллар шарқда Загрос тоғлари, Элам, ғарбда олд Осиё жанубда Мисргача ҳарбий юришлар қиладилар. Бироқ, VII аср охирида Оссурия учун Мидия ва янгида тузилган Бобил подшолиги (мил.авв.628 й.) туғилади. Ушбу иттифоқ Оссурияга қарши ҳарбий юриш қилиб, 612 йил Ашшурни ишғол қиладилар. Мил.авв. 605 йили Миср Оссур кўшини Кархемиш ёнида Мидия Бобил кўшинидан мағлуб бўлади. Оссурия давлати шундан сўнг бутунлай тугайди. Бобил яқин шарқдаги энг йирик давлатлардан бири бўлиб қолди. Аммо янги ташкил топган Эрон давлати Бобил подшолигини тез орада (мил.авв. 539 й.) истило қилади.

Месопотамия иқтисодий-хўжалик ҳаётида деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик кенг тараққий этган. Давлат кучайган даврларда каналлар қазилиб, сувсиз ерлар обод этилган. Бунда эса асосан қуллардан фойдаланилган. Қуллар қарздорлик ва ҳарбий асирлар эвазига кўпая борган. Месопотамияда жамоачилик (қишлоқ жамоаси) жамиятининг ўзагини ташкил қилган. Давлатнинг вужудга келиши билан бошқарув органлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Шаҳар давлатлар бошлиқлар дастлаб эн (энци) подшо ва бош қоҳин унвонини олганлар. Месопотамия шаҳар давлатларида кўшин ва армиянинг аҳамияти катта бўлиб, аскарлар реддум ва баирум, бошқарув зобитлари либуттум ва деккум деб аталувчи даражаларга

бўлинган. Хунармандчилик ривожланиши билан савдо-сотиқ ҳам таракқий қилган. Савдогарлар тамқарлар, эркин жамоачилар эса Алаккум деб аталган.

Месопотамияда ёзув IV минг йилликда шаклланиб, миҳхат ёзуви деб ном олган. Ёзишда сопол тахтачаларга миҳсимон иероглифлар ўйиб ёзилгани учун шу номни олган. Ёзувнинг пайдо бўлиши билан илк адабиёт намуналари ҳам шакллана бошлаган. Месопотамияда “Хўжайиннинг қул билан суҳбати”, “Симбот ҳақида афсона”, “Гилгамеш”, “Бутун дунё тўфони”, “Энмеркар ва Аратта подшоси”, “Энки ва Нинхурсаг” ва бошқа кўплаб асарлар яратилдики, улар саёҳат, саргузашт, ўша давр ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. “Тилмун савдоси” номли афсонада Месопотамия халқларининг савдо-сотиғи ҳақида ҳикоя қилинса, Гилгамеш афсонасида худоларга қарши бориб бўлмаслиги, дунё тўфонида эса худолар ғзабидан кўрқиб лозимлиги, Энмеркар ва Аратта подшосида узоқ саёҳатлар ва саргузаштлар, “Авлиё Агастия” ва “Хўжайиннинг қул билан суҳбати” афсоналарида Месопотамиянинг ижтимоий тузуми акс этгани билан ажралиб туради.

Қадимги Месопотамияда илк бора мактаблар ташкил этилиб ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Мактабларда асосан ўзига тўқ оила болалари ўқиган. Месопотамия ўша давр мактабларининг аҳволининг ўрганишда мил.авв. 2800 йил олдин ёзилган мактаб ўқувчисининг кундалиги катта аҳамиятга эга. Унга кўра, ўқитувчи мактаб отаси, халифа эса отанинг катта ўғли деб номланганини билиш мумкин.

Қадимги Месопотамияда узоқ давр мобайнида тўпланган билимлар ва бой тажрибалар сопол тахтачалар ва бошқа ашёларга ёзилиб, кутубхоналарда сақланган. Одатда ибодатхоналар кутубхона вазифасини ўтаган. Бундан ташқари подшолар, амалдорлар ва зодагонларнинг ўз кутубхоналари бўлган. Оссурия пойтахти Ниневия шаҳрини қазиб вақтида Оссур подшоси Ашшурбанапал кутубхонаси топилган бўлиб, бу кутубхона қадимги дунёнинг ўз давридаги энг қимматли асарлари сақланиши билан боғлиқ. Шунингдек, Ашшурбанапал кутубхонаси китобларига махсус муҳр босилган бўлиб, унда “Эй, ушбу китобни ўқувчи, агар сен бу китобни ўғирласанг сенга

Ашшур ва Ададнинг ланати бўлсин” мазмунидаги сўзлар ёзилган.

Қадимги Шумерлар дастлаб ҳисоблашда қўл панжаларидан фойдаланганлар, кейинчалик кўпайтириш, бўлиш ва бирмунча мураккаброқ формулалар ёрдамида мисоллар ечиш ҳам маълум бўлган. Хўжаликнинг ривожланиши математика ва астрономия фанларининг тараққиётига боғлиқ бўлиб қолди. Вақтни ҳисоблашдаги астрономик маълумотлар Шумер-Аккад давридаёқ тараққий қилган. Бу даврдаги сақланиб қолинган маълумотларга кўра, тўрт иқлим, календар системасининг мавжудлигидан далолат беради. Бу календар ибодатхона (Шумерча-зикурат)лардан туриб, ой фазаларини доимий кузатиб бориш натижаларига асосланган. Шумерликларда йил 354 кундан иборат бўлган.

Қадимги Месопотамияда тиббиёт соҳаси, тарих, адабиёт ва бошқа бир қатор фанлар билан бирга давлат сиёсати, давлат ишларини юритишда ҳам ўзига хос ютуқларга эришилган эди. Подшо ҳар қанча мустабид бўлмасин унинг фаолиятини назорат қилиб турадиган маслаҳат кенгаши бўлган. Гилгамеш билан боғлиқ афсоналарни таҳлил қилар экан, инглиз олими С.Н. Крамер Шумер давлатларида подшо ҳокимиятини чеклаб турадиган оқсоқоллар кенгаши мавжуд бўлганини айтади. Афсонада Урук подшоси Гилгамеш қудратли Киш давлати зулмидан озод бўлиш учун кураш бошламоқчи бўлганида оқсоқолларнинг қаршилик қилиши, Гилгамеш эса оддий халққа таяниб оқсоқолларга қарши чиққани ҳикоя қилинади. Оссур подшоси Саргон II тахтга даъво қилмаслиги учун дастлаб уни руҳоний бўлишга мажбур қилиниши ҳам қудратли Оссурияда юқоридаги фикрларнинг амал қилганини кўрсатади. Подшо айна вақтда худонинг ўғли, ердаги сояси, кичик худо каби сифатларни ҳам олганлиги турли даврларда подшо ҳокимияти турли даражада бўлганлигини кўрсатади. Яъни, дастлабки давлатларда уруғчилик, ҳарбий демократик тамойиллар устунлик қилган бўлса, вақт ўтиши билан подшо ҳокимияти деспотик кўриниш олган.

Давлатни тутиб туриш учун энг аввал ҳарбий кўшин қадимги дунё давлатларида катта аҳамиятга эга бўлган. Аскарлар оғир ва енгил қуроолланган бўлинмалардан иборат бўлиб, мил.авв.

IV-III минг йилликларда улар фақат пиёда жангчилар бўлган. Мил.авв. II минг йилликдан бошлаб отлик аскарлар ҳам пайдо бўлган. “Калхатлар лавҳаси” ёдгорлиги қадимги Месопотамиядаги ҳарбий иш ҳақида хулосалар чиқаришда катта ёрдам беради.

Дунёдаги дастлабки қонунлар Шумер даврида ур-Намму номи билан боғлиқ. Аммо у яратган қонунларнинг бизгача жуда кам қисми етиб қелган. Подшо Хамураппи қонунлари эса, тўлиқроқ етиб келган ва ўша давр ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, хўжалик соҳаларини ўрганишда унинг аҳамияти бекиёсдир.

Қадимги Месопотамия динида ибтидоий диний эътиқод ва тасаввурлар кучли эди. Ҳар бир соҳанинг ўз ҳомий худолари мавжуд деб тасаввур қилганлар. Яратилган афсоналарга кўра, Месопотамия худолари Анунаклар ва игигларга бўлинадилар. Яъни, Анунаклар осмонда яшовчи олий худолар, игиглар эса ерда яшовчи кичик худолар. Уларинг сони 600 дан ортиқроқ бўлган. Шунингдек, ярим худолар, Гилгамеш, Хумбобо, Энкиду, Энки, Нинхурсаг, Энмеркар ва бошқалар ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар яратилган.

Икки дарё оралиғида архитектура санъати саройлар ва зиккуратлар (ибодатхоналар) қуришда айниқса ривожланди. Шунингдек, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, рақс, мусиқа санъатларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

### ***Мавзунни мустаҳкамлаш учун саволлар.***

Археологик маълумотларга қараганда Месопотамия худудида одамлар қачондан бошлаб яшаб келмоқдалар?

1. Загрос, Али Қош, ан-Натуф, эл-Убайд ёдгорликлари ёшини биласизми?
2. Месопотамияни табиий жиҳатдан неча қисмга бўлиш мумкин?
3. Қадимги даврда Месопотамияда яшаган халқлар ҳақида маълумот беринг?
4. Шумер ва Аккадларнинг тана тузилиши ҳақида маълумот беринг?
5. Шумер шаҳарларининг етакчилик учун курашлари тарихини айтинг?
6. Хамураппи қонунларини тавсифланг?

7. Оссурия давлати кучайган даврларни айтинг?
8. Месопотамия миххат ёзуви ҳақида нималарни биласиз?
9. Месопотамияда яратилган адабиёт намуналарини сананг?
10. Месопотамияда таълим-тарбия ва мактаб ишлари ҳақида гапириб беринг?
11. Ашшурбанапал кутубхонаси ҳақида тасаввурга эгамисиз?
12. Шумер календари, ўлчов бирликларини тавсифланг?
13. Анунаклар ва игиглар қандай илоҳлар ҳисобланади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
4. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
5. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.
6. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яхё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.
7. Қадимги цивилизациялар. / Ш. Эргашев. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, - 360 б.
8. Urakov D.J. Jahon sivilizatsiyalari tarixi. T., 2018. – 128 б.
9. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.
10. Крамер Сэмюэл Н. История начинается в Шумере. 2-е изд., измен. Пер. с англ. Ф.Л. Мендельсона. Передисл. пер. шумерских поэтических текстов и коммент. В.К. Афанасьевой. – М.: Наука, 1991. – 235 с.

11. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под. редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

12. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. – 456 с.

#### **Интернет материаллари**

1. [http: // www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html)

2. [http: // English www.hss.cmu.Edu/history](http://English.www.hss.cmu.Edu/history)

3. [http: // www.ukans.edu/history/v1/](http://www.ukans.edu/history/v1/)

4. [http: // www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml) //

## 4-МАВЗУ. ҚАДИМГИ МИСР ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

4.1. Қадимги Мисрда давлатнинг ташкил топиши, ижтимоий-иқтисодий институтлар.

4.2. Қадимги Миср маданияти.

4.3. Қадимги Мисрда дин.

Нил дарёси, қора тупроқ, ном, минес, қадимги подшолик, ўрта пошолик, гиксос, Миср-Хетт сулҳи, Ливия-Саис даври, пирамида, Эхнатон ислоҳотлари, ёзув, мирзалар мактаби, пирамида, календар, юлдузлар харитаси, Анибус, Тот, Осирис, Апис.

Миср Африканинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. Унинг ўртасидан Нил дарёси 700 км узунликда оқиб ўтиб, 20 км гача водийда суғориш ишларини амалга ошишига сабаб бўлди. Қадимги мисрликлар Нил дарёсини илоҳийлаштирганлар. Миср сўзи қадимги мисрликлар тилида “Қора тупроқ” маъносини беради. Мил.авв. VI-IV минг йилликларда Нил водийсида дастлабки зироатчилар манзилгоҳлари пайдо бўла бошлади. Дехқонлар буғдой, арпа, каноп, узум, қовун, анор, хурмо, пиёз, бодринг, ловия каби маҳсулотлар етиштирар эдилар. Ерга оддий сўқа билан ишлов берилгач, уруғлик сепилиб, уни ерга сингдириш учун ҳайвонлар (чўчқа, қорамол, қўй) подалар олиб ўтилар эди. Мил.авв. VI-IV минг йилликларда Миср деҳқонлари ҳосилни йиғишда мис ўроқлардан фойдаланганлар. Оддий одамларнинг уйлари лой сувалган папирус пояларидан, аслзодаларнинг уйлари эса, сомон қўшиб сувалган лойдан тайёрланган хом ғиштлардан қурилган. Нил дарёсини жиловлаш Мисрда давлат ташкилотининг вужудга келишига туртки бўлди. IV минг йилликда дастлабки кичик давлатчалар “Ном”лар пайдо бўла бошлади. Аста-секинлик билан бу номлар Мисрда ягона давлатлар учун кураша бориб, Мисрда иккита юқори ва қуйи Миср давлатлари ташкил топди. Улар ўртасидаги курашда подшо Менес ғалаба қозониб, ягона Миср давлати фиръавнига айланди. Илк подшолик мил.авв. 3100-2800 йилларда мавжуд бўлган. Мамлакат мил.авв. 2800-2500 йилларда қайта бирлаштирилиб, қадимги подшолик ташкил топади. Тўртинчи сулола вакиллари



Нубия, Фаластин, Синай ярим оролига босқинчилик юришлари қиладилар. Бу даврда Мисрда улкан тошлардан пирамидалар қуриш бошланди. Бешинчи сулола даврида ички кураш кучайган бўлса, олтинчи сулола вакиллари даврида номларнинг таъсири кучайган. Олтинчи сулола вакиллари мил.авв. XXIII аср ўрталарида мамлакатнинг парчаланиб кетишини олдини ола билмаган.

Мамлакатни бирлаштириш учун шимолда Гераклиопол подшолари ҳаракат бошлайдилар. Улар тўққизинчи сулолага асос солади. Бу сулола асосчиси Хети I эди. Аммо 9-10 сулола вакиллари подшоликни ўз қўлларида узоқ сақлаб қола билмаганлар. Жанубий Мисрдаги Фива номи ҳукмдори Мемтухатеп Мисрни қайта бирлаштириб, ўн биринчи сулолага асос солди. Мил.авв. 2250-1750 йилларда давом этган ўрта подшолик Мисрни қайта бирлаштиради. Давлат кучайган даврда Нубия, Куш, Фаластинга, ҳатто Фрот дарёсигача босқинчилик юришлари қилинган. Кўплаб қуллар, бойликлар олиб келинган. Мисрда мил.авв. XVIII асрда ўзаро кураш кучайиб номларнинг мустақилликка интилиши Фаластин, Синай, Шимолий Арабистонда яшаган Гиксос қабилаларининг бостириб киришига сабаб бўлади. Гиксослар 1710-1520 йилларда Мисрда ҳукмронлик қиладилар. Гиксос ҳукмдорлари 15-16 сулола вакиллари бўлиб ҳисобланади.

Гиксосларга қарши курашни 17 сулола вакиллари Фива подшоси Хамесу (Камесу) бошлаб юборади. Хамесунинг укаси Яхмос I (18 сулола асосчиси) Гиксосларни қувиб, Фаластинни ҳам ишғол қилади. Мисрда 1584-1071 йилларда Янги подшолик даври бошланади. Бу даврда металга ишлов бериш бошланди. Тутмос III, Аменхотеп II лар истилочилик юришлари билан шуҳрат қозонган. Аменхотеп III даврида дипломатик йўл билан бўйсундирилган давлатлар ушлаб турилган бўлса, Аменхотеп IV даврида Мисрнинг ташқи аҳволигина эмас, ички аҳволи ҳам оғирлашган. Чунки диний ислохотлар мамлакатда парокандаликни келтириб чиқарган. Мамлакат Рамсес I (1338-1337 йй.), Сети I (мил.авв.1337-1317 йй.) ва Рамсес II (мил.авв.1301-1235 йй.) даврида кучайиб, истилочилик юришлари олиб боради. Аммо XI асрда давлатда парокандалик кучаяди. Ливия ёлланма аскарларининг таъсири ошади. Мил.авв. 950

йилда Шешонк I ўзини фиръавн деб эълон қилади ва 22 сулолага асос солади. Сўнгги подшолик мил.авв. 950-525 йилларда яшади. 22 сулола вакиллари ҳукмронлик даври Ливия-Саис даври деб номланади. Шешонк I Фаластинга, Нубияга зафарли юришлар қилиб, катта ўлжалар билан қайтади.

Мил.авв. IX асрда Оссурия кучайиб, Олд Осиёда Миср таъсирига хавф солади. Мил.авв. 853 йилда Сурия ва Фаластиндаги Мисрга тобе давлатлар, Миср кўшини Қарқара шаҳри ёнидаги жангда Оссурлардан енгиледи. Мисрда норозилик кучайиб 22 сулола вакиллари билан бир вақтда 23 сулола вакиллари ҳам подшолик қила бошлайди. 24 сулола вакилларида Бакхорис (721-715 йй.) мамлакатни инкироздан чиқариш учун ислоҳот ўтказишга уринади. Мил.авв. 740 йилда Куш подшоси Пианхи Мисрга бостириб киради. Унинг вориси Шабак мил.авв. 715 йилда бутун Мисрни босиб олади. Мил.авв. 715-664 йилларда Мисрда Куш ҳукмдорлари 25 сулола вакиллари подшолик қилади. Мил.авв. 671-655 йилларда Мисрни Оссурия босиб олади. Қуйи Мисрда жойлашган Саис ҳукмдори Псаметих I мамлакатни янгидан бирлаштириш тарафдори бўлади. Унинг ўғли Нехо Фрот дарёси худудларигача босқинчилик юришлари олиб борган. Нехо Ўрта ер ва Қизил денгизларни бирлаштирувчи канал қазиб, унга 3 йил сарфлайди. Қурилишда 120 минг киши вафот этган. Мил.авв. 525 йилда Мисрни подшоси Камбиз босиб олади ва 27 сулолага асос солади.

Қадимги Мисрда давлат кучайган вақтларда ички ва ташқи савдо ҳам ривож топган. Миср жанубда Нубия, Куш, Пунт ўлкаси билан, шимолӣ шарқда Арабистон ярим ороли, Фаластин, Финикия, Сурия, Ироқ худудлари билан савдо алоқалари олиб борган. Мисрда Фиръавн худо даражасига кўтарилган. Ундан сўнг сарой аён ва амалдорлари табақаси бўлган, учинчи табақага ҳарбийлар ва зодагонлар кирган. Сўнгги табақага деҳқон, ҳунарманд, чорвадорлар кирган. Қуллар ижтимоӣ табақанинг энг паст поғонасида бўлиб, уларни Мисрда тирик мурдалар деб атаганлар.

Қадимги Мисрда мил.авв. IV минг йилликдан хўжалик тараққиёти ёзувга эҳтиёж сеза бошлайди. Мил.авв. IV минг йилликда эса 750 белги ёзув вужудга келиши ниҳоясига етади. Ўқишни, ёзишни ўрганиш вақт ва маблағни талаб қилгани учун

бой оила фарзандлари, амалдорлари, коҳинларигина уни ўргана олар эдилар. Мисрда ўрта ва олий мактаблар ҳам бўлиб, олий мактаблар сарой хизмати учун хаттотлар етиштирган. Шунинг учун уни мирзолар мактаби деб атаганлар. Мактабларда диний билимлардан ташқари, математика, астрономия, тарих, адабиёт ҳам ўқитилган. Мисрда ёзув, илмий-амалий билимларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ҳунарманчилик, савдо-сотик билан чамбарчас боғлиқ эди. Муסיқа ва рақс санъати Миср маданиятида катта ўрин тутган. Муסיқа асбобларидан пуфлаб чалинадиган най, уриб чалинадиган кайрок, арфа, уд каби асбоблар бўлган. Рақс Миср санъатининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган. Кўп ҳолларда рақс бирор бир маъно мазмунни билдирган. Қўшиқ ва куйлар асосан диний мазмунга эга бўлиб, рақсда унинг маънолари очиб берилган. Мисрда илк бора драмалар вужудга келган деб тахмин қилинади. Ибодатхоналарда диний драмалар ижро этиб турилган.

Қадимги мисрликлар жуда кўп эртак, миф, мақол, топишмоқлар яратганлар. Дастлабки адабиёт ривожини шуларга боғлиқ бўлган. Ўрта подшолик даврида адабиёт гуллаб яшнаган. Бу даврда “Икки оға-ини”, “Тўғри ва эгри” эртаклари вужудга келган. Қадимги афсоналар асосида “Осирис ва Изиди”, “Гор ва Сет жанглари” каби асарлар яратилган. Савдо-сотик ривожланиши билан “Ҳалокатга учраган кема”, “Сенухет ҳикояси”, “Подшо конлари” каби савдо-саёҳат саргузашт асарлар яратилган.

Мисрда ҳайкалтарошлик, рассомчилик ҳам қадимдан равақ топган. Ҳайкалтарошлик намуналари бўлган амалдор Рахотеп, Мирзо, подшога таниш Нафрет, Фиръавнлар Аменхотеп III, Тутанхамон, Рамсес II ва бошқалар Миср ҳайкалтарошлари маҳорати намуналари бўлиб ҳисобланади. Рассомчилик ҳайкалтарошлик билан уйғун бўлиб, Миср рассомлари пирамидалар, ибодатхоналар деворларидаги тошларга ўйиб турли туман (подшо юришлари, хўжалик ишлари, афсона ва мифологик образлар) расмларни чизганлар.

Миср меъморчилиги қадимги дунёда энг тараққий этгани билан ажралиб туради. Айниқса, пирамидалар қуриш ўша давр учун эмас ҳатто ҳозирда ҳам юксак меъморчилик асари ҳисобланади. Пирамидаларнинг энг қадимийси Сакарадаги

Жосер пирамидаси бўлса, энг йириги Хеопс (Хуфу) пирамидаси бўлиб ҳисобланади. Хеопс пирамидаси Гизада жойлашган бўлиб, у 52900 кв метр жойни эгаллайди. Баландлиги 150 метр бўлиб, уни қуриш учун 3 тоннадан – 15 тоннагача бўлган тошлар ишлатилган. Мақбара қурилиши 30 йил давом этган.

Қадимги мисрликлар математика, тиббиёт, астрономия, геометрия каби соҳаларда ҳам катта илмий тажриба тўплаганлар. Математика соҳаси айниқса, ўрта подшолик даврида ривожланган. Бармоқ, кафт, тирсак ва қарич каби ўлчов бирликларини ижод этганлар. Миср астрономлари осмон жисмларини кузатиб дунёда биринчи юлдузлар харитасини тузганлар. Бундай хариталар кўп ҳолларда ибодатхона шифтига туширилган. Сенмут, Эдфу Дендер ибодатхоналарида шундай хариталар сақлаб қолинган. Миср келандарига кўра, бир йил 365 кун бўлиб, 12 ой (30 кундан)ни ташкил этган. Беш кун янги йил сифатида байрам қилинган. Вақтни белгилашда кум ва сув соатлари ихтиро қилинган.

Қадимги мисрликлар дини уруғ-қабилачилик динидан ўсиб чиққан бўлиб, кўпхудоликка асосланган эди. Дастлаб илк подшолик даврида Мисрнинг олий худоси Птах (худо руҳининг қалъаси) бўлса, ундан кейин Ра, Амон, Эхнатон ислохотлари даврида Атон худолари олий худо деб эътироф этилган. Худоларнинг вақт ўтиши билан хусусиятлари ҳам ўзгариб борган. Бундан ташқари Птахнинг ер юзида кўриш мумкин бўлган қиёфаси қудратли қора хўкиз Апис ҳам олий худолар сирасига киритилган. Мисрда ҳаётнинг биринчи шарти Нил дарёси тошқинларига боғлиқ бўлиб, Нил сувлари ҳомийси Хапи деб аталган.

Қадимги мисрликларда табиат ҳодисалари ва жамиятнинг тузилиши ҳам афсона, диний ривоятларга сингдирилган. Осирис ва Изида афсонасида ака-ука Осирис ва Сет ўртасидаги рақобат, яъни Осириснинг деҳқончилик ишлари ҳомийси, Сет эса саҳро, гармсел ҳомийси деб тасвирланади. Улар ўз синглиси изидаги уйланиш учун бир-бирига рақиб бўладилар. Изида Осирисни танлагач, Сет акаси Осирисни хийла билан ўлдиради. Осириснинг ўғли Гор эса, отасининг қасосини олади. Отаси Осирисни тирилтиради. Худо Гордан Миср фиръавнлари тарқалган деб таъкидланади. Бу афсона орқали мисрликлар

табиат ўзгаришлари ва фиръавнларнинг илоҳий зотлар эканлигига ишора қиладилар.

Ёзувнинг пайдо бўлиши билан ёзув худоси Тотга эътиқод ҳам шаклланиб борган. Илмий билимларнинг ривожланиши билан Тот худосининг ҳам сифатлари кўпайиб, донишмандлик, табиблик ва бошқа сифатларни ҳам ўзига кўшиб борган. Мисрда марҳумларни дафн этишнинг ўзига хос тартиблари бўлиб, марҳумлар, мўмиёлар ҳукмдори Анибус худосига эътиқод юзага келган.

Давлатнинг ташкил топиши ва табақалар ўртасидаги, инсонлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишда адолат ва адлия худоси Маатга сиғиниш пайдо бўлган. Мусиқа, гўзаллик, ишқ ҳомийси Хатхор ҳам қадимги мисрликлар эътиқодида катта аҳамиятга эга бўлган. Умуман олганда қадимги мисрликлар ҳар бир табиат ҳодисаларига, хўжалик ва жамиятнинг ҳар бир соҳасига ўзига хос илоҳлар ҳомийлик қилади, деб тушунганлар ва ишонганлар.

Мил.авв. 1280 йилда тузилган Миср-Хетт сулҳида мингта Миср ва мингта Хетт худоларининг сулҳга гаров кўйилиши худоларнинг кўп бўлганлигини тасдиқлайди. Миср фиръавни бўлган Эхнатон тарихда биринчи бўлиб, Монотеистик динга сиғиниш учун кураш олиб борди. Эхнатон барча худоларни бекор қилиб, ягона худо Атон-куёш шуъласи худосига сиғинишни жорий қилди. Бу мамлакатда катта қудратга ва йирик мулкларга эга бўлган қоҳинларнинг қаршилигига учрайди. Эхнатон вафот этгач, у ўтказган диний ислоҳотлар ҳам бекор қилинади. Мисрда қоҳинлар катта сиёсий ва ижтимоий кучга эга эдилар. Уларнинг сиёсий-иқтисодий кучи ибодатхоналарга қарашли ер, бойликлар бўлса, ижтимоий кучи оддий халқ эди. Мисрда саводли кишилар асосан қоҳинлар бўлиб, улар ибодатхоналарда яратилган илмий билимлар, астрономик кузатишлар олиб борар, Нилнинг қачон топиши, деҳқончилик ишларини қайси даврдан олиб боришни оддий халққа етказар, бу билан эса ўзларига катта ижтимоий мавқени яратар эдилар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Қадимги Мисрнинг географик жойлашувини тавсифланг?

2. Қадимги Мисрликларда ҳосилни йиғиб олишда қачондан бошлаб мис ўроқлардан фойдаланилган?
3. Пирамидалар ҳақида маълумот беринг?
4. Қадимги Мисрда давлатнинг вужудга келиш жараёнини тушунтириб беринг?
5. Ўрта подшолик даврида Миср кучайгач, қайси ҳудудларга истилочилик юришларини олиб борган?
6. Мисрда гиксослар ҳукумронлиги ҳақида маълумот беринг?
7. Мисрла Ливия-саис давридаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни тавсифланг?
8. Рамсес II ҳукумронлиги даврида Миср ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар?
9. Қадимги Миср ёзуви ҳақида нималарни биласиз?
10. Қадимги Миср мусиқа ва рақсининг ўзига хос хусусиятларини айтинг?
11. Қадимги Миср адабиёт намуналаридан мисоллар келтиринг?
12. Қадимги Мисрнинг Сенмут, Эдфу, Дендер ибодатхоналари нимаси билан машҳур?
13. Қадимги Миср худолари ва улар ҳомийлик қилган соҳаларни биласизми?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
4. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
5. История древнего мира. Учебник для учительских институтов. /Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

6. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яҳё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.

7. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

8. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под. редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

9. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. – 456 с.

### **Интернет материаллари**

1.“Мифология древнего мира”. М., 1977.

2.[http: // www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html)

3. [http: // English www.hss.cmu.Edu/history](http://English.www.hss.cmu.Edu/history)

4. [http: // www.ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)

5. [http:](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml)

//

[www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml)

6. [http: // www.washlaw.edu/forint//](http://www.washlaw.edu/forint//)

7. [http: // www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)

## 5-МАВЗУ. ҚАДИМГИ КИЧИК ОСИЁ ВА ШАРҚИЙ ЎРТА ЕР ДЕНГИЗ БЎЙИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ

### Режа:

5.1. Анатолиядаги илк давлатлар, Хетт подшолигининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, дипломатия, маданият ва санъат.

5.2. Олд Осиёдаги илк давлатлар, савдо-сотиқ, Шарқий Ўрта ер денгизи бўйи халқлари маданияти.

5.3. Олд Осиё аҳолисининг диний эътиқодлари, Карфаген маданияти.

**Таянч иборалар.** Деҳқончилик манзилгоҳлари, Чатал-Гуюк, Хетт давлати, пакус, тулия, Миср-Хетт сулҳи, Фригия, Лидия, Фенеху-кемасоз, Троада вилояти, Эбла (Телль-Мардих), Яхмад подшолиги, Гиксос иттифоқи, денгиз халқлари, филистимликлар, Яхве, илк алифбо, Картхадашт,

Анатолия ярим оролини уч томондан Қора, Мармар, Эгей, Ўрта ер денгизлари ювиб туради. Европа қитъасидан Босфор ва Дарданел бўғозлари ажратиб туради. Ярим орол шарқи ясси тоғликлардан иборат. Кичик дарё ирмоқлари деҳқончилик қилиш учун қулай бўлса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида чорвачилик тараққий этган. Кичик Осиёнинг Ғарбий қисмида эса, кўплаб қулай гаванлар савдо-сотиқ марказлари эди. Киликия ҳудуди ўрмонлари Сасна ва Кедр ёғочлари етказиб берган. Кўллардан туз олинса, тоғлардан олтин, кумуш, метал қазиб олинган. Энг қадимги даврларда кичик Осиёда Хаттлар (Хеттлар) яшаганлар. Жанубий Шарқда эса хурритларга мансуб аҳоли яшаган. Мил.авв. II минг йилликда ярим орол ғарбида юнонлар, ахояликлар, фригияликлар келиб ўрнашади. Мил.авв. VIII-VII асрларда Шарқда кўчманчи киммерийлар кириб келади. Анатолиянинг жанубида мил.авв. X-IX минг йилликлардаёқ (Анталияд) деҳқончилик марказлари шакллана бошлади. VIII-VII минг йилликларда эса уларнинг сони ўсиб борди. Бу даврдаги энг йирик марказлар Ҳожилар, Чейюню тепа қабилар бўлиб ҳисобланади. Мил.авв. VII-VI минг йилликларга оид Чатал-Гуюк ёдгорлигида 12 турдаги ўсимлик хонакилаштирилганлигини кўриш мумкин.



Хўжалик тараққиётида металга ишлов беришнинг бошланиши билан синфий жамият ва давлатлар вужудга кела бошлади. Мил.авв. II минг йиллик бошларида дастлаб Канес, Бурусхонда, Куссор, Неса, Цолпа ва Хаттуса шаҳар-давлатлари вужудга келган. Мил.авв. II минг йиллик бошларига оид Бойчасултон ёдгорлигида ёзув намуналари топилган. Синфий жамиятнинг ривожланишида мил.авв. XX-XVIII асрларда Кичик Осиёда мавжуд бўлган Оссур савдо колониялари ҳам катта таъсир кўрсатади. Дастлабки шаҳар давлатларни бирлаштиришни Куссар ҳокими Питхан бошлайди. Унинг ишини давом эттирган ўғли Анитта барча Хет шаҳарларини бирлаштириб, мил.авв. XVIII-XVI асрларда мавжуд бўлган қадимги Хетт подшолигига асос солади. Бу даврда давлат ишларида уруғ-қабилачилик анъаналари кучли сақланганлиги билан характерланади. Барча қурол олиб юришга ҳақли бўлган аҳоли подшо олдидаги йиғинга (панкус) тўпланиш ҳуқуқига эга бўлган. Подшо Лабарна (мил.авв. 1680-1650 йй.) истилочилик юришлари билан машҳур бўлиб қолмай, подшо тахтини жиянига мерос қолдириш одатини бузиб, ўғли Хаттусили I га қолдиради. Хаттусили I (1650-1620 йй.) даврида пойтахт Хаттуса шаҳрига кўчирилади. Подшо Мурсулли I Олд Осиё ва Месопотамияга муваффақиятли ҳарбий юришлар қилади. Подшо Телепин (1520-1490 йй.) даврида тахтга эгалик қилишнинг уч босқичи ишлаб чиқилди. Унга кўра, шаҳзодалар биринчи босқичда, агар подшо фарзанди бўлмаса, она томондан жиянлар, агар улар орасидан ҳам тахтга даъвогар бўлмаса, подшо куёвари тахтга эгалик қила олар эдилар. Панкус (халқ йиғини) аҳамияти бир оз пасайиб, Панкус иштирокчилари бўлмиш Тулия (Панкусдаги табақа вакиллари)нинг роли ошиб боради. Тулия розилигисиз подшо ҳеч бир аъзосини қатл эта олмас эди. Мил.авв. XII аср ўрта Хетт даври деб аталади. Бу даврда Хет давлати кучсизланади. Шарқда Митанни, Ғарбда Помфилия, Киликия вилоятларидаги Арқава давлати, шимолда касклар қабиласи ҳужумлари кучайди. Хетт давлати гўёки қулаш арафасида эди. Мил.авв. XIV асрда Хетт давлатини бирлаштириб, уни қудратли империяга айланишига подшо Сиппилулиуманинг истилочилик юришлари сабаб бўлди. У Митанни, Олд Осиё ҳудудларига ғолибона юришлар қилади. Унинг вориси Мурсулли II (мил.авв. 1340-1305 йй.) Хетт давлати кичик Осиёдаги азалий

рақибби Арқава ва Миру, Ликку, Милаванда (кейинчалик Милет), Аххия ва Апусу (Эфес) каби давлатларни истило қилиб, бутун Кичик Осиёни бирлаштиради. Аммо Олд Осиёда Миср таъсирининг ўсиши билан Хетт Миср уруши бошланиб Рамсес II ва Хаттусили III ўртасида мил.авв. 1280 йил сулҳ тузилади. Мил.авв. XIII асрда Хетт давлатига денгиз халқларининг ҳужумлари натижасида давлат парчаланиб кетади. Мил.авв. 1190 йилда пойтахт ишғол этилади. Хетт давлати тили, ёзуви аста-секин унутилади.

Хетт давлатидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишда Хетт қонунлари катта аҳамиятга эга. Хетт қонунлари Хамураппи қонунларидан фарқ қилади. Отлар фақат ҳарбий ишларда ишлатилиб, уларнинг ўртача нархи 20 шиклни ташкил этган бўлса, деҳқончилик ишларида буқа кадрланган. Қўй савдосотиқ эквиваленти бўлиб ҳисобланган. Мамлакат ҳудуди тоғли бўлгани сабабли деҳқончилик кенг таракқий этиши қийин эди. Шунинг учун чорвачилик ва боғдорчилик бир вақтда олиб борилаверган. Ерлар расман подшо мулки ҳисоблансада, жамоа ерлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, ибодатхоналарга қарашли ерлар, хусусий ерлар кўпайиб борган. Хетт давлатида металга ишлов бериш юксак даражада ривожланган. Ҳунарманд темирчиларнинг катта қисми давлат қуллари бўлган. Ижтимоий асосни ташкил қилган жамоада патриархал уруғчилик анъаналари устун бўлиб, Хетт давлати қонунларида эркин аёл турмушга чиққач уни эри сотмаслиги, гаровга қўймаслиги қонун билан чекланган. Ота ўз ўғлини онасига ҳурматсизлиги учун уйдан ҳайдаши мумкин бўлган. Ота қуллардан чўри сақлаш ҳуқуқига эга бўлиб, аёл қулга турмушга чиқса 4 йил ўзи ҳам қул ҳисобланган. Қул ўғрилиқ қилса қўли кесилган. Агар бирор киши эркин фуқарони ўлдирса 4 қул бериши ва уларнинг эҳтиёжларини ўзи қоплаши лозим бўлган. Подшо сўзи Хетт тилида қуш маъносини англатган. Подшога қилинган суиқасд, ўша кишининг мол-мулкини мусодара қилиш ва ўзини қатл этиш билан якун топган.

Хетларнинг олий худоси Тешуб бўлиб, у чакмоқ, момоқалди роқ ҳомийси ҳисобланган. Тешубнинг хотини куёш маъбудаси ҳисобланган. Деҳқончилик ҳомийси Телепин бўлса, мўл ҳосил худоси Сондон ҳисобланган. Миср-Хетт сулҳидаги

гаровга қўйилган мингта худо мамлакатда барча соҳанинг ўз ҳомийси мавжудлигини кўрсатади.

Хетт маданияти намуналари бизгача кўплаб етиб келган бўлиб, уларнинг асосини подшолар автобиографияси ташкил этади. Бундан ташқари ўша даврдаги асосий тиллар Хетт-вавилон-шумер тилларидан луғатлар тузилгани илмий, дипломатик муносабатларга бўлган эътиборни кўрсатади. Сақланиб қолинган ёзувлардан митаннилик Кикули исмли кишининг Хетт саройида отбоқар бўлгани ва отларни ҳарбий ишга тайёрлаш бўйича қўлланмасининг мавжудлиги диққатга сазовордир.

Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида Троада вилояти бўлиб, мил.авв. III минг йилликда бу ерда Троя шаҳри юзага келади. Мил.авв. XXII асрда шаҳар номаълум сабабларга кўра ёниб кетган. Мил.авв. XVIII асрда эса қайта тикланади. Бу шаҳар аҳолиси ҳақида Хетт-лувийлар, Фракийлар, Фригитлар, юнонлар бўлган деган фаразлар мавжуд. Троя савдо-сотикда юнонлар билан рақобатда бўлган. Тахминан мил.авв. 1240 йилларда юнонларнинг ҳужуми бўлиб ўтади. Кейинчалик Троя Фригия ва Лидия, сўнгра Форс давлати таркибига киради.

Фригия ва унинг аҳолиси ҳақида, уларнинг шимолий-ғарбдан келганлиги (Македония ёки Фракия), деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганликлари тахмин қилинади. Геродот фригияликларнинг узумчилик ва от боқишда уста эканликларини ёзади. Мил.авв. XIII асрда улар Троя устидан ҳам ҳукмронлик ўрнатадилар. Хетт давлати қулагач Фригия ўз ҳудудларини шарққа томон кенгайтиради. Мил.авв. XII асрда Ефрат дарёси юқори оқимлари учун курашда Оссур қўшинларидан енгилади. Фригияда Гардия ва Мидос ҳукмронлик қилган даврда бу давлат Осиёдаги қудратли давлатга айланди. Мил.авв. VIII асрда Фригияда Киммерийлар, юнонлар, вифинияликларнинг ҳужумлари кучайиб бу давлат инқирозга юз тутди ва Лидия таъсирига тушиб қолади.

Кичик Осиё ғарбининг марказида Лидия жойлашган бўлиб, унинг пойтахти Сарди шаҳри эди. Лидияда афсоналарга кўра Геракл авлодлари Гераклидлар ҳукмронлик қилган, улар Троя билан савдо иқтисодий алоқалар ўрнатган. Кейинчалик Фригия таъсирига тушиб қолади. Лекин мил.авв. VII асрда Лидия

мустақил бўлиб, Гигес (692-654) Мермнадлар сулоласига асос солади. Савдо ишларини жонлантириш мақсадида электрумдан дунёда биринчи танга зарб қилинади. Гигес Оссурия билан бўлган урушда ҳалок бўлади. Оссур кўшинлари Сардини вайрон қилади. Гигеснинг ўғли Ардис (654-605) тезда Лидия қудратини тиклаб олади. Ардис ворислари Содиатт ва Аллиатт даврида Лидия бутун кичик Осиёни ишғол этади. Крез (562-546 йй.) даврида кичик Осиё ғарбидаги юнон шаҳарлари ҳам Лидияга қарам давлатга айланади. У Мидия билан муваффақиятли урушлар олиб боради. Бироқ, мил.авв. 546 йилда янги ташкил топган форс давлати Лидияни босиб олади.

Кичик Осиёнинг Тавр тоғлари, Ефраот дарёсининг ўрта оқимидан Мисргача бўлган тор денгиз бўйи қадимдан Олд Осиё тарихий-географик областини ташкил этади. Финикия ҳудудларини қадимда Ханаан-қизил мамлакат деб аталган бўлса (иккинчи маъноси Фенеху-кемасоз), Фаластин этноним бўлиб, флистимликлар номидан олинган. Бу ҳудудларда катта дарёлар йўқ. Кичик тоғ дарёлари фақат ёғингарчилик мавсумидагина тўлиб оқади. Мил.авв. XIII минг йилликдаёқ деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик соҳалари раванқ топиб, Иерихон цивилизацияси шаклланган эди. Мил.авв. VI-IV минг йилликларда хўжалик тараққиёти натижасида Библ, Угарит каби шаҳарлар юзага кела бошлайди. Мил.авв. IV минг йилликда ҳунармандчилик тармоқлари, айниқса, сополга ишлов бериш ривожланади. Мил.авв. III минг йилликда эса бронза хўжалик ҳаётда кенг қўлланилиши билан бирга кичик ҳайкалчалар, жанг қуроллари тайёрлашда ҳам ишлатила бошланади. Миср, Месопотамия билан савдо алоқалари шу даврларда ўрнатилади. Илк шаҳар давлатлар юзага кела бошлайди. Буларнинг энг қадимийси Библ бўлиб, бу шаҳар тош девор билан ўралган, кўчалари кенг бўлиб, Миср билан савдо қилиш маркази ҳисобланган. Библдан Мисрга кедр ёғочи, мўмиё қилиш учун смола, ўсимлик ёғи, вино олиб борилган. Мисрдан эса сопол буюмлар, олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлар келтирилган. Библдан “савдогарлар уйлари” топилган бўлиб, бу жамиятда юқори табақалар, Аристократлар мил.авв. III минг йилликдаёқ шаклланганидан далолат беради. Мил.авв. II минг йилликка оид қабрларни ўрганиб, шаҳарда подшо ҳокимияти мавжуд бўлган

деб хулоса қилиш мумкин. Мил.авв. XX-XVIII асрларда эса Библи ҳоқимлари Мисрга тобе бўлади. Кейинги даврларда Библи мавқеи пасайиб, Тир, Сидан, Угарит шаҳарлари мавқеи ўсиб боради.

Шимолий Суриядаги Алалах шаҳри мил.авв. IV минг йиллик охири III минг йиллик бошларидаёқ шаҳар давлат даражасида бўлиб, мил.авв. XXVIII-XXIV асрларда подшо саройи ва ибодатхонаси ўша даврнинг энг ҳашаматли ёдгорликлари бўлган. Мил.авв. III минг йиллик иккинчи ярмида Сурия ҳудудидаги яна бир шаҳар Эбла (ҳозирги Телль-Мардих) икки қисмдан иборат бўлиб, шаҳар аҳолиси 20-30 минг кишига етган. Шаҳар атрофидаги қишлоқлар аҳолиси билан 260 минг кишини ташкил этган бу давлат кўшни давлатлар Аккадлар, Ашшур, Мари билан дипломатик, савдо алоқалари ўрнатган.

Мил.авв. XVIII асрда Сурия ҳудудида Аморий қабилалари яшаган бир қанча шаҳарларни ўз чига олган давлат бирлашмаси Яхмад подшолиги ташкил топади. Уни бирлаштирган Сумуэпох ҳатто доимий қароргоҳга эга бўлмасада, Мари подшоси билан тенг ҳисобланган. Унинг вориси Яримлим Хамураппи ва Зимрилимга замондош бўлиб, Хамураппининг иттифоқчиси бўлган. Яримлим подшо унвонини олиб, Ҳалабни ўз пойтахтига айлантиради. Яхмад давлати Эрон, Месопотамия, Миср билан қизгин савдо олиб боради. Мил.авв. XVIII асрда Яхмад подшолиги инкирозга учрайди.

Яхмад подшолигидан жануброқда мил.авв. XVIII-XVII асрларда Гиксос қабилаларининг қудратли иттифоқи ташкил топади. Уларнинг кучи отлиқлар ва жанг аравалари бўлиб, Гиксослар Миср ҳудудини ҳам истило қиладилар. Жанубий Суриядан Мисргача бўлган ҳудудларни истило этишда Гиксос бирлашмаси таркибига кирган Хурритлар ва Хеттлар ҳам ёрдам берган. Мил.авв. XV асрда Гиксос бирлашмаси парчаланиб кетади.

Мил.авв. II минг йиллик иккинчи ярмида Олд Осиё Митанни, Миср, Хетт таъсир доираларига бўлиниб кетади. Финикия шаҳар давлатлари ўзаро кураш олиб борар эдилар. Бу даврда Угарит шаҳри Миср, Месопотамия, кичик Осиё билан қизгин савдо-сотикда бойиб, ўз қудратини тиклаб олади, холос. Угаритда Микен савдогарларининг квартали мавжуд бўлиб, юнон ҳунармандчилик маҳсулотлари шу ердан Осиёнинг турли

худудларига тарқалади. Мил.авв. XIII-XII асрларда денгиз халқларининг ҳужуми Угаритнинг вайрон бўлишига олиб келади. Мил.авв. II минг йиллик охири-I минг йиллик бошларида Финикия савдо шаҳарлари Тир, Сидон, Библда кemasозлик ривожланиб, денгиз савдоси тараққий қилади. Мил.авв. 1100 йилда шимолий Африкада Тирнинг Утика колонияси вужудга келиши билан Финикия шаҳарларининг колониячилик фаолияти бошланади. Финикияликлар Ўрта ер денгизи ороллари, шимолий Африка ва Испанияда кўплаб савдо колонияларини вужудга келтирадilar. Тир подшоси Хирам I (969-936 йй.) даврида Финикия ва унинг савдо колонияларини бирлаштириш ва ягона давлатга айлантириш ҳаракати бошланди.

Подшо Итобоал (873-847 йй.) давридан сўнг Финикия шаҳарлари иттифоқи тарқаб кетади. Мил.авв. I минг йиллик бошларида Суриянинг марказида Дамашқ подшолиги кучайди. Унинг кучайишига Арабистон ҳудудларидан келган Оролийлар катта таъсир кўрсатди. Уларнинг хўжалигида туячилик катта ўрин тутиб, карвон савдоси ва ҳарбий ишда туялардан кенг фойдаланилган. Мил.авв. IX асрда Ғазоил подшолиги даврида Иордан орти ҳудудлари ҳам Дамашқ подшолигига қўшиб олинади. Унинг даврида Исроил подшолиги ҳам Дамашққа ўлпон тўлаб турган. Ғазоилнинг ўғли Бенхудод III Сурия шимолидаги 17 подшоликни мағлуб этади. Мил.авв. IX аср охирида Оссур подшоси Адад-Нерари III Дамашқ подшолигини босиб олади. Дамашқ подшолиги билан бирга қисқа вақт бўлсада Хамат, Самаль, Кархемиш каби подшоликлар ҳам Олд Осиёда устун мавқега эга бўлдилар.

Мил.авв. XIII асрда Ефрат дарёси ўнг қирғоғида яшовчи 12 иттиофқдош Ҳабирий қабилалари Фаластин ҳудудларини истило қиладилар. Ҳабирий сўзини айрим олимлар дарёнинг нариги тарафидаги кишилар маъноси беради, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг бу ҳудудларга келиши денгиз халқларидан бўлган филистимликлар билан бир вақтга тўғри келади. Ҳабирийлар ва филистимликлар узок вақт кураш олиб борадилар. Ҳабирийларда подшо оқсоқоллар томонидан сайлаб қўйиларди. Подшо Саул филистимликлардан енгилгач, тахтга унинг куёви Довуд (тахминан мил.авв. 1000-965 йй.) ўтиради. Унинг даврида марказий ҳокимият кучайиб, давлат апарати ташкил этилади.

Амалдорлар ишларини назорат қилиб подшога ҳисобот берувчи унвон жорий этилади. Довуддан сўнг унинг кичик ўғли Сулаймон (965-935 йй.) тахтга ўтиради. Қурилиш ишларига катта эътибор беради. Иерусалимда худо Яхве шарафига унча катта бўлмаган, лекин хашамдор ибодатхона қурилди. Тир подшоси Ахирам ибодатхона қурилишига усталар, рассомлар юборади. Соломон бунинг эвазига Тирга буғдой ва бошқа маҳсулотлар юборади. Яҳудий подшолиги 12 вилоятга бўлинади. Сулаймонга рақиб бўлган Иеровоам Мисрга қочиб кетган эди. Сулаймон вафотидан сўнг тахтга ўтирган Ровоам ва оқсоқоллар ўртасида зиддият келиб чиқади. Мамлакат иккига бўлиниб биринчиси маркази Иерусалим бўлган яҳудий подшолиги, иккинчиси маркази Самария бўлган Исроил подшолигига ажралиб кетади. Кучсизланган мамлакатга Миср фиръавни Шешонк I мил.авв. 930 йилда бостириб кириб вайрон қилади. Мамлакат кейинчалик оссурлар, вавилонликлар, форсларга тобе бўлиб қолади.

Олд Осиё маданиятига кўплаб халқларнинг таъсири сезилиб турсада, бу цивилизация ўзига хосликка эга. Чунки, унинг шаклланишига таъсир этган халқлар аслида бир-бирига қонқариндош халқлар эди. Шарқий Ўрта ер денгизи маданиятида ишлатилан сопол буюмлар Миср ва Месопотамияникидан фарқ қилади. Шаҳарлар Шумер ва Миср шаҳарларидан бирмунча кичик бўлиб, бунинг сабаби табиий шароит шаҳарларнинг кенгайишига тўсқинлик қилган. Қалъалар деворларида тўрт бурчак миноралар, ўқ отиш шиноклари ўша давр учун янгилик бўлган. Ҳайкалтарошлик, рассомчилик кенг тараққий этган. Иерусалим руҳонийларининг мил.авв. VIII-VII асрларда инсонлар ва ҳайвонлар расми чизишни ман қилиши тасвирий санъатда бир муддат тушкунликни келтириб чиқаради. Табиий фанлар, айниқса, география соҳасида финикияликлар илғор бўлиб, улар биринчи бўлиб Гибралтар бўғозидан Атлантика океанигача сузиб борганлар. Геродот маълумотича, Эллин дунёсининг биринчи физиги, математиги, астрономи бўлган Фалес асли финикиялик бўлган. Антик давр манбаларида ёзлишича, сидонлик Мох биринчи бор атом ҳақидаги ғоялар муаллифидир. Финикияликлар инсоният цивилизациясида дастлабки алфавит яратувчилари бўлиб, қарийиб барча алфавитлар улар алифбосидан келиб чиққан. Мил.авв. II минг йилликда Библида 100 белгили, мил.авв.

XVII-XV асрларда Угаритда 30 белгили ёзувлар асосида Финикияда 22 белгидан иборат ёзув шаклланди. Кейинчалик бу ёзувдан юнонлар, араблар, римликлар бир оз ўзгартиришлар билан ўз алифболарини яратдилар.

Дастлаб Олд Осиё шаҳарлари аҳолиси кўпхудоликка эътиқод қилганлар. Ҳар бир шаҳарнинг ўз худоси бўлган. Одатда худолар Баал (ҳукмдор) деб, ёки эл (худо) деб номланган. Кейинроқ яҳудийлар орасида яккахудолик дини вужудга келади. Худо Яхве дастлаб кўпхудолик даврида чакмоқ, момақалдирик, ёмғир ҳомийси бўлган. Кўп худолик ҳам амалда бўлган. Фақатгина мил.авв. VIII-VIII асрлардан кўпхудолик тарафдорлари қувғин қилинган. Шундай бўлсада, мил.авв. V-III асрлардагина яҳудийликнинг ортодоксал догмалари узил кесил шаклланди. Унга кўра, қатъий ягона худо ва аёл худоларнинг йўқлиги, худо инсон қиёфасида бўлмаслиги қатъий шаклланди. Олд Осиё халқлари адабиётида “Керет ҳақида”, “Дебара ҳақида кўшиқ”, “Довуднинг ҳаёт йўли” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Карфаген шаҳри Тир савдо колонияси сифатида мил.авв.825-814 йилларда асос солинади. Қулай географик жойлашув ва денгиз қуруқлик савдо йўллари кесишган нуқтада бўлиши Карфагеннинг бундай кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Мил.авв. VII асрдаёқ Карфаген (Кархашт-янги шаҳар) ўз мустақиллигини таъминлаб, Финикия савдо колонияларининг шимолий Африка ва Ғарбий Ўрта ер денгизи ҳавзасини ўзига бўйсундира бошлайди. Мил.авв. VI асрда Карфаген энг қудратли давлатга айланиб, Форс давлати билан ҳам муносабатлар ўрнатади. Мил.авв. VI аср ўрталарида этрусклар билан иттифоқи Сицилия, Корсика, Сардиния оролларига ҳарбий юришлар қилиш имконини беради. Мил.авв.535 йилда иттифоқчилар флоти Корсика ороли яқинида юнон флотини мағлуб этадилар. Юнон-форс урушларидан фойдаланишга қарор қилган карфагенликлар Сицилия ва Испаниядаги юнон колонияларини истило қилишга киришадилар. Аммо мил.авв. 480-474 йилларда икки бора юнон флоти карфагенликларни мағлуб этади. Мил.авв. V-III асрларда Карфаген шимолий Африка, Испаниянинг жанубини ўз ичига олган улкан давлатга айланади. Карфагенлик денгизчилар (Ганон



экспедицияси) Атлантика океани орқали Марокаш ва Мавритания қирғоқларигача боришади. Улкан давлатнинг гуллаб яшнаши халқаро транзит савдонинг йўлга қўйилиши ва савдо манфаатларини куч билан ҳимоя қилишда эди. Карфаген давлатини бошқаришда олигархларнинг роли катта бўлиб, улар асосий давлат мансабларига ўтира олар эдилар. Олий ҳоким икки суфетдан иборат бўлиб, улар бир йил давомида олигархлардан сайланган. Барча ишлар 30 лар кенгашида ҳал қилинган. Оқсоқоллар кенгаши ҳам бўлиб, унга 300 оқсоқол аъзо бўлган, энг олий давлат аппарати 104 кенгаши бўлиб, у суд функциясини ҳам бажарган. Карфагенда халқ йиғини ҳам бўлган. унга Карфагеннинг озод граждани иштирок этиши мумкин бўлиб, унча катта мавқега эга бўлмаган.

Карфаген маданияти дастлаб Тир (финикиялик) маданияти анъаналари асосида ривожланган бўлса, мил.авв. V асрдан юнон маданияти таъсири кучаяди. Гомер достонлари, Юнон театри, фалсафаси устунлик қила бошлайди. Карфагенда агрономия, география, математика, астрономия фанлари тараққий қилди. Карфагенликлар моҳир денгизчилар бўлиб, Гонон Африканинг экваториал қисмигача, Гискон Британиягача сузиб борадилар. Агрономия соҳасида Магон ёзган трактат энг қадимги трактатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Карфаген хариталари Африка, Ўрта ер денгизи, Канар ва Азор ороллари худудлари учун энг тўғри ва аниқ чизилгани билан ажралиб туради. Карфаген диний эътиқодларида финикиялик аждодлари эътиқодига содиқ қолиб, бош худо Ваал-Мелькарт ва унинг хотини Тиннитлар бўлган. Тинит-шаҳар ҳомийси, ой, донолик, табиат худоси бўлса, Ваал-Мелькарт-ўликлар ва ўлувчи табиат, душманларга қўрқув солувчи худо бўлган. Молох-уруш маъбудди бўлиб, унга инсонлар қурбонлик қилинган.

Финикия, Миср, Юнон архитектуралари қоришиб ўзига хос ибодатхоналар қурилган. Маъбуда Тиннит ибодатхонаси Карфагеннинг акрополи Бирсада жойлашган. Бирсининг қулаши Карфаген қулашини англаган. Карфаген маданияти ғарбий Ўрта ер денгизи ҳавзаси мамлакатлари маданиятига катта таъсир кўрсатган.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Кичик осиенинг табиий-иқлимий шароити ҳақида маълумот беринг?
2. Кичик Осиедаги дастлабки деҳқончилик манзилгоҳларини биласизми?
3. Дастлабки Хетт шаҳар давлатларини сананг?
4. Хетт жамиятида халқ йиғини (Панкус), Тулия (оқсоқоллар кенгаши)нинг аҳамиятини биласизми?
5. Миср-Хетт сулҳи ҳақида гапиринг?
6. Тешуб, Телепин, Сондон худоларининг функцияларини биласизми?
7. Хетт саройи отбоқари Киккули фаолиятига баҳо беринг?
8. Троя шаҳри қочон ва нима сабабдан вайрон қилинган?
9. Фригия ва Оссурия муносабатларини гапириб беринг?
10. Гераклидлар сулоласи қайси давлатда ҳукмронлик қилган.
11. Финикия сўзининг маъноларини биласизми?
12. Гиксос қабила иттифоқлари қачон ташкил топган эди?
13. Тир Подшоси Хирам I фаолиятини гапириб беринг:?
14. Ҳабирий қабилалари дастлаб қаерда яшаганлар?
15. Филистимликлар кимлар эди?
16. Карфаген денгизчиларининг кашфиётларини биласизми?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 592 б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
6. Волков А.В., Непомнящий Н.Н. Хетты. Неизвестная империя Малой Азии. - М.: Вече, 2004. - 288 с.
7. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. - М.: 1952. - 780 с.
8. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яҳё Ғуломов. - Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. - 815 б.
9. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. - М.: Высш. Школа, 1979. - 458 с.
10. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.
11. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с.
12. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил..
13. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.— М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.
14. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. - 456 с.
15. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.

#### **Интернет материаллари**

- 1.[http: // www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html)
- 2.[http: // www.ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)
- 3.[http: // www.lib.byu.edu/-rdh/www//](http://www.lib.byu.edu/-rdh/www//)

## **6-МАВЗУ. ҚАДИМГИ АФРИКА ВА ЖАНУБИЙ АРАБИСТОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

### **Режа:**

- 6.1. Қадимги Африкада цивилизация ўчоқлари.
- 6.2. Ўрта асрларда Африка цивилизацияси.
- 6.3. Арабистон цивилизацияси (исломгача бўлган).

**Таянч иборалар.** Напата, Мероэ, Каннур қабиласи, тифан ва нсибида ёзуви, Манси Мусо, туз йўли, “Нок маданияти”, Ифе маданияти, Асантехена, Суахили маданияти, “Зимбабве цивилизацияси”, Мономатапа, Аксум, негус, сабейлар, Хадрамаут, Маин давлатлари, зираворлар билан савдо, бахтли Арабистон.

Африка қитъасининг Мисрдан сўнг энг қадимий маданий ўзаги бу Куш давлатидир. Куш Нил дарёсининг ўрта оқимида 4 остонадан юқорида жойлашган. Бу давлат Миср билан мил.авв. II минг йилликдан бошлаб тарихда яқин алоқада бўлиб келган. Шу даврдан бошлаб Миср маданияти Кушда устунлик қила бошлайди. Лекин мил.авв. 700 йилда Куш подшоси Кашта, кейинроқ Пианхи ва Тахарка Мисрни истило қилади. Напата шаҳри мил.авв. VI асргача Куш пойтахти эди. VI асрда (мил.авв. 540 й.) Куш давлати марказий шаҳри Мероэ бўлиб, Нил дарёси бўйида, серҳосил водийда жойлашган. Бу шаҳар Африканинги жанубий, ғарбий, шимолий қисмларини боғлаб турувчи савдо маркази ҳам эди. Бундан ташқари мероэликлар Арабистон, Ҳиндистон билан ҳам савдо алоқалари олиб борган деб тахмин қилинади. Бунга мероэликлар динида хиндларникига ўхшаш уч бошли шер худо (Апедемок) ва фил минган худолар тасвирининг пайдо бўлишига қараб хулоса қилинади. Кушнинг диний маркази бўлган Шебел Берколда Миср, Юнон, Рим таъсиридаги ибодатхоналар қурилиши шимолий Африка билан мунтазам алоқалар олиб борилганини кўрсатади. Страбон маълумотиغا кўра, Миср провинцияси бошлиғи Гай Петроний Арабистонга юриш қилганда мероэликлар Амна шаҳрига хужум қилиб уни талайдилар, Император Августнинг бозор майдонидаги хайкалини олиб кетадилар. Гай Петроний ҳарбий юриш қилиб,

мероэликлар кондаки (малика)сини жазолаган. Милодий 64 йилда эса, римликлар қайта ҳарбий юриш қилганлиги маълумотлари мавжуд.

Мероэ ва напаталиклар ўз ёзувларини ишлаб чиққанлар. Ёзувда 23 та ҳарф бўлиб, уларни асосан ундош товушлар ва чўзиқ унлилар ифода этган. Қисқа унлилар одатда ёзилмай, матнда мазмунан анланган.

Мероэда дастлаб подшолар Миср фиръавнларига хос пирамидаларда дафн этилган. Ҳажм жиҳатдан кичик бўлган бу пирамидалар қурилиши ва безатилишда фиръавнларникидан ортда қолмаган. Металга ишлов бериш Мероэда мил.авв. IV асрдан бошланган деб хулоса қилинади. Чунки мил.авв. 360 йилда вафот этган подшо Хорсиотеф пирамидасидан металл буюмлар топилмаган, ундан кейинги ёдгорликларда эса учрайди. Шундай бўлсада, Мероэ Африкадаги энг қадимги темир ишлаб чиқариш марказларидан бири бўлиб ҳисобланади. Куш, Напата, Мероэ ёдгорликлари умумий ном билан одатда Мероэ цивилизацияси деб номланади. Чунки фақат Мероэ шаҳри Куш маркази бўлгач, ўзига хос анъаналар, цивилизация шаклланди. Мероэда турар жойлар ҳам ўзига хос бўлиб, ҳовли девор билан ўралган ва бир неча хоналардан иборат бўлган. Мероэ шаҳрини археологик жиҳатдан ўрганиш чоғида мил.авв. VIII-милодий IV асрларда бу шаҳар мавжуд бўлганлиги, унинг энг гуллаган даври эса мил.авв. III милодий II асрларга тўғри келиши, хўжалик ҳаётда савдо-сотикнинг ўрни катта аҳамиятга эгаллиги аниқланган. Милодий IV асрда Эфиопияда пайдо бўлган Аксум давлатининг савдодаги рақобатчисини кучсизлантириш учун қилган талончилиги Мероэ цивилизациясининг емирилишига асосий сабаб бўлган деб ҳисобланади.

Тропик Африка цивилизациясида Чад кўлининг аҳамияти катта бўлиб, бу ерда кўплаб халқларнинг манфаатлари тўқнашган. Бу ерда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи қабилалар кўп бўлиб сувга бўлган эҳтиёжни қондириш учун давлат ташкилоти зарур эди. Каннем-Борну давлатини ташкил қилган Канур қабиласи афсонага кўра, Арабистон жануби Ямандан бу ерга келган. Аслида арабларнинг шимолий Африкани истило қилиш жараёнида айрим қабилалар кўчиши содир бўлган. Нигерия халқлари орасида шарқ томондан

халқларнинг буюк кўчиши сабабли уларнинг ота-боболари шу ҳудудларга келиб қолган деган фикрлар сақланиб қолинган. Чад кўли ҳавзасида дастлаб Загава қабиласи давлат тузган. Бу давлат Канем деб аталиши, аҳоли қамиш уйларда яшаши ҳақида араб муаррихлари маълумот беради. Канем аҳолиси XI асрдан бошлаб исломни қабул қилади. Қабилалараро курашлар кучайиб, Ман қабиласидан Умар 1386 йил мустақил Борну давлатини тузади. Бу ҳудудлар аҳолисининг катта қисми бўлмиш туареглар Борну давлати билан доимий сиёсий, маданий алоқада бўлганлар. Туарегларда алфавит тартибдаги ёзувларининг энг ғаройиби тифанг ёзуви мавжуд. Айрим қабилаларда бу ёзувнинг 24 ҳарфлиси мавжуд бўлса, айримларида 40 тагача ҳарфлар мавжуд. Ҳозир араб алифбосидан фойдаланилсада, тифанг ёзувини туареглар ҳали ҳам ўз кийимлари ва қуролларига туширадilar.

Ғарбий Суданда ташкил топган илк давлатлардан Гана ҳақида IV асрда ярим афсонавий маълумотлар мавжуд бўлса, VIII асрда дастлабки маълумотлар мавжуд деб қараш лозим. Гана давлати қадимий туз йўлида ташкил топган бўлиб, ўша давр сайёҳлари уни олтинга бой ўлка деб таърифлайди (Ал-Маъсудий). Гана давлати 1203 йили Сосо қабиласи томонидан қулатилади. Гана ҳудудларини 1235 йил Мали давлати босиб олади.

Нигер дарёсининг юқори оқимида Мандинго халқи XI асрда кичкина Кангаба князлигини тузади. Альморавий сулоласи (шимолий Африка) Мандинго халқини ислом динига киришида катта таъсир кўрсатади. Сосо қабиласи етакчиси Сумангуру Гана давлатини босиб олган даврда Кангаба давлатини ҳам босиб олади. Кейинчалик Сундиатта Мандинго қабиласини озод қилиб, Кангаба давлатини тиклайди. Сосо қабиласини мағлуб этиб, Нигер дарёси бўйида Ниани шаҳрига асос солади. Бу шаҳар пойтахт бўлиб қолади, давлат эса Мали деб юритила бошланади. 1235 йил Мали давлатига асос солинган сана деб қабул қилинган. Унинг ҳудудларига Нигер, Гамбия дарёлари ҳавзаси, олтинга бой Вангора, Бамбук ҳудудлари киради. Манси Мусо ҳукмдорлиги даврида Мали энг қудратли ва бой давлатга айланади. Унинг ҳаж зиёрати афсонага айланган бўлиб, мисрлик ал-Умарий маълумотларига кўра, Манси Мусо ўзи ўтган манзилларда оддий аҳолига шунчалик кўп олтин улашганки, Мисрда 12 йил олтин

қадри аввалги ҳолатига келмаган. Маккадан қайтишда Манси Мусо ўзи билан шоир ва архитектор Ас-Сахелини олиб келади. Ас-Сахели Малида илк бор пишиқ ғиштдан сарой ва масжидлар қурган инсон сифатида қолган. Ҳашаматли қурилишлар ва доимий урушлар натижасида Мали парчаланиб кетади. Лекин XVII асргача Кангаба князлиги яшаб қола билди. Мали давлати қудратли даврида Томбукти, Соннар, Гао, Валата каби шаҳарлар гуллаб яшнади. Ибн Батута маълумотларига кўра, бир йилда фақат шимолга қараб 12 минг туяларга ортилган юк йўлга тушган. Давлатнинг иқтисодий ҳаётида туз йўлининг аҳамияти катта бўлган.

Сонгаи қабиласи Нигер дарёсининг ўрта оқимида деҳқончилик ва балиқчилик асосида кун кечирган. Сонгаи қабиласи дастлаб Мали давлатига қарам бўлсада, кейинчалик (1463 й.) нафақат мустақил бўлиб қолди, балки Мали давлатини, Нигер дарёсининг ўрта ва қуйи оқимлари ҳавзаси ерларини, Томбукти, Шинне, Волата, Гао ва бошқа кўплаб савдо-сотик, маданият марказларини босиб олади. Биринчи хукмдор Сонни Али вафотидан сўнг, Аския (олий ҳарбий бошлиқ) Муҳаммад даврида давлатда бошқарув, хўжалик, фан тараққиётини яхши йўлга қўя олди. XIV аср охири-XV аср бошларида Сонгаи ғарбий Судандаги энг қудратли давлат эди. Томбуктидаги мадрасалар Африкадаги донғи кетган олий таълим даргоҳи эди. 1589 йил Марокаш султонининг ҳарбий юриши натижасида Сонгаи давлати парчаланиб, бу ердаги гуллаб яшнаган давлатлар, шаҳарлар инқирозга юз тутди.

Нигерия платосида Африканинг қадимий археологик маданияти мавжуд бўлиб, фанда “Нок маданияти” номи билан кирган. Бу ерда топилган террокоталар йоруба қабиласи маданиятига яқин. Тошдан ясалган кичкина мотиға бу ҳудуд аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан шуғулланганидан далолат беради. Археологик ашёларни ўрганиб, Нок маданияти мил.авв. 900-милодий 200 йилларда гуллаб яшнаган деган хулосага келинган.

Йоруба халқи ўрмон зонасидаги қадимий давлатга асос солади. Дастлабки давлат бирлашмаси Ойо бўлиб ҳисобланади. Бенин халқининг маданий маркази эса, Ифе шаҳри эди. Бу ерда бронза, латун, фил суягидан ясалган кўплаб қадимий санъат

асарлари топилган. Йоруба (Нигерия) маданиятининг қадимги даврлари ҳақида маълумотлар камроқ бўлиб, 1300 йиллардан бошлаб европаликлар билан муносабатларга киришгач, бир қатор ёзма ёдгорликлар кейинги давр ҳақида маълумотлар беради. XIV асрда Бенин, Лагос князликлари Йорубадан мустақил бўлиб олади. Нигерия ҳудудидаги Ашанти қабила иттифоқи ҳам тропик Африка ва ғарбий Судандаги халқлари сингари қадимда Африканинг шарқидан кўчиб келганлиги ҳақида афсоналар мавжуд. Ашантилар XIV асрдаёқ давлат бирлашмаларига эга бўлсаларда, XVII асрда Осеи Туту уларни конфедерация шаклида бирлаштирди ва Асантехена (Ашанти халқи бошлиғи) номини олди.

Марказий Африканинг ғарбий қирғоқ бўйларидан Куба халқи XV асрда ҳозирги Габон ҳудудларига келиб ўрнашади. XVII асрда улар Касан ва Санкуру дарёлари оралиғига кўшни қабилалар хужумидан қочиб борадилар. Бу ерда улар деҳқончилик билан шуғуллана бориб, давлат туздилар. Давлат раҳбари Бушанго деб атала бошланган. XVII аср охирларида Бушанго Луалаба дарёси ҳудудларига кўчиб боради. Бу ерда улар ўзига хос маданият шакллантирадилар. Айниқса, ёғочдан тайёрланган рўзғор буюмлари, барабанлар, стаканлар, фил суягидан ишланган санъат асарлари. Бу маданиятнинг юксаклигидан далолат беради.

Африканинг марказида кўллар оралиғида Уганда халқлари, XVII-XVIII асрларда Урунди, Руанда Анколе, Буганда, Буньоро каби давлат бирлашмаларини туздилар. Уларнинг маданиятида дашт чорвачилиги, бутун бошлиқ жамоалар, яйловларнинг чуқур хандаклар билан ўраб олиш ўзига хос бўлиб ҳисобланади.

Шарқий Африка қитъанинг бошқа ҳудудларидан фарқли қадимги ва ўрта асрларда дунёнинг маданий минтақалари билан турли муносабатларни ўрнатгани билан ажралиб туради. Мамбаса, Кильва, Геди, Малинда, Софала, Пембу каби кўплаб шаҳарлар Птоломей давридан бошлаб маълум. Айниқса, ўрта асрларда Шарқий Африка қирғоқлари, шимолий Африка, Арабистон, Форс, Ҳиндистон, Ҳинд океанидаги ороллар, Ҳиндихитой ва Хитой билан фаол савдо олиб борганлар. Шарқий Африка қирғоқларидан Хитой чинни буюмлари ва бошқа ашёларнинг топилиши, Араб, Ҳинд, Хитой манбалари буни



тасдиқлайди. Бу ҳудудларда арабларнинг савдо ва маданий ҳаётда устунлиги Суахили деб аталган цивилизацияни вужудга келтирди. Арабларнинг ўзи эса бу ҳудудларни (шарқий Африкани) Зангистон деб атадилар. Суахили аҳолиси ислом динига VII-VIII асрлардан бошлаб эътиқод қилади ва шаҳар давлатлар араб маданиятига хос танга пуллар, архитектура иншоотлари курсаларда, қисман маҳаллий эътиқод ва маданиятни сақлаб қоладилар.

Африканинг Замбези, Саби, Лимпопо дарёлари оралиғида яна бир цивилизация “Зимбабве цивилизацияси” XII-XVI асрларда гуллаб яшнади. Каранга халқи ташкил этган давлатни европаликлар унинг асосчиси Мвенемутапа (португаллар уни Мономатапа деб атаганлар) номи билан боғлаганлар. Мономатапа маданияти Кхами, Дхло-Дхло, Налетом, Зимбабве каби шаҳарларга асос солганлар. Подшо ва оддий аҳоли алоҳида-алоҳида қалъаларда яшаганлар, подшо олдида гулхан доимий ёниб турган. Губернаторлар ҳар йили бир марта подшо оловидан ўз оловларини ёққанлар. Бу итоаткорлик белгиси ҳисобланган. Мономатапа ёдгорликларидан араб, форс, ҳинд, хитой ашёларининг топилиши унинг савдо-сотикдаги иштирокини кўрсатиб беради. Мономатапа маданиятини XVI асрда бу ҳудудларни босиб олган Розви қабиласи вайрон қилган.

Аксум давлати милодимиз I аср бошларида шаҳар давлатлар сифатида шакллана бошлади. Ҳатто Юнон савдо колониялари ҳам милодимиз бошларидаёқ мавжуд бўлган. IV асрда Аксум давлати кучаяди. 333 йили Аксум давлатида христиан дини давлат дини даражасига кўтарилади.

IV асрда Аксум Мероэни, жанубий Арабистонни босиб олади. VII асрда аксум кучсизланади. Араб халифалиги 630-640 йилларда Адулис портини босиб олиб, Аксумни денгиз йўлидан ажратиб қўйди. Император (Негус) ҳокимияти кучсизланиб, Расам (князь)лар ҳокимияти кучайиб боради.

IX-XII асрларда ҳокимият тепасига Фолоша қабиласи келади. Бу даврда яхудийлик давлат дини даражасига кўтарилади. XII асрда Загве династияси ҳокимият тепасига келади. Подшо Лалилота даврида Аксум гуллаб яшнади. XIII асрда Йекуне-амлаке (1270-1285 йй.) Соломон династиясига асос

солади. Бу сулола 1974 йилда (Хайле саласе охирги Негус) тахтдан ағдарилди.

Африка халқларида ёзувнинг пиктографик ва иероглиф шакллари мавжуд бўлган. Хауса, Кануру, Сонгаи, Бамбара, Доган халқларининг ўз пиктографик, иероглиф ёзувлари мавжуд. Пиктографик ёзувнинг энг кўп тарқалгани нсибиди ёзуви бўлиб, ундан Нигерия, Камерун аҳолиси фойдаланади. Серро-Моне, Того, Гана, Бенин аҳолиси нсибиди ёзувини сеҳр-жоду маҳсули деб уни илоҳийлаштирадилар. Шунга ўхшаш фикрларни тома, бамум, кпелле, лома каби ёзувларга нисбатан ишлатиш мумкин.

Арабистон ярим ороли ҳам қадим цивилизация ўқочларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ҳудудларда бундан 40-30 минг йиллик (сўнгги палеолит даври)дан бошлаб одамлар яшай бошлаган. Мил.авв. III-II минг йилликларда Семит халқларининг жанубий Арабистонга силжиши кузатилади. Семит қабилалари дастлаб олд Осиё ва шимолий-ғарбий Арабистонда яшар эдилар. Хўжалик тараққиёти чорва молларига яйловларнинг етишмаслиги сабабли уларнинг жанубга силжиши рўй беради. Жанубий Арабистонда улар Сабей маданиятига асос соладилар.

Жанубий Арабистон ҳудудига кўчиб келган Семит қабилалари мил.авв. I минг йиллик 2-ярими, милодий I минг йиллик ўрталарида Сабей давлати мавжуд бўлиб, унга бутун жанубий Арабистон қарам бўлган. Сабей давлатида чорвачилик, қисман деҳқончилик хўжалиги ривожланди. Айниқса, савдо-сотикда Сабейлар Ҳиндистон, Шарқий Африка ва Шимолий Арабистонни боғлаб турган савдо йўлларида устунлик қилган. Сабей давлати милодий IV асрда химьярийлар давлатига қарам бўлди.

Майн давлати эса мил.авв. VI-V асрларда Жанубий Арабистонда ташкил топган давлат бўлиб, унинг ҳудуди ҳозирги Яман давлати ҳудудида бўлган. Майн давлати пойтахти Иасил шаҳри бўлган. Майн давлати зираворлар билан савдо қилишда устунлик қилган. Бу давлат савдо факториялари шимолий Арабистонда ҳам мавжуд бўлган. Биринчи асрда Майн давлати Катабан подшолигига қарам бўлган. Шу билан ўзининг савдодаги мақеини Катабан давлатига бериб қўйган. Кўп ўтмай Сабей давлати Катабан давлатини, Майн ҳудудларини босиб олади. Бу ҳудудларнинг барчаси IV асрда Химьярийлар давлатига тобе

бўлади. Хадрамаут – Химьярийлар давлати мил.авв. 195 йилда Яман ҳудудида ташкил топди. Дастлаб Сабей давлатига қарам бўлган бўлса, кейинчалик кучайиб, IV асрда бутун жанубий Арабистонни босиб олади.

Қадимги Арабистонда исломгача бўлган даврда кўплаб худолар мавжуд бўлиб, улар асосан осмон жисмларини ифодалаганлар. Беруний маълумотларида сабейларнинг қуёш, ой, юлдузлар ва планеталарга сиғиниши билан боғлиқ маълумотлар келтирилиб ўтилган. Сабейлар динида асосий худо Астар бўлиб, у қадимги Месопотамиядаги Иштар худосинин орасида тарқалган шакли деб ҳисоблайдилар. Астар Венера планетасига қиёслаанган. Шунингдек, яна бир кўп қадрланадиган маъбуда ой бўлиб, уни Сабей давлатида Алмахоқ, Маинда Вадд, Катабанда Амм, Хадрамаутда Син деб атаганлар. Бундан ташқари иккинчи даражали маъбудлар сирасига Лот, ал-Узза, Аллоҳ кабиларни киритганлар.

Арабистон ярим оролида яҳудийлик, христианлик ва маҳаллий уруғ қабила динлари ҳукмрон мавқега эга бўлиш учун кураш олиб бормоқдалар. Химьярий давлатида Византия христиан динини давлат дини даражасига кўтаришни истаса, Эрон зардуштийлик динини тарғиб қилди. Аслида ҳар икки давлат денгиз савдосида ҳукмронлик учун кураш олиб борганлар. Византия Аксум (Эфиопия)да христианлик динини давлат дини даражага кўтарилиши муносабати билан бу давлатни Яманга бостириб киришга эришди. Эрон ва Аксум урушлари 570 йилгача давом этиб, Эроннинг Яманни босиб олиши ва зардуштийликнинг давлат дини даражасига кўтарилишга эришди.

Арабистон ҳудудларидан ташқарида яшаган араб қабилалари Лахмидлар Фрот дарёси бўйида Лахмид подшолигини, Сурияда эса ҳасанидлар давлатини тузганлар. Араб маданияти ва давлатчилиги тарихида ушбу давлатлар чуқур из қолдирдилар.

### **Мавзуни мустаҳкалаш учун саволлар.**

1. Мероэ ва Напата (Куш) цивилизацияси ҳақида нималарни биласиз?
2. Шарқ билан савдода Мероэнинг асосий рақиби қайси давлат эди?

3. Каннем-Борну давлат ҳақида маълумот беринг?
4. Тифанг, Нсибида ёзувлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Ғарбий Суданда Сосо қабиласи тузган давлатни ҳақида маълумот беринг?
6. Манси Мусо даврида Мали давлатида қандай ўзгаришлар бўлиб ўтди?
7. Саҳрои Кабирни кесиб ўтган “Туз йўли” ҳақида нималарни биласиз?
8. “Нок”, “Ифе” маданияти ҳақида нималарни биласиз?
9. Суахили цивилизациясининг савдо ва ҳунармандчилик марказлари бўлган шаҳарларни айтинг?
10. Зимбабве цивилизацияси (Мономатапа) мавжуд бўлган даврларни топинг?
11. Аксум давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини биласизми?
12. Арабистон ярим оролида қачондан бошлаб инсонлар яшаганлар?
13. Зираворлар билан савдо қилишда етакчилик қилган Жанубий Арабистон давлатини биласизми?
14. Яманда ҳукумронлик қилиш учун Эрон ва Византия рақобати ҳақида гапиринг?
15. Қадимги Арабистон (Исломгача) бўлган худолари ҳақида маълумот беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
4. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
5. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк Ислом: 1 китоб. Жоҳилия асри //Таҳрир хайъати: Ҳ.Кароматов, Н.Иброҳимов,

3.Хусниддинов ва бошқ./ . – Т.: Тошкент Ислон университети нашриёти, 2001. – 256 б.

6. Львова Э.С. Этнография Африки. – М.: Издательство Московского Университета, 1984. – 242 с.

7.Африканские рабы в далеком и недавнем прошлом. Пер. с франц. и послесл. Н.Б. Гонунга. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1991. – 212 с.

#### **Интернет материаллари**

1. <http://www.ucr.eduFh-gig/horuslinks.html>
2. <http://Englishwww.hss.cmu.Edu/history>
3. <http://www.ukans.edu/history/v1/>
4. <http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml> //
5. <http://www.washlaw.edu/forint//>
6. <http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm>

## 7-МАВЗУ. ҚАДИМГИ КАВКАЗОРТИ ЎЛКАЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ

### Режа:

- 7.1. Мил.авв. VI-V минг йилликларда Кавказорти. Урарту давлатнинг вужудга келиши.
- 7.2. Қадимги Арман ва Колхида давлатлари.
- 7.3. Иберия. Кавказ Албанияси давлатлари.
- 7.4. Қадимги Кавказорти ўлкалари маданияти.

**Таянч тушунчалар.** Урарту, Тейшабаини, Урарту, Армешпурия, Евронидлар, Эрон маданияти, Гобустун тоғи, Уплисцих-ғор ичидаги шаҳар, Дедоплис Мендори ёдгорлиги, Иберия, Албания, Кабала, Эллин маданияти.

Кавказорти ўлкалари ҳам қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Археологик изланишлар бу ўлкада мил.авв. V-IV минг йилликлардаёқ деҳқончилик маданияти юзага келганлигини кўрсатади. Илк деҳқончилик маданиятлари Шомтепа (Озарбайжон), Шулавери (Грузия), Техут (Арманистон), шунингдек, Кура ва Аракс дарёлари ҳавзалари бўлиб ҳисобланади. Дастлаб ерга тош қуроллар, кейинчалик металл қуроллар билан ишлов берила бошланган. Буғдой, арпа, тарик, нўхат асосий ўсимликлар бўлиб, ерга жамоа бўлиб ишланганини археологик ашёлар исботлаб турибди. Мил.авв. III минг йилликларда Кура ва Аракс дарёлари номи билан аталувчи деҳқончилик маданиятларида бронза меҳнат қуроллари ишлатила бошланганини кўриш мумкин. Хўжалик тараққиёти билан бир қаторда деҳқончилик манзиллари, қишлоқлар девор билан ўраб олина бошланди. Қишлоқлар савдо, хунармандчилик марказларига айлана борди. Табиий шароит тоғликлардан иборат бўлгани учун деҳқончиликда терассали усул кўпроқ қўлланилган. Боғдорчилик ҳам қадимдан тараққий қилган бўлиб, асосан узумчиликка катта эътибор қаратилган. Ерларни суғоришда кориз усулидан кенг фойдаланилган. Эр.авв. II минг йилликдан бошлаб Кавказорти ўлкаларида ерга ишлов беришда темир қуроллардан

фойдаланиш бошланди. Деҳқончилик кўрғонлари кенгайиб бориб, уларнинг диаметри 80-100 метрни ташкил эта бошлади.

Мил.авв. II минг йиллик охирида Арман тоғлари, Ван кўли атрофларида Урарту давлатининг вужудга келиши кузатилади. Дастлаб, бу ҳудудларга Оссурия подшолари ўлжа олиш мақсадида босқинчилик юришлари қилиб турганлар. Қадимги манбаларда бу ҳудудларни Уруатру, Биайнили, Арарат деб атаганлар. Мил.авв. XIII асрда бу ҳудудларга юришлар қилган Оссур подшоси Салманасар I урарту қабилаларида 8 та давлат мавжуд, деб ёзиб қолдирган. XIII аср охирида юриш қилган Оссур подшоси Тиглатпаласар I 23 та подшони енггани ҳақида ёзиб қолдирган. Демак, Урарту давлати конфедерация, яъни қабилалар бирлашуvidан ташкил топган. Пойтахти Ван кўли яқинидаги Тешабайни шаҳри бўлса, диний-маданий марказ Муссасир шаҳри ҳисобланган. Урарту подшолари ташқи душман (Оссурия)ларга қарши қарийб 3-5 аср курашиб, мил.ава. IX асрда подшо Араму (мил.авв.864-845 йй.) даврида ягона давлат бўлиб бирлашдилар. Араму Оссур подшоси Салмонасор III га қарши муваффақиятли курашлар олиб боради. Подшо Сардури I (835-825 йй.) даврида Урартуда подшо ҳокимияти мустаҳкамланди. Урарту давлати пойтахти Тешабайни (Тушпа)га асос солинди. Шоҳ Импулнинг (мил.авв. 825-810 йй.) марказий ҳокимияти кучайди. Давлат ҳужжатларини юритишда Оссур тилидан воз кечиб, Урарту тилида юритила бошланди.

Урартуликларнинг қадимги диний тасаввурлари табиат ҳодисаларига асосланган. Асосий худолар Халди-осмон, Тейшеба-ёмғир, Шивини-куёш худолари учун Мусассир шаҳрида ибодатхоналар қурилган. Импулнингнинг ўғли Менуа (мил.авв.810-??? йй.) даврида шимолга Кавказортига ва жанубий ғарбга Сурияга ҳарбий юришлар қилинган. Бу даврда Урарту қадимги дунёнинг энг қудратли давлати бўлиб қолади. Менуа пойтахт Тушпани сув билан таъминлаш мақсадида 70 км узунликда канал қаздирган. Канал унинг номи билан аталган. Шунингдек, кўплаб чегара истехкомлари, қалъалар қурдирган.

Урарту давлати қулагач, мил.авв. VI аср бошларида унинг ҳудудларида Арман давлати вужудга келди. Аслида Арман давлати Урарту маданияти давомчиси бўлиб, унинг ташкил топишида қадимги урартунинг Армешуприя вилояти (Урарту

конфедерациясига кирувчи бир князлик) катта рол ўйнади. Арман подшолиги, Оссурия ва Бобил аҳамонийлар томонидан тор-мор келтирилгач, Эронга қарам бўлиб қолади. Эрон аҳамонийлари арман подшоликларини маҳаллий Евронидлар сулоласи вакиллари орқали бошқарганлар. Арманистон сатраплари фақат Евронидлардан тайинланган. Евронидлар ҳокимиятни ўз қўлларида тутиб туриш учун ҳатто аҳамонийлар билан қариндошчилик алоқаларини ҳам йўлга қўйганлар. Арман подшоси Ерван II Аҳамонийлар подшоси Артаксеркс II синглисига уйланади. Форс маданияти аста-секинлик билан Бобил, Оссур маданиятини Арманистондан сиқиб чиқара бошлайди. Эрон аҳамонийлари давлати кулагач, Арманистон қисқа вақт “Мустақил” бўлади. Лекин А.Македонский давлати таркибига киради. Эллинизм даврида Арманистонда юнон маданияти гуллаб яшнайти. Юнон-македонлар асос солган Фасис, Диоскуриада шаҳарлари мамлакат иқтисодий-маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

Мил.авв. VI асрдаги Юнон колониячилиги бошланиши билан юнон дунёсида Колхида ва унинг афсонавий бойликлари ҳақидаги афсоналар пайдо бўлади. Мил.авв. V асрга оид аёл қабридан 1600 та олтинга ишлов берилиб, тайёрланган бука, шер, шаклидаги ҳайкалчалар ва тақинчоқлар, шунингдек, темир буюмлар топилиши Колхида Кавказортидаги муҳим металга ишлов берувчи ҳудуд бўлганини тасдиқлайди. О.Д. Лоркипонидзе ва Г.А. Лоркипанидзелар ҳозирги кунда Колхида маданиятини археологик асосда ўрганишда кўплаб тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Қадимги Юнон афсоналарида аргонавтларнинг олтин мўйна излаб Колхидага келиши, Колхида ҳақида юнонларнинг мил.авв. I минг йиллик бошларидаёқ билганликларини кўрсатади. Страбон асарларида ёзилишича, Колхидада кемасозлик ривожланган, савдо кемалари халқаро аҳамиятга эга бўлган, мил.авв. V-IV асрларда Колхиданинг ўз танга пуллари бўлиб, уни “Колхитка” деб атаганлар. Тангалар бир томонига ҳукмдор сурати, орқа томонига ҳукмдорлик рамзи бука тасвири туширилган. Мил.авв. III асрдан бошлаб темир колхиткалар ўрнига подшо Ака олтин тангалар зарб қилдира бошлайди.



Колхида маданиятини ўрганишда Ван қалъасини археологик тадқиқ этиш муҳим хулосалар чиқаришга асос бўлади. Қалъа Сулари ва Риони дарёлари туташган жойда бўлиб, икки қисмлидир. Биринчиси, учбурчак шаклидаги Акропол, иккинчи қисми оддий аҳоли яшайдиган шаҳар қисмидан иборат, бу ерда антик маданиятга хос сополчилик, рассомчилик, мраммари қайта ишлаш санъати маҳаллий ва юнон маданиятларининг уйғунлашуви асосида ўзига хос маданият яратилганлигини кўрсатади. Колхидадаги Синоп ва Героклея шаҳарлари соф юнон маданиятига хос бўлиб, улар юнон колонияларидан шаҳар даражасига ўсиб чиққан.

Мил.авв. III асрда ташкил топиб, милодий III-IV асрларгача яшаган Иберия подшолиги шарқий Грузияда ташкил топган. Унинг тарихини антик давр тарихчилари асарлари орқали, яъни Ибериянинг илк тарихи ҳақида муҳим маълумотларни билиш мумкин. Археологик тадқиқотлар натижасида мил.авв. III-I асрларга оид Дедоплис Мендори ёдгорлигидан юнон Македония ёдгорликлари кўплаб топилган. Қалъа шимолдан жанубга томон чўзилиб, 6 га майдонни ташкил қилади. Қалъа баланд тош девор билан ўралган. Қалъанинг жанубида 46 га 30 метрли 4 та залдан иборат ибодатхона жойлашган. 90 метр шимолда, яъни қалъанинг шимолий қисмида яна бир кичик ибодатхона бўлиб, ҳар икки ибодатхонадан қалъанинг шарқи ва ғарбидаги дарвозаларга борадиган йўл бўлган. Археолог Ю.М. Гагонидзе бошчилигида археологлар бу комплекс ибодатхонани ўрганиб, уни маздакийлар ибодатхонаси бўлган, дейди. Ибодатхона деворларидаги ёзувларда маҳаллий диний эътиқод мабудлари билан бирга Авестодаги Анахита илоҳасининг номи ҳам сақланиб қолинган. Антик муаллифлар Страбон ва Плиний кичик асарларида Ибериянинг биринчи подшоси Парнавоз Армози тоғида Богинети шаҳрини қурганини ёзиб қолдирганлар. Археологик тадқиқотларда, мустаҳкам муҳофаа деворлари, саройлар, ибодатхона, хунармандчилик устахоналари топилган. Қурилишлар маҳаллий анъаналар асосида олиб борилган. Мантия Мровели қалъасининг қурилишида ҳам Богинети анъаналари сақланган. Табиий шароитдан келиб чиқиб уй, сарой ва бошқа иншоотлар тошдан қурилган. Ҳаттоки, шша вақтларда Уплисцих-Ғор ичида қурилган шаҳар ҳам машҳур эди. Милод бошларида

Иберия архитектурасида Рим услуби етакчилик қилади. Иберияда тасвирий санъат, архитектура, металга ишлов бериш, заргарлик санъатлари ривожланган.

Кавказортидаги яна бир давлат Албания деб номланган. Бу давлат тарихини ўрганишда археологик ва эпиграфик манбалар муҳим аҳамиятга эга. Антик давр муаллифлари асарларида ҳам умумий фикрлар мавжуд холос. Албанияга римликлар мил.авв. I асрда кириб келганлар. Гобустун тоғидаги тошга ўйиб ёзилган ёзувда Рим армиясининг XII легиони бу ҳудудда турганлиги қайд этилди. Боку шаҳри яқинидаги бу ёдгорлик Рим Парфия урушлари ва уларнинг натижалари ҳақида ҳам муҳим маълумотларни беради. Албанияда шаҳарсозлик анъаналари мил.авв. I минг йиллик ўрталарида мавжуд бўлсада, уларда дастлаб Эрон, кейин Эллин маданиятлари устунлик қилади. Парфия давлатига қарам бўлган Албания мил.авв. I асрда Рим маданияти таъсирига берилади.

Албаниянинг йирик ва марказий шаҳри Кабала эди, археологик тадқиқотлар унинг майдони 50 гектар эканлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари Нимаха, Мингечауре, Тозакент каби кўплаб шаҳар харобалари ҳам топиб ўрганилган. Асосий қурилиш материаллари ёғоч, тош ва ғишт бўлиб, бой хонадонларнинг уй томлари черепица билан ёпилган. Юнон драхмаларига ўхшаш танга пуллар зарб этилган. Ҳайкалтарошликда тош, сопол ва бронза ашё бўлиб хизмат қилган. Турли ҳайвонлар, инсонлар, худолар ҳайкаллари топилган. Кабаладаги қазиларда ҳайкалтарошликда юнон услуби кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Юнон маданиятидан Герлос, Селена, Зевс худоларини ўзлаштирганлар. Маҳаллий эътиқодлар ҳам сақлаб қолинган. Бош коҳин подшодан кейин иккинчи ўринда турган.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Кавказда илк деҳқончилик маданий ёдгорликларини биласизми?
2. Кориз усулида деҳқончилик қилиш Кавказда қачон бошланди?
3. Урарту давлат конфедерацияси ҳақида нималарни биласиз?

4. Тушпа шахрига қачон асос солинган. Тушпани сув билан таъминлаб турган 70 км ли канал қандай номланган?
5. Армешуприя вилояти, Евронидлар сулоласи ҳақида гапириб беринг?
6. Колхида ҳақида қачондан бошлаб юнон манбаларида тилга олинади?
7. Подшо Ака “Колхитка” тангалари ўрнига қандай тангаларни жорий қилди?
8. Дедоплис Мендори ёдгорлиги неча гектардан иборат. Унинг архитектураси ҳақида гапиринг?
9. Муссасир шаҳри қайси давлатнинг диний маркази эди?
10. Буқа, шер шаклидаги олтин тақинчоқлар аёл кишига тегишли қабр нечанчи асрга оид?
11. Кабаладаги қазилар ишларидаочиб ўрганилган қалъада қайси давлат архитектураси устунлик қилганлиги аниқланган?
12. Милод бошларига оид Иберия архитектурасида қайси давлат анъаналари устунлик қилган?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 592 б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
5. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре/Отв. Редактор А.А. Вагасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. – 464 с.
6. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

7. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

8. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яҳё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.

9. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

10. История цивилизации [Текст]: учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с.

11. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

12. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

13. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.

#### **Интернет материаллари**

1. [http: // history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)

2. [http: // www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html)

3. [http: // classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).

4. [http: // www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)

## 8-МАВЗУ. ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЭРОН

### Режа:

8.1. Мил.авв.ИИИ минг йилликда Эрон. Элам – Мидия давлатлари ва маданияти.

8.2. Ахамонийлар даврида Эрон. Ижтимоий-иқтисодий институтлар, маздакийлик, Ахамонийлар даврида Эрон маданияти.

8.3. Парфия ва Сосонийлар даврида Эроннинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи. Адабиёт ва санъат.

**Таянч иборалар.** Элам, Суза, Хатамту, Мидия, Форс, киммерийлар, скифлар, Астиаг, Кир II, Гаумата, Доро I, дарик, юнон-форс урушлари, Беҳистун қоялари, 40 белгидан Эронда ёзув, Парфия, Ород II, Сосонийлар, Пасаргард, зардуштийлик, мобед, маздакийлик.

Эрон ҳудудларида, айниқса, унинг ғарбида мил.авв. VIII-VI минг йилликларда деҳқончилик маданиятлари (Тепа-Гўрон, Сароб) шаклланди. VI-V минг йилликларда эса ишлаб чиқарувчи хўжалик тармоқлари Эрон платоси, Дашти-Лут ва Дашти Кабир чўлларининг шимоли ва жанубида шаклланди. Мил.авв. VI минг йилликда мис қуроллардан кенг фойдаланилди. Суза ҳудудларидан топилган пичоқларда (мил.авв. 3000 й.) омоннинг тавсири туширилганлиги, бу ҳудудларда мил.авв. IV минг йиллик охиридан бошлаб сунъий суғоришга ўтилганидан далолат беради. Жанубий-Ғарбий Эроннинг бу ўлкасини шумерлар Ним, вавилонликлар ва оссурлар Эламту, яъни тоғли мамлакат деб атаганлар. Эламликларнинг ўзлари эса Хатамту деб номлаганлар. Мил.авв. III минг йилликда Авон, Аншон, Симаш, Кимаш давлатлари ташкил топади. Улар кейинчалик Суза давлати қўл остида бирлаштирилади. Элам Месопотамиянинг шарқдаги йирик савдо-сотиқ марказларидан бири эди.

Элам ёзуви намуналари Яхётепа ёдгорлигидан топилган. Ёзув пиктографлардан иборат бўлган. Эламнинг мил.авв. III-II минг йилликдаги тарихи Месопотамия билан боғлиқ бўлган. XXIV-XXIII асрларда Элам Аккад давлатига қарам бўлиб қолади.

XXII асрда Кутик-иншушинак Эламни бирлаштиради. Лекин тез орада гутийлар таъсирига тушиб қолади. Подшо Кутир-Наххунте I (1730-1700 йй.) даврида Элам яна бир бор Месопотамияга бостириб киради. Эламни Шумерча Суккалмах (буюк худо томонидан юборилган) бошқарган ва Сузада яшаган. Подшонинг укаси Суккалом (юборилган) деб аталиб, иккинчи пойтахт Симашда яшаган. Подшо ўлгач, у тахтга ўтириш ҳуқуқига эга бўлган. Учинчи поғонада Суза шахри ҳокими турган бўлиб, у оддий ҳоким унвонида юрган. Кичикроқ вилоятларни Адда (оталар) бошқарганлар. Албатта, улар подшо оиласи ва унга яқин кишилардан тайинланган. Элам подшолари ўз опа-сингилларига уйланганлар. Тахминан мил.авв. 1180 йилда Элам подшоси Шутрук-нахунта I Вавилионни босиб олиб, ўлжалар билан бирга Хамураппи қонунларини ҳам Сузага олиб кетади. Мил.авв. 1115 йилда Вавилион подшоси Навоҳудоносор I Эламга ўнганмас зарба беради. Элам Бобилга 300 йил давомида қарам бўлиб қолади. VIII асрда Элам Оссурияга қарши курашга қўшилади, бироқ мил.авв. 720 йилда қакшатқич мағлуибиятга учрайди. Мил.авв. 692 йилда Вавилион билан биргаликда Оссурияга қарши курашиб Халум деган жойда Оссур қўшинларини енгган эламликлар ҳам кучсизланиб қоладилар. Оссур-Элам уруши мил.авв. 639 йилда Эламнинг мағлубияти билан тугайди.

Мил.авв. III минг йилликда Эламда жамоа тартиблари устунлик қилган бўлса, мил.авв. II минг йилликда қулчилик институтлари ривожланади. Хусусий ибодатхона ер эгалиги кўпаяди. Элам жамиятида бошқа шарқ жамиятларидан фарқли аёл киши суд гувоҳлигига ўта олар, ҳатто давлат мансабларини эгаллаши мумкин бўлган. Тахминан мил.авв. 1200 йилда подшо Сиртух онасини Суза шахри ҳокими этиб тайинланган. Элам жамиятида қизлар ўғиллар билан бирга меросхўр ҳисобланган.

Тахминан мил.авв. 3000 йиллар атрофида Элам ёзуви шаклланган бўлиб, пиктографик ёзувда асосан 150 дан ортиқ белгилар бўлган. Бу ёзувларни ҳали ўқиб бўлинмаган. III минг йиллик ўрталарида 80 белгидан иборат чизиқли бўғинли ёзув шаклланган. Бу ёзув мил.авв. XXIII асрда кенг тарқалган. Мил.авв. II минг йиллик биринчи ярмида Вавилион ёзуви кириб келади ва мил.авв. V асргача эламликлар ундан фойдаланадилар. Эламнинг диний маркази Суза шахри бўлиб, олий худо Пиникир

(буюк маъбуда) бўлган. У ер ҳомийси худолар онаси бўлган. Иншушинак эса, Суза ҳомийси бўлган. Қуёш худоси Наххунте кун яратувчиси бўлиб ҳисобланган. Бундан ташқари напира-ой, шози-сув, нуску-олов, нарунде-ғалаба худоси ҳисобланган. Нарам-суэн (аккад подшоси) билан подшо Хита шартномасида (мил.авв. 2230 й.) 37 та Элам худолари саналган. Худолар шарафига ўтказилган тантаналарда кўплаб муסיқачилар қатнашган. Бундай тартибдаги муסיқачилар ҳам ибодатхона руҳонийлари бўлган.

Элам сополларида мил.авв. IV минг йилликлардаёқ геометрик чизиқлар, қушлар, ҳайвонлар, инсонлар тасвирланган. III минг йилликда эса грифонлар, қанотли шерлар, шайтонлар тасвирлари пайдо бўлади. III-II минг йилликдаги Элам маданиятидаги Месопотамия маданиятининг кучли таъсири сезлиб туради. Элам ҳайкалтарошлигининг олий намунаси 1800 кг оғирликни ташкил қилувчи малика Напиросу ҳайкали ҳисобланади. Элам архитектурасида мил.авв. XIII асрга оид Дур-унташ шаҳрида қурилган зиккурат ноёб ёдгорлик бўлиб, тўрт қаватли зиккурат кириш эшигида худолар, подшолар, шерлар ҳайкали билан безатилган. 42 метр баландликни ташкил этган зиккуратнинг пастки қавати 105 метр узунликка эга.

Мидия Эроннинг ғарбий қисмида жойлашган тарихий вилоятдир. Мил.авв. III-II минг йилликларда ўтроқ ҳаётга ўтиш жараёни бўлиб, дастлабки аҳоли элам, Кассий, гутей, хуррит тилларида гаплашган. Айрим олимлар шарқий Европа чорвадор аҳолиси Кавказ орқали Эронга кириб келган эроний қабилалар мил.авв. XII-XI асрларда бутун Эрон худудларига тарқалган деб ҳисоблайдилар. Лидия худудларига мил.авв. IX асрдан Оссур қўшинлари ўлжа олиш мақсадида босқинчилик юришлари қилганлар. Урарту давлати кучайгач, Руса I 22 манней (Мидия) князларини мил.авв. 716 йил мағлуб этади. Дайакку исмли манней подшосини урартуга ўлпон тўлашга мажбур қилади. Мил.авв. 715 йилда эса Саргон II Дайаккуни асир олиб ҳокимиятдан четлатади. Мил.авв. VIII асрда киммерийларнинг ва мил.авв. VII аср бошларида скифлар хужуми Урарту ва Оссуриянинг кучсизланишига сабаб бўлади.

Мил.авв. 673 йилда лидияликлар Оссурларга қарши қўзғолон кўтаради. Қўзғолонга Каштарити бошчилик қилиб,

муस्ताқил Мидия давлати тузилади. Мил.авв. 653 йилда Мидия Оссурия устига қўшин тортади. Лекин скифлар ҳужуми натижасида Каштарити вафот этади. Мидияда мил.авв. 653-625 йилларда скифлар ҳукмронлик қилади. 625 йилда Каштаритининг ўғли Киаксор скифларни қувиб чиқаради. Мидия давлатини бирлаштириб Эқбатанни пойтахт қилиб олади. Мил.авв. 612 йил Киаксар Вавилион подшоси Набопаласар билан бирга Оссурия пойтахти Ниневияни ишғол қилади. Мил.авв. 605 йилда эса, Харрон шаҳри яқинида Бобил, Мидия қўшини, Оссур, Миср қўшинини мағлуб этади. Мидия мил.авв. 593 йил Урартуни, 590 йилда эса, Кичик Осиёнинг катта қисмини (Лидиядан ташқари) босиб олади. Шунингдек, Парфия, Гиркания, Сейистонни ишғол қилади. Мил.авв. 584 йил Киаксар вафот этади. Унинг ўғли Астиаг (584-550 йй.) Эламни истило қилди. Лекин 550 йил янги сулола Аҳмонийлар Мидияни истило қиладилар.

Мидия маданиятига Оссурия таъсири кўпроқ сезилади. Архитектурада (нўшижон) олов ибодатхонаси (мил.авв. VIII асрга оид) топилган бўлиб, баландлиги 185 метрни ташкил этади. Подшонинг Эқбатандаги саройи ноёб архитектура намунаси бўлиб, етти девор билан ўралган. Мидия мил.авв. VII-VI асрларда Эрон маданиятининг маркази бўлган.

Парсуа қабилалари ҳақида мил.авв. IX асрда илк бор Оссур манбаларида учради. Афсоналарга кўра, Парсларни мил.авв. VIII асрда илк бора Ахамон бирлаштирган. Мил.авв. 642 йили Оссурлар Эламни босиб олган пайтда Парс подшоси Кир I Оссурияга бўйсунди. Мил.авв. 600-559 йилларда Камбиз I Мидияга итоат этиб, Астиагнинг қизи Манданага уйланади. Ривоятларга кўра Астиаг туш кўриб, уни тадбирини сўраганда, сарой руҳонийлари синглисининг ўғли ундан тахтни тортиб олишини айтишади. Астиаг синглиси Мандананинг ўғлини ўлдиришга буюрсада бир чўпон уни ўз тарбиясига олади. Натижада Кир II мил.авв. 558 йил бобосига қарши курашиб, 553 йилда уни енгади ва Мидияни босиб олади. Форс давлати ташкил топиб, тез орада Элам, Парфия, Гиркания, Арманистонни ишғол қилади. Мил.авв. 547 йили қудратли Лидияни босиб олади. Кичик Осиёдаги юнон шаҳарлари ҳам форс давлатига қарам бўлиб қолади. Мил.авв. 539 йил Бобил ҳам ишғол этилади. Мил.авв. 550 йил Ўрта Осиёга юриш даврида Кир II вафот этади. Кир II вориси



Камбиз II мил.авв. 525 йилда Мисрни истило қилиб, фиръавн номини олади. Мил.авв. 522 йилда Эронда зардушт руҳонийси Гаумата шахзода Бардия номи остида қўзғолон кўтаради. Камбиз қўзғолонни бостириш учун қайтаётганда йўлда сирли равишда ўлдирилади. Гаумата етти ойдан сўнг ўлдирилиб, тахтга Доро I чиқади. Ана шу қўзғолон даврида Эрондаги ижтимоий-иқтисодий институтлар кураши бўлди, десак хато бўлмайди. Патриархал-уруғ жамоачилигидан четга чиқиб кетмаган, истилочилик юришларидан уруғ бошлиқлари катта бойлик ортирар эди. Шунинг учун улар шоҳларни қўллаб-қувватлар ва унинг кучайиб бораётган деспотик ҳокимиятидан гўёки ташвишга тушмас эди. Бунинг оқибатида оддий жамоачиларнинг ҳарбий мажбуриятлари ва бўйсундирилган халқларнинг ўлпон тўлаш мажбурияти ошиб борар эди. Гаумата ҳокимият тепасига келгач, уч йил ўлпон олишни ва ҳарбий мажбуриятни бекор қилади. Шунинг учун уни тезда бутун Эрон подшо сифатида тан олади. 11 март 522 йил (мил.ав.) ва 29 сентябргача, Гаумата подшолигининг етти ойида бирор марта қўзғолон кўтарилмайди. Гаумата Эрон ва бўйсундирилган халқларнинг турли табқалари орасида катта обрў қозониш учун ҳаракат қилиб, подшо ҳокимиятини чекланмаган ҳуқуққа эга деб ҳисоблаб, Эрондаги таниқли уруғларга қарши курашди. Шунингдек, катта қудратга эришган ибодатхоналарга ҳам қарши курашди. Натижада, еттита Эрондаги энг аслзода уруғлар фитна уюштириб, Гауматани ўлдирадilar. Тахтга Доро I ўтиради, эски тартибларни тиклаш тарафдори бўлганлиги учун Доро I га қарши Вавилион, Форс, Лидия, Элам, Марғиёна, Парфия, Саттагидия, Ўрта Осиё, Мисрда қўзғолонлар кўтарилади. Қўзғолонлар мил.авв. 522-521 йиллар давомида катта қийинчиликлар билан бостирилди. Доро I мамлакатда сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга ислоҳотлар ўтказди. Мил.авв. 548 йил мамлакат сатрапликларга бўлинди. Сатрап тепасида хшатра-подшолик кўрикчиси унвонидаги шахс туриб, у сатрапликдан маълум миқдордаги солиқларни подшо хазинасига етказиши лозим эди. Сатраплар кўпроқ фуқаровий бошқарувга эга бўлиб, улар кумуш ва мис тангалар зарб қилиш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Сатраплардан ташқари ҳарбий бошлиқлар мустақил бўлиб, тўғридан-тўғри подшога бўйсунар эди. Мамлакатнинг пойтахтлари Суза, Экбатон, Пасаргардда подшо канцелярияси

ташқил этиб, алоқа хизматларини юзага келтирди. Подшонинг кўз кулоқлари номли яширин полиция хизмати жойлардаги сатраплар, аҳоли кайфиятидан шоҳни огоҳ қилади. Ҳуқуқий соҳада таниқли уруғ бошлиқлари катта мавқега эга бўлган. шунингдек, турли уруғ-қабила, халқлардан ташқил топган давлатда одат ҳуқуқи, Бобил (Хамураппи), Миср қонунлари ҳам амалда қўлланилган.

Мил.авв. 517 йил пул ислоҳоти ўтказилиб, 8,4 гр ли олтин тангалар зарб қилина бошланди. Форс армияси отлик ва пиёдалардан ташқил топган бўлиб, отлик аскарлар шарқий Эрондаги саклардан кўпроқ олинган. Қўшин асосини 10 минг кишини ташқил этувчи “ўлим билмас” аскарлар ташқил этиб, унинг дастлабки 1000 кишилиқ таркиби подшонинг шахсий гвардияси таниқли уруғлар орасидан танлаб олинган. Доро I даврида ташқи сиёсатда юнон-форс урушлари (мил.авв. 490-449 йй.) Эронни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучсизланишига олиб келди. Мил.авв. 330 йилда А.Македонский қўшинлари зарбаси остида Эрон давлати қулайди. Мил.авв. VI-IV асрларда Эрон иқтисодиётида деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик устун мавқега эга бўлган. Миср, Сурия, Ўрта Осиё ҳудудларидаги Ерлар расман подшога тегишли бўлиб, подшо ерни ижарага берар, ижарачилар эса, яна майда ишлаб чиқарувчиларга берар эди. Бобилда мурашу, Мисрда Аршама ва бошқалар шоҳ ижарачилари бўлиб, катта бойлик тўплар эдилар. Бундан ташқари подшодан ер олиб ҳарбий хизмат ўтаб бериш шакли ҳам вужудга келган эди. Сувда ва қуруқликда савдо-сотик ривожланиб, Ҳиндистондан узоқ Испаниягача эркин савдо қилиш мумкин бўлган шоҳ йўлининг ва мил.авв. 518 йилда Скилокнинг ҳинд дарёсидан қизил денгизгача сузиб боргани сув йўлининг аҳамиятини ортишига сабаб бўлди. Қулчилик Эрон давлатининг ўсиб бориши билан ривожланди. Дастлаб қуллар уруғчилик анъаналари асосини унчалик емирмаган бўлсада, кейинчалик қуллар (курташ, бантак) жамиятда катта рол ўйнай бошладилар.

Эроннинг қадимий ва илк ўрта асрлар тарихида зардуштийлик дини катта рол ўйнаган. Мидиянинг сўнгги подшоси Астиаг давридаёқ зардуштийлик давлат дини даражасига кўтарилган. Шу билан бир қаторда ўзга юрт худоларига ҳам эътиқод давом этган. Эрон давлати кучайган

даврда ҳам Миср, Бобил, Финикия, Юнон худоларига подшо номидан қурбонликлар қилинган, албатта, улар Ахурамаздага қилинган қурбонликлардан уч баробар кам бўлган. Қадимий форс ёзуви Аккад ёзувига ўхшасада, аммо, у кўпроқ алфавит ёзув бўлиб, 40 та белгидан иборат бўлган. Қадимги Эрон архитектураси ёрқин намуналари Пасаргад, Персипол, Суза ва бошқа шаҳарларда кўплаб топилган. Кир II дахмаси, Доро I саройи, Эрон шоҳлари мақбараси бўлган нақши рустам, Беҳистун ёзувлар ва бошқа кўплаб архитектура ёдгорликлари топилган. Ахамонийлар даврида Эрон санъатига Миср, Бобил санъатининг таъсирига қарамай, Эрон санъати ўзига хос йўлдан ривожланди. Асосан реалистик тасвирларни тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда тасвирлаш Эрон санъатининг асосий ютуғи эди.

Мил.авв. 334-323 йилларда Эрон ҳудудини юнон-македон қўшинлари босиб олади. Кейинчалик мил.авв. 250 йилгача, салавкийлар давлати таркибида бўлади. 247 йил Парфияда дахпарх қабилалари етакчиси Аршак салавкийлар сатрапи Андрагорни мағлуб этиб, Парфия давлатига асос солади. Парфия давлати Митридат I (мил.авв. 171-138 йй.) даврида кучайиб, Мидия, Месопотамия худудларини босиб олади. Деметрий II салавкийлар қудратини қайта тиклаш учун қилган ҳаракати (мил.авв. 141йй.) муваффақиятсиз тугайди. Митридат II (мил.авв.123-87 йй.) даврида Парфия қудратли давлатга айланади. Шу вақтдан бошлаб Парфия Римнинг Шарқдаги энг катта рақиби бўлиб қолади. Мил.авв. II-I асрлардан Парфия давлати кучсизлана бошлайди. Рим императорлари Троян, Адрианнинг қўшинлари пойтахт Ктесифонгача етиб келади. 148-192 йилларда Вологез III даврида Парфия Римга қарши жавоб зарбалари беради.

Парфия шоҳлари куруқликдаги савдо йўллари устида ҳукмронликни ўз қўлларида сақлаб қолиб, қароқчиларга қарши кураш олиб бориш мақсадида махсус кўрикчи бўлинмалар тузадилар. Давлат тузилишига кўра Парфия кичик-кичик қарам подшоликлардан иборат бўлиб, князлар Марказий хиокимиятга қарши доим кураш олиб борганлар. Парфия маданиятида юнон элементлари кучли таъсир этади. Ород II (мил.авв. 55-38 йй.) Красснинг мағлубияти (мил.авв. 53 йй.) ҳақидаги хабарни театр

кўриб турганда эшитади. Маҳаллий эътиқодлар билан бир вақтда юнон этиқоди, ёзуви сақлаб қолинган. Ишлаб чиқаришда асосан куллардан фойдаланилган. Ижтимоий жиҳатдан подшо ва йирик ер эгалари, эркин жамоачилар юқори қатламни ташкил этган. Подшони икки кенгаш қабила оқсоқоллари ва руҳонийлар тан олсагина унинг ҳукмронлиги қонуний асосга эга бўлган. Турфа халқлар ва маданиятларни бирлаштирган Парфия давлати мил.авв. III-I асрларда юнон маданияти устунлик қилар эди. Аристократлар орасида юнон тартиб-қоидалари асосида яшаш ва ўзини тутиши лозимлиги ёшлигидан сингдириларди. Нисо шаҳри (Ашхобод яқинида)ни қазиб вақтида зардуштийлик даври ва эллинистик давр ибодатхоналари, архитектура ёдгорликлари, 12 олимп худолари эътиқод культида сақланиб қолинганлиги аниқланган. Милодий II асрдан маданиятда Парфия мотивлари кучайиб, архитектура ва тасвирий санъатда, шунингдек тангалар зарб қилишда яққол кўзга ташланади.

Эроннинг Форс вилоятидан бўлган уруғи етакчиси Ардашер дастлаб Парфия давлатининг удел князи эди. 224 йилда эса, Артабан V қўшинларини мағлуб этади. Тез орада Мидия, Озарбайжон, Сейистон, Хуросон, Марв воҳаси, Каспий атрофлари бўйсундирилади. Арманистон ва Грузиянинг истило қилиниши билан Закавказьедаги муҳим савдо йўллари ҳам сосонийлар қўлига ўтди. Ардашер I вориси Шопур I (241-272 йй.) даврида Рим империяси билан узоққа чўзилган уруш бошланди. Сосонийлар давлати Шопур II (309-379йй) даврида катта қудратга эришиб, Бахрайинни босиб олди. Рим билан муваффақиятли урушлар олиб борди. Арманистон ва Грузия икки давлат ўртасида 387 йилги сулҳга кўра тақсимланди. Ўзидигард I даврида христиан дини Эрон худудларига тарқала бошлади. Баҳром Ғўр (421-438 йй) даврида христианлар таъқиб остига олинади. Ўзидигард II (438-457 йй.) Арманистонда ҳам зардуштийликни давлат дини даражасига кўтаришга уриниши катта кўзғолонга сабаб бўлади. Перўз (459-484 йй.) давридагина кўзғолон бостирилади. Эроннинг бу даврдаги ижтимоий тузилишида учта озод, эркин табақа мавжуд бўлиб, улар руҳонийлар, ҳарбийлар, эркин дехқон ер эгалари бўлиб, IV асрдан табақаларда ўзгариш юз беради, яъни руҳонийлар, ҳарбийлар, котиблар ва солиқ тўловчи табақалар шаклланади.

Рухонийлар бошлиғи-Мобедан-мобед, ҳарбий кўмондон-Эрон-Споҳбед, бош котиб-Дабирбед, солиқ тўловчи табақа бошлиғи-Вастриашон-салор деб аталган. Рухонийларнинг олий табақаси мобед зардушт коҳинлари магларни назорат қилиб турган. Мобедан-мобед шоҳдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган. Эрон сипоҳдордан сўнг ярим мустақил вилоят ҳокимлари шаҳрдорлар турган. Ундан сўнг виспухр-қадимги Эрон аслзода уруғлари туриб, улар муҳим давлат ишларини бажарганлар. Кейинги табақа вазирлар бўлиб, ҳудудий бўлиниш ва армияда муҳим мансабларда бўлганлар. Қўшин асосини азатлар (эркин жамочилар) ташкил этган. Котиблар табақасига хат ёзувчилар, астрологлар, таржимонлар кирган. Тўртинчи табақага деҳқон, ҳунармандлар, савдогарлар кирган.

Сосонийлар даврида зардуштийлик давлат дини даражасига кўтарилган эди. Зардуштийлик таълимоти эзгуликка хизмат қилишдан иборат эди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши натижасида жамиятдаги баъзи саволларга жавоб бера олмай қолаётган бир вақтда янги диний таълимотлар вужудга кела бошлайди.

Шопур I ҳукмронлиги даврида тахминан 241-242 йилларда гностик (диний-фалсафий оқим бўлиб, христианлик ва эллинизм таълимотини мифологик тарзда яқинлаштиришга уринган)лик мактаби аъзоси Моний Эронда монийлик таълимотини тарғиб эта бошлайди. Бу дин эзгулик ва қоронғулик курашига асосланган ғояларни тарғиб этади. Инсон эзгуликка ёрдам бериши учун қон тўкиш, зўравонликлардан воз кечиши, мусиқа, рақс, тавсирий санъат каби соҳалар билан шуғулланиши лозим бўлиб ҳисобланган. Судхўрлик орқали тўкин, тинч фаровон яшаш лозим деб, таркидунёчиликни тарғиб қилган. Зардушт коҳинлари томонидан Моний 276 йили қатл этилади. Аммо, унинг таълимоти бутун Эронга тарқалиб бўлганди.

484 йилда Византияда несториан мазҳаби еретик деб тан олинган, бу мазҳаб вакиллари Византиянинг рақиби Эронга қочади ва христианлик дини тарғиб қилина бошланади. Шу билан бир қаторда Месопотамия ва Эроннинг Марказий вилоятларида яҳудийлик дини ҳам тарғиб қилинган. Маздак ғоялари ҳам кўпдан кўп диний қарашлар асосида шаклланиб V аср охири-VI асрларда катта таъсирга эга бўлди. Чунки

зардуштийлик, эллинистик, христиан ва яҳудийлик диний ғоялари асосида шаклланади. Бир неча йил қурғоқчилик ва чигиртка уруши натижасида ҳосилсизлик натижасида халқ норозилиги кучайиб боради. Шу вақтда (491й.) маздакийлик ғояси асосида илк қўзғолон бўлиб ўтади. 496 йилги маздакийлар чиқиши подшо Каводни эфталитлар ҳукмдори Вахшунвар ҳузурига қочиши ва 499 йил эфталит қўшини ёрдамида тахтга қайтишига сабаб бўлди. Кучайиб кетган маздакчиларни 529 йилда шоҳнинг ўғли Хусрав I қувғин қилишга эришади.

### **Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Эронда деҳқончилик маданияти ва ишлаб чиқарувчи тармоқлар қачондан бошлаб вужудга кела бошлаган?
2. Омоч тасвири туширилган пичоқ қаердан топилган?
3. Элам қачон Суза шаҳри бошчилигида бирлаштирилди?
4. Элам ёзуви ҳақида малумот беринг?
5. Элам дини ҳақида нималарни биласиз?
6. Киммерийлар, скифларнинг ҳужумлари қачон бўлиб ўтган?
7. Мидия давлати мавжуд бўлиб турган хронологик даврни айтинг?
8. Парс қабилаларини бирлаштирган афсонавий қаҳрамонни биласизми?
9. Кир II нинг истилочилик юришлари ҳақида гапириб беринг?
10. Гаутама қўзғолони ҳақида нималарни биласиз?
11. Доро I фаолиятига баҳо беринг?
12. Юнон-форс урушлари ҳақида гапириб беринг?
13. Парфия давлатининг сиёсий тарихини биласизми?
14. Сосонийлар даврида Эронда қандай ижтимоий табақалар мавжуд бўлган?
15. Маздак қўзғолони ҳақида маълумот беринг?
16. Эронда сосонийлар даври диний эътиқодлари ҳақида гапиринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017 .- 592 б.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

4. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

6. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./ Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

7. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./ таржиманинг махсус муҳаррири Яхё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.

17. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

18. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под. Редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

19. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с.

20. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

21. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

### **Интернет материаллари**

1. [http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)

2. <http:// English www.hss.cmu.Edu/history>

3. <http:// www.ukans.edu/history/vl/>

4. <http:// www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml>

## 9-МАВЗУ. ҚАДИМГИ ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

9.1. Донгшон цивилизацияси. Иқтисодий, ижтимоий тузилиши, маданият ва санъат.

9.2. Донгшон маданиятининг Тай-астроосиё муҳити ва Намвьет давлатларига таъсири.

9.3. Индонезия давлатчилиги, Мон-Кхмер маданияти ва санъати.

9.4. Қадимги Хитой цивилизацияси, Шань, Чжоу, Чжоньно даврида Хитой.

9.5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш. Юз мактаб рақобати.

9.6. Цинь ва Хань давлатлари даврида Хитой.

**Таянч иборалар.** Мон-Кхмер, Австроосиё, Австронезия, Донгшон, Юэ, Намвьет, Аулак, Но-ле, опа-сингил Чинглар, Фунань (Бопнам), Самудрадеша, Явадвипа, санскрит, санскрит-малай ва паллав ёзувлари, малгашлар, Борнео, шарқий ва ғарбий Ява, Шалмаладвипа, Ланьтян, Ся, Шан-инь, цзоцзе, табақалар, конфуцийлик, Моцзи, Даоцизм, буддизм, тарихий йилномлар, юлдуз туркумлари, сейсмограф, Чжанго, Цин ва Хан давлатлари, “Қизил қошилилар”, “Сарик рўмоллилар”

Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари худудларида палеолит давридаёқ инсонлар яшаши учун қулай шароит бўлиб, мил.авв. VIII минг йилликдаёқ деҳқончилик пайдо бўлган. Бу худудларда яшовчи аҳоли, австроосиё (Мон-Кхмер)лар ва Австронезия халқларига (малаяликлар, яваликлар) бўлинади. Хўжалик тараққиёти натижасида мил.авв. I минг йиллик бошларида Меконг (Қизил дарё) ҳавзасида Шимолий-Шарқий Ҳиндихитой ярим ороли шимолида Донгшон цивилизацияси шаклланди. Бу мадангиятни Лаквьет (вьетнамликларнинг аجدодлари бўлиб, Австроосиё тилида сўзлашган)лар яратганлар. Донгшон маданияти халқлари турли-туман манзараларни идишлар, қурол-яроғларга туширганлар. Булар асосан жангчилар, диний маросимлар, қушлар тасвири бўлиб, айниқса, Оққуш



тасвири, ҳарбий жангчиларга ишора бўлган, кемалар ва уруш тавсирларида оддий аскарлар ва зобитларнинг аниқ акс этганини кўриш мумкин. Донгшон маданияти яратувчилари бўлмиш Лаквьетларда асир тушганларни қурбонлик қилиш одати бўлган. Донгшон цивилизациясида сеҳр-жоду (магия) катта аҳамиятга эга бўлган. Ўша даврда топилган барабанларда ёмғир чақирувчи илохий қурбақа тасвирлари, инсонларнинг у дунёдаги ҳаётлари (худоларсиз) руҳонийларнинг ролисиз тасвирлар бундан гувоҳлик беради.

Донгшон цивилизацияси аҳолиси деҳқончилик-биринчи навбатда шоличилик билан шуғулланганлар. Мил.авв. X-V асрларда Ировади, Менам, Меконг дарёлари, Танлесан кўли каби умумдор ҳудудларда илк сунъий суғориш иншоотлари шаклланган. Шунингдек, овчилик ҳам хўжалик ҳаётда устун мавқени эгаллаган. Аҳоли уруғчилик тузуми емирилиб, синфий жамият, мулкӣ табақаланиш босқичида турган. Бамбук шохларидан қурилган чайла уйларда бутун бошли уруғ истиқомат қилган. Айрим аристократларнинг ҳам ажралиб чиқа бошлаганини кўрсатади. Уйлар пол қилинган. Патриархал уруғчиликда уруғ бошлиқлари (лак-тианг) роли ошиб борган.

Мил.авв. VI-IV асрлар Донгшон цивилизациясининг энг ривожланган даври деб ҳисобланган. Бу даврда бронзадан тайёрланган барабанлар гардишига турли туман тасвирлар туширилган бўлиб, урушларда асирга олинганларни қулга айлантирилиши ижтимоӣ тенгсизликни кўрсатади. Айниқса, аскарлар тасвиридаёқ уларнинг ижтимоӣ жиҳатдан турли табақаларга мансублигини кўриш мумкин. Донгшонликлар диний эътиқодида аждодлар руҳига эътиқод қилиш кучли бўлиб, бу жанубий Хитой, Ҳиндихитой ва индонезияликларнинг дний тасаввурларига кучли таъсир кўрсатади. Буддизмнинг кириб келиши билан Донгшон маданияти инқирозга учрай бошлади. Донгшон цивилизацияси Ҳиндихитой ярим ороли ва Индонезия ороллари ҳудудига тарқалиб, бу ҳудудларда дастлабки цивилизациялар ва давлатларнинг вужудга келишига катта таъсир кўрсатди.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги илк давлатлар ҳақидаги ёзма манбалар деярли сақланмаган. Хитой йилномалари ва Ҳинд манбаларида қисқа, ярим афсонавий маълумотлар мавжуд бўлиб,

бу ҳудудлардаги илк давлатлар тарихини асосан археологик маълумотлар асосида ўрганиш мумкин. Археологик маълумотлардан шу нарса маълумки, шимолий Вьетнамда Хонгха (қизил) дарё қуйи оқимида мил.авв. VII асрда илк давлат бирлашмаси бўлган ЮЭ давлати ташкил топади. Бу давлат структураси содда тузилишга эга бўлиб, ерга жамоа бўлиб ишлаш хўжалик ҳаётида устун мавқега эга бўлган.

Мил.авв. IV-III асрларда Жанубий-Шарқий Осиёда Донгшон маданияти гуллаб яшнаган даврларда Вангланг (кейинчалик Рулак деб аталган), Тайау, Намвьет давлатлари ташкил топади. Бу давлатларда Хитой маданияти таъсири сезила бошланганини кўриш мумкин. Ушбу давлатларда ҳукмрон табақани майда ишлаб чиқарувчилар ташкил этган ҳолда, қулчилик муносабатлари, уруғ аъзоларининг ҳам қулга айлантириш ўсиб борган. Лаквьет (вьетнамликларнинг аجدодлари) давлатлари тепасида вьеонг (монарх) турган бўлиб, унинг ҳокимияти оқсоқоллар томонидан чеклаб турилган. Кейинги поғоналарда ер эгалари, аристократлар ва амалдорлар турган. Лаквьетлар эътиқодида ота-боболар руҳига эътиқод, тимсоҳ-аждодга эътиқод ва айрим қушларга эътиқод қилиш мавжуд бўлган. Мил.авв. 221-214 йилларда Аулак, Тайау, Намвьет давлатлари Цин империяси билан урушлар олиб борадилар. Фақатгина Аулак давлати ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Мил.авв. 207 йил Намвьет ўз мустақиллигини тиклаб Аулак давлати билан бирлашади. Бу даврларда давлат аппарати, ижтимоий, синфий структура мураккаб кўринишга эга бўлди. Қулчилик (но-ле) давлат ва хусусий қулларга бўлинади. Мил.авв. II асрда Намвьет Хань империяси билан кураш олиб боради. Мил.авв. 111 йил Хань империяси қўшинлари Намвьетни босиб олади.

Мил.авв. III-III асрларда Жанубий-Шарқий Осиёнинг тоғли ҳудудларида Тай-Австроосиё халқларига оид қабилаларида ҳам илк давлатчилиги Диен ва Елан вужудга келди. Бу ерда деҳқончиликдан кўра кўпроқ чорвачилик устун мавқега эга бўлганини кўриш мумкин. Қуллар сафини бўйсундирилган қабилалар ҳисобидан тўлдириб борганлар. Диен давлати ёзуви Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг ҳозиргача сақланган ягона ёзуви бўлиб, у Хитой ёзувидан кескин фарқ қилади. Хань империяси мил.авв. I асрда бу ҳудудларни босиб олади.

Шимолий Вьетнамда мил.авв. 44-40 йилларда икки опасингиллар Чинглар кўзғолони бўлиб, уни лашкарбоши Ма Юан катта қийинчилик билан бостиради. Хитойда Хань империяси парчалангач, аристократларнинг Хитой маданиятига интилиши ҳам пасайиб боради. Милодий III-V асрларда Жанубий-Шарқий Осиёга буддизмнинг кириб келиши билан Донгшон маданияти излари ҳам аста-секин йўқолиб боради. Аҳоли орасида будда дини ва Хитой маданияти катта таъсирга эга бўла бошлайди.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги илк давлатлар ҳақида Хитой манбаларида Чжоу давлати элчилари Бакпога келганликлари, совға саломлар алмашингани ҳақида маълумотлар мавжуд. Лаквьетларнинг Вангланг давлатида мил.авв. IV асрда ҳунармандчилик ривожлангани, темирга ишлов бериш тараққий қилгани ҳам қайд этилган. Бундан ташқари, Ванглангда ҳокимият тепасида Хуонвионг династияси турган бўлиб, вьонг хитойча ван-княз эканлиги, мил.авв. 258 йил ташкил топган Аулак давлати уни босиб олиши, Аулакни Тхук сулоласи бошқаргани, давлат пойтахти Ко-лао шаҳри пишиқ ғишт девор билан ўралгани ҳақидаги маълумотлар ҳам Хитой манбаларида учрайди.

Милодимиз бошларида Мон-Кхмерларда хўжалик тараққий этиб, темирга ишлов бериш кучаяди. Ижтимоий асосни кичик қишлоқ жамоалари ташкил қилган. Дастлабки пайдо бўлган Бопнам (Фунань), Шрик шетра (тарекиттара), Суваннабхуми, Тяо-Прайе ва бошқа давлатлар дастлаб текисликлардаги, аҳоли зич яшайдиган шоличилик тараққий қилган ҳудудларда ташкил топди. Қирғоқ бўйидаги кичик қишлоқлар денгиз савдоси натижасида йирик шаҳарларга айландилар. Ҳукмдор барча ерларнинг эгаси дунёвий ва диний бошлиқ эди. Ҳукмрон табақа ва эркин жамоачилар жамиятнинг асосини ташкил қилган. Қуллар ҳали хўжалиқда асосий мавқени эгалламаганлар, эксплуатациянинг асосий шакли рента-маҳсулот солиғи бўлиб, у давлат раҳбарлари ва ер эгаларига тўланган.

Мон-Кхмер давлатларининг кўпчилиги милодий I асрда ташкил топади. Уларнинг орасидан ҳудуди ва куч қудрати билан Бопнам давлати ажралиб турган. Хитой манбаларида бу давлат Фунань деб номланади. У ўзининг энг қудратли даврида бутун Жанубий Ҳиндихитойни эгаллайди. Бопнам курунги (монарх)си Фаншиман кучли флот тузиб, истилочилик юришлари олиб

борган. IV асргача Бопном энг кудратли давлат бўлган. V-VI асрларда шимолий Мон-Кхмерлар кучайиб, аста-секин Бопнам давлатини истило қилади.

Бопнам давлати билан бир вақтда Иравади дарёси дельтасида Пегу давлати тузилади. Ҳинд манбаларида у Рамания-Деша деб тилга олинади. Моллук ярим ороли шимолида Менам дарёси дельтаси ботқоқликларида Дравати давлати милодий IV асрда вужудга келади. Худди шу даврда жанубий Ҳиндихитойда Срок-Кхмер давлати ҳам пайдо бўлади.

Хитой йилномаларида Мон-Кхмерлар паст бўйли, тим қора танли, жингалак сочли одамлар деган маълумотлар сақланиб қолинган. Мон-Кхмерларга мансуб Тямна халқлари ҳам милодий IV асрда Ҳинд маданиятига берилади, брахманизм кенг ёйилади, ҳинд ёзуви тарқалиб, санскрит тили давлат тили деб қабул қилинади.

Индонезия оролларида милодий I-VI асрларда шаклланган давлатларни шартли равишда икки қисмга ғарбий (малайя) ва шарқий (Ява)га бўлинади. Ғарбий гуруҳга Суматра ороли ва Моллук ярим ороли жанубидаги илк давлат бирлашмалари киради. Бу давлатлар хўжалик ҳаётидаги денгиз савдоси катта аҳамиятга эга бўлган. Мон-Кхмерлар ва индонезияликлар ўз даврининг моҳир денгизчилари эди. Ҳиндлар Индонезияни Самудрадеша-денгиз мамлакати деб номлаганлар. Ҳинд манбаларида Шалмаладвипа (Моллук ярим оролларида қадимда Ҳинд манбаларида номланиши)нинг мил.авв. II асрдаги илк давлати Ланкасука, Катаха, Тамбралинга бўлган. Бу давлатларда Санскрит тили, ёзуви, буддизм, ҳиндуизм дини кенг тарқалган. Ява, Калимантан оролларида Тарума ва Мулаварман давлатлари энг кўзга кўринган давлатлар бўлиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми Бопнам давлатига ўхшаб кетган. Давлат ирригация иншоотлари қурилишига ҳомийлик қилган. Тьямпа давлати Ҳиндихитой ярим ороли шарқий қисмида бўлиб, денгиз савдосида фаол иштирок этган. Аграр ва ижтимоий жиҳатдан Вьет жамиятига ўхшаб кетган.

Милодий IV асрда шимолий-ғарбий Явада Тарума давлати ташкил топди. 415 йилда маҳаллий подшоҳ Пуркаварман бошчилигида жанубий Борнеода ҳам давлат ташкил топган. Индонезиянинг Паленбанг оролида ташкил топган Банка шаҳри

денгиз йўллари кесишган савдо маркази бўлган. Ҳинд маданияти, тили, ёзуви катта таъсир кўрсатган. Санскрит-малай алфавити, қадимги паллав алфавитидан маҳаллий ёзув вужудга келган.

Ҳинд қурилиш архитектураси кенг қўлланилган. Ҳинд манбаларида Суматра Суваркадвипа – олтин орол, Ява эса Явадвипа – жавохир орол деб номланган. Индонезия аҳолиси асосан савдо-сотик билан шуғулланган. Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган товарлар археологлар томонидан Индонезиядан топилган. (Всемирная история 590 бет). Жанубий-Шарқий Осиё билан қадимда юртимиз аҳолиси ҳам қизгин савдо муносабатларини ўрнатган. Сўғдлик дин тарғиботчиларидан айниқса Кан Сэн Гуй (Хуэй ҳам ўқиш мумкин) нинг ҳаёт йўли диққатга сазовор. Унинг ота – онаси савдо ишлари билан аввал Ҳиндистон, сўнгра денгиз орқали Тонкин қўлтиғи (Хитой ва Ҳинди-Хитой ярим ороли оралиғидаги қўлтиқ)га бориб қолади. Отасининг вафотидан кейин 247 йили Нанькинга бориб, у будда монастири ва мактабига асос солади. Бу юқоридаги фикрларимизга асос бўла олади. Индонезияликларнинг бир қисми Мадагаскар оролига бориб, у ерда маданият жиҳатидан малайяликларга яқин бўлган мальгаш халқи ва маданияти ташкил этди. Индонезияликда ҳам малгашларда ҳам кастачилик тизими мавжуд бўлган.

Хитой ҳудудида Ашель даври (700-100 минг йил олдин)дан бошлаб инсонлар яшаб келади. Ланьтян ва Чжоу Коудянь топилмалари Хитойни инсон ойкуменаси ҳудудларидан бири эканлигидан далолат беради. Ишлаб чиқарувчи хўжаликка эса, Яншао (V-IV минг йилликлар) маданияти мисолида кўриш мумкин. Мил.авв. III минг йиллик 2 ярмидан суньий суғоришга ўтиш билан мулкий тенгсизлик ва давлат бирлашмалари юзага кела бошлайди. Сима Цяннинг тарихий йилномалар асарида энг қадимги даврда қудратли ва адолатли Яо ҳукмронлик қилгани, у ўз ўрнига талантли ва қобилиятли Шун исмли йигитни подшо қилган, унинг даврида худолар инсонларни ўлдириш учун ерга тошқин юбордилар. Шун агар кимки тошқиндан омон қолиш йўриғи топса унга подшоликни беришни ваъда қилади. Юй исмли йигит канал қазिश ва дарё ўзанини чуқурлаштириш орқали тошқинни бартараф қилади ва подшо бўлади. Унинг ўғли Ци биринчи меросхўр бўлиб, илк сулолавий давлат ташкил

топади ва бу давлат Ся деб ном олади. Афсонадан кўриниб турибдики, дарё сувларини жиловлаш давлат бирлашмасини вужудга келтиришда катта аҳамиятга эга бўлган. Ся сулоласининг сўнгги вакили ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб турган. Унга қарши шань қабиласи бошлиғи Тан қўзғолон кўтариб, янги шан сулоласини ташкил қилади. Кейинчалик давлат Шан-инь деб ном олади. Шан-инь даври мил.авв. XVIII -XIV ва XIV-XI асрларни ўз ичига олувчи икки даврдан иборат. Шан-инь даврида бронза қурооллар ишлатила бошланади. Асосий меҳнат қуроли лэй деб аталиб, у иккита айри тишли мотигадан иборат эди. Яна бир характерли хусусияти бу даврда илк шаҳарлар ва ёзув пайдо бўлади. Шан-инь даври шаҳарлари унча катта бўлмасда, атрофи деворлар билан ўраб олина бошланган. Чжоудаги Инь пойтахти 6 метр қалинликдаги девор билан ўраб олинган эди. Лой сувоқли ибодатхоналар, ҳашаматли саройлар тош ёки бронза асосли устунлар билан мустақкам ва улуғвор кўриниб, давлатнинг қудратли рамзи бўлган. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топган. Ёзувларнинг алоҳида матнлари сақланиб қолинмаган бўлсада, ҳайвон суяклари, тошбақа косасига ёзилган ёзувлар асосан фолбинлик ва худоларга қурбонлик, ҳосилни мўл бўлишини сўрашдан иборат қисқа матнлар ижтимоий ва диний қарашларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Инь подшолари саройида Цзоцзе (ёзув учун тахта тайёрлаш) лавозими бўлгани ҳам хўжалик тараққиёти ривожини кўрсатади. Инь даври ёдгорликлари (қабрларни) ўрганиш орқали тўртта асосий табақа шаклланишини кўриш мумкин. Биринчи тоифа қабрлар 400-500 м кв.ни эгаллаб, ички ва ташқи қисмдан иборат. 10 метр ва ундан ҳам чуқурроқ қабрларда подшо ва аристократлар табақаси кўмилган. Ички қисмда марҳум ва унинг хўжалик жиҳозлари от, арава кўмилса, ташқи қисмига хотинлари, хизматкорлари унга хизмат қилиш учун кўмилган. Иккинчи табақа қабрлари 20-25 кв м. ҳажмда бўлиб, қурооллар, хўжалик буюмлари кўмилган. Учинчи категория қабрларида мурдалар зўрға қабрга сиғиб, уларнинг олдидан меҳнат қурооллари топилган. Тўртинчи тоифа қабрларидан эса катта бинолар, иншоотлар фундаменти остидан топилган. Булар бино мустақкам бўлиши учун ўлдирилган бўлса керак, деб хулоса қилинади.

Мил.авв. XII асрдан бошлаб Шан-инь давлати Фарбидаги Чжоу қабилалари кучайиб боради. Шан даврида Инь билан доимий урушлар бўлиб туради. У-Ван (урушқоқ подшо) инь давлати кўшинларини мил.авв. 1027 йил Муе ёнидаги урушда ғалаба қилади. Чжоу даври бошланади. У Вань ислохот ўтказиб, давлат чегаралари ва аҳоли яшаш ҳудудларини уларнинг етакчиларини белгилаб беради. Ижтимоий асосларда биринчи ўринда ҳукмдор ва унинг оиласи биринчи табақани ташкил этган. Иккинчи гуруҳларни Чжухоу-яъни, ер мулк эгалари, Аристократлар ташкил этган. Учинчи гуруҳ дафу уруғ-қабилалар етакчилари ва уларнинг қабиладошлари ҳисобланса, тўртинчи гуруҳни ши-яъни уруғ қабилачилиқ анъаналарининг бузилиши натижасида алоҳида ажралиб чиққан оилалар ташкил қилган. Бешинчи гуруҳни эса, оддий аҳоли ташкил этган. Беш табақанинг уйи, уй жиҳозлари бир-биридан фарқ қилиши, кийиниши ҳатто овқат ейиши ҳам фарқ қилган. Подшо ва оиласи хўкиз, қўй, чўчка гўштини ейиши мумкин бўлган. Иккинчи табақа (чжухоу) фақат мол гўшти еган. Дафу эса, чўчка гўштини еса, ши тўртинчи табақа балиқ гўштини ейиши мумкин бўлган. Шужэнь (оддий халқ) гўшт ейиши мумкин бўлмаган. Оиладаги катта ўғилдан бошқалари бир поғона паст табақага туширилиб борилган. Чжоу давлати Ю-Ван (781-771 йй.) даврида жун қабилалари билан илк бора тўқнашув содир бўлганлиги манбаларда қайд этилган. 770 йилда эса, Пин Ван давлат пойтахтини шарққа Лоян атрофларига кўчиради. Шу вақтдан Шарқий Чжоу даври бошланади. Мил.авв. VIII асрда ҳозирги Ордос атрофидаги Ди қабилалари Син ва Вэй вилоятларини босиб олади. Мил.авв. 636 йилда Чжоу ҳукмдори Сян Ван Ди қабиласидан мағлубиятга учрайди. Шу вақтлардан (мил.авв. VIII-VII асрлар) бошлаб хитойликлар варварлар ва ўзларини алоҳида этник бирликлар эканини ёзиб қолдира бошлайдилар. Яъни Хитой халқи ташкил топиш жараёнлари бошланган эди. Мил.авв. VII аср охири-VI аср бошларидан Чжоу ҳукмдорлари мавқеи пасайиб, удел князларининг мавқеи ортиб боради. Улар ўртасида кураш авж олиб Чжоу давлати бўлиниб кетади. Мил.авв. (403 й.) V аср охири-III асрлар Хитой тарихига Чуньцю (баҳор ва куз даври тугаб, Чжаньго (урушқоқ подшоликлар) даври бошланади. Чжанго даврида Цинь давлатида мил.авв. 359 йилда Шан ян ислохотлари ўтказилиб, ерни эркин

сотиш ва сотиб олиш имкони вужудга келади. Ҳарбий хизмат ва ўлчов бирликлари, ижтимоий муносабатларга оид кўплаб ислохотлар ўтказилади. Натижада товар-пул хўжалиги ривожланиб, ижтимоий муносабатлар кескинлашиб, табақаларга бўлиниш жараёни тезлашди. Бу ҳол Хитой фалсафасида юз мактаб курашида ҳам ўз ифодасини топади.

Давлатни қандай бошқариш ва бош бўлиш, инсоннинг жамиятдаги мавқеи ҳақида қадимдан Хитой фалсафий мактаблари ўзаро кураш олиб борганлар. Ана шулардан бири Конфуций (аслида Кун Цзю лотинча талаффузда конфуций шаклида ўзгарган) мил.авв. 551-479 йй олийжаноб инсон ғояси Жэнь ғоясини яратди. Унинг фикрича, Жэнь (олийжаноблик), ишонч (чжун), катталарга ҳурмат (Сяо) ўзаро ҳурмат (шу) ғоялари жамият тинчлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Унинг ғояларига яна бир хитойлик файласуф Моцзи (Мо Ди мил.авв. V-IV асрлар) қарши чиқди. У ҳукмдорлар нари борса, ўз подшолигини севади. Ўзга подшолик аҳолисини эмас, деб ўргатади. Шунинг учун Мо Ди умумий муҳаббат бўлишигина жамиятни тартибга келтиради деб ҳисоблайди. Мо Ди уруғ-қабила етакчиларини ҳам танқид қилиб, ибтидоий тартибларга қайтишни афзал билади. Унинг фикрича, уй, кийим, овқат маҳсулотлари бўлса етарли бошқа тараққиётнинг барча шакли инсонлар учун хавфлидир.

Жамиятни қонун адолатли бошқаради деб ҳисобловчи легистлар мил.авв. IV-III асрларда шаклланади. Лекин улар ахлоқни бутунлай четга суриб қўядилар. Легистлар фикрича, давлат ҳукмдори аввало ўз халқи устидан ғалаба қозониши ҳаммани итоатда сақлай билиши лозим. Даоцизмни эса, Лао Цзи номли Конфуций замондоши тарғиб қилган. Унинг Дао децзин (дао (йўл) ва Дэ (илоҳий) ҳақида) китобида инсон фикран эркин бўлиши тарғиб қилинади. Илк материалистик қарашларни ўзида мужассамлаштирган Даоцизм давлат бошқарувида хатога йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда хатолар занжири ҳосил бўлади деб ҳисоблайди. Хитой тарихчиси Сима Цяннинг маълумотларига кўра, Чжанго даврида Хитойда 100 дан ортиқ фалсафий мактаблар бўлиб, улар ўзаро рақобатда бўлганлар. Фақатгина конфуцийлик, Даоцизмлар кейинги даврларда ҳам яшаб қолганлар.



Мил.авв. VII-VI асрлардан эътиборан қишлоқ хўжалигида темир қуроллар ишлатила бошланган. Кўплаб кўриқ ерлар ўзлаштирилган. Темир белкураклар билан ариқ, каналлар қазииш осонлашади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти, вилоятларнинг маълум товарларга ихтисослашувини келтириб чиқаради. Кўшни халқлар билан мол айрибошлаш кучайган. Мил.авв. IV асрда чиғаноқ пуллар ўрнига метал пуллар пайдо бўлади. Тангалар тўртбурчак пластинка шаклида бўлган. сақланиб қолган матнларга кўра, подшо олдида учта маслаҳатчилар (олий мураббий, олий муаллим, олий ҳомийдан) олий давлат органи ташкил этилган. Бундан ташқари учта бошқарувчи ҳам бўлиб, биринчиси диний, иккинчиси деҳқончилик ва суғориш ишларини, учинчиси ҳарбий ишларни бошқарган.

Чжанго даврида календар системаси тузиб чиқилган. Ўша давр учун бу календар ниҳоят даражада аниқ бўлганлар. Қадимги ва ўрта асрларда Хитой календаридан шарқнинг кўплаб давлатлари фойдаланган. Қадимги Хитой мифологияси табиат кучларини кўпроқ ифодалайди. Дунёнинг яратилиши ҳақида Хаос (йўқлик) бўлгани ва унинг иккига ажралиши орқали ёруғлик Ян ва қоронғулик Инь пайдо бўлганини, одамлар эса, мабуда Нюй Ваннинг лойидан ясалгани ҳақидаги афсоналар кўпроқ тарқалган. Мифларнинг кўпчилигида қаҳрамонлар ё қурғоқчилик ёки тошқинларни бартараф этади. Тошқиндан одамларни Юй қутқарган бўлса, қурғоқчиликда Мерган И қутқарган қаҳрамон ҳисобланади. Суйжэнь одамларга олов ёқишни, Фуси балиқ ва бошқа ҳайвонларни овлашни, Шэньнун одамларга деҳқончилик қуроллари тайёрлаш, экин экишни, Хуанди нон пишириш, уй, қайиқ ясашни ўргатади. Хитой мифологик қаҳрамонлари ярим одам, ярим ҳайвон қиёфасида тавсирланади. Масалан: фуси илон танали, Шэньнун хўкиз каллалари бўлиб, улар тотемистик характерга эга бўлиб ҳисобланади. Ҳукмдорларнинг келиб чиқишида Инь ҳукмдорлари қуш тухуми, Чжоу ҳукмдорлари баҳайбат одам, Хань хонадони аждардан тарқалгани ҳақидаги мифлар қадимги хитойликлар матрилокал жойлашувига, матриархат қолдиқлари сақланиб қолганини кўрсатади. Қадимий хитойликлар кўплаб худоларга эътиқод қилганлар олий худо Ди ҳисобланган. Унинг яқин маслаҳатчиси Ван ҳисобланиб, хитойликлар ундан жуда кўрққанлар. Чунки Ван аждодлар руҳи

хомийси бўлиб, агар улар аждодларга қурбонлик қилмасалар, Ван уларни Дига ёмонлайди. Ди эса уларга ёмонликлар юборади деб ҳисобланган. II-III асрларда Хитойга будда дини кириб кела бошлади. Афсоналарга кўра, будда матнлари оқ отда келтирилгани учун биринчи қурилган ибодатхонага “оқ отлар ибодатхонаси” номи берилган. 148 йили Парфия князларидан бирининг ўғли Анъ Шигао илк бор Лоянда будда жамоасини тузади. Буюк ипак йўли орқали буддизмнинг Хитойга тарқалишида Ўрта Осиёликларнинг роли бениҳоя каттадир.

Хитой ёзувининг илк намуналари Инъ даврига тегишли бўлиб, улар мил.авв.XIV-XI асрларга оид иероглифлар маълум бир нарсани, буюмни ёки ҳодисани ифодалаган. Кейинчалик Хань империяси даврида белгиларни ёзиш (лушу) маълум тартибга келтирилиб, ҳозирги ёзувлардан деярли фарқ қилмайдиган ҳолатга келган. Дастлаб бамбук тахтачаларнинг бир қанчаси арқон билан бирлаштирилиб ёзилган бўлса, кейинчалик ипак матоларга, II асрда Цай Лун қоғозни ихтиро қилгандан сўнг эса, қоғозга ёзиш расм бўлган.

Қадимги Хитой адабиёти намуналари Сима Цяннинг Ши Цзун (тарихий йилномалар) асарида қисман сақланиб қолинган. Чжоу даври (мил.авв. XI-VI асрлар) бронза идишлар ва тахтачалардаги мифлар, шерлар, кўшиқлар тўпланган. Чжаньго даврида яшаган икки шоир Цюй Юан ва Сима Сян шуларнинг ижод намуналари бизгача етиб келган. Қадимги Хитойда мусиқага катта эътибор берилган. Мусиқа ҳақида хитойликлар: “Сўз алдаши мумкин, одамлар сохтакорлик қилиши мумкин, аммо куй ялтоқланишини билмайди” деган иборани келтирадilar. Қадимги Хитой мусиқа инструментлари торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган турларга бўлинади.

Қурилиш ишларида қадимги хитойликларда девор асосий эътиборда бўлмай, асосий эътибор ва мустаҳкамликни талаб қилувчи эътибор устунлар бўлган. Улар асосий оғирликни ва томни кўтариб турган томлар черепицалар билан ёпилган. Деворларга турли мифологик образлар, руҳлар тасвири туширилган. Хань даврида портрет жанри кўпроқ тасвирлана бошланади. Портрет жанрида расм чизишда I аср охирида яшаган Мао Янь Шоу айниқса шуҳрат қозонади. У нафақат инсон тасвирини балки унинг ёши гўзаллигини ҳам кўрсата олишини

эшитган. Император унга ҳарамдаги қизларни тасвирини чизишни буюради. У тасвирлаган қизларни гўзал ва ёш эканига ишонади. Бир қанча канизаклар ўзларини ёш, гўзал кўрсатиш учун Мао Янь Шоуни сотиб оладилар. Фақат Чжао Цзюнь номли каниз бу ишни қилмайди. Хун ҳукмдорига совға қилиб юборишдан олдин бу қизга кўзи тушган император алдагани учун рассомни қатл этиб қизни ўзи билан олиб қолади.

Аниқ фанлар соҳасида мил.авв. II асрда “тўққиз китобдан иборат математика” асари ёзилган бўлиб, унда алгоритм, Пифагор теоремаси тўғри бурчакли учбурчак ва бошқа кўплаб масалалар уларнинг ечимларига бағишланади.

Астрономия соҳасида ҳам хитойликлар катта ютуқларни қўлга киритганлар. Мил.авв. 776 йили илк ой қуёш тутилиши (олимп ўйинларининг бошланиши) қайд этилган. Хань Шу (Хан сулоласи тарихи) муаллифи 118 та юлдуз туркуми (жами 783 юлдуздан иборат)ни ўз асарида келтириб ўтади. II асрда яшаган астроном ва математик Чжан Хэн 124 юлдуз туркуми (2500 та юлдуз) харитасини тузиши, бу соҳа ривожининг қай даражада бўлганидан далолат беради. Мил.авв. 104 йили Хитой календари янгидан тузилиб бир йил 365,25 кунлиги аниқланади. Мил.авв. IV-III асрлардаёқ Хитой врачлари тўғри овқатланиш, гимнастика, игна билан даволаш ва бошқа илмий соҳалар орқали кенг даволашни йўлга қўядилар. Хань давридаги бирорта трактатларда дуолар, илоҳий кучлар орқали даволаш усуллари учрамайди.

Мил.авв. IV-III асрларда Хитойда иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар кескинлашиб борди. Иқтисодий жараёнларда танга пуллар кенг қўлланилиб, давлатлар орасидаги божхона ва сиёсий тўсиқлар кучайди. Ижтимоий жараёнларда уруғчилик тартиблари тобора емирилиб, қулчилик тобора жамият ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб борди. Мамлакатни бирлаштириш ғоялари кучайиб борди. Чжаньго давридаги кўплаб подшоликлар бир бири билан узоқ кураш олиб бордилар. Мил.авв. 289 йил Цинь ва Ци шоҳликлари иттифоқ тузиб Цинь Ғарбий ва Ци Шарқий император бўлишликни келишиб оладилар. Ўзаро курашлар натижасида мил.авв. 221 йили Цин подшолиги Чжао, Вэй, Чу, Ци, Лу, Юэ ва бошқа князликларни ягона империяга бирлаштиради. Подшо Ин Чжэн эса, Циньши Хуан Ди (Циннинг биринчи императори) деган номни олади. Мамлакат 36 та йирик

округ (Цзюнь)га бўлинди. Округлар эса, Сняь (уездлар)га бўлинди. Уездлар эса, Сян (волост, бўлислар)га бўлинса, ўз навбатида улар Ли (жамоалар)га бўлинган. Императорнинг иккита маслаҳатчиси (Чжъсян) бўлган бўлиб, ҳарбий ишлар етакчиси (Гай Вэй) деб аталувчи шахс билан олий даражадаги мансабни ташкил қилганлар. Мил.авв. 215 йил 300 минг кишилик қўшин Ордос районида сюннуларни қувиб юборади. Шу йили император буюк Хитой девори қуриш ҳақида фармон беради. Мил.авв. 214 йили эса Намвьет, Аулак билан курашлар бошланиб, бир неча йил ичида бу ҳудудлар босиб олинади. Тинимсиз курашлар ва улкан иншоотлар қурилишига аҳолининг катта қисми жалб қилиниб, шафқатсиз эксплуатация қилинади. Халқ норозилиги ошиб боради. Мил.авв. 210 йили Цинши Хуан Ди вафоти билан мамлакатнинг турли рийонларида кўзғолонларнинг бошланишига сабаб бўлади. Мил.авв. 207 йили Чэнь Шэнь Чу давлати тикланганини ва ўзини подшо деб эълон қилади. Мил.авв. 206 йили қадимий Хань ўлкасида қишлоқ оқсоқоли бўлган Лю Бан мамлакатда ўзини ягона император деб эълон қилади. Чу ва Хань давлатлари ўртасидаги курашда Хань давлати ғалаба қилиб, ягона Хитой империясига айланади. Лю Бян (Гао Цзу) мамлакатдаги аҳволни яхшилаш мақсадида солиқларни кескин камайтиради. Илгари ҳосилнинг 2/3 қисми олинса, эндиликда 1/15 қисми олиндиган бўлади. Лю Бян вафот этгач, Хитой тарихида етти княз кўзғолони бўлиб, марказий ҳокимиятдан ажралиб чиқишга уриниш бўлади. Лекин кўзғолон бостирилиб князларга хусусий қўшин тузиш таъқиқланади (мил.авв.154 й.). мил.авв. 140-87 йилларда тахтга У Ди номи билан Лючэ ўтиради. Унинг даврида Хань қўшинлари Сюнну (хун)лар билан узок урушни бошлайди. Шунингдек, Ҳиндихитой, Корея ва Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари амалга оширади. Хань империяси даврида конфуцийликка ягона давлат ғояси сифатида қараш расм бўлиб, бошқа ғоявий мактабларнинг аҳамияти пасайди. Аммо тинимсиз урушлар мамлакатда чуқур инкирозни келтириб чиқаради. Урушлар олиб бориш ва хазинани тўлдириш учун император У-Ди мил.авв. 120 йил туз ва темирга давлат монополиясини ўрнатади. Бундан олдинроқ эса ипак, қоғоз каби маҳсулотлар ҳам давлат монополияси ҳисобланар эди.

Ижтимоий ҳаётда мамлакат аҳолиси 20 та ранг (табақа)га бўлинган. 19-20 ранг (даража)ли шахслар ўзларига ўлпон йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, император ва унинг қон-қариндошлари бўлганлар бу даражага эга бўлганлар. Қуллар ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмасаларда, улар ўз хизматлари эвазига озод бўлишлари ҳамда юқори мартабаларга кўтарилишлари ҳам кузатилган. Масалан: қулнинг болалари ҳам қул ҳисобланган. Жамиятда Хитойнинг машҳур саркардаси Вэйциннинг онаси қул бўлган. У ўз хизматлари эвазига озод қилиниш билан бирга олий рангга ҳам эга бўлган. Унинг уч синглиси бўлиб, У-Ди ҳарамига олинади ва ҳатто кейинчалик малика мақомига кўтарилади. Иккинчи синглиси эса, яна бир Хитойнинг машҳур саркардаси Хо Цюй Биннинг онаси бўлади. Учинчи синглиси ҳам юқори мартабали сарой амалдорларига турмушга чиқади.

Мил.авв. I асрнинг охирида Хань империяси чуқур сиёсий инқирозга учраши натижасида мил.авв. 9 йили императорнинг хотини томонидан қариндош бўлган Ван Ман ҳокимиятни босиб олади ва бир қанча ислоҳотлар ўтказишга уринади. Аммо 14 йилда мамлакатда қурғоқчилик, кейинги йиллардаги чигиртка уруши оқибатида халқ оч қолиб 18 йилда Шаньдун ўлкасида қизил қошлилар кўзғолонининг бошланишига сабаб бўлади. Ҳокимият учун курашларда Лю Сюань, Лю Сю каби Хань хонадони аъзолари ҳам қатнашиб, 25 йилда Лю Сю барча рақибларни енгади ва ўзини император деб эълон қилади. Шу вақтдан бошлаб кичик Хань сулоласи даври бошланади. Лю Сю Гуан У-Ди номини олиб, 57 йилгача мамлакатни бошқаради. Унинг даврида ички аҳволни яхшилаш учун каналлар қазилиб, йўллар қурилади. Яқин беш йил ичида қулга айлантирилганлар озод қилинади. Хўжайинларга қулларни сабабсиз қатл этмаслик ҳақида фармон чиқаради. Аммо, кейинги даврларда Хань империяси Хунлар, Сянби, Цян қабилалари билан тинимсиз уруш олиб бориши натижасида ички сиёсий аҳвол ҳам оғирлашади. Мамлакатда диний секталар фаолияти кучаяди. Улар яқин орада яхши замон келишини башорат қила бошлайдилар. Шулардан бири “умумий фаровонлик йўли” номли секта раҳбари Чжоу Цзао бўлиб, унинг таълимотича, кўк осмон ўлиб бўлган, унинг ўрнига сариқ осмон келиши лозим эди. Бу 184 йил император Лин Ди ҳукмронлигининг 17 йилида содир бўлиши керак эди. Хитой

календариди ҳар бир эра 60 йил ҳисобланиб янги эра 184 йилдан бошланиши лозим эди. Янги йилда мамлакатнинг турли ҳудудларида кўзғолон кўтарилиб, у тарихда сариқ рўмоллилар кўзғолони номини олади. Узоқ давом этган курашлар 206 йили Хань империясининг Вэй, Шу, У каби уч подшоликка бўлиниб кетиши билан тугайди. Хитойнинг қадимий тарихи тугаб, ўрта асрлар даври бошланади.

### **Мавзуни мустақамлаш учун саволлар.**

1. Хитойда илк инсон аجدодлари қолдиқлари топилган ёдгорликлари қаерлардан топилган?
2. Ишлаб чиқарувчи хўжаликка Хитойда қачон ўтилган?
3. Хитой тарихий ийломларига умумий тавсиф беринг?
4. Хитойдаги ижтимоий табақалар ҳақида нималарни биласиз?
5. Чжоу давлати сиёсий тарихи ҳақида нималарни биласиз?
6. Шан Янь ислоҳотлари ҳақида гапиринг?
7. Хитойда юз мактаб рақобати. Конфуцийлик ҳақида нималарни биласиз?
8. Хитойда будда дини тарқалиши ҳақида гапририб беринг?
9. Хитойликларнинг астрономия соҳасидаги ютуқларини биласизми?
10. Хитой ва Ўрта Осиё қадимда ўзаро муносабатлари ҳақида гапририб беринг?
11. Хитойда кўтарилган “Қизил қошлар” ва “Сариқ рўмоллилар” кўзғолонлар ва уларнинг натижаси, оқибатларини биласизми?
12. Мон-Кхмер (Австроосиё) халқларини сананг?
13. Жанубий-шарқий Осиёда деҳқончилик хўжалик тури қачон пайдо бўлган?
14. Австронезия халқларини санаб беринг?
15. Австроосиё тилида сўзлашган Лаквьетлар ҳозирги қайси халқнинг аجدодлари ҳисобланади?
16. Сехр-жоду жанубий-шарқий Осиёдаги қайси цивилизацияда катта аҳамиятга эга бўлган?
17. Мил.авв. X-V асрларда қайси дарёлар ва кўл атрофида суғорма деҳқончилик иншоотлари вужудга келган?

18. Донгшонликларнинг диний эътиқоди ҳақида нималарни биласиз?
19. Буддизмнинг кириб келиши Донгшон цивилизациясига қандай таъсир кўрсатди?
20. Хинди-Хитой халқларининг Хитой давлатига қарши олиб борган озодлик курашлари тарихини биласизми?
21. Ҳинд манбаларида қадимги Индонезия ороллари ва Малая ярим ороли қандай номланган?
22. Ҳинд ёзувлари бўлган санскрит, санскрит-малая, паллав ёзувлари кенг қўлланилган Индонезиядаги қадимги давлатни айтинг?
23. Индонезия ва Мадагаскар ороллари орасида ўзаро цивилизацияон ўхшашлик мавжудми?
24. Қадимда жанубий-Шарқий Осиё ва Ўрта Осиё ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар бўлганми?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 592 б.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон. // Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

4. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

6. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

7. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яҳё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.

8. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

9. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под. редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

10. Семёнов В.Ф. История средних веков. Учебник для студентов ист. фак. пед. ин-тов. Изд. 4-е. – М.: Просвещение, 1975. – 590 с. с карт.

11. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

12. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

13. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.- М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.

14. Вельгус В.А. Средневековый Китай. Исследования и материалы по истории, внешним связям, литературе. – М.: Наука, 1987. – 202 с.

15. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. – 456 с.

#### **Интернет материаллари**

1. [http:// www.ucr.eduFh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.eduFh-gig/horuslinks.html)

2. [http:// English www.hss.cmu.Edu/history](http://English www.hss.cmu.Edu/history)

3. <http:// www.ukans.edu/history/vl/>

4. <http:// www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml>

5. <http:// www.lib.byu.edu/-rdh/www//>

6. [http:// classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).

7. <http:// www.washlaw.edu/forint//>

8. <http:// www.yole,edu/Lawweb/avolon.htm>

<http:// www.yale.edu/acuns/>



## 10-МАВЗУ. ҲИНДИСТОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

10.1. Мил.авв. III-II минг йилликларда Ҳиндистон. Веда даври.

10.2. Мил.авв. I минг йиллик ўрталари ва милодий I минг йиллик ўрталарида Ҳиндистон.

10.3. Ҳиндистоннинг маданий ривожланиши ведалар, индуизм, буддизм, Бхагавад-Гита.

10.4. Илк ва ривожланган ўрта асрларда Ҳиндистон.

**Таянч иборалар.** Илк Ҳинд цивилизацияси, Моҳенжо-Даро, орийлар, ведалар, касталар, нандрлар ва шунглар сулоласи, Ашока, буддизм, ҳиндуизм, жайнизм, Арьябхата, Бхагавад-Гита, Матхур ва Ганджар мактаблари, маҳабҳорат, Аюрведа, Беруний, ражпут, паллавлар, Ғазнавийлар, Деҳли султонлиги,

Мил.авв. V-IV минг йилликларда Ҳинд водийсининг ғарбида ясси тоғликларда дастлабки деҳқончилик маданиятлари вужудга кела бошлайди. III минг йилликда эса илк синфий жамият вужудга келиб, тарихда илк Ҳинд цивилизацияси ёки Хараппа (энг катта ёдгорлиги номи билан мил.авв. 2300-1700 йилларни ўз ичига олади) номи билан киради. Хароппа, Моҳенжо-Даро (ўликлар водийси), Равалпинди, Таксилла, Чатху-Даро ва бошқа йирик шаҳарлар майдони 2,5 кв.кмни эгаллаган бўлиб, 30 минг киши яшаши мумкин бўлган. Кўчалар тўғри тўртбурчак чорраҳалар билан туташган. Йирик шаҳарлар (Моҳенжо-Даро)даа Арк мавжуд бўлиб, унда дон сақланадиган омбор, ҳукмдор қасри (230x170 м) ёпиқ бозор, диний маросимлар учун бассейн топилган. Хараппадан топилган омбор энг йирик бўлиб (61x46 м) минг тоннагача дон сақлаш имконини берган. Ютхолдаги 219x37 метрли дарё билан туташувчи бассейнни олимлар эҳтимол верф (кемаларни сувга тушириш жойи) бўлса керак, деб ҳисобладилар. Шаҳардаги уйлар 2-3 этажли бўлиб, том ва пишиқ ғиштлардан қурилган. Махсус канализациялар ифлос сувларни шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетган. Буғдой, тарик, арпа, пахта маҳсулотлари экилган. Буйвол, эчки, қўй, чўчка,

товук, эшак каби уй ҳайвонлари мавжуд бўлган. Хараппа маданияти бронза даврига оид бўлгани учун асосий ҳунармандчилик буюмлари бронзадан тайёрланган. Ҳинд цивилизацияси, Ўрта Осиё, Эрон, Белужистон билан, сув йўли орқали эса, узоқ Месопотамия билан савдо алоқалари олиб борган. Хараппа ёдгорликлари ёзуви ўзига хос бўлиб, ҳали уни ўқиб чиқишга ҳеч ким мувофиқ бўлмаган. Фақатгина 400 дан ошиқ белгидан иборат бўлиб, ўнгдан чапга қараб ўқилиши, тили қадимий дравид тили бўлган деб тахмин қилинади.

Аёл ҳайкалчаларнинг кўпчилиги матриархат мавжудлигини билдирса, уч айри найзали ҳайвонлар қуршовидаги илоҳий олимлар шивага (чорва ҳомийси) қиёслайдилар. Илк Ҳинд цивилизацияси мил.авв. II минг йиллик иккинчи ярмида номаълум сабабларга кўра инқирозга юз тутди. Айрим тарихчилар орийларнинг кириб келиши бу цивилизациянинг барбод бўлишига олиб келган деб ҳисоблайдилар.

Мил.авв. II минг йиллик охири (XII аср)да Ҳиндистоннинг шимолий ғарбидан орий (аслзода оқсуяк) қабилаларининг кириб келиши натижасида Ведалар даври деб ном олган (мил.авв. XII-VI асрлар) давр бошланди. Орийлар кўчманчи қабилалар бўлиб, уларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фараз ва қарашлар мавжуд. Улар аста-секин ўтроқ ҳаётга ўтиб борадилар. Орийларнинг диний эътиқодлари Веда (билим) китобларида ўз ифодасини топган. Ригведа, Атхарваведа, Самоведа, Яжурведа деб номланувчи китобларда Ўрта Осиё, Эрон халқларига ҳам Авесто давридаги қарашларга мос келувчи тасаввурлар мавжудлиги сабабли, Ҳинд-Эрон халқлари умумий бир ўзакдан келиб чиққан деган хулосани беради. Воҳаларда орийларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти акс эттирилган. Улар Ҳиндистонга кириб келгач, маҳаллий аҳолини душман (Дасья) деб атаб, айнан уларни қулларга айлантирганлар. Ведаларга худога илтижолар қилиниб, худолардан сигирлар сўралган. Веда мифологиясида одатда худолар ва мифик қаҳрамонлар сигир учун урушлар олиб борганлар. Веда тилида уруш (гавишти) сигирларни қидирмоқ маъносини беради. Орийлар маданияти одатда жигарранг сополларга нақш тушириш билан белгиланади. Мил.авв. I минг йилликда Ганг ҳавзасида ҳали синфий жамият вужудга кела бошлайди. Бу ерда буғдой, арпа, нўхат, пахта билан бир қаторда

илк бора шакарқамиш экилиб, ундан шакар олина бошланади. Санскрит тилида sugar (ширин қум) маъносини беради. Хунармандчиликнинг темирчи, ювилер, кулол, аравасоз ва бошқа соҳаларнинг ривожланишини кузатиш мумкин. Мил.авв. V аср бошларида дастлабки танга пуллар пайдо бўла бошлайди. Ижтимоий ҳаётда ведалар ҳукмдор табақаларни ва қуйи табақаларни ажратганлар. Браҳманлар (руҳоний), кшатрий (жангчи), юқори табақа бўлиб, Вайши (деҳқон, хунарманд, савдогар), шудра (қуллар) табақаси қуйи табақаларни ташкил этган.

Жангчиларни орийлар ва қабилаларнинг оқсоқоллари ташкил этган бўлса, руҳонийлар браҳманлар табақасини ташкил этади. Оддий уруғ қабила аъзолари вайшийларни ташкил этгани ҳолда, қуллар бўйсундирилган қабилалардар олинган. Веда даврининг охирларида шимолий Ҳиндистонда 20 га яқин давлатлар вужудга келади. Улардан Магадха, Кошашала қабиларда монархия тартиблари устунлик қилса, Врижи, Малла қабиларда республика тартиблари устунлик қилган. Врижи, Маллада рожалар ҳукмрон бўлсада, халқ йиғинисиз ҳукум чиқара олмас эди. Веда эътиқодига амал қилган руҳонийлар очик ҳавода қурбонлик келтирганлар. Мил.авв. I минг йиллик охирларидагина махсус ибодатхоналар пайдо бўлади. Агни-олов, Ваю-шамол, Паржани- совуқ, сом-муқаддас ичимлик худоси, митра-қуёш, индр-жанг худоси ва бошқа кўплаб худоларга эътиқод қилинган.

Мил.авв. I минг йиллик ўрталарида шимолий Ҳиндистонда бир неча ўнлаб мастақил давлатчалар пайдо бўлади. Улар ўртасида (Кошала ва Магадха давлатлари) Ганг ҳавзасида етакчилик учун кураш олиб борилган бўлса, Ҳинд дарёси ҳавзаси мил.авв. VI асрда Эронга тобе қилинган эди. Ганг дарёси ҳавзасида V аср бошида Магадха давлати ғалаба қозонади. Нандлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда Магадха ҳукумдорлари Ҳиндистонни бирлаштиришга ҳаракат қилади. Баъзи манбаларда Нандларнинг кшатрийлар сулоласидан бўлмагани, паст табақадан чиққанлиги ҳақида маълумот беради. Мил.авв. IV аср охирида А.Македонский қўшинлари Ҳиндистонга бостириб киради (мил.авв.327-325 йй). Баъзи подшоликлар жангсиз таслим бўлса, баъзилари (масалан Пор) қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. А.Македонскийнинг Ганг

ҳавзасига юриш қилиши имкони бўлмайди. Баъзи манбаларда нандлар унга қарши 200 минг пиёда, 10 минг отлик, 8 минг жанг араваси, 6 минг фил қарши қўйиш учун тўплагани учун ҳужум қилмаган деб маълумот беради. Мил.авв.317 йил Чандрагупта нандлар сулоласини ағдариб, ўрнига маурийлар сулоласига асос солади. Тахминан мил.авв. 305 йил Чандрагупта Салавка I Никатор (ғалаба келтирувчи) ўртасида шартнома тузилиб, 500 жанговар фил эвазига Ҳинд дарёси ҳавзасидан Юнон-Македон горнизонларини олиб кетади. Маурийлар сулоласи Чандрагупта невараси Ашока даврида кучайиб, қарийб бутун Ҳиндистонни бирлаштирди. Ашока (262-231 йй.) мамлакатда ягона идеология буддизмни давлат дини деб эълон қилади. Унинг буддавийликка оид айрим фармонлари қаятошларда ўйиб ёзилган ва “Ашока эдиктлари” деб ном олган. Ашокадан сўнг давлат тушкунликка юз тутади. Мил.авв. 180 йилда ҳарбий бошлиқлардан бири давлат тўнтариш ўтказиб, шунглар сулоласига асос солади. Шунглар Юнон-Бақтрия давлати билан узоқ кураш олиб боришга тўғри келади. Мауриялар давлати билан бир қаторда Ҳиндистон ярим оролининг жанубида Керара, Чола, Пандья каби давлатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳатто Маурия давлатига ҳам қаршилик кўрсата олганлар.

Мил.авв. I минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда кўплаб диний фалсафий оқимлар вужудга келган. Жамият ҳаётига Веда ва Брахманизм таълимоти етарлича жавоб олмас эди. Сайёр устозлар (шраман) турли оқимларни ҳимоя қиладилар. Уларнинг айримлари фаталист (аживики), иккинчиси материалист (чарваки), учинчиси аскетизм орқали холос бўлиш (жайнлар) каби оқимлари тарғиб қилганлар. Айрим диний йўналишлардаги шраманлар ўз жамоаларини ҳам тузадилар. Бундай оқимлар сирасига кирган буддизм кейинчалик давлат дини даражасига кўтарилади, буддизмнинг пайдо бўлишига Сиддхартха Гаутама (мил.авв. 566-486 йй.) шак қабиласидан, кшатрий оиласига мансуб тарихий шахс номи билан боғлиқ у 29 ёшида тарки дунё қилиб 7 йилдан сўнг ҳақиқатни топади. 40 йил ўз таълимотини ёйди ва будда (нурга чўмган, ҳақиқатга эришган) номини олади. Будда таълимотида ҳаёт азоб укубатдан иборат эканлиги, азоб укубатлар сабаби хоҳиш истаклар эканлиги, руҳни азоб укубатлардан қутқариш йўли мавжудлиги ва будда кўрсатган

йўлдан бориш тўғри йўл эканлиги айтилади. Будда жамоаларига (сангха) қуллар, қарздорлар, ҳарбийлар қабул қилинмаган. Инсон руҳи ўлмайди, унинг жисми ўлади руҳ эса қайта туғилишга ва азоб уқубатга гирифтор деб таълим беради. Нирвана (олий ҳилқат, нур)га эришган руҳгина қайта туғилиш азобидан қутилади. Бунинг учун бадхитсатва (нурга чулғанган) устозларга кулоқ солиш зарур деб таълим беради. Будда таълимоти Ашока даврида давлат дини даражасига кўтарилади. Юнон-Бақтрия, кейинроқ кушонлар даврида эса Ўрта Осиё ҳудудларига тарқалади. Милодий I асрда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг катта қисмини ўз ичига олган кушонлар давлати ташкил топади. I-II асрларда Кушон тангалари Варанаси, Орисгача бўлган ҳудудларда тарқалади. I асрдаёқ Кушон тангаларида Ҳинд худоларининг тасвири туширила бошланган бўлса, Кушон подшолари ҳиндча унвонлар ҳам ола бошлайдилар. III асрда Гужарат, Ражахстон, Панжоб кушонлар таркибидан ажралиб чиқади. III асрда Кушонларнинг Сосонийлар билан курашлари Ҳиндистонга мустақиллик учун имконият беради. Магадха давлати Ҳиндистонни бирлаштириш маркази бўлиб қолади. Чандрагупта (320-335 йй.), Самудрагупта (335-380 йй.), Чандрагупта II (380-415 йй.) даврида шимолий ва марказий Ҳиндистон, шимолда Непал, шимолий-шарқда Ассам, Гужорат бўйсундирилади. IV-V асрлар “Гупталарнинг олтин даври” деб тарихга киради. V аср ўрталарида Скодагупта даврида Ўрта Осиёдан келган Хунн-эфталит қабилаларининг ҳужуми кучаяди. 467 йил Скодагупта вафот этгач, Гупта давлати Хунн-эфталитларга қарам бўлиб ўлпон тўлашга мажбур бўлади. Ҳиндистонда кулдорчилик жамияти шу билан барҳам топади.

I-V асрларда Ҳиндистонда хўжаликнинг барча соҳалари тараққий этади. Айниқса, металлургия, ювилер маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тўқимачилик, кема қуриш тараққий этади. Авваллари Таксилла, Пурушапура, Қобул, Ўрта Осиё ва Парфия, Хитой билан курукликдан савдо олиб борилган бўлса, эндиликда денгиз орқали Яқин Шарқ мамлакатлари ҳатто, Хитой билан савдо олиб борилган. III асрдан бошлаб қул меҳнати ўрнига ерларни ижарага бериш кенг тарқалади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига сабаб бўлади. Жамоа ер эгалиги ҳам аста-секин феодаллаша боради, оқсоқоллар ерларни тақсимлаш

ва жамоани бошқаришни ўз қўлларига киритиб оладилар. Милодимиз бошларида каста тартиблари қатъийлаша боради улар орасида қатъий таъқиқлар ва каставий иерархия авж олади.

Ҳинд донишмандлари фалсафа фани ривожига катта ҳисса қўшдилар. Веда даврининг охирида вужудга келган упанишада таълимоти инсон руҳининг дунё руҳига қўшилиб кетишига асосланади. Дуалистик таълимотлардан ташқари қадимги Ҳиндистонда материалистик таълимотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар чарвок ва локаята таълимотлари эди. Чорвака фалсафасида реал материялар ҳаво, олов, сув ва ер оламни ташкил этади дейилса, локаята таълимоти руҳнинг кўчиб юриши, карма қонунларини рад этади. Аниқ фанлар соҳасида ҳам Ҳиндлар катта ютуқларни қўлга киритганлар. Ҳиндлар дунёда биринчи бўлиб ўнлик санок системасидан фойдаланганлар. Ҳинд математиклари куб, квадрат, икки номаълумли тенгламалар, синусоида каби мураккаб масалаларни еча олганлар. Пи нинг 3,14 эканлигини ўша вақтлардаёқ аниқлаганлар. Астроном Арьябхата (V аср) ер шар шаклида эканлиги, унинг ўз ўқи ва қуёш атрофидан айланишини илмий асослай олган. Ҳинд медицинаси (аюрведа – узоқ шарқ ҳақида билим) Ҳиндистон ҳудудидан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Табиблар дори-дармонлар билан даволаб қолмай айрим ўша давр учун мураккаб жарроҳликларни ҳам қилганлар.

Архитектура соҳасида йирик ибодатхоналар қурилмаган Чандрагупта ва Ашоканинг юнон муаррихлари томонидан ҳашаматли деб таърифлаган саройлари ёғочдан бўлиб сақланиб қолинмаган. Маурийлар даврида келиб илк будда ибодатхоналари қурила бошланади. Кейинчалик Ҳиндуизм ибодатхоналари ясси томли бўлса, Гупталар даврида қурилган ибодатхоналар йирик ва ҳашамат касб эта бошлайди. Бундай ёдгорликларга Санчида, Бхархута, Паттадокал шаҳарларидаги ибодатхоналарни киритиш мумкин.

Ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришилган бўлиб, милодий I асрларда Матхур ва Гандхар мактаблари машҳур эди. Матхурда ҳайкалтарошлик соф Ҳинд мотивларига асосланган бўлса, Гандхар йўналишида Ҳинд, Ўрта Осиё, Элинистик маданият анъаналари таъсири сезилиб турган. Ҳинд рассомчилиги будда ибодатхоналари, Ажанта ибодатхонасидаги

деворий тавсирларда сақланиб қолган бўлиб, асосан икки йўналиш сюжет ва декоратив йўналишга бўлинади. Ғор ичида қурилган Ажанта ибодатхона комплексига жами 27 та ибодатхоналар кириб, у қариб минг йил давомида қурилгани, ғор ичидаги шаҳар бўлганлиги, ҳинд динининг ўзгариб бориш жараёнини таҳлил этиш имконини бериши қабилар билан машҳурдир.

Ҳозирга қадар Веда даври ёзувлари топилмаган. Коҳинлар ведаларни авлоддан-авлодга оғзаки етказиб келганлар. Брахманлар ведаларни тўғри ўқишлари учун фонетик, этимологик, грамматик қоидаларни билишлари зарур эди. Мил.авв. V-IV асрларда Ҳинд олими Панини санскрит тилининг грамматикасини тузиб чиқади. Ҳозиргача Ҳинд ёзувининг энг қадимгилари мил.авв. III асрдаги Ашока эдиктлари бўлиб ҳисобланади. Бундан қадимги ёзма ёдгорликлар сақланиб қолмаган. Шундан сўнг брахми, кхарошти ва бошқа ёзув турлари шаклланиб борди. Мил.авв. I минг йиллик ўрталаридан Ҳиндистонда бадий адабиёт ҳам ривожланиб шокунтала, Рамайна, Маҳобҳорат, шакунтала, Калила ва Димна каби ўнлаб асарлар яратилди. Милодий I асрда давлатни бошқариш санъати (Артхашастра) яратилди. Ману қонунлари, жатакилар ва айникса, Панчататра Ҳиндистондан бошқа ҳудудларга ҳам кенг тарқалади. Ўрта асрлардаёқ Панчататра, Калила ва Димна ўнлаб тилларга таржима қилинади. Қадимги Ҳинд адибларидан Калидаса, Ашвагхошалар энг машҳурлари эди.

Будда дини ҳақида юқорида эслатиб ўтилган эди. Лекин бу дин бутун Ҳиндистонни қамраб ола билмади. Ҳатто, давлат дини деб эълон қилингандан сўнг ҳам, фақатгина йирик шаҳарлар ва уларнинг атроф ҳудудларига тарқалди холос. Веда дини билан аста-секин қўшилиб бориб, Ведалар (брахманизм) худоларини тан олган буддизм, руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги тасаввурини сақлаб қолди. Агни, индр, сом худолари ўз аҳамиятини йўқотиб, ўрнига брахма, вишну, шива худоларининг аҳамияти ортди. Шунингдек, маҳаллий архаик эътиқодлар ҳайвонларга эътиқод, аёлларга эътиқод (кали, дурга, парвати, махаведи маъбудалари) сақлаб қолиниб, ягона ҳиндуизм дини шаклланди. Кейинги даврларда маҳобҳорат достонининг бир бўлаги бўлган ва аслида Аржун ва Кришна суҳбати бўлган Бҳагавад Гита ҳам диний

фалсафий оқим бўлиб шаклланди. Унга кўра, Аржун Курукшетр жангида бобоси Бхишамга ўқ отишдан бош тортади. Кришна эса (Вишнунинг ерга тушган қиёфаси) унга ўз сирини очиб, Бхишам ўлсада, руҳи ўлмаслиги, балки азобдан қутилиши, дунё ҳақидаги сирларни очади. Мана шу суҳбат алоҳида диний тасаввур бўлиб шаклланган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида Кришнани англаш жамиятлари тузилган. Улар Бҳагавадгитани ўз муқаддас китоби деб билди.

VI асрда тарқоқ ҳинд князликлари ичида ғарбий Бенгалияда Гауда, Жамна дарёси ҳавзасида Тханесар князлари марказлашиш учун кураш олиб бордилар. Гауданинг ҳукмдори Шишонша будда руҳонийларини таъқиб остига олгани билан машҳур 606 йили Магадха давлатини босиб олиб, Канауж билан кураш бошлайди. Канауж бу вақтда Тханесар давлати билан иттифоқ бўлиб, Харша Вархан (606-647 йй.) даврида кучайиб, бутун шимолий Ҳиндистонни бўйсундиради. Харша Хитой билан дипломатик алоқалар олиб боради. Лекин 647 йил у вафот этгач, Ван Сюоньцэ бошчилигидаги элчиларни янги ҳукмдор қириб ташлайди. Ван Сюоньцэ Тибетга қочиб бориб, Тибет, Непал ва хитойликлардан иборат қўшин олиб келтиради. Ҳукмдорни асир олиб Хитойга юборади. Харша давлати тарқалиб кетади. 712 йилда араблар Ҳинд дарёсининг ғарбий соҳилларини босиб оладилар. Лекин уларнинг шарққа ҳужумини ражпутлар тўхтатиб қўядилар. Ражпутлар Санскритча ража – подшо, путана – ўғли, аслзодалар авлоди деб ҳисобланадиган. Улар хунн-эфталитларнинг авлодлари деб тахмин қилинади. VIII асрда ражпутана, Мальва, Гужоратда қудратли ражпутлар давлати вужудга келади. Протихар сулоласидан бўлган Нагобхата Жамна ва Ганг ҳавзаларини ҳам босиб олади. Ражпутларнинг асосий рақиблари Бенгалияда ташкил топган Палхор давлати бўлиб қолади. VII аср ўрталарида Гопал асос солганлар бу давлат ҳудудига подшо Дхармапал (770-810йй) даврида ҳозирги Дехли атрофидан Ассамгача бўлган ерлар кирган. Палхор ва Ражпутлар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турган. 1001 йилдан бошлаб, 30 йилдан ортиқроқ Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга 17 марта юриш қилади. Канауж, Катхивар, Гандхар, Анхилвар, Сомнатх каби ҳудудларни вайрон қилиб бойликларни талайди. Натижада Пратихорларнинг Ражпут давлати парчаланиб кетади. Ражпут



ёзувчиси Чанд Бордон (XII аср) ўзининг “Притхивиража-расо” поэмасида шимолий Ҳиндистондаги 36 Ражпут князини санаб ўтади. Полхор давлати эса, 1025 йил Деканга қилган юришда Чола давлатидан мағлуб бўлиб, парчаланиб кетади.

Декан ясси тоғлигида VIII асрда бир неча ўнлаб давлатчалар мавжуд эди. III асрда пайдо бўлган Паллавлар давлати VII асрда Канжпурни пойтахт қилиб катта сиёсий қудратга эришади. Араб денгизи томон ўз ҳудудини кенгайтиришга уриниш натижасида Чалукъ давлати билан тўқнашувга олиб келади. Чалукъ ҳукмдори Пуллокешин II Телуж халқини бўйсундириб, уни бошқаришни укасига беради. Шу тариқа Венж ёки шарқий Чалукъ давлати пайдо бўлади. VII аср ўрталарида раштракут сулоласи Чалукъ сулоласини тахтдан ағдаради. Лекин 973 йил Чалукъ сулоласидан бўлган Тайлап яна ўз сулоласини тиклайди. VIII асрда Паллавлар ҳам Пандилар давлати билан курашда ҳолдан тояди. Вазиятдан Чола давлати фойдаланиб, қарийб бутун Деканни бирлаштиради. Айниқса Ражендр (1014-1044 йй.) даврида Венги давлати Бенгалия ҳам тор-мор келтиради.

Шимолий Ҳиндистоннинг XI асрдаги йирик давлатларидан бири ражпутларнинг Гахадавал давлати эди. Чанделла давлати ҳозирги Бунделиҳанда ҳукмронлик қилган. XII асрда шимолий Ҳиндистонда гегемонлик учун кураш олиб борардилар. XII аср 80 йилларида Притхви-ража, Чаухан Чанделл давлатига зарба бериб, Канауж князи Жаячанде Гахадавал билан кураш бошлайди. Кучсизланган князликлар шимолий ғарбдан Ғурларбошчилигидаги Шаҳобиддин Муҳаммад Ғурий бошчилигида бостириб кириб, Панжоб, Ганг-Жамна ҳавзасини талайдилар (1175 й.). Притхви-ража мағлубиятга учрайди. Шаҳобиддин Ғазнага қайтиб кетишдан олдин Ҳиндистонга Қутбиддин Ойбекни ҳоким қилиб кетади. Қутбиддин Ойбек 1193 йил Деҳлини босиб олиб, ўз давлати пойтахтига айлантиради. 90 йилларда Бихар ва Бенгалия босиб олинади. Шаҳобиддин вафотидан кейин Қутбиддин Ойбек (1206 й.) мустақил Деҳли султонлигини тузади. 1222 йили Панжобда мўғуллар ҳужуми бўлиб, улар Хоразмшоҳ Жалолиддинни таъқиб этиб бу ҳудудларни вайрон қиладилар. 1241 йилда эса, мўғуллар ҳужуми яна такрорланади.

Дехли султонлигида икто тартиблари кенг тарқалади. Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236 йй.) даврида биргина Дехли атрофи 2 минг иқтидорга бўлиб берилади. Заминдорлар ер солиғини олдиндан тўлаб қишлоқ деҳқонларидан бир неча баробар қилиб қайтариб олар эдилар. Деҳқонларни шафқатсиз эзилиши кўзғолонлар келиб чиқиши ва деҳқонларнинг ўрмонларга қочиб кетиши билан характерланади. Айниқса, Дехли атрофидаги меваттийлар ҳаракати хавфли тус олади. Дехли атрофидаги ўрмонларни йўқотиш учун қилинган ҳаракат натижа бермагач, меваттийлар бошлиқларига икто бериб, ҳаракатини сусайтиришга эришилади. Дехли султонлигида шаҳарлар ҳам раванқ топади. Дехли ҳақида XIV аср муаррихларидан бири: “шаҳар тош ва ғиштлардан қурилган... Шаҳар атрофини 12 минг кадамли боғлар ўраб олган. Шаҳарда 70 та Дор уш-шифо мавжуд. 2 минг масжид ва ибодатхоналар бор. Шаҳар 5 метрли девор билан ўралган бўлиб, 28 дарвозаси бор”-деб хабар беради. Бундан ташқари Камбей, Калькута ва бошқа шаҳарлар ҳам ўз даврининг йирик иқтисодий марказлари эди. Икто тартибларининг кенг тарқалиши марказий ҳокимиятни кучсизлантирди, натижада, 1236-1246 йилларда сарой тўнтаришлари натижасида 4 та ҳукмдор алмашинишига олиб келади. Болбан (1266-1286 йй.) даврида эса, Ражпутларни сарой ва қўшин хизматига олиш кучайиб боради.

Янги Султон Алоуддин 1296 йилда сепаратик гуруҳларга қарши курашади ва мўғуллар ҳужумига чек қўйиб, 1308 йили Деканга қўшин тортади. Унинг қўшини Кавери дарёси ҳудудигача истило қилиб боради. Муҳаммад Туғлуқ даврида (1325-1351 йй.) хазина бўшаб қолиши натижасида пул ислоҳоти ўтказилади. Мис тангаларни кумуш танга қийматида ишлатишни талаб қилади. Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи янада ёмонлашиб бориши билан шоҳ бу ислоҳотни бекор қилади. Ферузшоҳ (1351-1388 йй.) даврида армияга қилинадиган харажатлар қисқартирилиб, Жамна ва Сатлеж оралиғидаги ерларга каналлар орқали сувга чиқарилиб ўзлаштирилади. 1398 йилда Амир Темур юришларидан сўнг, Дехли султонлиги кучсизланиб парчаланиб кетади. XI асрда жанубий Ҳиндистоннинг энг қудратли давлати бу Вижаянагар давлати эди. Николо Конти маълумотича подшо Деварай II (1421-1448 йй.)

даврида Вижаянагар жанубий Ҳиндистонда гегемон давлат эди. Николо Контидан 40 йиллар чамаси кейин Ҳиндистонга келган Афанасий Никитин ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Лекин XVI аср бошларидан Бахман давлати кучайиб, Вижаянагарга таҳдид сола бошлайди. Бу даврда Ҳинд князликларининг бир-бири билан курашда Португаллар ўз манфаатлари йўлида ёрдам бера бошлайдилар. 1547 йил португаллар Вижаянагарга Бахман давлатига қарши ёрдам беришлари учун Ҳиндистонга от ва қурол келтиришни монополия қилиб оладилар. 1565 йил Аҳмаднагар, Бижапур, Бидар, Голконда князликлари Вижаянагарга қарши курашиб, уни вайрон қиладилар. Вижаянагор кичик князликларга (Майсур, Мадур, Иккери, Танжур) бўлиниб кетади. Бўлиниб кетган Ҳиндистонга 1526 йил Бобур бостириб кириб, ягона марказлашган давлатга асос солади. Унинг ўғли Ҳумоюн 1542 йил Шершоҳдан енгилб, Эронга қочишга мажбур бўлади. 1545-1555 йиллар давомида Ҳумоюн Ҳиндистонни эгаллаш учун кураш олиб боради. 1556 йил тахтга ўтирган Акбаршоҳ даврида Бобурийлар давлати қариб бутун Ҳиндистон ҳудудини эгаллайди. Акбарнинг ўғли Жаҳонгир (1605-1627 йй.) ва набираси Шохжаҳон (1627-1658 йй) даврида ҳам истилочилик юришлари давом эттирилди. Шохжаҳон 1632-1635 йиллар давомида Португалларга қарши кураш олиб боради. Ганг дарёси қуйи ҳавзасидаги Хуглу портини Португаллардан тортиб олади. Шу даврда инглизларнинг Ост-Индия компаниясининг Ҳиндистонга кириб келиши бошланади. Бобурийлар давлати XVI-XVII асрларда маданий жиҳатдан энг юқори даражага кўтарилди. Турли туман шоирлар, ёзувчиларга Бобурийлар ҳомийлик қилдилар. Шохжаҳон қурдирган Тожмаҳал дунёнинг архитектура мўъжизаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Акбарнинг диний бағрикенглик сиёсати натижасида мусулмон, ҳинд, бхакти, христиан, ских диний оқимлари биргаликда ривожланиб борди. Форс, турк, афғон, санскрит тиллари кўшилиб урду тили шаклланди. XVIII асрдан бошлаб Бобурийлар давлати инқирозга юз тута бошлади.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Илк Ҳинд цивилизацияси мавжуд бўлиб турган хронологик чегарани биласизми?

2. Илк Ҳинд цивилизациясининг инқрози сабабларини айтинг?
3. Илк Ҳинд цивилизациясининг ёзувлари ҳақида гапириб беринг?
4. Орийларнинг Ҳиндистонга бостириб кириши қачон содир бўлди?
5. Қадимги Ҳиндистонда қандай касталар мавжуд бўлган?
6. А.Македонскийнинг Ҳиндистонга Юришлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Гупталар давлати қачон ташкил топган?
8. Ашока даврида Ҳиндистондаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни айтинг?
9. Араблар, мўғуллар, Ғазнавийларнинг истилолари ҳақида маълумот беринг?
10. Деҳли султонлиги қачон ташкил топди?
11. Ведаларда жаият тузилиши қандай бўлган?
12. Қалимги Ҳинд адабиёти намуналарини сананг?
13. Буддизмнинг вужудга келиши ва тарқалиши ҳақида гапиринг?
14. Ҳиндуизм дини қачон шаклланди?

### **Фойдаланилган адабиётлар?**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
6. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

7. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яҳё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.

8. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

9. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под. редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

10. Семёнов В.Ф. История средних веков. Учебник для студентов ист. фак. пед. ин-тов. Изд. 4-е. – М.: Просвещение, 1975. – 590 с. с карт.

11. История цивилизации [Текст]: учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург: Михайлов, 2000. - 359 с.: табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7

12. История цивилизаций: [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб.и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

14. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

15. **Древнеиндийская философия (начальный период)** М.: Издательство социально - экономической литературы (Соцэкгиз), 1963.- 272 с.

### **Интернет материаллари**

1. [http:// classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).
2. [http:// www.washlaw.edu/forint/](http://www.washlaw.edu/forint/)
3. [http:// www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)
4. [http:// www.yale.edu/acuns/](http://www.yale.edu/acuns/)

## 11-МАВЗУ. ЯПОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

- 11.1. Илк ўрта асрдаги япон цивилизацияси.
- 11.2. Японияда будда таълимоти X-XVI асрларда Самурайлик иқтисодий-сиёсий ривожланиш белгилари.
- 11.3. Изоляция даврида Япония, маданияти, мейдзи даври.

**Таянч иборалар.** Яцуко, Бэ, Ямато, Аини (Эбису), Катаган, синтоизм, Будда, Дайбацу, самурай, Тайка, Асикага, Токугава, Симабара, Голландия, Нагасаки, Нихонги, “12 табел қонунлари”, “17 модда қонунлари”, Аматерасу-Омикада, Удзигами, Изоляцион сиёсат, Мейдзи.

Япониянинг энг қадимги аҳолиси ҳисобланган аини (эбису) халқи ҳисобланади. II-III асрларда улар Хонсю оролининг шарқи ва шимолий шарқида яшаганлар. Аинуларнинг тил хусусиятига кўра олимлар Индонезия, Малая, Ҳиндихитой ярим оролидан келган деб ҳисобладилар. Япон оролига Корея, Кю сю орқали тунгуз-манжур халқлари милодимиз бошларида кириб кела бошладилар. Улар Аинуларни қариб юбориб, ёки улар билан қўшилиб кетиш натижасида ҳозирги Япон халқи вужудга келган. Аинулар ўз этник хусусиятларини сақлаб қолганлари ҳозирги япон аҳолисининг 1 % ни ташкил этади.

III-IV асрларда Хон сю оролида атрофдаги қабилаларни бирлаштирган Ямото қабиласи илк давлат бирлашмасига асос солади. Бу даврда асосий деҳқончилик йўналиши шолчилик бўлиб ҳисобланган. Ҳунармандчиликда тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик асосий тармоқ бўлади. V асрдан бошлаб эса, ипакчилик билан ҳам шуғуллана бошланади. Японияда қулчилик анъаналари ярим қарам ҳолатда бўлиб, улар Бэ деб аталган. Уй ишларини эса Яцуко деб аталувчи қуллар бажарган. Бэ (қул)ни сотиш ва ўлдириш мумкин эмасди. Лекин Яцукони хўжайин ўлдириши, сотиши мумкин бўлган. Японияда подшонинг атрофида таниқли уруғлар тўпланган эди. Бир уруғ подшонинг сарой қўриқчиларини, яна бир диний ишларни яна бири подшо ерларини бошқаришни қўлга киритиб олган эди. 582

йили Сога уруғи давлат тўнтариши ўтказди. Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Сога уруғи синтоизмга қарши буддизмни қўллаб қувватлайдилар. Синтоизм японларнинг қадимий дини бўлиб, худолар йўли маъносини беради. IV-VII асрлар Япония тарихида қўрғонлар даври бўлиб, ҳар бир қўрғон ўз князлик сулоласига эга эди. Хитой манбаларида бу даврларда 55, 66, 95 тагача князликлар санаб ўтилади. Уларнинг бирлашуви узоқ давом этади. VII асрда уруғ қабилаларнинг энг кучлиси император деб атала бошланиб унинг аجدодларини қуёш маъбудаси Амитерасу-Омикадага бориб тақалади деб тушунилган. VI асрда кацури, хэгури, отомо, мононобэ ва сога уруғлари ўртасида етакчилик учун кураш бошланади. Сога уруғидан стёку-тайси (572-621 йй.) биз юқорида эслатган давлат тўнтаришини ўтказди. У “12 табел қонунлари”, “17 модда қонунлари”, будда динига сиғиниш каби ислохотлар қилади. Тарихда бу “Тайка” ўзгаришлари (буюк ўзгаришлар) деб ном олади. 645 йил Японияда расмий календар (Хитой календари) орқали йил ҳисоби олиб борила бошлайди. Япониянинг қадимий пойтахти дастлаб Ясука, 710 йилдан эса, Хэйдзэ (дунёнинг пойтахт шаҳри) ҳозирги Нара шаҳри бўлади. VIII аср бошида шаҳар аҳолиси 200 минг кишига етади (бу даврда Япония аҳолиси 6 млн киши эди). 784-794 йилларда Нагаока, ундан сўнг 1192 йилда Хэйан (Киато) пойтахт бўлади. Илк ўрта асрларда эркин жамоачи деҳқонлар мамлакат аҳолисининг 80-90 % ни ташкил этган.

VII-VIII асрларда жамоа ер эгаллиги ўрнига феодаллашиш жараёнлари кучайиб борди. Хусусий ер (сёэн) ва монастир ерлари кўпайиб борди. V асрда Японияга Хитой иероглиф ёзувлари кириб кела бошлайди. 404 йилда Пэкчэ давлатидан келган Атики исмли элчи шаҳзодаларга Хитой ёзувидан сабоқ бера бошлайди. VI-VII асрларда Корея давлатлари (Когурё, Сила, Пэкчэ) ва Хитой билан алоқалар натижасида ҳунармандлар, олимлар, будда роҳибларининг кириб келиши билан характерланади. Хитой ёзуви асосида Кодзики (712 йил ёзилган бўлиб, қадимги ишлар ҳақида деган маънони беради) ва Манъёнсо (йилномалар йиғидиси) ёзилган. IX асрда Япон алифбоси “Катаконо” шаклланади.

Катакан алифбосини буддистлар санскрит алифбоси дэвонагари асосида шакллантирадидлар. Хирагани ёзуви ҳам кенг тарқалган бўлиб, у кўпроқ Хитой иероглифидан ажралиб чиқади. Катакан ёзувини Киби-но маби номли Хитойда 20 йил яшаган будда роҳиб иxtиро қилган бўлса, хирагани ёзувини калиграфия билан шуғулланувчи монах Кукай (кобо-дайси) иxtиро қилади. Китоб нашр қилиш расман 770 йилдан бошлансада, унинг ривожланиш босқичи XI асрларга тўғри келади. Кадзикидан сўнг ниханги, нихонсёки (япон аналлари) 712-720 йилларда, ерлар ва одатлар ҳақида (фудоки) 713-740 йилларда каби асарлар яратилди. 905 йилда эса, “Қадимий ва янги кўшиқлар” номли (Кокинсю) асар яратилади. IX-XI асрларга оид “Такэторо ҳақида” (Токэторо моногатори), “Исэ ҳақида” (Исэ моногатори), “Гэндзи ҳақида” (Гэндзи моногатори) қахрамонлик эпослари, “Макура-но соси” (ёстиқости ёзишмалари) каби севги романтик асарлар яратилади. 927 йилда кўп томли “Янги йиллари одатлари” номли синтоизм ва унинг ибодатхоналари, маъмурий бошлиқлар бурчлари ва аҳолининг одатлари ҳақида маълумот берувчи асар яратилади.

XI-XII асрларда тарихий асарлар ҳам яратила бошланади. Бу даврда яратилган Эйга моногатори (куч ва шухрат ҳақида) асарида фудзивора, тайра, миномото уруғлари ўртасидаги кураш ҳақида тарихий маълумотлар берилади. Урушлар жанри (гунки) деб аталиб, бу даврда “Гэмпэй сэйсуйки” (тайранинг инқироzi, миномотонинг гуллаб яшнаши) деб аталади ва XII асрга оид “Мудзу кагоми” (сувли ойна) 660 йилдан 850 йилгача бўлган ўзаро курашларни ёритиб берувчи асар шулар жумласидан.

VIII асрдан бошлаб бошланғич ва ўрта мактаблар очилади. Мактабларда 400 тадан 20-50 тагача ўқувчилар бўлиб, уларда бой оила фарзандлари ўқий бошлаганлар. X асрда Японияда биринчи табиий фанлар энциклопедияси яратилди. Дехқончилик ишларининг ривожланиши билан астрономик, метериологик билимлар ҳам ривожланишни талаб қилади. 670-649 йилларда яшаган роҳиб Гёги Босацу Япониянинг биринчи картасини чизади. Японларнинг қадимий дини Синтоизм (худолар йўли) бўлиб, олий маъбуда Аматеросу омикада эди. Шунингдек, бу динга ибтидоий диний эътиқодлар ҳам сингган эди. Күёш, шамол, сув, дарё, ўрмон руҳлари, ҳомийлари бўлиб улар уруғ



қабилалар эътиқодидан бу динга сингган эди. Японларда Удзигами (уруғ хомийси) худоси катта аҳамиятга эга эди.

552 йил Кореядаги Пэкчэ давлатидан келган элчи Киммэ уруғига будда динини тарғиб этиш учун рухсат беришни сўраб ёзилган мактубни келтиради. биринчи будда ёдгорлиги Хорюдзи (қонун тантанаси ибодатхонаси) Нарада 608 йил қурилади. 624 йилга келиб 46 та ибодатхона мавжуд эди. Император Сёму 741 йил ҳар бир вилоятда будда ибодатхонасини қуриш ҳақида фармон чиқаради. 749 йилда қурилган Тодайдзи ва 788 йила қурилган Энрякудзилар шу давр архитектурасининг ёрқин намуналари бўлиб қоладилар. Император буйруғи билан қурилган Тодайдзи ибодатхонасида 16 метрли Дайбуцу (катта Будда) хайкали қурилган бўлиб, у 15 тоннали Бронза ва 7,5 тонна олтиндан ишланган. IX-XII асрларда Кудара, Каванари, Косе-но Канаока каби рассомлар етишиб чиққан. Уларнинг суратлари ибодатхоналар ва бой феодалларнинг қасрларини беаган. Кудара ва Каванари пейзаж услубида шуҳрат топган бўлсалар, Косэно Канаока Япон тасвирий санъатининг ўзига хос услубига асос солади. У одатда гуллар, қушлар ва ҳайвонларни чизган. Қадимий Япон мусиқаси маъбуда Амитерасуни олқишлаш, деҳқончилик ишлари, японлар машғулотларини ифодалаган. VI асрда Кореяда найнинг янги будда маросимларида чалинадиган тури кириб келади. VII асрда япон мусиқаси “Вагаку”га асос солинади.

X-XII асрлар Япония тарихида сепаратик ҳаракатларнинг авж олиши билан характерланади. Вилоятларда феодалларнинг кучайиб олий ҳокимиятга интиишини кўриш мумкин эди. Хукмрон уруғ Фудзиварага қарши 937 йили Масакадо (тайра уруғидан) кўзғолон кўтаради. 1056-1064 йилларда тайра уруғи иккинчи бора кўзғолон кўтаради. XII асрнинг 50-60 йилларида Тайра уруғидан ташқари Муцу ва Дэва вилоятларида феодаллар Абэ ва Киёваралар ҳам кўзғолон қилади.

1180-1185 йилларда Японияда хукмронлик қилиш учун Тайра ва Миномота уруғлари кураш бошлайдилар. Итинотони ва Ясима ёнидаги жанглар ва Данноура ёнидаги денгиз жангида Миномото уруғи ғалаба қилади. Бу икки уруғнинг ўзаро уруши даврида деҳқончиликнинг профессионал жангчилар ажралиб чиқдилар. Улар Самурай (самарау-сўзидан олинган бўлиб, хизмат қилмоқ маъносини беради) деб атала бошланди. Уларнинг бусидо

(самурай йўли ёки жангчи йўли) деб номланувчи китоби ҳам вужудга келиб, у Самурай ахлоқи, ҳаёт тарзини белгилаб берар эди. Унга кўра, чек ер эгасига садоқат билан хизмат қилиш, унвони катталарга хурматда бўлиш, отаси ҳукмдорга садоқатли бўлиш таъкидланади. Қўрқоқлик қилган ва бусидо қоидаларини бузган Самурай харакири (ўз қорнини ёриши) одатини бажариши лозим эди. Миномота уруғи ана шу самурайларга таяниб ғалаба қилган эди. 1192 йил Миномото Ёритама Японияда биринчи сёгунатга (сёгун-буюк кўмондон) асос солади. Сёгуннинг қароргоҳи (Бакуфу) Камакура шаҳрида жойлашган эди. Вилоятлар Миномота уруғидан бўлган протекторлар (сюго)га тақсимланди. Миномота вафотидан сўнг унинг бева хотини Вой, қайнотаси Ходзе (1199 й) мамлакатни бошқаради. 1219 йилда эса, Миномото Санэтомони ўлдириб, Ходзе деспотларча ҳукмронлик қила бошлайди. Шу йили фурсатдан фойдаланиб собиқ император Готоба кўзғолон кўтаради ва 1221 йилда мағлуб бўлди. Жамиятнинг юқори табақаси самурайлар бўлиб, улар Гокэнин императорга, аслида Сёгунга ва Хитокэнин-феодаллар ва ибодатхоналарга хизмат қилувчиларга бўлинган. Руҳонийлар табақаси ҳам юқори табақа бўлиб, оддий халқ Бонгэ ёки Тигэ деб аталувчи табақага кирган. Эта деб аталувчи кастага энг қора ишларни қилувчилар киритилган. Ходзе Такимунэ (1251-1284 йй.) сёгунлик қилган даврда Хубилайхон икки марта Японияни бўйсундиришга ҳаракат қилади. 1274 йилда 15 минг Юань сулоласи аскарлари 8 минг корейслар 7 минг денгизчи Японияга бостириб киради. Аммо мағлубиятга учрайди.

1281 йилда 100 минг кишилик Хубилай кўшини ҳам мағлуб этилади. XIV асрнинг биринчи чорагида Ходзе хонадонига қарши Кусуноки, Масасигэнитта Ёситада хонадонлари кўзғолон кўтаради. Кўзғолон қийинчилик билан бостирилади. Фурсатдан фойдаланган император Годайго яна ҳукмронлик учун кураш бошлайди, уни бир қанча феодаллар қўллаб-қувватлагани боис 1333-1336 йилларда қисқа муддат император ҳокимияти тикланади. Ходзе хонадони Реванш олишга ҳаракат қилади. Лекин Асикага Токаудзи Ходзени тор-мор этиб Камакурани эгаллайди ва ўзини Сгёун деб эълон қилади. Лекин Нитта Ёсинада хонадони ҳам император Годайгони ҳимоя қилиш баҳонасида яна 56 йил кураш олиб боради. 1392 йил Асинага сёгунати бутун Японияга ўрнатилади. Шундай бўлсада, Дайме

(катта ном, уй, хонадон) феодалларнинг ўзаро урушлари тўхтамади. Урушлар натижасида ишлов бериладиган ерлар XII асрда 946 минг Тё (0,992 га)дан 855 минг Тёга қисқарди. Солиқлар ошиб борди. XV-XVI асрларда кўплаб кўзғолонлар кўтарилиб, уларнинг кўпчилигига “икко” сектаси раҳнамолик қилди. XVI асрда Япония амалда парчаланган ва ўзаро кураш олиб бораётган князликлардан иборат эди. Мамлакатни бирлаштиришни Ода Набунага (1534-1582 йй.) бошлади. У Такугава ва Такэда хонадони билан иттифоқ тузиб, 1573 йил Асикага Ёсиакини сёгунликдан ағдаради. 1542 йил Японияга португаллар келади. Улар ўқ отар қуроллар сотиш ва христиан динини тарғиб қила бошлайдилар. Ода Набунага вафот этгач, унинг яқин ҳамроҳи қишлоқ оқсоқолининг ўғли Тоётоми Хидэёси мамлакатни бирлаштириш ишини якунлайди. Хидэёси (1536-1598 йй.) 235 минг кишилик қўшинни 1592 йил Кореяни истило қилишга юборади. Аммо, 1594 йилда бу қўшин мағлубиятга учрайди. 1597 йилда юборилган 100 минг кишилик қўшин ҳам Хидэёси ўлими (1598 й) дан сўнг Японияга қайтади. Токугава Иэясу ва Исидя Минуцари ўртасидаги кураш 1603 йил Сэкигахара ёнидаги жангда Токугава хонадони ғалабаси билан тугайди. Учинчи сёгунат даври бошланади.

XVI-XII асрларда европалик савдогарлар ва миссионерларнинг Японияга кўплаб кириб келиши ва японларни христианлик динига киритилишини кузатиш мумкин эди. XII аср бошларида японларнинг ҳам Европа давлатларига дипломатик миссияси ташкил этила бошланди. 1600 йилда Голланд Уильям Адамс ҳамроҳлари билан адашиб Япониянинг Фунаи портига келиб қолади. У. Адамс Токугава Иэясунинг яқин маслаҳатчисига айланади. Унинг раҳбарлигида 20 йил ичида 179 кема (80-120 тонна сув сиғимига эга)лар қурилади. Чет эл билан савдонинг ривожланиб бориши 1604 йил ипак билан савдо қилишни давлат монополиясига айлантирилишига олиб келади. 1609 йил Нидерландия Ост-Индия компанияси кемалари Кюсю оролига келади ва япон-голланд савдо шартномаси имзоланади. Голландларнинг Таянг савдо факторияси хирадо оролида жойлашади. 1613 йилда савдо шартномаси инглиз Ост-Индия компанияси билан ҳам имзоланади. 1610-1611 йилларда Япония элчилари Голландия, Испания ва Португалияда бўлади. 1613-

1620 йилларда Хасэкура Ракуэмон бошчилигидаги элчилар миссияси Испания ва Италияда бўлиб қайтади.

XVI аср охири-XII аср бошларида япон кемалари жанубий шарқий Осиё мамлакатлари билан қизғин алоқаларини ўрнатади. 1604-1635 йилларда Вьетнамга-134, Сиамга-55, Камбоджага-44 та савдо рейслари уюштирилади. 1614 йил Сёгунат японларнт европаликларнинг динига ўтишни таъқиқлаб, христианликни “бузғунчи ва шайтоний дини” деб эълон қилади. Буддизмга эътиқод қилмаганларга Японияни тарк этишни буюради. 1617 йил Нагасакида икки миссионер қатл этилади. 1623-1624 йил инглизлар ва испанларга япон қирғоқларига келиш таъқиқланади. 1633-1639 йилларда португалларни Япониядан қувиб чиқариш ҳақида фармон берилади. Японларга христиан динига ўтиш ва Японияни тарк этиш таъқиқланди. Шунингдек, сув сифими 80 тоннадан ортиқ кемаларни қуриш қатъий таъқиқланди. Барча шаҳарларда, қишлоқларда динни текшириш ўтказилиб, у эфуми расмларни топташ номини олди, ҳар бир япон будда, синто динига содиқлигини кўрсатиш учун, Исо ва Биби марям расмларини оёғи билан топташи лозим эди. Сёгунатнинг бундай йўл тутишига христиан давлатларнинг япон феодалларига ўқотар қуроллар бериши ва сепаратик ҳаракатларнинг авж олдириши сабаб бўлди. 1637 йилги Симабара ва Амакуса феодаллари ва христианлар кўзғолони бостириш учун 50 минг кўшин бир неча ой Голланд артилерияси мадади билан бу кўзғолонни зўрға бостирди. Шундан сўнг барча европаликларнинг (Голландлардан ташқари Голландлар учун Нагасаки яқинидаги Дэсима порти очиб қўйилади) Японияга келиши таъқиқланади.

Япон жамиятини бу даврда феодал-Самурайлар, рухонийлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлар ташкил этар эди. Мамлакатда асосий экин шоличилик бўлиб, ипакчилик, кейинроқ пахта экиш ҳам тарқалади. Феодал зулмнинг кучайиши 125 йил ичида 842 минг кишига ўсиши (ҳар йили 6736 киши) аҳолининг бундай паст даражада ўсиши урушлар эпидемиялар, қурғоқчилик, чигиртка уруши билан боғлиқ. Деҳқонлар кўзғолон кўтариш билан ўз аҳволларини енгиллатишга ҳаракат қилдилар. Изоляция даврида согоро, сасако, модзаэмон каби халқ қаҳрамонлари зулм ва адолатсизликка қарши кўзғолон кўтарадилар. Биргина 1669-1749 йилларда 11 марта очарчилик бўлиб, аҳолининг катта қисмини нобуд бўлишига олиб келади.

XII-XIII асрларда шаҳар аҳолисининг салмоғи ортиб боради. Мамлакатнинг савдо-сиёсий марказларида (Эдо, Киото, Осака) 360-500 минггача аҳоли яшар эди. Осака шаҳри бутун Япония савдосида муҳим рол ўйнар эди. Осакага “Давлат ошхонаси” деган ном берилди. Капиталистик элементлар Япон жамиятига ҳам кириб кела бошлади. Экин турлари (сабзи, қовун, исмалоқ, ширин ва оқ картошка, тамаки, шакарқамиш ва пахта) кучайиб борди. XVI-XII асрлардан бошлаб мануфактуралар пайдо бўла бошлайди. Саккизинчи Сёгун Ёсимунэ (1716-1745 йй.) даврида ерларни эркин олиб сотиш ман қилиниб, каналлар қазилди, янги ерлар ўзлаштирилди. Натижада, Ёсимунэ “шоли сёгун” номини олади. Лекин феодал зулм янада кучайиб борди. Дехқонлар чиқиши ҳам ўсади. 1721 йили мамлакатда 26 млн одам бўлса, 1750 йилда аҳоли ўсиш ўрнига камайиб 25,9 млн кишини ташкил этди. 1703-1752 йиллар орасида 199 та дехқон кўзғолонлари бўлиб ўтди. XIX асрнинг бошларида эса мамлакатдаги оғир иқтисодий аҳвол ва феодалларнинг чиқишлари, жанубий-ғарбий вилоятларнинг яширин савдоси натижасида сёгун ҳокимиятидан норози кучлар кўпайди. 1863 йил АҚШнинг ҳарбий тазйиқи туфайли Япония изоляцион сиёсатни бекор қилади. Лекин Японияга мустамлака бўлиб қолиш хавф солмоқда эди. Изоляция даврида Япон тарихшунослигининг нодир асари 1657 йил Мито Мицукуни раҳбарлигида бошланган ва 1715 йил унинг вафотидан кейин тугатилган Дайнихонси (Япониянинг катта тарихи) асаридир. Бу асарда Сёгун ҳукмронлиги қораланиб, император давлатни бошқариши лозимлиги таъкидланган. Унда беш инсоний алоқалар: ота ва ўғил, эр ва хотин, хўжайин ва хизматкор, ака ва ука, дўст ва дўст алоқаларини узмасликни, самурай эса эътиқодда соддаликни ва ҳарбий санъат малакасини ошириб бориши лозим эди. Шу даврда яшаган Када Адзумамамаро (1669-1736 йй.) ва унинг шогирди Камо Мабути (1697-1769 йй.) Вагакуся (ватан олимлари) тарих мактабига асос соладилар. Улар миллийлик ғоялари асосида тарихий жараёнларга ёндашиш лозим деб ҳисобладилар.

XVIII асрда Рангакуся (Голландпараст) тарих мактаби ҳам шаклланиб, улар Голланд (Европа) илм фанини Японияга қўллаш тарафдорлари бўлганлар. Когакуся (классик конфуций мактаби) йўналиши (раҳбари Накаэ Тодзю 1608-48 йй.) ҳукмрон доиралар орасида катта таъсир кучига эга эди. Капиталистик

элементларнинг шакллана бориши билан унинг идеологияси бўлган “Рух ҳақида таълимот” мактаби ҳам шаклланган. Унинг кўзга кўринган аъзоси Исида Байган (1685-1744 йй.) тўрт табақа (дворянлар, деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарлар)нинг тенглигини тарғиб қилди.

Китоб босиш ҳам Японияда кенг ривожланиб XVIII асрда 757 номдаги китоблар чоп этилди. 1615 йили Эдо ва бошқа йирик шаҳарларда шаҳар ҳаёти ҳақидаги хабарлар ҳам босилиб чиқа бошлади. Голландлардан олинган хабарлар асосида “миш-мишлар китоби” (Ёмиури) босилиб чиқа бошлади. Булар илк газеталарга асос бўлди.

XVII-XIX аср биринчи ярмида аниқ ва табиий фанлар ҳам ривожланиб борди. Сэки Такакадзу (1623-1708 йй.) “Айлана қонуни” асарида элементар алгебра, дифференциал ва интеграл масалалар ечимлари ҳақида фикр юритади. Астроном Ясуи Сюнкай (XVII аср охири) янги календар тузади ва Хитойдан ўзлаштирилган календардан аниқлиги билан ажралиб туради. 1714 йил Эдода обсерватория қурилади. Сёгун билан Ёсимунэ Европадан олиб келинадиган китобларга бўлган таъқиқни бекор қилади. Лекин инжилга бўлган таъқиқ сақлаб қолинади. Ботаник Ино Дзякусуй (1655-1715 йй.) япон флора, фауна ва минерологиясига оид кўп томли асар ёзади. 1715 йил энциклопедист олим Арам Хакуэки (1657-1725 йй.) “Ғарб давлатлари ҳақида чизгилар” асарини ёзади. Унинг турли масалаларга бағишланган 160 та асари мавжуд. География соҳасида XVII асрда “Барча мамлакатлар тасвири” номли асар яратилган. Унда 40 дан ортиқ мамлакат харитаси тасвирланган.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Япониянинг энг қадимги аҳолиси ҳақида маълумот беринг?
2. Илк давлат бирлашмаларини биласизми?
3. “Тайка” ўзгаришлари қачон бўлиб ўтди?
4. Илк ўрта асрларда Япония қайси давлатлар билан алоқалар ўрнатган?
5. Япон ёзувлари ҳақида нималарни биласизми?
6. Илк ўрта асрларга оид япон манбаларни айтинг?
7. Тодайзи ибодатхонасидаги будда ҳайкалини тавсифланг?
8. Япония тарихида нечта сёгунат ўтган?

9. Ҳубилайхон томонидан Японияга уюштирилган экспедиция натижаларини айтинг?

10. Япониянинг Токугава сёгунати даврида Европа давлатлари билан алоқаларини биласизми?

11. Изоляцион сиёсатнинг барбод бўлишини тушунтириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

14. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон. // Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.

15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

16. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

17. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

18. Пасков С.С. Япония в ранне средневековье VII-VIII века. Исторический очерк. – М.: Наука, 1987. – 195 с.

19. История цивилизации [Текст]: учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург: Михайлов, 2000. - 359 с: табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7

20. История цивилизаций: [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

### **Интернет материаллари.**

1. [http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)

2. <http:// www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html>

3. <http:// English www.hss.cmu.Edu/history>

4. <http:// www.ukans.edu/history/v1/>

5. <http:// www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml>

6. <http:// www.lib.byu.edu/-rdh/www//>

## 12-МАВЗУ. ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

12.1. Исломнинг вужудга келиши, халифалик, ислом жамияти ва ижтимоий диний ҳаракатлар.

12.2. Шариат, ислом теологияси, фалсафа ва адабиёт, таълимотлар ва уларнинг тавсифи.

12.3. Халифаликнинг қулашидан сўнг ислом дунёси.

**Таянч иборалар.** Ислом, халифалик, сунна, мазҳаблар, мутазилийлик, уммавийлар, аббосийлар, зиммийлар, Байт ул Ҳикма, фикҳ, асосасинлар, ағлабийлар, тулунидлар, фотимийлар, мамлуклар, исмоилийлик, Кордова халифалиги, алмохадийлар, алморавийлар, бобийлик, баҳойлик,

Исломгача Арабистон ярим оролида уруғ-қабилачилик анъаналари ҳукмронлик қилган бўлсада, унинг жанубий қисмида илк давлатлар ва жамиятлар мил.авв. I минг йиллик ўрталаридаёқ ташкил топган эди. VI аср бошларида ҳам бу ерда Мариб, Сано, Зафор, Майн, Негирон шаҳарлари бўлиб, уларни Мисвадам (оқсоқоллар кенгаши) бошқарган. Яманнинг сўнгги давлати Хадрамаут (300-325 йй.) яшаган даврда Ҳиндистон билан савдо натижасида шаҳарлар бир қадар ривожланди. Эфиопия ва Эроннинг узоқ курашидан сўнг Яманда (575-628 йй.) Эрон ҳукмронлиги ўрнатилади. Узоқ Карвон йўлининг қоқ марказида жойлашган Макка шаҳри барча араб қабилалари учун муқаддас бўлиб ҳисобланган. II асрдаёқ Птоломей Макораба шаҳри ҳақида маълумот беради. Сурия ва Яман орасидаги савдо йўлидаги муҳим пункт бўлишдан ташқари, бу ерда деҳқончилик қилиш учун кичикроқ воҳа мавжуд эди. Таиф воҳасида боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланилса, шаҳарда ҳунармандчилки билан шуғулланилган. Исломгача бўлган араб маданияти ёдгорликларидаги ёзувлар кам сақланган. Фанга сабей ёзуви билан кирган бу ёзув тахминан мил.авв. 800 йиллар олдин шаклланиб, милодий VI асргача муомалада бўлган.

Шимолий бадавий қабилалар Синай ярим ороли, Фаластин ва Иорданияда яшовчи араблар Оромий ёзувига асосланган набатей ёзувларидан фойдаланганлар. 6 аср бошларида ягона



араб адабий тили вужудга келди. VI-VII асрларда еттига буюк араб шоири яшаб ижод қилган. Уларнинг орасида Имру ал-Қайс ҳатто дастлаб кул бўлган. Араб қабилаларининг динида анимизм, табиат кучлари таъсири кўпроқ сезилиб турган. Шимолий араблар ва Маккада лот, узза, манат худолари кўпроқ қадрланган. Улар билан бирга оллоҳ (худо) Оллоҳ таоло худоси ҳам VI-VII асрларда шаклланиб борган. Араблар орасига христиан, яҳудийлик, зардуштийлик динлари ҳам тарқалиб борган эди. VI асрда ҳонийлар деб аталувчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар якка худоликни тарғиб этиб қолмай, балки, динни ва унинг амалларини соддалаштириш тарафдорлари ҳам бўлганлар. Ислом дини пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) номи билан боғлиқдир. У киши 570 йил Маккада Қурайш қабиласи (хошимийлар уруғи)да дунёга келадилар. Оталари ва оналари вафотидан сўнг амакилари кўлида тарбияланадилар. 610 йили у кишига ваҳий келиб ислом динини тарғиб эта бошлайдилар. Маккада у кишига таҳдид бўлгач, 622 йили Мадинага ҳижрат қиладилар. 624 йил бадр, 625 йили уҳуд жанги, 627 йил Макка қамали ва бир қанча қийинчиликлардан сўнг 630 йили Маккадаги каабада мавжуд бутлар бузилади. Макка ислом дини марказига айланади. Шундан сўнг тез орада бутун Арабистон бирлаштирилади. 632 йил пайғамбаримиз вафотидан сўнг Абу Бакр (632-634 йй.), Умар (634-644 йй.), Усмон (644-656 йй.) ва Али (656-661 йй.) даврида давлат халифалик деб номланиб, улкан ҳудудлар истило қилинди. Сепаратик гуруҳлар ва уларнинг чиқишлари ҳам бўлиб, улардан энг хавфлиси бу Мусейлима (Яманда ўзини пайғамбар деб эълон қилади)дир. Лекин тўрт халифа даврида ислом ғояси асосида араб қабилалари улкан ҳудудларни босиб олдилар. Халифалик теакротик давлат бўлиб, давлат бошлиғи халифа (ўринбосар дегани) олий ҳукмдор ҳисобланар эди. Давлат шариат асосларида бошқарилган қуръон ва сунна асосий ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланган. Халифаликнинг кейинги даврларига келиб эса давлатда руҳоний (имомат) ва дунёвий (амирлик) ажратила бошланди. Араблар истилоси ва кўплаб ўлжалар фақатгина қабилла бошлиқларини бойитди. Учинчи халифа Усмон давридаёқ халифаликда сиёсий кризис етилиб кела бошлади. Халифаликда уруғ қабилла аристократияси ва улар тарафдорлари уммавий Маврон Ибн ал-Ҳакам атрофига тўпланган эди. Оддий кишилар Алининг пайғамбар куёви ва энг яқин сафдоши сифатида

халифалик тахтига ўтиришга ҳақли деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун улар шиат (Али тарафдорлари партияси) деб номланади. Бу ғояни дастлаб пайғамбаримизнинг яқин сафдошларидан Абу Зарр ал-Ғифарий тарғиб этсада, унинг асосий догмаларини яманлик Абдуллод Ибн Сабо яратади. Мавжуд тартиблардан норози бўлган уч ҳарбий кўшин (Куфа, Басра, Миср) Мадина зиёрати баҳонасида халифа Усмондан амирларни алмаштиришни талаб қиладилар халифа уларга талабларни қондиришга ваъда беради. Лекин, халифа маслаҳатчиси Маврон ал-Ҳакам Миср валийсига хат ёзиб, ғалаёнчиларни қўл оёқларини чопишни халифа номидан буюради. Хат кўзғолончилари кўлига тушиб қолади. Ғазабланган кўзғолончилар Усмонни ўлдирадилар. Кўпчиликнинг талаби билан Али халифа этиб тайинланади. Аристократлар партиясидан уммавий Муовия Ибн Абу Суфён Алининг ҳам кўзғолончилар билан тили бир бўлган деган баҳонада уни халифа деб тан олмай кўзғолон кўтаради. Ефрат дарёси бўйидаги Сиффин деган жойда 657 йилги жангда Али қўли баланд келсада сулҳга рози бўлади. Бундан норози бўлган 12 минг аскар, Алидан ажралиб, Арабистон шимолида алоҳида давлат тузадилар. Улар хорижийлар (ажралиб чиққанлар, бегоналар) партияси оддий халқ манфаатини ҳимоя қилиб, халифа қилиб оддий қулни ҳам сайлаш мумкинлиги, ижтимоий тенглик ва адолат ғояларини тарғиб қилдилар. Шундай қилиб VII асрда ягона ислом шиалик, яъни Али тарафдорлари, хорижийлар ва аҳли суннага бўлиниб кетади. 661 йилда Куфадда масжидда Али намоз ўқиб турган вақтда бир хорижий уни ўлдиргач, Муовия (661-680 йй.) халифа деб эълон қилинади. Уммавийлар даврида (661-749 йй.) шимолий Африка, Испания, Ўрта Осиё, Закавказье, Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисми истило қилинади. Маҳаллий маданиятларнинг катта қисми йўқ йилинган бўлсада, Эрон, Юнон, Сурия, Капт, Ўрта Осиё маданиятлари ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшади. Давлат ва расмий тил араб тили эканлиги ягона цивилизациянинг шаклланишига ёрдам берди.

Ўзга дин вакиллари-зиммилар шахсан эркин ҳисоблансаларда, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Улар ўз динларига эътиқод қилишлари учун жузья солиғи тўлашлари лозим эди. Умавийлар даврида тинимсиз урушлар ва халқ ҳаракатлари халифаликни оғир иқтисодий тангликка олиб келди. Халқ кўзғолонлари турли диний секталар шиори остида кўтарила

бошланди. VIII аср бошларида Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиси Аббос авлодлари халифалик тахтига ўтириши тарафдорлари ҳам алоҳида партия бўлиб ажралиб чиқадилар. Аббосийлар турли вилоятларга тарғибот учун ўз вакилларини юборадилар. Хуросонга юборилган Абу Муслим 747 йил 9 июн куни 4 минг киши бошчилигида қора кийимда (Аббосийларнинг расмий ранги қора ранг бўлган яшил ранг – шиаларнинг ранги, оқ ва қизил ранг хорижийнинг ранги эди) кўзғолон кўтаради. 749 йил 28 ноябр куни Аббосийлардан Абу Аббос-Саффоҳ халифа қилиб кўтарилади. Аббосийлар тахтга ўтиргач Абу Муслим ва бир қанча оддий халқ вакилларини ўзлари учун хавфли деб билиб қатл эттирадилар. Бунга қарши кўзғолонлар бостирилади. Аббосийлар даврида Эрон сосонийлари бошқарув, солиқ системаси қабул қилинади. Шунингдек, иқто ва вақф системаси ҳам кенг тарқалади. Вазир мансаби ва давлат бошқарувида девонлар ташкил қилинади. Вилоятларни халифанинг волийлари бошқариб, барча ҳарбий, фуқаро ишлари улар назоратида бўлган. Қозилар суд ишига масъул бўлиб, суд ишлари шариат талаблари асосида олиб борилган. Зиммийлар ўзларининг руҳоний судлари христианлар-Епископ, яҳудийлар-равин, зардуштийлар мобед иштирокида суд қилинганлар. Халифалик қўшини доимий гарнизонлар, уруғ қабила (бошлиқлари) қўшини ва халқ лашкари (дин учун курашувчилар)дан иборат бўлган. X аср охирига келганда халифалик ички курашлар натижасида парчаланиб кетади.

Халифалик теократик давлат бўлиб, ҳуқуқ асосини ижтимоий ҳаёт асосини ҳам дин ташкил этар эди. Аббосийлар халифалиги даврида фақиҳлар (қонуншунослар) ислом дунёсидаги нуфузи ошиб борди. VIII асрдаги исломдаги бўлинишлар иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг кескинлашуви натижаси бўлиб илмий, диний, фалсафий тушунчалари турли мазҳабларда турлича талқин қилина бошланди. VIII-IX асрларда ислом фалсафасида рационалистик оқимлар феодаллар ва шаҳарликлар орасида кенг тарқалиб борди. Улар исломда худони инсон қиёфасида деб фикр билдирувчиларга қарши эди. Бу оқим намоеਂдалари мутазилийлар деб номланади. Аммо мутазилийлар қуръон абадий эмас деб ҳисобладилар. Улар инсон эрки ва ҳаракати худога боғлиқ эмас, эркин деб ҳисоблаб худо инсон ишига аралашмайди

деган фикрни илгари сурдилар. Шу билан бир қаторда Аббосийлар даврида шиалар хорижитлар, хурамитлар ва бошқа кўплаб диний-фалсафий оқимлар халқ ҳаракатларининг ғоявий фалсафий мафкурасига айланди. 827 йил халифа Маъмун Мутазилийликни давлат дини доирасига кўтаради. Лекин аҳолининг, тўғрироғи суннийлик тарафдорларининг қаршилиги кучайиб кетгач, 851 йил халифа Муттаваккир яна суннани давлат дини деб эълон қилади.

Феодал жамиятнинг бундан кейинги тараққиёти янги ортодоксал, теологик-схолостика шакллантиришни талаб қилар эди. Бу теологик курашларнинг асосчилари Ашшарий ва Алмотурудийлар бўлиб Ашшарийлар исломнинг илк ақидавий мактаблари издошлари эдилар. Абул Ҳасан ал-Ашшарий ва ал-Мотурудий қарашлари 7 асосга Оллоҳга ишониш, пайғамбарларга ишониш, нозил қилинган китобларга ишониш, фаришталарга ишониш, охират кунига ишониш, қиёмат кунининг ҳақ эканлигига ишониш, тақдирнинг яхши ёки ёмон бўлиши худодан эканлигига ишониш асосларга қурилган. Мутазилийлардан фарқи шундаки, Мутазилийлар тақдирнинг яхшилиги худодан монлиги инсоннинг ўзидан деган қарашларга ишонсалар Ашшарийлар бунга қарши чиқиб тақдирнинг яхшилиги Оллоҳдан бўлса, ёмонлиги инсоннинг ўзидан бўлса, бу ҳолда Оллоҳнинг қудратига путур етади деб ҳисоблайдилар. Ашшарийлар фикр (ҳуқуқ) масаласини эмас, балки имон ва ақида масалаларини очиб берувчи мактаб бўлиб ҳисобланадилар.

Метеологик қараш XI-XII асрларда узил-кесил шаклланди. Бу теологик қараш XI-XII асрда узил-кесил шаклланди. Уни шакллантиришда Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолий (вафоти 1111 йил) хизматлари ҳам каттадир. Калончилик мактабида ислом дағмаларини фалсафа позициясидан туриб изоҳлаш ҳақида фикр ҳам бўлмаслиги лозим эди. VII-VIII асрларда ислом оламида аскетик-мистик оқим-сўфийлик оқими вужудга келди. Сўфийлар аскетик (узлатга кетиш) қарашларини тарғиб этиб, дунёнинг ўткинчилиги, руҳни озод қилиш, худони жамолига етишишни тарғиб қилганлар. Устоз (сўфий) муридни тарбия қилиш орқали унинг камолога етишини таъминлайди. Сўфизм шарқий христиан (Сурия) мистицизми, эллин дунёсидан ниоплатонизм, ҳинд фалсафасидан веданта таълимотларини ўзида мужассамлаштирган. Ислом мамлакатларида

сўфийликнинг кенг тарқалиши натижасида сўфийларга муридликни истовчиларнинг кучайиши, сўфийлик таълимотлари йўналишларнинг кенг тарқалиши натижаси сўфийлик жамоалари (ғарбда орденлари деб аташ расм бўлган) вужудга кела бошлади. Даврийлар, фақирларнинг сўфийларга шогирдлиги, ғарбдаги манахлар вазифасини бажариб берди.

VI-VII асрларда яратилган араб поэзияси VIII-IX асрларда тўпланиб қайта ишланди. Улардан энг машҳури муаллакат (VII араб шоирлари тўплами), “китоб ал-ағони” (кўшиқлар китоби тузувчиси Абул-фараж Исфохоний эди) ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Уммавийлар даврида Зур-румма, ал-Фароздек, Шарир, (Христиан динида бўлган), ал-Ахталб каби адабиёт дарғалари араб шеърятини, прозасининг даҳолари ҳисобланган. Араб поэзияси IX-XI асрларда халифаликдаги сиёсий тушкунлик оқибатида пасая боради. Бу даврнинг энг кўзга кўринган шоирларидан: Абу Нувас (вафоти 810 й.), ўт ёқувчи Абул-Атахийя (вафоти 828 й.), Ибн ал-Мутазз (халифа ал-Мутаззнинг ўғли бир кунлик халифа, вафоти 908 й.), шоир (Аскор) Абу Фирас (вафоти 968 й.), Мироб ал-Мутаннобий (вафоти 965 й.), кўзи кўр бўлсада сатирик, панежрист Абулл Ало ал-Маари (вафоти 1057 й.) у ҳақида: “шоирлар ичида файласуф, файласуфлар ичида шоир” деган ибораси ишлатилар эди.

VIII асрдан бошлаб суриялик христиан динига эътиқод қилувчи араблар, Элин-Рим маданиятига оид кўплаб (фалсафа, математика, астрономия, медицина ва бошқа) соҳаларга оид асарларни таржима қилдилар. форслар ва қисман ҳинд асарлари ҳам араб тилига таржима қилинди. Натижада араб дунёси ўз даврининг энг илғор билимлар тўпланадиган масканга айланди.

Халифаликнинг Куфа, Басра, Харран, Боғдод, Дамашк шаҳарлари илм-фан марказларига айланди. Шунингдек, эллинизм давридаги Александрия, Антиохия каби шаҳарлар ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган эди. Халифа Мамун даврида Бағдодда “Байт ул-ҳикма” (донишмандлар уйи)нинг ташкил этилиши, илм-фанга бўлган эътибордан далолат беради. Куфа ва Басрада Араб филологияси мактаблари шаклланди. Медицина соҳасида суриялик христиан динидаги бахтишалар оиласи машҳур бўлиб, етти авлодлар машҳур табиблар бўлиб етишади. Шунингдек, Абу Бакр Ар-Розий (вафоти 625 й) ва Ибн Сино (980-1037 йй.) ўз даврининг машҳур табиблари эдилар.

Ислом цивилизациясининг математика, астрономия ва геометрия соҳаси ривожига эллин ва ҳинд олимларининг ишлари катта таъсир кўрсатди. 9 асрда араб тилига Птоломейнинг “Мегиста” (ал-Мажт) асари таржима қилинади. Астрономия соҳасида ал-Баттани ва ал-Хоразмийнинг Ал-Беруний каби олимларни алоҳида санаб ўтиш лозим.

Биз юқорида шиа мазҳабининг аввал сиёсий партия сифатида вужудга келганлигини эслатиб ўтган эдик. Унга биринчи бўлиб, Абдуллоҳ Ибн Сабо диний мазмун беради. Шиалар Али ва Фотима фарзандлари халифалик тахтига ўтириши лозим, имомлик (халифалик) одий одамни сайлаб қўйиб бўлмайди деб қараганлар. Шиалар имомларнинг тоза (гуноҳдан пок) эканлигига қаттиқ ишонадилар. Лекин Алидан сўнг кимлар имом бўлган масалага келиша олмай шиалар қайсонийлар, зайдийлар, имомийлар, Исмоилийлар (жами 77) сектага бўлиниб кетганлар. Тўртинчи имом деб ҳисобланган ибн ал-Ханафий вафот этгач, (700 й.) шиалар ўртасида охир замон бўлади, энди имомлар бўлмайди ва имомлар холи бўлади деган бўлинишлар юз беради. Натижада махфий таълимоти вужудга келади. Айрим шиа оқимлари ал-Ханафий вафот этгани йўқ у Маҳди қиёфасида қайтади десалар, бошқа гуруҳлар маҳди 10-имом деб ҳисоблайдилар. Шиаликдаги маҳдий таълимоти христианликдаги Исонинг қайтиб келиши ва минг йиллик худо салтанатини ўрнатиш тўғрисидаги ғоялар билан қўшилиб кетган.

VIII асрда олтинчи имом Жафар ас-Содиқ вафот этиш олдидан еттинчи имом деб иккинчи ўғли Мусо Козимни тайинлайди. Лекин бир қисм шиалар катта ўғли Исмоилни нотўғри имомликдан четлатилди деб ҳисобладилар. Натижада Исмоил тарафдорлари Исмоилийлар, Мусо Козим тарафдорлари имомийлар деб номланади. Кейинчалик Исмоилийнинг ўзи ҳам иккига бўлинади. Уларнинг биринчиси “Яширин имомлар” деб номланиб, секта аъзоларининг ўзлари ҳам деярли бир-бирини танимас эди. Бу секта Мисрда Фотимийлар сулоласига ҳам асос солади. Сектанинг иккинчи тармоғи имомлар фақат еттита бўлиши лозим, Исмоил сўнги еттинчи имом эди деб қарар эдилар. Буларни кейинчалик қарматлар деб аташ одат бўлган. ҳар икки оқим ортодоксол исломдан ва ҳатто шиаликдан узоқлашиб кетади. Уларнинг фалсафасида неоплатанизм ва III асрда вужудга келган эллинистик фалсафий-идеологик оқимларнинг кучл

таъсири сезилади. Улар оламини, олам (дун) аҳли яратди, олам руҳи бирламчи материядио. У ер ва планеталарни яратди деб таълимот беради. Олам аҳли гоҳ-гоҳ натик (пайғамбар)ни танлайди. Улар олтига бўлган одам Ато, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад, еттинчиси охири замонда келади. Ҳар бир натик (пайғамбарнинг самитлари ёрдамчиси) бўлади. Масалар, Мусога-Аяран, Исога-Пётр, Муҳаммадга-Али, ундан сўнг имомлар келади деб таълим берган. Умуман олганда исмоилийлар ва қарматлар ўрта асрлардаги сиёсий ҳаракатларда фаол бўлиб, халқ оммасининг эътиборини у қадар жалб қила олмадилар. Лекин улар бошқа мазҳаблар, ҳатто ўзаро ҳам келиша олмай қирғинработлар уюштириб турганлар.

821 йилда Хуросонда Тоҳирийлар (Тоҳири ибн Ҳусайннинг маъмунга Амин устидан ғалаба қозонишида ёрдам бергани учун Хуросон унга берилган эди) давлатига асос солиниши халифаликнинг бўлинишини бошлаб берганди. Кейинчалик саффорийлар ва ниҳоят Ўрта Осиёда сомонийлар давлати ташкил топади. Ҳозирги Тунис, Жазоир ҳудудларида Ағлабийлар (800-909 йй.) 868 йил Мисрда тулунидлар амирлиги ташкил топади. Халифаликнинг маркази ҳисобланган Эрон ва Ироқда дастлаб Гилон областининг Дайлом вилоятидан буидлар халифага ҳарбий хизмат ўтаб, кейинчалик (935 й.) ўз давлатларини туза бошлайдилар. Буидлардан бўлган Аҳмад 945 йил Боғдодни босиб олади. Халифа унга Амир мансабини беришга мажбур бўлади. Лекин, бу давлатнинг сўнгги қудратли ҳукмдори Адудуд давла вафот этгач, парчаланиб кетади.

Сомонийлар давлати кулаш даврида Собуқ-Тегин Ғазнада ўз давлатига асос солади. Унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий (998-1030 йй.) даврида Ғазнавийлар давлати энг қудратли давлатлардан бири эди. Маъсуд Ғазнавий даврида ўғузлар билан муносабат кескинлашиб 1035 йилда Маъсуд ўғузларга (4 минг оила) шимолий Хуросонга кўчиб ўтиб яшашга рухсат беради. 1038 йилда Чағирбек Довуд ва Туғрулбек Муҳаммад бошчилигида мустақил давлат тузилади. Чоғрибек Марвда, Тўғрулбек Нишопурда Султон деб эълон қилинади. 1040 йилги Данданакон жангида Маъсуд мағлубиятга учрайди. 1040-1050 йилларда Салжукийлар Эрон, Ўрта Осиё ҳудудларининг катта қисмини босиб оладилар. Алп Арслон (1063-1072 йй.) даврида Арманистон, Озарбайжон, Шарқий Грузия, Кичик Осиё, Сурия,

Фаластинни истило қилади. 1071 йил Манцкернт ёнидаги жангда Византия императори Роман IV Диогин асир олинади. Малик шоҳ (1072-1092 йй.) даврида Салжуқийларнинг энг қудратли даври бўлиб, Қошғардан Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудлар бу давлат қўл остида эди. Давлат тузилишида Алп Арслон ва Маликшоҳларнинг вазири бўлган Абу Али Ҳасан Тусийнинг фаолияти айниқса катта бўлди. У кўпроқ Низом ул Мулк (давлатни тартибга солувчи) номи билан машҳурдир. “Сиёсатнома” асари унинг машҳур асари бўлиб, Низом ул Мулк ўз даврида, шоирлар, олимлар ҳомийси, машҳур мадрасалар курган шахс сифатида маълум эди. XI аср ўрталарида Салжуқийлар давлати уч қисмга Керман (1041-1187 йй.), Рум (1077-1307 йй.), Ироқ (1118-1194 йй.) ва Хуросон (Хуросон, Сейистон, Хоразм) султонликларига бўлиниб кетди. Ўзаро феодал урушлар Исмоилий сектасининг янги давлат тузишига олиб келди. Халқнинг норозилигидан фойдаланган Ҳасан ибн Саббоҳ (1055-1124 йй.) Салжуқийлар ва уларнинг тартибларига қарши чиқа бошлади. 1090 йил Аламут (бургут кўзи) тоғдаги қалъани босиб олиб, уни давлат пойтахти деб эълон қилади. Кўҳистон, Тун, Каин, Туршиз қалъалари (Элбурс тоғида) эгалланади. Исфаҳонни (1101-1107 йй.) эгаллаш муваффақиятсиз чиқади. Ҳасан Ибн Саббоҳ давлатда ҳам диний, ҳам дунёвий етакчи бўлиб қолади. У янги диний қонунлар тузиб, унда душманларга қарши курашда қотилликларни ҳам кенг қўллашга чақиради. 1092 йил Ҳасан Ибн Саббоҳнинг энг катта рақиби Низом ул Мулк ёнланма қотил томонидан ўлдирилади. Ҳасан Саббоҳ ўлиmidан олдин етакчиликни ўғлига эмас ўзининг энг яқин тўрт шогирдига қолдиради. Учтаси вафот этгач, тўртинчи шогирди Қиё Бузруг Умид салтанатни ўз ўғлига мерос қолдиради. Ҳасан Ало Зикрихис-Салом (1162-1168 йй.) ҳукмронлиги даврида янги қонунлар ислоҳ қилиниб, у ўзини кутилаётган имом деб эълон қилади. Шариат ва исломнинг барча анъаналарини бекор қилади. У Буидлар сулоласи вакили томонидан ўлдирилади. Жалолиддин Ҳасан (1210-1244 йй.) Исмоилийликни бекор қилсада, унинг ўғли Алоуддин (1224-1255 йй.) даврида исмоилийлик яна давлат дини даражасига кўтарилади. 1256 йил Ҳуллагухон кўшини Аламутни ишғол қилиб, исмоилийликка барҳам беради. Исмоилийларнинг бу давлати Фарбда Хашашин (Гашиш сўзининг бузиб айтилиши) деб



номланган. Улар ёш болаларни ўғирлаб кетиш, сотиб олиш, улардан террорчи тайёрлаганлар. Давлат раҳбарлари ва исмоилийларга қарши бўлганларни ўлдиришда фойдаланганлар. Уларни тарбиялашда гашиш (наркотик модда)дан кенг фойдаланганлар. Аббосийлар халифалиги даврида шимолий Африкада майда бербер князликлари вужудга кела бошлади. VIII аср ўрталарида Сижилмас ва Тахертда, 761 йилда Қайраун (Карфаген)да бербер князликлари пайдо бўлади. Аббосийларнинг сиёсий рақиблари Ғарбий Африкага қочиб келар ва бу берда берберларнинг бирор қабиласидан ёрдам кутишга умид қиларди. 788 йилда Танжерга ана шундайлардан бири Идрис Ибн Абдуллоҳ халифалик таъқибидан қочиб келади. Идрис шиа мазҳабида бўлиб, бербер қабилаларнинг бирида имом деб тан олинади. Бир қанча Аббосийлардан норози бўлган қабилаларни ўзига қўшиб олган Идрис Марокашдаги кўплаб шаҳарларни қўлга киритади. Мадинат ат Фесс шаҳрини қуриб, уни ўз пойтахтига айлантиради. Идрис II (792-828 йй.) даврида давлат куч-қудратга тўлиб, Сицилия, Корсика, Сардиния оролларига босқинлар қилади. Лекин унинг ворислари даврида мамлакатда феодал урушлар авж олади. 974 йили Испаниядаги уммавийлар идрисийлар давлатини босиб олади. Берберлар уммавийларга қарам бўлиб қоладилар. Шимолий Африкага бой Қайраун ҳудуди учун ўзаро курашлар VIII аср иккинчи ярмида кучайиб кетади. Лекин 800 йилда Иброҳим Ибн ал-Ағлаб ўз ҳокимиятини ўрнатиб, Хорун ар-Рашидга Африкада тинчлик ўрнатилгани, агар халифа Триполи ҳозирги Жазоир ҳудудларни меросий мулк қилиб берса, унга бўйсуниб, ўлпон тўлашини маълум қилади. Халифа Ғарбда таянч кучи йўқлиги боис бу таклифни қабул қилади. Ағлабийлар давлати Аббосийларники сингари Суннани давлат дини деб билар, вазир бош қўмондон, почта хизмати раҳбари, бош қози каби маъмурий тузилиш ҳам халифаликдагидек эди.

Мисрда Тулунидлар (868-905 йй.) ҳукмронлигидан сўнг, қисқа муддат Аббосийлар ҳукмронлиги ўрнатилади. Лекин 935-969 йилларда Ихшидийлар яна Мисрни мустақил давлатга айлантирадилар. Мағрибда Исмоилийларнинг ташкил қилган Фотимийлар халифалиги (910-1171 йй.) 969 йил халифа Муиззи (953-975) даврида Мисрни истило қилади. Фотимийлар давлатининг бош мафқураси исмоилийлик бўлиб, давлатнинг

молиявий ишларини христиан ва яҳудий динидагилар олиб борган. Бу эса, халқ ҳаракатлари келиб чиққудек бўлса, барча айб ғайри динларга тўнкариш осон бўлиши учун қилинган. XI аср ўрталарида, Фотимийлар давлатида мамлуклар таъсири ошиб борди. Халифа Мустансир (1036-1094 йй.) даврида Судан ва Турк мамлуклари курашида (1062 й.) турк мамлуклари ғалаба қозонади. 1071 йил Бадр ал-Жамол мамлукларни итоатга келтиради. Халифа Мутансир вафоти олдидан катта ўғли Низорни валиаҳд, кичик ўғли Мусталини имом деб эълон қилади. Шу вақтгача имом ва халифа (дунёвий ва диний ҳокимият) бир-биридан ажратилмас эди. Исмоилийлар сектаси иккита кичик низорийлар ва мусталикларга бўлиниб кетади. Натижада, Фотимийлар халифалигининг обрў-эътибори пасайиб кетади. Оқибатда мамлуклар таъсири ошиб бориб, 1171 йилда курд миллатига мансуб Салоҳиддин сўнгги Фотимийлардан бўлган Адидни тахтдан ағдариб ўзини Султон деб эълон қилади. У Исмоилийликни таъқиб қилиб, Аббосий халифаларни тан олади.

IX аср охири-X аср бошларида Бербер қабилаларининг исёнлари кучайиб боради. Китама қабиласи ҳатто Раккод (ағлабийлар пойтахти)ни ҳам босиб олади. Суриядаги Хами шаҳрида яшовчи Убайдуллоҳ ўзини Али авлодларидан деб эълон қилади. Унинг тарғиботчилари Китама қабиласига ҳам келган эди. 910 йилда Ағлабийлар давлати қулагач, Убайдуллоҳ ўзини Маҳди деб эълон қилади. Шу тариқа Фотимийлар давлати ташкил топади. Бу ҳақида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Ғарбий Суданнинг Лемтун қабиласи бошқа қабилалар устидан ҳукмронлик ўрнатиш мақсадида 1039 йил Қайраундаги дин пешволаридан маҳаллий аҳолини исломга ўргатиш учун бирор кишини юборишни сўрайдилар. Абдуллоҳ ибн Ясин исмли шахс маҳаллий беберларга ислом асосларидан сабоқ бера бошлади. Лекин дастлаб тарғиботини қабул қилмаганлардан қочиб, Нигер дарёсининг оролларида биридаги работ (шу ердаги тарғибот учун яширинган ва бу мазҳаб вакиллари Марабут (работда яшовчи) европаликлар тилида Алморавий номи билан машҳур)да тарғибот ишларини давом эттиради.

Тез орада унинг ҳамфикрлари 30 минг кишига етади. 1054 йил Алмаравийлар Гана давлатларидаги Аудагост шаҳрини босиб оладилар. Кейинги йили Алмаравийлар кўшини туз йўлидаги муҳим шаҳар шимолий Африкани, Саҳрои Кабир жануби билан

боғлаб турувчи марказ Синжилмасни босиб оладилар. 1059 йил Абдуллоҳ Ибн Ясин вафйот этгач, унинг ворислари Абу Бакр Ибн Умар ва Юсуф ибн Тафшин (1061-1106 йй.) даврида Марокаш шаҳри қурилиб давлат пойтахтига айлантирилади. XI аср охирига келиб Алморавийлар давлати Жазоирдан Сенегал дарёси қирғоқларигача етди. 1090 йилда Кордова халифалигининг майда феодал мулкларга парчаланганлигидан фойдаланиб, Алморавийлар Испанияга ҳужум қиладилар. XII аср бошларида бутун Испания босиб олинади.

XII аср бошларида Атлас тоғлари ва унинг атрофидаги Бербер қабилалари орасида янги тарғиботчи Муҳаммад ибн Тумарт пайдо бўлди. Унинг Таухид (оллоҳ мавжудлигининг ягоналиги) Ҳақидаги қарашлари алоҳида диний оқим Муаххиддин (Европада - Алмохадий)ларнинг вужудга келишига олиб келди. Ибн Тумарт тоғда дастлабки кичик давлатчани тузиб, ўзини Али авлодларидан деб эълон қилади. Унинг вафотидан сўнг (1129 й.) унинг шогрди Абдул Мўмин (1129-1163 йй.) даврида (1146 й.) Алморавийларнинг пойтахти Марокаш босиб олинади. 1172 йилда Алмохадийларга Испания ҳам бўйсунди. XIII аср бошларидан Алмохадийлар давлатида ўзаро кураш авжига чиқади. Ифриқи ва Тунисда маҳаллий сулолалар ташкил топади. 1269 йил Моринидлар династияси Марокашни эгаллаб Алмохадийлар давлатини қулатади.

XIX аср ўрталарида Эроннинг оғир иқтисодий ва сиёсий аҳволи Бобийлар ҳаракатининг вужудга келишига олиб келди. 1820 йилда туғилган Али Муҳаммад бу ҳаракатнинг ғоявий раҳнамоси эди. У дастлаб савдо-сотик билан шуғулланган. Кажарф, Карбалодаги саёҳатлари давомида охир замон яқинлиги Маҳди келиши кутилаётганлиги ҳақидаги ғоялар билан танишади. 1844 йил Али Муҳаммад ўзини боб-худо ва инсонлар ўртасидаги дарвоза деб эълон қилади. 1847 йилда эса ўзини Маҳди деб эълон қилиб, ўз қарашларини баён китобида келтиради. У Бобийлар давлати Озарбажон, Мозандарё, Ироқ, Эрони, форс ва Хуросонда қурилиши барча тенг ҳуқуқни бўлиши, Бобийларни тан олмаганлар ва чет элликларни Эрондан қувиш ва уларнинг мол-мулкни ўзаро бўлиб олиш лозимлигини кўрсатиб ўтади. Боб 1847 йилда қўлга олиниб, Маку қалъаси, кейинроқ чехрик қалъасига қамалади. Унинг шогирдлари Муҳаммад Али Барфуруш ва Куфрат ал-Айнлар Бедашт

кишлоғида бобийлар йиғинини ўтказиб, барча солиқларни бекор қилиш, аёллар ва эркакларни тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақидаги ғояларни тарғиб қилиш учун келишилади. 1848 йилда бобийлар Мозондаронда Муҳаммад Али Барфуруший ва Ҳусайн Бошрўй бошчилигида кўзғолон кўтарадилар. 1849 йилда ҳукумат кўшинлари уларни алдов йўли билан тор-мор келтиради. 1850 йил зенжонда, нейдизда ва бошқа чиқишлар ҳам 1852 йилда бостирилади. Бобийлар таъқиб остига олингач, улар ўзга мамлакатларга қочишга мажбур бўладилар. 1852 йилда Бобийларнинг шоҳга суиқасд муваффақиятсиз чиқади. Натижада Бобийлар ҳаракати мағлубиятга учрайди.

Бобнинг кишиларидан ва шогирдларидан бири Баҳоулло (асли исми Мирзо Ҳусайн Али Нури 1847-1892 йй.) 1852 йил Ироққа қочишга муваффақ бўлади. У ўзини Боб ишини давом эттирувчи деб эълон қилади. 1858 йили Бағдодда “Китоби ийқон” (ишонч китоби)ни чоп эттиради. 1873 йилда Фаластинда чоп эттирган “Ал-Ақдас” (энг муқаддас китоб) китобида баҳойлик ғояларини тарғиб этади. Баҳойлик тушунчасига кўра, барча динлар ягонадир. Охир-оқибат худога эътиқоддир. Баҳойлик йўналиши христианлик, буддавийлик, яҳудийлик, синтоизм каби динларни ислом дини билан аралаштириш натижасида юзага келади. Оллоҳдан ташқари кришна, будда, яҳудо (жами 9 та) худони тан олади. Баҳойлар ибодатхонаси устида катта гумбаз бўлиб, унинг 9 та қовурғаси гумбазнинг энг тепасида бирлашади. Бу барча худоларнинг ягоналигига ишора бўлиб ҳисобланади. Баҳоулло вафотидан сўнг ишини ўз ўғли Аббос Афанди (тахаллуси - Абулбаҳо)га топширади. Абулбаҳо (1920 йил вафот этади) эса, яна ўз ўғлига Баҳойлик тарғиботини топширади. Ҳозирги кунда Баҳойлар асосан АҚШ, Канада, Англия каби дунёнинг ўнлаб давлатларида тарқалган. Баҳоулло авлодлари ҳозирги кунда ҳам тарғиботчилик ишларини давом эттирмоқдалар.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Исломгача бўлган араб давлатлари ва жамияти ҳақида нималарни биласиз?
2. VI-VII асрларда нечта буюк араб шоирлари яшаб ижод этган?
3. Муҳаммад пайғамбардан кейин сайланган халифалар кимлар эди?

4. Уммавийлар қачон ҳкомият тепасига келди?
5. Абу муслим кўзғолони ва Аббосийларнинг ҳокмият тепасига келиш жараёнлари ҳақида маълумот беринг?
6. Исломда мазҳаблар, оқимлар, секталарнинг вужудга келиш тарихини айтиб беринг?
7. Халифаликда ғайридинларга муносабат қандай эди?
8. Ал-Ашшарий, Мотрудий фаолиятини баҳоланг?
9. Сўфийлик таълимотини тушунтиринг?
10. Тоҳирийлар давлати сиёсий тарихини тушунтиринг?
11. Салжуқийлар давлатининг вужудга келиши ва истилочилик юришларини айтиб беринг?
12. Ҳасан ибн Саббоҳ фаолияти ҳақида гапиринг?
13. Тулунидлар давлати ҳақида пиринг?
14. Испаниядаги ислом маданияти ҳақида қандай тушунчаларга эгасиз?
15. Бобийлик ва Баҳойлик ҳаракати ва уларнинг натижаларини айтинг?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. - 592 б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
5. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
6. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т.: Зарқалам, 2004. – 138 б.
7. Лаумулин М.Т. История Казахстана и Центральной Азии в мировой ориенталистике (к 550-летию Казахского ханства). - Астана: КИСИ, 2015. - 592 с.
8. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – 287 с.

9. Бокиев А. Окс цивилизацияси. / Бокиев А., Шайдуллаев А., Йулдошева З. Тошкент: «Yangi nashr», 2015. - 176 бет.

10. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре/Отв. Редактор А.А. Вагасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. – 464 с.

11. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

12. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

13. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с. : табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7

14. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

15. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.— М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.

16. “Ғуломов Х.Ғ., Татибоев А.С. “Ўрта Осиё ва жахон тарихи”. Т., 1993.

17. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., “Адолат”, 2001. - 416 .

#### **Интернет материаллари**

1. [http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)
2. <http:// English www.hss.cmu.Edu/history>
3. <http:// www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.html>
4. <http:// classics.mit.edu>.
5. <http:// www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm>

## **13-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ МУСТАҚИЛ МАНБА**

### **Режа:**

8.4. Марказий Осиёда дастлабки цивилизация ўчоқлари. Илк давлат бирлашмалари.

8.5. Қадимги ва илк ўрта асрларда Марказий Осиё.

8.6. Марказий Осиёда биринчи ва иккинчи ренесанс даври.

**Таянч иборалар.** Жойтун, Чақмоқли, Авесто, дахью, Аҳамонийлар, эллинизм, Юнон-Бақтрия, Канишка, Буддизм, эфталийлар, Турк ҳоқонлиги, Араблар, сомонийлар, Маъмун академияси, Ренесанс, алгорит, тиб қонунлари, Самарқанд академияси, Ҳирот адабий муҳити.

Марказий Осиё минтақаси қадимдан деҳқончилик учун қулай бўлиб, энг қадимги даврлардан бу ер иқлими ёввойи бошоқли экинлар ўсиши учун қулай жой бўлган. Айниқса, унинг жануби-ғарби Копетдоғ атрофлари баҳорги ёғингарчилик натижасида катта-кичик сойларнинг қуйи қисмида бой, серунум, лойқа тупроқли жилғалар ҳосил қилган. Натижада энг қадимги даврларда милоддан авв. VI-IV асрлардаёқ бу ҳудудда илк деҳқончилик манзилгоҳлари юзага келган. 1952 йил археологлар Ашхободдан 40 км узоқликда Чақмоқли деб номланган жойдан дастлабки деҳқончилик манзилгоҳини топади. Неолит даврига оид бу жойнинг Чақмоқли деб аталишига сабаб, чўпонлар бу ердан чақмоқтош теришар экан. Бу жойнинг иккинчи номи Жойтун бўлиб, баҳорги ёмғирдан сўнг кўлмаклар ҳосил бўлиб, ойдин кечада улар қоп-қора бўлиб кўринишидан чўпонлар шундай ном қўйганлар. Жойтун ёдгорлигидан қистирма ўроқ (мис ва тошдан ишланган), пичоқ, суякдан ишланган игна, бигиз ва бошқа қуроллар топилган. Олимларнинг фикрича Жойтун ёдгорлиги бундан VII-VI минг йил бурун шаклланган. Кейинчалик шаклланган ва III-II минг йилликларга оид бўлган Олтинтепа ёдгорлиги ҳам (жануби-шарқий Туркманистон) Марказий Осиёдаги бронза даври ёдгорликлардан бири бўлиб

хисобланади. Олтинтепа ёдгорлигида дастлабки хом ғиштдан ва пахсадан қурилган турар жойлар, бронза қурооллар топилиши билан бирга Марказий Осиёнинг Ҳиндистон ва Месопотамия билан боғлаб турган лаъл йўлининг муҳим тугуни бўлган. Бу ердан олтин ва қимматбаҳо металллардан ишланган буюмлар кўплаб топилган. Олтинтепа аҳолисида нариги дунёга ишонч бўлганлиги, кинотафт (майитсиз қабр) қабрларини ҳам ўргатиш мумкин. Мил.авв. III минг йиллик охири II минг йиллик бошларида Жарқўтон, Сополитепа ёдгорликлари ватанзимиздаги илк қишлоқ ва шаҳар типидagi манзилгоҳларнинг вужудга келиши бронза давридаёқ бошланганидан далолатдир. Мил.авв. I минг йиллик бошларида аждодларимиз темир қурооллардан фойдалана бошладилар. Шу даврдан бошлаб тоғ жинсларини қайта ишлаш (масалан: темир, олтин, қалай, қўрғошин ва б.) улардан меҳнат ва жанг қурооллари тайёрлаш, тўқувчилик, қурувчилик, заргарлик ва бошқа соҳалар ривож топади. Темир қурооллардан фойдаланиш мил.авв. VII-VI асрлардаёқ улкан суғориш тизимлари қурилишига сабаб бўлади. Ортиқча маҳсулот ва синфий табақаланиш вужудга келади. “Авесто”да мил.авв. II минг йиллик бошларида коҳинлар, ҳарбийлар, деҳқон ва ҳунармандлардан иборат табақалар тилга олинади. Бу даврда шаҳар ва шаҳарсозлик маданияти ҳам тараққий эта боради. Натижада жамиятда давлат, давлатчилик анъаналари ҳам мил.авв. VIII-VII асрларда шакллана бошлади деб айтишимиз мумкин.

Авестода Катта Хоразм (Арёнам Вайжо) тилга олинган бўлиб у дастлабки давлат бирлашмаларидан бири эди. Копетдоғ, Марв (Авестода Моуру) Каспий ва Орол денгизигача бўлган ҳудудларни Дахью – Састар бошқаргани эслатилади. Бу мил.авв. VII асрда яшаган милетлик Гекатей маълумотлари билан айнан ўхшашдир. Яна бир антик муаррих Эрон аҳамонийлари саройида табиб бўлиб ишлаган Ктеси маълумотлари ҳам мил.авв.(III аср) Катта Хоразмни юқоридаги каби тасвирлайди. Демак, мил.авв. I минг йиллик бошларида вужудга келган Катта Хоразм давлати мил.авв. VI-IV асрларда ҳам бир қадар мустақиллигини сақлаб қолган. Алдександр Македонский юришлари даврида Хоразм ҳукмдори Фарасманнинг тилга олиниши эса юнон-македон истилоси даврида ҳам Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолганини кўрсатади. Яна бир давлат бирлашмаси бўлган



Бактрия ҳам мил.авв. I минг йиллик бошларида пайдо бўлади. Авестода Бактрия (Бахди) тилга олиниб, баланд байроқли ўлка сифатида таърифланади. Книдлик Ктеси Оссурия подшоси Нин Болид ва унинг хотини Семирамиданинг юришлари ҳақида маълумот келтиради. Қизиғи шундаки, Нин Болид афсонавий подшо бўлиб, Семирамида тарихий шахс у мил.авв. VIII аср бошларида яшаган. Бундан ташқари Оссур подшоси Саргон II ёзувларида ҳам Бактриядан икки ўрқачли туяларда лаъл олиб келиниши ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Демак, Бактрия давлати ҳам мил.авв. VIII-VII асрлардаёқ мавжуд бўлган. Бактрия мил.авв. VI-IV асрларда аҳамонийлар кейин Александр Македонский давлати, мил.авв. IV-III аср ўрталарида савалкийлар давлати таркибига киради.

Марказий Осиё халқлари мил.авв.6-4 асрларда Эрон аҳамонийлари ва IV-III асрларда юнон-македонларга қарам бўлиб қолади. Мил. авв. III аср ўрталарида мустақил давлатлар ташкил топади. Шулардан бири Юнон-Бактрия давлати бўлиб, у мил.авв. 250 йиллар атрофида ташкил топади. Тахминан 120 йиллик ушбу давлат сиёсий тарихидаги ўзгаришлар унинг маданий, хўжалик тараққиётига ҳам таъсир қилади. Бу даврда товар-пул муносабатлари яхши йўлга қўйилади. Бактрияда зарб қилинган олтин, кумуш, никел тангалар Хоразм, Суғдиёна, Фарғона, Ҳиндистон ҳудудларидан топилиши Бактрия тангалари халқаро савдода эквивалент бўлганини кўрсатади. Юнон-Бактрияда расмий тил юнон тили бўлиб ҳисобланган. Панжобда юзага келган кхорошти ёзуви ҳам кириб кела бошлаган. Будда динининг мил.авв. II-I асрларда кириб кела бошлаши билан будда ёзуви ҳам қўлланилган. Ниҳоят бактрияликлар юнон ёзуви асосида ўзининг квадратсимон ёзувларини ҳам яратганлар. Муסיқа ва санъат соҳасида Бактрия ўша давр шарқ мамлакатлари ичида олдинги ўринларда турган. Аниқ ва табиий фанлар фалсафа ривож топган. Ҳинд донишманди Нагаржуна Юнон-Бактрия подшоси Менандр билан фалсафа борасида суҳбатлашгач, унга атаб Милинда панха (Менандр донишмандлиги) номли асар ёзади. Мил.авв. II асрнинг ўрталарида Юнон-Бактрия сиёсий жиҳатдан инқирозга юз тутади. Мил.авв. 140 йилда бу давлат саклар, юэчжилар зарбаси остида қолади. Бу ҳудудга кўчиб келган юэчжилар тахминан I асрда

Кушон давлатига асос солади. Далват асосчиси Куджула Кадфиз Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Далварзинтепани давлат пойтахтига айлантиради. Кушон давлати тезда Марказий Осиёдаги қудратли давлатга айланади. Кушонлар даврида минтақада қурувчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, наққошлик каби соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Кушонлар даври маданий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири минтақада ҳинд маданиятининг янада чуқур илдиз отишидир. Бу даврда Будда дини (Канишка 77-138 йй.) давлат дини даражасига кўтарилиши, тасвирий санъат, тангалар зарб қилиш, архитектура қурилишида, маънавий ҳаётда ҳинд анъаналари янада чуқур илдиз отди. Шу билан бирга математика, астрономия, мусиқа, грамматика, метрология, химия, фалсафа, доришунослик каби фанлар соҳасида ҳам кўплаб ютуқлар қўлга киритилади. Хитой манбаларида Бақтриядан борган Будда роҳибни 77 тилни билиши, яна бир роҳибнинг астрология соҳасидаги билимлари беназир эканлиги ва бошқа шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш орқали юқоридаги фикрларни исботлаш мумкин. Кушон маданияти ёдгорликлари юртимиз жанубида Далварзинтепа, Айритом, Қоратепа ва бошқа жойлардан топиб ўрганилган. Маданият юксак даражага ривожланишига мил.авв. II аср охиридан бошлаб шаклланган буюк ипак йўли бўйлаб халқаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу йўл орқали минтақамиз шарқу-ғарбни боғлаб уларнинг маданиятларини бир-бирига таништириш ва тарғиб этиш орқали ўзлари ҳам юксак маданият яратдилар. Юртимиз ҳудудига V асрда Эфталит қабилалари кириб келади. Эронда ташкил топган сосонийлар давлати билан эфталитлар V асрнинг 30 йилларидаёқ кураш олиб бора бошлайдилар. Айниқса, Эрон сосоний ҳукмдори Перўз (459-484 йй.) даврида ўзаро курашлар авж олади. Тарихий манбаларда Хўрмузд (420-457 йй.) ва Перўз (459-484 йй.)ни сосонийлар тахтига чиқишига эфталитларнинг ҳарбий ёрдам бергани таъкидланади. Бунга буюк ипак йўлида минтақадаги савдо иқтисодий доираларининг манфаатдор бўлганлари сабаб бўлган десак хато бўлмайд.

Минтақа шаҳарлари тарихида V аср охири-VI аср бошлари катта жонланиш йиллари бўлгани маълум. Айниқса, кичик

шаҳарларнинг тезлик билан ўсиб бориши ҳашаматли бинолари бўлган алоҳида-алоҳида кўрғонларнинг юзага келиши Хоразм, Суғдиёна, Шош ва Бактрия вилоятларида кенг қилиб қуриш, уй деворларини наққошлик ва тасвирий санъат намуналари билан безаш бу давр учун характерлидир. Диний иншоотлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилиб, ичик безаш ишларида қимматбаҳо тошлар, олтин билан безаш кенг тарқалган. Эфталитлар даврида минтақада сўғдча, хоразмча, кхарошти, эфталитча ёзувлар маълум бўлган. Эфталитлар ёзуви ҳақида Сюан Цзян: “Ёзувларидаги асосий ҳарфлар 25 та бўлиб, улар ёрдамида иборалар, сўзлар ясайдилар. Саҳифага хатни энига туширадилар, чапдан ўнгга қараб ўқийдилар”–деб ёзган. Эфталитлар даврида юртимиз аҳолиси зардуштийлик, монийлик, буддавийлик ва қам (шаманлик) динига сиғинган. Бу даврда Эрондан христиан ва маздак қарашлари ҳам кириб кела бошлаган. VI аср иккинчи ярмидан бошлаб турк ҳоконлиги Марказий Осиё ҳудудини истило қила бошлайди. 568 йилги эфталитлар билан урушдан сўнг турк ҳоконлиги ҳукмронлиги тўлиқ ўрнатилади. Турк ҳоконлиги даврида ҳам эфталитлар давридаги иқтисодий-ижтимоий ва маданий юксалиш давом этди. Буғдой, арпа, шоли, мош, тарик, нўхат, қовун, пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик тараққий этади. Қазилма бойликлардан олтин, темир, навшадил, кумуш, кўрғошин, мис, маргимуш, тузнинг бир неча турлари қазиб олинган. Натижада металга ишлов бериш, шишасозлик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик каби соҳалар ривожланган. Ёзма манбалар ва деворий суратлар ўлкамизда бу даврда мусиқа, раққослик, театршунослик каби соҳалар ривожланганидан далолат беради. Мусиқа асбобларидан катта ва кичик чирманда, беш торли уд, дўмбира, най, рубоб қабилар мавжуд бўлган. Кўғирчоқ театри Хитойга юртимиздан тарқалган ҳисобланади.

Маълумки, бронза давридаёқ савдо йўллари вужудга кела бошлаган. Мил.авв. II аср охиридан бошланган буюк ипак йўли савдосида ҳам юртимиз аҳолиси Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа кўплаб давлатлар ва минтақалар билан алоқалар олиб борганлар. Илк ўрта асрлар даврида сўғдларнинг ипак йўлидаги устун мавқега эга бўлганларни кўриш мумкин. сўғд

савдогарлари ўзларининг устунликларини Шарқий Туркистонда, Еттисувда, Олтойдан Енисейгача, Шимолий Хитойдан Мўғулистон ва Тинч океанининг шарқий соҳилларигача бўлган ҳудудлардаги колониялари мавжудлиги орқали таъминлаганлар.

Маздакийлик зардуштийлик динидаги қарашлардан ўсиб чиқади. Шунингдек, христианлик, монийлик, эллинизм фалсафий қарашларни ҳам ўзидан мужассамлаштирган. Маздакчиликнинг ижтимоий концепциясида: дунёда тенгсизлик, адолатсизлик мавжуд, бу эса ёвузликнинг туғилишига сабаб бўлади. Ақл ва одиллик умумий тенглик ва барча одамларнинг барча нарсаларига тенг эгалик қилишини таъминловчи дунё яратиши лозим. Гуноҳкорларнинг қонини тўкиш мумкин деган ғоялар мавжуд бўлган. Бу ҳаракат Эронда 496-529 йилларда кенг тарқалди. Эронда мағлубиятга учрагач, маздак ғоялари тарафдорларидан бир қисми Ўрта Осиёга қочади ва бу ҳудудларга ҳам Маздак ғояларини тарғиб қиладилар. Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида зардуштийлик дини мил.авв. I минг йиллик бошларида шаклланган. Зардуштийлик асосан дуализм ёруғлик, яхшилик (Ахурамазда) ва ёмонлик, зулмат (Ахриман) ўртасидаги курашга асосланади. Инсон эса, эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амали билан яхшиликка хизмат қилиши лозим деб ўргатади. Лекин зардуштийликда Мигра-қуёш худоси, Анахита-табиат, яхшилик ҳомийси, Веретрагна-подшо тахти ҳомийси, Агни-олов, Фаро-бахт, омад, Вахш-дарё сувлари ҳомийси каби кўплаб худолар мавжуд бўлиб, улар инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутаяди деб ҳисоблаганлар. Ислом динининг кириб келиши билан нафақат зардуштийлик, балки, бошқа динлар ҳам аста-секин ижтимоий ҳаётдан чиқиб кетади.

Араблар Ўрта Осиёни истило қилиши тарихда икки қисмга, яъни 651 йилдан 704 йилгача, ҳарбий разведка даври ва 704-715 йиллар истило даврига бўламиз. Араблар Ўрта Осиёни истило қилгач, зўрлик йўли ва исломга кирмаган (жузья солиғи-иктисодий йўл), шунингдек, исломни қабул қилганларни 2 дирҳамдан бериш каби воситалардан ҳам фойдаландилар. Араблар зулмига қарши бир неча бор қўзғолонлар кўтарилсада булар муваффақият келтирмади.

VIII аср бошларида Марказий Осиё аҳолиси араблар босқини натижасида оғир қийинчиликларга дучор бўлди ва

истилога қарши кўп йиллик кураш олиб борди. Абу Райҳон Беруний асосли равишда араблар зарбаси оқибатида Сўғд ва Хоразмнинг бой маданияти барбод бўлди, деб афсусланган эди. Шу билан бирга араб халифалигида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Умавийлар сулоласидан ҳокимият аббосийларга ўтганлиги муҳим воқеа бўлди. Янги сулола бениҳоя катта салтанатни идора қилишда, унинг тараққиётини таъминлашда илму-фаннинг аҳамиятини чуқурроқ англади. Халифа Хорун ар-Рашид (786-809 йй.)дан сўнг унинг ўғли Маъмун ўз тасарруфидаги ўлкалардан олимларни халифаликнинг янги пойтахти Бағдодга таклиф этади, уларнинг самарали ишлашлари учун шароит яратади.

Ўлкамизда ислом динининг тарқалиши, унинг маҳаллий одат удумлар билан тез орада уйғунлашуви аҳамиятлидир. Исломда илм олмоқ фарз, деган ҳикмат мавжуд. Маданий соҳада хусусан, исломнинг ахлоқий тариқатлари, шунингдек, IX-X асрдаги дунёвий илмланинг ривожига араб дунёсидаги ижтимоий-маънавий вазиятни анчагина ўзгартирди. Шу билан бирга, араб (ислом) цивилизациянинг шаклланишида Ҳиндистон, Эрон, Юнонистон, Марказий Осиё ва Кавказ халқларининг маданияти таъсири катта бўлган. Минтақамизда қадимдан цивилизация асослари, моддий ва маънавий маданиятнинг чуқур илдизлари мавжуд эди. VII аср охири-IX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий ва сиёсий вазият анчагина барқарорлашди. Бундай шароитда минтақада илм-фан, умуман маданиятнинг кенг кўламда ривожланишини тақозо қиларди. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Марв, Хива, Термиз, Фарғона, Хўжанд, Қўқон маданият ўчоқларига айланади. Хоразмда эса Маъмун академияси ташкил топди.

Бу илк уйғониш, биринчи ренесанс даври эди. Марказий Осиёдаги олимлари ўша пайтда маълум бўлган барча илм соҳалари билан қизиқдилар, дунёвий ва диний фанлар ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшдилар. Бу ҳақда М.Хайруллаевнинг “Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти” (Фан 1994). Ф.Сулаймоновнинг “Шарқ ва Ғарб” (Ўзбекистон 1997) шунингдек, “Буюк сиймолар, алломалар” (Мерос 1995, 96). Асар ва тўпламларида сермазмун ва бой маълумотлар, ишонарли мисол ва далиллар келтирилган. Бу нашрларда нафақат Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Беруний ва Ибн Синоларнинг

кўп қирралари фаолияти хусусида, балки уларнинг юзлаб издошлари ва шогирдлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Улар лотин, араб бошқа кўплаб тилларни билишган. Жаҳон цивилизацияси яратган аниқ ва гуманитар фанлар бўйича ўз мустақил мулоҳазаларига эга бўлганлар, қисқаси бу сиймолар чинаккам қомусий донишманд бўлганлар.

Марказий Осиё маданиятининг ривожланишида М.Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Югнакий, А.Фирдавсий, Рудакий, М.Нархаший каби арбобларнинг ҳиссаси каттадир. Имом Ал-Бухорий, Ал-Термизий каби буюк муҳандисларнинг бутун ислом дунёси бугун ҳам эҳтиром билан тилга олинмоқда. Ўлкамизда юз берган илм фан, маданият ва санъат соҳаларидаги ўзгаришлар, янгиликларнинг асосий хислатларидан бири инсонпарварлик ғоясининг доимо устун бўлганлигидадир. Марказий Осиёдаги уйғонишнинг муҳим белгиси-бу дунёвий илмларга интилиш, ҳамда дин ва диний билимларни жамият, инсон манфаатидан келиб чиқиб талқин этиш бўлган, одамзод маънавиятини бойитиши эса асосий мезон бўлган.

Ғарб олимларининг эътирофича, антик цивилизация билан Европа то уйғониш даврига қадар, яъни XVI асргача араб тилида битилган асрлар билан танишган. Г.Гегель ўзининг “Тарих фалсафасида”, “Фан ва билимлар айниқса фалсафа Ғарбга араблардан ўтган” – деди. Юртдош донишмандларимизнинг кўпчилиги замон тақозосига кўра ўз асарларининг кўпчилигини ўша пайтларда халқаро тилга айланган араб тилида ёзганлар. Шу боисдан аксарият Ғарб олимлари кўпчилик Шарқ олимларини араб деб фараз қилганлар.

Ал-Хоразмийнинг арифметикага бағишланган китоби XII асрда Испанияда лотинчага таржима қилинган. Ўша пайтларда кўчирилган лотинча нусхаси ҳозир ҳам Кембержда сақланмоқда. Бу асар бир неча асрлар давомида Европа университетидида “Алгоритм китоби” ном билан машҳур бўлган. Рим папаси Сильвесто Рим рақамлари ўрнига Хоразмий ишлаб чиққан араб рақамларини Европада истеъмолга киритиш тўғрисида фармон берди. “Алгебра”, “Алгоритм” атамаларининг дунё миқёсида тарқалишига ҳам ватандошимизнинг номи сабабчи бўлган. Ал-Хоразмийнинг география хусусидаги асари 1037 йилда кўчирилган нусхаси Страсбург кутубхонасида мавжуд.

Ал-Фарғонийнинг астрономик асари Европада XII асрда латин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Европа тилларига таржима этилгандан сўнг, унинг номи “Алфраганус” шаклда Ғарбда бир неча аср давомида кенг тарқалди. Фарғоналик донишманд номини Данте (XV аср) Шеллер (XVIII аср) эҳтиром билан тилган олганлар. Фарғоний яратган асарлардан бирининг қўлёзмаси Принстон (АҚШ) университетидеда сақланмоқда.

Абу Наср Фаробий асарлари XII-XIII асрлардаёқ латин, қадимий яҳудий, форс, француз, рус, инглиз тилларида чоп этилган. Ибн Сино асарлари ўша пайтлардан бошлаб кўп тилларга ағдарилган. Фақат “Тиб қонунлари”нинг ўзи латинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинган. Абу Райҳон Беруний яратган дурдоналар турли асарларда латин, араб, санокрид, француз, италян, немис, инглиз, яҳудий, рус, форс, турк ва бошқа кўп тилларда чоп этилган. Америкалик профессор Ж.Сартоэн Беруний меросига юксак баҳо бериш билан бирга, уни “Ўз давридаги жаҳоннинг биринчи донишманди” деб атайти. Ўтмиш цивилизациямиз ҳақида биринчи Президентимиз: “Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган” деб таъкидлайди. Уларининг жаҳон цивилизацияси тараққитига қўшган ҳиссаларини ўша даврлардан буён бутун дунё тан олмоқда.

XIII аср бошларидаги мўғуллар босқини натижасида ўлкамизда маданият ўқочлари барбод бўлди, санъат обидалари вайрон этилди, мамлакат оғир тушкунликка учради. XV аср ўрталаридан бошлаб Мовароуннаҳрда моддий ва маданий тикланиш бошланди. Бу жараён Амир Темур ҳокимият тепасига келиб марказлашган давлат ташкил топган даврда кучайди. Цивилизация янги босқичга кўтарилди. Аввало давлатчилик қонуни қонун-қоидалари пухта шаклланди. Соҳибқирон фан, маданият, санъат, меъморчиликнинг ибратли ҳомийси бўлган. Темурийлар сулоласи маданий юксалишга катта ҳисса қўшиб келган. Самарқандда катта расадхона бунёд этилди, кўплаб мадрасалар, мактаблар очилди, санъат, адабиёт соҳасида ҳам катта ўсиш юз берди. Бу даврларда Мирзо Улуғбек, Жамшид ал-Коший, Румий, Али Қушчи каби олимлар астрономия, математика ва бошқа аниқ фанлар соҳасида муҳим кашфиётлар

килдилар. Хусусан Улуғбекнинг юлдузлар жадвали жаҳон астрономлари томонидан эҳтиром билан тан олинди, у кўп маданий марказларида хусусан Лондонда кейин Париж ва Данцигда 1917 йили Вашингтонда ва бошқа шаҳарларда чоп этилди ва қанчадан-қанча илмий изоҳлар битилди.

Алишекр Навоий, А.Жомий, Саккокий, Лутфий, Х.Кошифий, К.Бекзод каби нодир ва нозик истеъдод эгалари юксак гуманистик асарлар яратдилар. Н.Жомий, Ш.Али-Яздий, Х.Абру, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар ижод этдилар. Амир Темур ва Темурийлар давридаги моддий ва маънавий юксалишнинг аҳамиятини инобатга олиб кўпчилик тарихчи олимлар бу жараённи иккинчи ренесанс (уйғониш) даври деб талқин этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов “Тафаккур” журнали саволларига жавоб бера туриб, IX-XV асрларда маърифатли дунё юртимиз донишмандларини қанчалик иззат-икром қилган бўлса, XXI асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шу эҳтиромни тиклашимиз, қайтдан қўлга киритишимиз керак деб улкан вазиани олдинга сурган эди. Бу борада астойдил ҳаракат интилиш Мустақил Ўзбекистон учун учинчиуйғониш ренессансга айланса ажаб эмас.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Ўрта Осиёдагинеолит даври ёдгорликларини кўрсатинг?
2. Олтинтепа ёдгорлигини тавсифланг?
3. Ўзбекистон ҳудудида илк қишлоқ ва шаҳар типигаги ёдгорликлар қайсилар?
4. Авестода қадимги Ўрта Осиё ҳудудида яшаган халқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тарихига оид маълумотларни биласизми?
5. Юнон-Бақтрия давлати сиёсий тарихи ҳақида гапириб беринг?
6. Кушон давлатида қайси динларга эътиқод қилинган?
7. Эрон-Эфталитлар муносабатлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Сўғд колонизацияси тарқалган минтақаларни биласизми?



9. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило қилиш жараёнини тушунтириб беринг?
10. Ўрта Осиёда биринчи ренесанс даврини вужудга келтирган омилларни сананг?
11. Маъмун академияси фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
12. Ибн Синонинг тиббиётга қўшган ҳиссаси ҳақида тушунчангиз?
13. Беруний асарларини тавсифланг?
14. Алгоритм атамасини фанга ким киритган?
15. Фарғонийнинг илмий фаолиятини бағоланг?
16. Ўрта Осиёда иккинчи ренесансни вужудга келтирган омилларни тушунтиринг?
17. Улуғбек академияси ҳақида нималарни биласиз?
18. Алишер Навоий ва Ҳирот адабий муҳити ҳақида билганларингизни ўртоқлашинг?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. - 592 б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
5. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т.: Зарыалам, 2004. – 138 б.
6. Бокиев А.Окс цивилизацияси. / Бокиев А., Шайдуллаев А., Йулдошева З. Тошкент: «Yangi nashr», 2015. - 176 бет.
7. Лаумулин М.Т. История Казахстана и Центральной Азии в мировой ориенталистике (к 550-летию Казахского ханства). - Астана: КИСИ, 2015. - 592 с.

8. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – 287 с.

9. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре/Отв. Редактор А.А. Вагасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. – 464 с.

10. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

11. Массон В.М. Первые цивилизации. – Ленинград, Наука, 1989. – 268 с.

12. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с. : табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование); ISBN 5-8016-0176-7

13. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

14. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.— М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.

15. Ғуломов Х.Ғ., Татибоев А.С. “Ўрта Осиё ва жахон тарихи”. Т., 1993.

16. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.

17. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., “Адолат”, 2001. - 416 .

#### **Интернет материаллари**

1. [http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)
2. <http:// www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html>
3. <http:// English www.hss.cmu.Edu/history>
4. <http:// www.ukans.edu/history/vl/>
5. <http:// www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml> //
6. <http:// www.lib.byu.edu/-rdh/www/>
7. <http:// classics.mit.edu>.
8. <http:// www.washlaw.edu/forint/>
9. <http:// www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm>
10. <http:// www.yale.edu/acuns/>

## 14-МАВЗУ. ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

14.1. Мил.авв.2-1 минг йилликларда Юнон цивилизацияси.

14.2. Классик даврда Юнон цивилизацияси.

14.3.Эллинизм даври. Дин ва афсоналар, фалсафа. Юнон адабиёти ва санъат.

**Таянч иборалар.** Олимп, Аттика, Дорий, Ахая, Микена, Гомер, Демократия, Юнон колониячилиги, амфора, Эргастрия, Делос, Юнон-Форс урушлари, Калий сулҳи, Пелопонес уруши, Эллинизм, театр, “Меҳнат ва кунлар”, трагедия, комедия, софистлар, Мирон, Пантеон, Пирей.

Қадимги Юнонистон-Болқон ярим ороли, Эгей ва Ўрта ер денгизларидаги бир қанча оролларни уз ичига олган мамлакат. У табиий жихатдан уч қисмга: Шимолий Юнонистон, Ўрта Юнонистон ва Жанубий Юнонистонга булинади. Жанубий Юнонистон Пелопоннес ҳам дейилган. Юнонистон майдонининг учдан икки қисмини тоғлар егаллаган. Тоғларнинг энг баланд чўққиси Олимп буйлаб, унинг баландлиги 2911 метрни ташкил егади. Тоғлар ёш, серқоя бўлиб, тик тушган даралардан иборат. Тоғлардан катта-кичик дарё ва сойлар оқиб чиқади. Энг йирик дарёлари Вардар ва Маристадир. Юнонистоннинг иқлими субтропик булиб, ёзи унчалик иссик эмас, киши майин, илик ва серёмғир. Қиш икки ойча давом этиб, бу фаслда кучли бўронлар булиб туради. Йилнинг қолган бошқа фаслларида мовий осмон булутсиз бўлиб, куёш чараклаб туради. Ёз фаслида дарёларнинг кўпчилиги қуриб қолади.

Юнонистоннинг 15% майдони ўрмон билан қопланган. Ўрмонларда дуб, кора кайин, каштан, шумтол, оқ қарағай, заранг, ёнғок ва бошқа дарахтлар ўсади. У ерда айик, бўри, ёввойи мушук, чиябўри, илон, калтакесак, тошбақа ва хилма-хил қушлар яшайди. Денгизда балиқ ва сув ҳайвонлари жуда сероб. Юнонистонда олтин, мис, кўрғошин, рух, темир каби ер ости қазилма бойликлари ҳам кўп. Мамлакатда охактош ва мрамартошнинг хилма-хил турлари учрайди. Турли хилдаги

маъданлар ва тошларнинг кўпчилиги металлургия ва бинокорликнинг ривожланшига сабаб булган. Тоғлар орасидаги кичик-кичик текисликлар тупроги унумдор бўлиб, деҳқончилик ва боғдорчилик учун жуда қулайдир.

Археолог ва антрополог олимларнинг берган маълумотларига қараганда, Болқон ярим ороли ва Юнонистонда жуда қадим замонлардан, хусусан қадимги тош асридан бошлаб одамлар яшаб келадилар. Пеласг, ионий, эолий ва ахейя қабилалари унинг энг қадимги аҳолиси бўлган. Аммо Юнонистоннинг шимолида дорий қабилалари ҳам яшар еди. Мил. Авв. XII асрдан бошлаб, урушқок дорийлар дастлаб Урта Юнонистонга, сўнг Жанубий Юнонистонга бостириб кириб, у ерларни истило қилганлар. Дорийлар босқини натижасида кўпгина шаҳар ва қишлоқлар вайрон булган, маҳаллий аҳоли турли томонларга қочиб кетган, маданият тушкунликка учраган. Лекин аста-секин дорийлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, уларнинг маданиятини қабул қилганлар. Эгей денгизининг шарқий соҳиллари ва оролларида эронийлар ва кичик осийликлар ҳам яшаганлар.

Қадимги Юнонистон тарихи беш даврга бўлиб урганилади. Булар қуйидагилар:

I. Эгей ёки Крит-Микена даври бўлиб, милоддан аввалги III-II минг йилликларни ўз ичига олади. Бу даврда уруғчилик тузуми бузилиб, айрим худудларда дастлабки синфий жамиятлар ва давлатлар юзага келган, дорийларнинг кўчиб келиши натижасида тамом булган;

II. Милоддан аввалги XI-IX асрлардаги Юнонистон дорийлар истилосидан кейин ибтидоий муносабатларнинг вақтинчалик қайтарилиши ва антик кулчилик шаклида синфий муносабатларнинг умумнон ривожланиши даври;

III. Архаик давр (милоддан аввалги VIII-VI) антик кулдорлик жамиятларни барқарор бўлиш вақти;

IV. Классик давр (милоддан аввалги V-IV асрлар) антик полисларда кулдорлик муносабатларнинг энг юқори даражада ривож топиши;

V. Эллизм даври (милоддан аввалги IV асрнинг иккинчи ярми-милоддан аввалги I асрнинг 30 йиллари), бу даврда Эрон давлати юнон-македонлар истилосидан қулаганидан сўнг,

Шаркда ҳам антик кулчиликнинг таркалиши содир булди. Эллизм даври дунёнинг ғарбий кисмини Рим томонидан, шаркий кисмини (Фротга кадар) Парфия томонидан забт етиши билан тугаган.

Мил.авв. III-II минг йилликларда Эгей денгизидаги Крит, Лесбос оролларида ва Пелопонес ярим оролининг шимолидаги Микен ҳудудларида илк синфий жамият ва давлатлар ташкил топган. Мил.авв. III минг йиллик охирида Кнос, Малия, Фест каби йирик аҳоли манзилгоҳлари мавжуд эди. Мил.авв. II минг йиллар атрофида Кносда сарой қурилиб саройнинг пастки қаватларида юқорига қараб қудуқлар ёрдамида ёритилган. Девоглар сувалиб одам, ҳайвонот, ўсимлик суратлари тасвирланган. Бино остида ортиқча сувни ташқарига чиқариб турадиган сопол қувурлар мавжуд бўлган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ривож топган. Айниқса, Миср билан мис орқали савдодан катта фойда олинган. Крит денгизчилари манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Сицилиягача сузиб борганлар. Шунингдек, Кичик Осиё, Апенин ярим ороли ҳудудлари билан ҳам савдо алоқаларини олиб борилган. Крит, Микен маданиятида ўзига хос ёзув бўлиб бу ёзув икки турга бўлинган. Ҳозирги кунгача ушбу ёзувларни ўқишга муваффақ бўлинган эмас. Тахминан мил.авв. 1750 йилдан Критда ер силкиниши бўлиб денгиздан катта сув босиб келган ва Крит вайрон бўлган. Афсоналарга кўра Кнос шоҳи Минос Критни қайта тиклаб, мил.авв. XVI-XV асрларда Ўрта ер денгизидаги энг қудратли давлатга айланади. Мил.авв. XV асрдан бошлаб, Крит Микен маданияти инкирозга учрайди. Пелопонес ярим оролидан келган ахаликлар истилоси содир бўлади. Микен давлати ўзининг кучли денгиз флоти орқали кўшни давлатлар ва халқларга тез-тез ҳужум қилиб турган. Микена қудратини унинг акрополи дарвозасидаги шерлар тасвири, акропол биноси кўрсатиб туради. Мил.авв. XIII-XII асрларда Болқон ярим оролининг шимолидан Дорий қабилалари бостириб киради.

Дорийларнинг истилоси юнон қабилаларининг энг катта кучли ҳаракати еди. Истилодан кейин юнон қабилаларининг жойлашувида катта узгаришлар содир булади. Шимолий Юнонистон ва Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий сохилларида эолийлар ўрнашиб олган эдилар. Ўрта Юнонистоннинг шаркий

кисмини, Эгей денгизидаги оролларнинг аксарияти ва Кичик Осиё ғарбий сохилининг ўрталарини ионийлар эгаллаганлар. Пелопоннес, Крит, Эгей денгизининг жанубидаги ороллар ва Кичик Осиё ғарбий сохилининг жанубий кисмини эса дорийлар ишгол қилганлар. Пелопоннеснинг шимолий ва марказий кисмида кадимги ахейяликлар яшаб қолган эдилар. Аммо дорийлар истилоси даврида ва ундан сўнг ахейяликларнинг анчагина кисми Кипрга бориб урнашганлар.

Юнонистон ахолиси уруғ, қабила ва қабилалар иттифокидан ташкил топган, ҳар қайси водий ва оролда алоҳида қабила яшар эди. Ер бутун қабила ва уруғга қарарди. Ҳар қайси оила ўзи учун ажратилган ерда ишлар, боғдорчилик, дехқончилик билан машғул бўлган. Уруғдошлар ҳосил йиғиб олингач, чорва молларини умумий яйловда боқишарди. Уруш вақтларида уруғдошлар бир-бирларига ёрдам берардилар. Юнонларда хун олиш кучли бўлиб, ўлдирилган уруғдошлари учун бутун уруғ қасос оларди. Муҳим масалаларни ҳал қилиш учун бутун қабиланинг эркаклари томонидан сайланган уруғ оқсоқоллари халқ йиғинига тўпланганлар. Уруғ доирасидаги ишларга уруғ аъзолари томонидан сайланган уруғ оқсоқоллари раҳбарлик қилган. Қабила ишларига ҳам уруғлардан сайланган нуфузли қабила бошлиқлари ва ҳарбийлар бошчилик қилган.

Ўша вақтларда Юнонистондаги уруғ ва қабилалар орасида табақаланиш кучайиб, баъзи уруғдошлар камбағаллашиб, бошқалари эса бойиб кетган. Бу дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида содир бўлган эди. Айни пайтда урушда ғолиб чиққан уруғ ва қабила аъзоларининг оқсоқоллари, ҳарбий бошлиқлар ўлжаларнинг катта кисмини олиб, бойиб кетар эдилар.

Юнонлар ҳаётида дехқончилик муҳим ўрин тутган. Дехқонлар кўпроқ арпа, зиғир, қисман бугдой экканлар. Боғдорчилик ҳам ривожланган бўлиб, зайтун дарахтини экиш ва парваришlash алоҳида аҳамиятга эга бўлган, чунки унинг мевасидан зайтун мойи олинган. Узумчилик ҳам яхши ривож топган эди. Юнонлар узумдан майнинг бир қатор турлари, мусалласлар тайёрлаганлар. Юнонистонда темир ва темирдан ясалган қуроллар мил.авв. XII-VI асрларда пайдо бўлган. Троя уруши даврларида уларнинг ҳарбий қуроллари, ҳимоя зирҳлари

жездан бўлган эди. У вақтда темир нодир маъдан деб хисоблашиб, спорт мусобақаларида ғолиб чиққанларга мукофот сифатида берилган. Милоддан аввалги XI асрдан бошлаб, Юнонистонда темирдан ясалган курулларнинг кенг тарқалгани муносабати билан ерни ишлаш анча енгиллашади. Экин майдонлари кенгайиб, ҳосилдорлик ҳам ошади.

Дорийлар истлоси даврида Юнонистон қайтадан ибтидоий жамоа тузуми гирдобига ташланган эди. Аммо, бу жараён узоқ вақт давом этмади. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши оқибатида хўжалик анча тараққий эта бошлади. Аҳоли орасида мулкӣ тенгсизлик ва табақаланиш кучайди. Қабила бошлиқлари, уруғ оқсоқоллари ва харбийлар сой ва дарё бўйларидаги унумдор ерлардан катта-катта томарқалар ажратиб ола бошладилар. Уларнинг ўз устахоналари ҳам бўлган. Улар ўз хўжаликларида ўзлари билан бир қаторда экин майдонлари ва устахоналарида ишлаш учун одам ёллар эдилар. Булар мардикорлар бўлиб, меҳнатлари эвазига озиқ-овқат ва кийим-бош оларди. Шу билан бирга уларда жуда кўп чорва моллари ҳам бўлган. Қабила бошлиқлари, уруғ оқсоқоллари, харбийлар ва бошқа ишбилармон кишилар аста-секин бойиб, юнон жамиятининг нуфузли табақаларига, яъни аслзодаларга айлана бошлаганлар. Аҳолининг катта қисми ўрта ҳол турмуш кечирарди. Одамлар орасида камбағаллар ҳам бўлган, Шу тарика Юнонистонда табақаланиш кучайиб борган. Ғолибона урушлар ҳам қабила бошлиқларининг бойиб кетишига сабаб бўлган. Улар урушда асир тушган кишилар ва бошқа ўлжаларнинг кўп қисмини ўзларига олганлар. Асирлар кулларга айлантирилиб, томарқаларда, устахоналарда ва хўжаликларда ишлатилиб, кемаларда эшкакчилик қилганлар. Мардикор ва кулларнинг хизмати эвазига аслзода ва харбий бошлиқлар ортикча бойлик, чорва, маъдандан ясалган буюмларга, кимматбаҳо матоларга, озиқ-овқат ва кийим-кечакка эга бўлганлар. Шу тарика аҳоли орасида табақаланиш кучайиб борган.

Юнон Эрон урушларида етакчилик қилиб, бутун мамлакат шаҳар-давлатларини босқинчиларга қарши курашга отлантирган, ҳамда ғалабаларга салмоқли ҳисса қўшган Афина давлати катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Урушдан сўнг бутун Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги энг кучли давлатга айланди. Юнон шаҳар

давлатларининг Афина бошчилигидаги иттифоқ Каллий сулҳидан кейин ҳам сақланиб олади. Бу иттифоқнинг аъзолари 200 дан ошган эди. Иттифоқнинг умумий ҳарбий флоти ва кўшини янада кучайтирилади. Унинг пул хазинаси ҳам бойиб боради. Афина ҳарбийлари иттифоқ флоти ва кўшинига кўмондонлик қиладилар. Афиналиклар иттифоқ хазинасини Делосдан шаҳарларига кўчириб, унга хўжайинлик қила бошлайдилар. Хазинага тўланадиган аъзолик бадали миқдорини ҳам афиналикларнинг ўзлари белгилайдиган бўладилар. Афина бутун Эгей денгизида ҳукмронликни ўз қўлига олади. Шунинг учун афиналикларни “Денгиз эгалари” деб аташадиган бўладилар. Шу даврда Афина ўз қудратининг энг юқори чўққисига кўтарилган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда Юнонистон полисларида деҳқонлар узумчилик билан шуғулланиб, зайтун, пиёз, саримсоқ, мева, сабзавот ҳам экканлар. Юнонистонда буғдой, арпа ва бошқа донли экинлари кам экилган. Юнонлар Лакония, Мессения, Беотия ва Фессаслия каби суғориладиган ерларда буғдой, арпа ва сули экканлар. Бу жойлар Юнонистонни ғалла билан таъминлай олмас эди. Шунинг учун ғалла Сицилия ва Шимолий Қора денгиз бўйларида келтирилган. Деҳқонлар ғаллакорликда омов, тоқларга ишлов беришда мотиға, тоқ қайчи ва дарахтларнинг тагини юмшатишда белкуракдан фойдаланганлар. Юнонистонда милоддан аввалги V асрдан бошлаб узумдан мусаллас, зайтундан мой олиш анча ривож топган эди. Чунки, узум ва зайтун қишлоқ хўжалигидаги асосий маҳсулотлар эди. Узум мусалласи ва зайтун мойи Юнонистондан ташқарида ҳам юқори баҳоланган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда бутун Юнонистонда ҳунармандчилик ривожланади. Афина, Коринф, Мегара ва бошқа шаҳарларда тўқимачилик, заргарлик, кулолчилик, тикувчилик, қуролсозлик ва меъморчилик тараққий этади. Ҳар хил ҳунармандчилик устахоналари ва ишхоналар эргастриялар деб аталган. Уларда 20-30 киши ишлаган ва асосий қисмини ёлланма ишчилар ҳамда қуллар ташкил этган эди.

Юнонистонда ҳунармандчиликнинг ривожланиши ички ва ташқи савдонинг раванқ топишига олиб келган. Ўлкаларга яқин шаҳарлар, хусусан Афина савдо-сотиқнинг муҳим марказига айланган. Афинадан 5-6 км масофада жойлашган Пирей



Аттиканинг асосий савдо-сотик порти ҳисобланган. Бу портда мол сақланадиган омборхоналар, кема қурадиган ва таъмирлайдиган устахона (верф)лар бор эди. Портга ўзга мамлакатларнинг савдо кемалари тез-тез келиб турган. Афиналикларнинг денгизда ҳукмронлик қилишлари туфайли уларнинг савдо-сотик ишлари ҳам тез ривожланиб кетган. Афинанинг савдо кемалари ҳарбий флот ҳимоясида Ўрта ер ва Қора денгизларда эркин сузиб юрар эди. Юнонистон савдогарлари Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги Сицилия, Италия, Миср, Кичик Осиё, Финикия, Фракия, Спарта мамлакатлари Қора ва Мармар денгизлари соҳилидаги шаҳарлар билан савдо-сотик ишларини олиб борганлар. Юнонистонга асосан ғалла, асал, мум, мўйна ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, қуллар ҳам келтириб турилган. Бу ердан четга, кулолчилик буюмлари, зайтун мойи, хар хил матолар, қуроллар, тайёр кийимлар чиқарилган. Юнонистоннинг ички ва ташқи бозорлар билан бўлган савдоси қуруқлик ва денгиз йўллари орқали амалга оширилган.

Юнонистон-Эрон уруши қулчилик муносабатларининг кучайишини тезлаштиради. Юнонлар урушда асир тушган жангчиларнигина эмас, балки бошқа мамлакатларда қўлга олинган аёллар ва болаларни ҳам чўри ва қулларга айлантирганлар. Кичик Осиё соҳилларига қилинган ҳужумлардан бирида афиналиклар 20 мингдан ортиқ кишини асир олганлар ва уларни қул қилиб бозорларда сотганлар. Фракия, Кичик Осиё ва Қора денгиз соҳилларида яшаган маҳаллий қабилалар ўз қўшниларига ҳужум қилиб, асирга тушганларни юнонларга қул қилиб сотар эдилар. Юнонистондаги қулларнинг кўпчилиги ўзга юртлардан бўлиб, улар орасида кам микдорда юнон қуллари бўлган. Барча ороллар ва шаҳарларда қул бозорлари бор эди. Уларнинг энг каттаси Хиос оролида бўлган. Қул бозорларида ижтимоий қарам бўлган аёллар, эркаклар ва ёш болалар сотилган ва сотиб олинган. Уларнинг кўкракларига тахталар осиб қўйилиб, унга қулнинг қаерлик эканлиги, ёши ва касб-кори ёзиб қўйилган. Харидорлар қулларни ҳар томонлама кўриб, синаб олганлар.

Юнонистоннинг тош ва маъданларини қазиб чиқарадиган шунингдек, ҳунармандчилик ривож топган вилоятларида қуллар жуда кўп эди. Чунки, маъдан ва мрамартош конларида фақат

куллар ишлаганлар. Ҳатто энг камбағал эркин юнонлар бундай жойларда ишламас эдилар. Савдо ва ҳарбий кемаларнинг эшкакчилари куллар бўлганлар. Қуллар кулолчилик устахоналарида сув ва ўтин ташир, лой қорар, кулолчилик чархларини айлантирар эдилар. Кулолчилик буюмларини ясаш ва уларга нақш солиш, безаш ишларини эркин кишилар бажарганлар. Гарчи, кичик ерли дехконлар ерларида ўзлари ишласаларда, катта-катта ерлари бўлган дехконлар кул меҳнатидан фойдаланганлар. Қуллар ёрғучокларда ишлаб, арпа-буғдойни янчиб ун қилар, узум ва зайтун меваларини оёқлари билан босиб, сувини чиқарганлар. Улар кишлоқ хўжалик масулотлари тўлдирилган катта-кичик саватларни бозорларга олиб борганлар. Юнонлар куллардан уй хизматкорлари сифатида ҳам фойдаланганлар. Ўзларига тўк кишилар ва бойларнинг уйларида 3-4 дан 50 тагача куллар ва чўрилар хизмат қилган.

Қадимги Юнонистонда кулларга барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум бўлган мавжудот деб қаралган. Қуллар ўз меҳнатининг самараларидан кўп манфаатдор эмасдилар. Шунинг учун кулни қўрқитиш ва жазолаш йўли билан меҳнат қилишга мажбур қилиш мумкин эди. "Одиссея" достонида куллар ҳақида шундай дейилган: "Қул иш ёкмас бўлади: хўжайин қаттиқ туриб уни ишлашга мажбур этмаса, унинг ўз хоҳиши билан ишга қўл ургиси келмайди...".

Милоддан аввалги V аср ўрталарида юз берган қаттиқ зилзила натижасида Спарта шаҳри вайрон бўлган. Қуллик гирдобига ташланган маҳаллий аҳоли-илотлар кулдорларга қарши курашга отланганлар. Улар Спартага ёпирилиб, хужум бошлаганлар. Спарталиклар билан илотлар хужумларини қайтара олган бўлсалар-да, аммо кўзғолонни ўз кучлари билан бостира олмаганлар. Улар бошқа шаҳар давлатларнинг кулдорларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлганлар. Баъзи шаҳар-давлатлар спарталикларга ёрдам берганлар. Аммо, шунга қарамай, илотларнинг хужумини синдириш мумкин бўлмаган. Бу кураш натижасида, илотларнинг бир қисми спарталиклар зулмидан халос бўлиб, озодликка эришганлар ва Спартадан чиқиб кетганлар.

Қадимги ва классик замонларда табиат ва инсонлар фаолияти устидан олиб борилган кузатишларнинг натижаларини

умумлаштириш натижасида фалсафий карашлар раvнак топиб борган. Қадимги Юнонистонда фаннинг турли сохалари бўйича машхур олимлар етишиб чиққан. Юнон олимлари қадимги Миср, Бобил ва Кичик Осиё халқларининг билимларидан кўп бахраманд бўлганлар. Қадимги Шарк фани юнон дунёсида илм-фаннинг янада ривожланишига баракали таъсир этган. Милоддан аввалги VII-VI асрлардан бошлаб Юнонистонда маданият ва фан янада ривожланиб кетади. Ўша даврда Юнонистонда Геродот, Демокрит, Протагор, Гиппократ, Сурот, Афлотун, Аристотел каби улуғ олимлар яшаб ижод қилганлар.

Милоддан аввалги VI асрда Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги Иония вилояти ва ундаги Милет шаҳри илм-фан тараққиётининг марказига айланган. Иония олимлари Миср ва Бобил олимларининг илмий билимларидан яхши хабардор бўлиб, ўша билимларни янада ривожлантирганлар. Улар табиат ва жамият ҳодисаларини кузатиб, бу ҳодисаларнинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

Периклнинг дўсти Анаксагор материянинг тузилиши билан қизиққан ва унинг келиб чиқишига асос “Оламий алқ” деб ҳисоблаган. Милоддан аввалги 460-370 йилларда яшаган Абдералик Демокрит эса бутун коинот, нарсалар ҳам энг майда зарралар-атомлардан иборат деган машхур таълимотни яратди. (“атом”-юнончада “бўлинмас” демақдир). Унинг фикрича, ҳаракат-материянинг азалий хусусиятидир.

Машхур юнон олимларидан яна бири табиб Гиппократдир. У Миср, Кичик Осиё, Ливия ва қадимги скифлар мамлакатига сафар қилган. Гиппократ ўша ердаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан танишган. Гиппократ тиббиёт билими асосларини отаси Гераклитдан ўрганган. У машхур табиб бўлиб, тиббиётнинг барча масалалари билан шуғулланган. Гиппократ машхур табиб бўлиши билан бирга замонасининг улуғ файласуфи-донишманд ҳам бўлган. У одамларга меҳрибон, камтар одам эди. У ўз шогирдлари билан бирга “Гиппократ тўплами” номли тиббий асар ёзиб қолдирган. У 72 та китоб ва мақолалардан иборатдир. Гиппократ милоддан аввалги 375 йили 85 ёшида вафот этган.

Атоқли юнон файласуф донишмандларидан бири Сукрот бўлиб, у милоддан аввалги 441 йили Афинада туғилган. У ўз

умри давомида бирорта ҳам китоб ёзмаган. Сукрот мактабларда дарс бермаган, маърузалар ўқимаган, балки одам гавжум бўлган жойларда ўз шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаган. Сукрот ҳақиқатни билиш мумкин эмас, деб ўйловчиларга қарама-қарши, уни баҳс-мунозара орқали билиш мумкин деб ҳисобларди. Ўз қарашларида одамларни тенглаштиришга қарши чиқиб, уларни ҳақиқатни билганлар ва билмаганларга ажратади. Унинг бу фикрлари Афина қулдорлик демократия тузумининг душмани сифатида айбланиб, милоддан аввалги 399 йилда судга берилган. Суд уни ўлим жазосига ҳукм қилган. Суд ҳукмига мувофиқ, у гиёҳдан тайёрланган бир пиёла заҳарни ичиб ўлган.

Юнонистоннинг улуғ олимларидан бири Аристотел эди. У Македония подшолари саройида яшаган табибнинг ўғли бўлиб, милоддан аввалги 384-322 йилларда яшаган. Шарқ дунёсида уни “Биринчи муаллим” деб баҳолаганлар, чунки у ғоят кенг билимга эга бўлган. Илмий билимларни алоҳида соҳаларга бўлиб чиққан ва мустақил фанларга бирлаштирган. У фанларни туркумларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини ботаника, физика, сиёсат ва тарих каби номлар билан атаган. Аристотел ўз замонасидаги олимлар билан бирга ер шар шаклида бўлиб, у бутун коинотнинг марказидир, куёш ва юлдузлар ер атрофида айланади деб ҳисоблаган. Аристотел Македония подшоси Искандарнинг устози ҳам эди. У ўз даври ва кейинги даврларнинг ҳам энг машҳур олимларидан бири бўлиб олган.

Қадимги юнон адабиётининг пайдо бўлиши узок ўтмишга бориб тақалади. Юнонлар ажойиб афсона, ривоят, шеър, дoston, трагедия ва комедиялар яратганлар. Юнон бахшилари эса, қадимги афсона ва ривоятларни оғзаки тарзда авлоддан-авлодга етказганлар. “Прометей”, “Геракл”, “Дедал ва Икар”, “Аргонавтлар”, “Одиссея” ва “Илиада” каби афсона ва дostonлар юнон адабиётининг нодир намуналаридир.

Юнон адабиётининг машҳур асарлари қаторига “Илиада” ва “Одиссея” дostonларини киритиш мумкин. Ривоятларга кўра, бу асарларнинг муаллифи милоддан аввалги VIII асрда яшаган кўзи ожиз бахши Гомер бўлган. Дostonларда юнонларнинг Кичик Осиёдаги Троя шаҳрига қилган юришлари, қаҳрамонларнинг курашлари ва бошларидан ўтказган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Олимлар узоқ вақтгача Гомер дostonларидаги воқеалар ўйлаб чиқарилган афсоналар деб фараз қилганлар. Улар Троя шаҳри ҳам бўлмаган деб ҳисоблардилар. Аммо, археолог олимлар Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги ерларда қазил ишларини олиб борар эканлар, у ердан ёнғиндан куйиб кул бўлган шаҳар харобаларини топганлар. Бу юнонлар ўн йилдан ортиқ уруш олиб борган Троя шаҳрининг қолдиқлари эканлиги аниқланган. Олимлар Троя харобаларидан уй-жойлар, мудофаа деворлари, сопол буюмларининг парчалари, яшириниб қўйилган нарсалар ва одам суякларининг қолдиларини топганлар. Бу “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида тасвирланган Троя шарҳи эди.

Юнонистон тарихини ўрганишда юнон афсоналари, хусусан Гомер дostonлари жуда катта аҳамиятга эга. Шу маънода мил.авв. XI-IX асрлар Гомер даври деб бекорга айтилмаган. Дostonлар шеърини усулда ёзилган бўлиб, тилининг бойлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, Гомер дostonлари буюк адабий асаргина бўлиб, қолмай, ажойиб тарихий китоб ҳамдир.

Юнонистонда адабиёт театр билан боғлиқ суратда ривожланган. Муаллифлар томонидан яратилган ҳар бир адабий асар театр сахнаси орқали ўз ўқувчиларига етиб борган. Театр аслида юнонча сўз бўлиб, “томошалар жойи” деган маънони билдиради. Қадимги юнон театри ҳам санъатининг бир тури бўлиб, милоддан аввалги VI асрларда пайдо бўлган. Театр юнон маданиятининг энг ажойиб ҳодисалардан биридир. Юнон театри қишлоқ хўжалиги ҳомийси бўлган худо Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган ҳар хил кўшиқлари ва ўйинлари асосида вужудга келган. Дионис байрамлари, тоқлар барг чиқарган баҳорги кўкламда бошланган ва бу баҳорги Дионис деб аталган. Шунингдек, узум пишган кузда-кузги Дионис байрамлари ўтказилган. Кўкламчи Дионис бизнинг Наврўз, кузги Диониси эса Мержон байрамларимизга тўғри келади. Байрам вақтида одамлар Дионис ҳақидаги афсоналарни ашула қилиб айтиб, афсоналардан олинган манбаларни у ёки бу қиёфага кириб ижро этганлар. Намойиш иштирокчилари қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, одамларни кулдирад, айрим одамларни масхара қилиб кўрсатишар эдилар.

Томошани кўпроқ одамлар кўра олишлари учун тепалик пастида тайёрланган супада кўрсатилган. Афина ва Юнонистоннинг бошқа шаҳарларидаги акропол-қалъа тепалиги пастида томошалар кўрсатилган. Томошабинлар тепалик ён бағрида ўтирганлар. Актёрлар пастдаги чодир ичида кийиниб, унинг ёнида томошалар кўрсатганлар. Бу жой сахна бўлган. Кейинчалик чодир ўрнига кичикроқ бино қурилиб, томоша кўрсатиш пайтида унга декорация-ҳар хил безаклар осиб қўйилган. Унинг олдида томоша кўрсатиладиган жой ҳам қурилган. Бу ўриндиқлар аввал ёғочдан, кейин эса тошдан ясалган. Шу тариқа юнон театрлари вужудга келган. Кейинчалик қурилган юнон театрларига 17-25 минг томошабин жойлашиб, томоша кўрган.

Қадимги юнон ривоятлари ва афсоналари театр учун жуда бой маълумот берган. Ана шу афсона ва ривоятлар асосида қадимги юнон адиблари ажойиб трагедиялар яратганлар. ҳозир трагедия дейилганда охири фожеа билан тугайдиган песа тушунилади. Аммо юнончада бу сўз “эчкилар қўшиғи” деган маънони беради. Трагедияда қатнашувчилар афсоналардаги қаҳрамонлар бўлиб, асарда улар ўртасидаги кураш, уларнинг кўрсатган қарамонликлари, азоб-уқубатлари ва фожеали ўлимлари тасвирланади.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда Юнонистонда Эсхил, Софокл, Эврипид каби жуда машур шоирлар яшаб ижод этганлар. Уларнинг ҳар бири ўлмас трагедиялар ёзиб қолдирганлар. Улардан энг машури Эсхил бўлиб, у милоддан аввалги 525-456 йиллар орасида яшаган. У 90 дан ортиқ трагедия ёзган. Унинг энг машхур трагедиялари “Занжирбанд Прометей” ва “Форслар” дир. Эсхилни “Трагедия отаси” деб атаганлар. Унинг “Занжирбанд Прометей” трагедияси Прометейни инсонларга ёрдам берганлиги учун маъбудлар томонидан жазоланиши тасвирлангани билан бошқа асарларидан ажралиб туради.

Яна бир улуғ трагедия шоирларидан бири афиналик Софокл бўлиб, у милоддан аввалги 496-406 йилларда яшаб ижод этган. Софокл ҳам Эсхил каби 120 дан кўпроқ трагедия ёзган. Аммо, улардан еттитасигина бизгача етиб келган. Улар орасида энг машхури “Шоҳ Эдип” ва “Антигона” трагедияларидир. “Шоҳ

Эдип” трагедиясида шоҳ Эдипнинг ўз отасини ўлдириб, ўз онасига уйланишдек оғир жинояти тасвирланган. Софоклнинг “Антигона” трагедияси ҳам Юнонистонда шурат озонган. Бу асар илк бор Афина театрида намоёниш этилган. Асарда Агамемнон юнонлар кўшинини Трояга қарши бошлаб бориш учун ўз қизини қурбонлик қилгани билан боғлиқ воқеяликлар келтирилган.

Қадимги юнон театрларида ҳазил, кулги, мутойиба руҳида ёзилган песалар ҳам кўйилган. Комедия сўзининг маъноси “Хушчакчақ деҳонларнинг кўшиқлари” демакдир. Қадимги юнон комедиясининг йирик намоёндаси Аристофан бўлиб, у милоддан аввалги 450-388 йилларда яшаб ижод этган. У “Тинчлик”, “Аёллар халқ йиғинида” ва “Суворийлар” деган машҳур комедиялар ёзиб, ўз давридаги жуда кўп воқеаларни тасвирлайди. Аристофан ўз комедияларида Пелопоннес урушидан азоб чеккан қишлоқ аолисининг машаққатли турмушини ҳам акс эттирган. Унинг комедияларда худолар ва ўша замон одамлари орасидаги кўп иллатлар фош этилган. Аристофан комедиялари ўзининг ўткир ҳажв этиши ва захархандаликлари билан ажралиб туради.

Қадимги юнонларда меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомчиликнинг келиб чиқиши Крит-Микен даврига бориб тақалади. Санъатнинг бу турлари аста-секин ривожлана бориб, милоддан аввалги V асрда ўзининг юқори поғонасига кўтарилади.

Меъморчилик юнон маданиятининг таркибий қисми бўлган. Юнонлар ибодатхона, театр, сарой ва мажлис биноларига алоҳида эътибор берганлар. Дастлаб бу бинолар ёғочдан оддий дорий услубида қурилган. Иморатнинг устунлари тагкурсига эмас, балки ерга ўрнатилган. Кейинчалик биноларга тошдан, хусусан мрамор тошлардан қилинган устунлар ишлатилган. Бундай устунлар кучли эркак кишининг йўғон гавдасига қиёсланган. Баъзи биноларнинг устунлари нозик, хушбичим бўлиб, юқори қисми кўчқорнинг гажак, қайрилма шохларига ўхшаган. Уларга нафис нашла берилган. Бундай устунлар иония услубидаги устунлар дейилган. Уларни хушбичим аёл гавдасига қиёслаганлар.

Юнонлар ибодатхона, агора, гимназия, театр ва бошқа жамоат биноларига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Ибодатхоналарда давлат бойлиги-хазинаси сақланиб, шаҳар

аҳолисининг байрам тантаналари, йиғилишлари шу ерда ўтказилган. Афинадаги Парфенон, Зевс ибодатхоналари, Афина акрополи ва бошқа бинолар жаҳон меъморчилигининг энг ноёб ёдгорликларидан ҳисобланади.

Санъат турларидан бири бўлган ҳайкалтарошлик ҳам милоддан аввалги V-IV асрларда равнақ топди. Ҳайкаллар дастлаб ёчдан, кейин эса жез ва мраммар тошдан ясалган. Юнон усталари Зевс, Аид, Афина, Апполон, Дионис, Артемида, Гермес, Гефест каби худо ва маъбудаларнинг айқалларини, Гомер, Геродот, Солон, Фемистокл, Перикл ва Демокрит каби тарихий шахсларнинг бюстларини ҳам жозибали қилиб ишлаганлар. Қадимги Юнонистонда милоддан аввалги V асрларда Мирон, Поликлет ва Фидий каби машур айқалтарошлар яшаб ижод этганлар. Мироннинг “Диск отаётган йигит”, “Афина билан Марсий” деган ҳайкаллари жонли ҳаракатли ҳолатда ишланган.

Аргослик Поликлетнинг “Найзабардор” ва “Диодумен” каби ҳайкаллари ам машҳурдир. Меъмор ва ҳайкалтарош Фидий ўз замонасининг машҳур устаси эди. Унинг Парфенондаги олтин, ёч ва фил суякларидан ишланган 12,5 метрлик маъбуда-Афинанинг тик турган ҳолатдаги ҳайкали жуда машҳурдир. Фидий юнон худоси Зевснинг Олимпияда тахтида ўтирган вазиятдаги ҳайкалини ишлаган. Айни пайтда Фидий асарлари билан Парфенон ибодатхонаси безатилган. Ҳайкалтарош Праксител эса маъбудлар ва маъбудаларни йигит ва ёш қиз-жувонлар қиёфасида тасвир этган. Унинг Дионис билан ўйнаб турган Гермес асари диққатга сазовордир.

Рассомчилик санъати ҳам Юнонистонда жуда эрта вужудга келган. Бунга Крит-Микен даврига мансуб бўлган одам, ҳайвон ва турли безакларнинг расмлари мисол бўла олади. Қадимги юнонлар ҳам нарса ва ҳодисалардан завқланадиган кишилар эди. Улар хилма-хил кулолчилик буюмлари, кўркам, нафис ва бежирим кўзачалар ва вазалар ясашда тенги йўқ усталар эдилар.

Милоддан аввалги VII-VI асарларда юнонлар қизғиш ранг сопол устига қора лак билан турли безаклар чизилган идишлар ишлаб чиқарганлар. Булар қора гулли кўза ва вазалар бўлиб, улар Юнонистон ва ундан ташқарида ҳам машур бўлган.

Аммо милоддан аввалги V асрга келиб кўза ва вазалар қора рангга бўялган. Безак ва шакллар учун сополнинг табиий қизил



ранги сақланиб қолинган. Бундай ваза ва кўзалар қизил гулли кўзалар деб ном олган.

Дин ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, эътиқод, ишонч деган маъноларни билдиради. Унинг келиб чиқиши кишиликнинг узок ўтмишига бориб тақалади. Дастлаб юнонларда ибтидоий дин шакллари-тотемизм, анимизм ва фетишизм кучли бўлган. Ибтидоий жамоадан табақавий жамиятга ўтиш даврида юнонларнинг диний тасаввурлари ўзгара борган. Юнон дунёсида ҳар бир нарса, ҳодиса ва касб-корнинг ўз худо-ҳомийлари, яъни маъбуд ва маъбудалари бор деб ўйлаганлар. Бу кўп худоликнинг кўринишларидан бири эди.

Афсоналарда жуда кўп юнон худоларининг номлари тилга олинган. Юнонларнинг энг машур худолари Зевс, Посейдан, Аид, Апполон, Артемида, Афина, Гермес, Гефест, Дионис, Афродита ва бошқалардир. Юнонлар ҳар бир нарсанинг ўз худоси ва ҳомийлари бор, деб ҳисоблаганлар. Улар табиатнинг ҳамма ерида яшаб, уни бошқариб турар эканлар. Юнонлар ўз худоларини ўлмайдиған, кучли келишган ва жуда чиройли одамлар қиёфасида тасаввур этганлар.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Юнонистон табиий жиҳатдан неча қисмдан иборат?
2. Дорий қабилалари Юнонистонга қачон бостириб кирдилар?
3. Қадимги Юнонистонда дастлаб яшаган қабилаларни айтинг?
4. Қадимги Юнонистон тарихи нечта даврга бўлиб ўрганилади ва улар қайсилар?
5. Крит оролида қачон синфий жамият ва давлат вужудга келди?
6. Юнонистонда темир ва темирдан ишланган меҳнат қуроллари қачондан бошлаб ишлатила бошланган?
7. Юнон-Эрон урушлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Биринчи Афина денгиз иттифоқи фаолиятини айтинг?
9. Юнон колониячилик тизими қандай вужудга келди?
10. Эргастрия ҳақида маълумот беринг?
11. Қадимги юнон фалсафаси ҳақида нималарни биласиз?
12. Қадимги Юнон театри фаолиятини тушунтиринг?

13. Аристотел, Сукрот фаолиятига баҳо беринг?
14. Қадимги Юнон афсона ва ривоятларини санаб беринг?
15. Қадимги Юнон адабиёти ҳақида сўзлаб беринг?
16. Қадимги юнон худолари ва улар ҳомий бўлган соҳаларни биласизми?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

2. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

3. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – 287 с.

4. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре/Отв. Редактор А.А. Вагасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. – 464 с.

5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

6. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

7. Немировский А.И. История Древнего мира: Античность; Учеб. Для студ. высш.учеб.заведений: в 2 ч. – М.: Гуманит. изд. центр, ВЛАДОС, 2000. – Ч. 1. – 448 с.: ил.

8. Немировский А.И. История Древнего мира: Античность; Учеб. Для студ. высш.учеб.заведений: в 2 ч. – М.: Гуманит. изд. центр, ВЛАДОС, 2000. – Ч. 2. – 480 с.: ил.

9. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с. : табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7

10. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

11. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.— М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.

12. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. – 456 с.

13. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.

#### **Интернет материаллари**

1.http: // [www.lib.byu.edu/-rdh/www//](http://www.lib.byu.edu/-rdh/www//)

2.http: // [classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).

3.http: // [www.washlaw.edu/forint//](http://www.washlaw.edu/forint//)

4.http: // [www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)

5.http: // [www.yale.edu/acuns/](http://www.yale.edu/acuns/)

## 15-МАВЗУ. РИМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа:

- 15.1. Рим цивилизациясининг дастлабки даври.
- 15.2. Рим цивилизациясининг ривожланган даври
- 15.3. Инқироз сабаблари, маданият ва санъат.

**Таянч иборалар.** Апеннин ярим ороли, этрусклар, латция, патрицийлар, плебейлар, сенат, пуни урушлари, Ўрта ер денгизи, куллар кўзғолони, Рим адабиётининг олтин даври, Республика, Юлий Цезар, империя, принципат даври, доминат даври, христианлик, варварлар

Қадимги Италия Апеннин ярим ороли, Сицилия, Корсика, Сардиния ва бошқа майда оролларни ўз ичига олган мамлакатдир. Уни шимол томондан Алп тоғлари ўраб туради. Ярим оролни шарқ томондан Адриатика, Жанубдан Иония, ғарбдан Тиррен денгизлари ювиб туради. Денгиз қироларида кемалар тўхташи учун қулай бухталар бор. Италия ҳудудида инсон хўжалик фаолияти учун қулай бўлган текислик ва унумдор ерлар кўп.

Апеннин ярим оролининг қулай географик муҳити жуда қадим замонлардаёқ ибтидоий одамларнинг диққат эътиборини ўзига тортган. Археолог олимлар Апеннин ярим оролидан қадимги тош асрига мансуб одамларнинг маконлари, меҳнат қуроллари, ғор деворларидан эса қадимги ибтидоий расмларни топганлар. Айти пайтда ярим оролдан 80-100 минг йиллар муқаддам яшаган қадимги одамларнинг бош суяги ва менат қуроллари ҳам топилган.

Милоддан аввалги III минг йилликда Италия аҳолиси мисдан, II минг йилликда жездан ва II минг йилликнинг охири-I минг йилликнинг бошидан бошлаб темир қуроллардан фойдалана бошлаган. Темир қуроллардан фойдаланиш ишлоқ хўжалигининг ривожига катта таъсир кўрсатган.

Милоддан аввалги I минг йилликда Италия ҳудудида этруск, лигур, лотин, венет, оск, ва самний (самнит) каби турли туман қабилалар яшар эдилар. Лигурлар ва этрусклар мамлакатнинг

қадимги қабилаларидан бўлиб, улар Италиянинг шимоли-ғарбий томонларида яшаганлар. Мамлакатнинг шимоли-шарқий чеккасида венетлар, унинг жануби билан Сицилия оролида италий қабилалар яшаганлар. Айни пайтда ярим оролда лотин қабилалари ҳам яшаганлар. Улар яшаган жой Лация деб аталган. Лацияга ёндош Кампания текислигида окслар яшаганлар.

Қадимги ёзувлардан Этруск ёзувлари милоддан аввалги VIII-VII асрларда мансубдир. Бундай ёзувлар тўққиз мингдан ортиқ бўлиб, узоқ ватқдан бери ўқилмай келинмода. 1988 йилда Россиядаги Челябинск Унисерситети олими, филолог Туберт этруск ёзувларини ўқиб чишда катта муваффаиятга эришди. Милоддан аввалги VI асрга мансуб илк лотин ёзуви намуналари Пренестин тепаси ва Ромул қабри жойлашган ердан топилган “Қора тош”даги ёзувлардир.

Қадимги Рим тангаларини ўрганиш эса афсонавий манзаралар, эътиқодлар, санъат, архитектура тарихини ўрганишга ёрдам беради.

Италиянинг маркази ғарбий исмида яшаган қадимги Этрусклар хўжалик соҳасида катта муваффақиятларга эришиб, дастлабки давлат тузган халқлардан бири эди. Қадимги римликлар уларни “тусклар” юнонлар “тирренлар” Этрусклар эса ўзларини “расен”лар деб номлаганлар. Милоддан аввалги VIII-VI асрларда этрусклар Падус (По) дарёсининг қуйи оқими билан Тибр дарёси оралиғидаги ерларда яшаганлар. Этрусклар кучайган вақтларда Илва, Корсика оролининг шарқий соҳилларини ва Кампаниянинг бир қисмини ҳам босиб олганлар.

Милоддан аввалги VIII асрда этрусклар шимолий ва ўрта Италиянинг катта қисмида тарқалиб яшар эдилар. Канопадан тўқилган матодан ёзув воситаси сифатида ҳам фойдаланилган. Китоб варақалари ҳам канопадан матосидан бўлган. Этрускларда мис, жез ва темир билан боғлиқ ҳунармандчилик жуда ривожланган эди. Усталар маъдандан турли меҳнат қуроллари, уй-рўзор буюмларини ясаганлар. Усталар аскарлар учун турли қурол-яроғ, дубулға, зирх, от анжомлари ва бошқа нарсалар ҳам ишлаб берганлар.

Этрусклар жамияти қулдорлик жамияти бўлган, Уларда ҳукмдорлар *лухомон*, қарам кишилар *латунлар* деб аталган. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида этрусклар Финикия

алфавити асосидаги ўз ёзувларини ҳам яратганлар. Олимлар жуда кўп этруск ёзув намуналарини топганлар. Лекин бу ёзув ҳали ҳам ўқиб чиқилган эмас. Ҳозир олимлар этруск ёзувларини ўқиш устида иш олиб бормодалар.

Этрускларнинг диний эътиқоди юнонларникига анча ўхшаб кетади. Улар табиат ҳодисаларига, нарсаларга ва ҳар хил худоларга эътиқод қилганлар. Уларда ибтидоий дин шакллари анча устунликка эга эди.

Рим Италиянинг энг қадимги шаҳарларидан биридир. Италиянинг марказий исмидан Тибр дарёси оқиб ўтиб, у Тиррен денгизига қуйилган. Тибр дарёсининг қуйи исми текислик бўлиб, унинг ҳар-ҳар ерида тепаликлар қад кўтариб турган. Бу текисликда лотинлар қабиласи яшар эди. Тибр денгизга қуйиладиган жойдан 25 км ичкаридаги тепаликларда милоддан аввалги IX–V асрлардаёқ қатор қишқлолар бор эди. Милоддан аввалги VIII асрга келиб эса шу қишлоқлар ўрнида Рим шаҳарчаси бунёд этилган. Дарёнинг баланд қирғоғидаги Капитолий тепалигида қурилган қўрғон шаҳарнинг маркази бўлган.

Қадимги Рим афсоналарида Рим шаҳрига асос солиниши Троя урушлари билан боғланади. Афсонага кўра, Трояни юнонлар хароб қилинганларидан сўнг омон қолган трояликлар Эней бошчилигида Италия соҳилларига келиб қоладилар. Лация шоҳи Лотин Энейни дўстона кутиб олади. Эней унинг қизига уйланади. Лотин вафотидан сўнг унинг ўрнига Эней подшо бўлади. Трояликлар маҳаллий аҳоли билан қўшилиб, лотин халқини ташкил этадилар. Энейнинг ўли Асканий–Юл улғайгач, Алба-Лонгу деган шаҳарни барпо қилиб, унга подшо бўлиб олади. Анча вақт ўтгач, Энея шоҳи аждодларидан бири Нумитор ўз укаси Амулий томонидан тахтдан ағдариб ташланади. Нумиторнинг қизи Силвия билан худо Марсдан икки ўғил, Ромул ва Ремлар туғилади. Башоратга кўра жиянлари томонидан тахтдан ағдарилишини эшитган шоҳ уларни Тибр дарёсига оқизиб юборишни буюради. Аммо, чақалоқлар солинган сават дарахт шоҳига илиниб қолди. Уларни бир она бўри сут бериб боқади. Ака-укалар улғайиб моҳир жангчилар бўлиб етишадилар. Улар подшога қарши қўзғолон кўтариб, уни ўлдирадилар. Ака-ука шаҳар бунёд қилишга аҳд қилишади. Аммо шаҳарни қаерда

қуриш керак ва унинг ҳокими ким бўлади, деган масалада улар ўртасида жанжал кўтарилади. Жанжал ватида Ромул ўз укаси Ремни ўлдириб қўяди. Ромул ўз номи билан аталган Рома шаҳрини ўзларини чўпон топиб олган жой яқинида барпо этиб, шаҳарга подшолик қилади. Римликлар йил ҳисобини ўз шаҳарларга асос солинган афсонавий йилдан, яъни милоддан аввалги 753 йилдан бошлаганлар. Кейинчалик, Римдаги Капитолий тепалигида болаларни сут бериб боққан она бўри шарифга ҳайкал ўрнатилган.

Рим ва унинг атрофида лотин, сабиян ва этруск қабилалари яшаганлар. Улар бирлашиб Рим давлатига асос солганлар. Булар Римнинг қадимги аҳолиси эди. Римнинг энг қадимги туб аолиси **патрицийлар** деб аталган.

Патрицийлар (лотинча “патер” ўзбекчада ота деган маънони билдиради) ота-боболари шаҳарга асос солганликлари билан фахрланиб юрадилар. Улар Римнинг эркин аҳолиси бўлиб, экиладиган ер яйловларга эга бўлган жамоани ташкил этганлар. Патрицийларнинг ҳар бир оиласи жамоа экин майдонидан ер олиб экин экар, жамоа яйловларида чорва молларини боқар эдилар. Рим патрицийлари далада ҳам, уйда ҳам ўзлари ишлаганлар. Улар уй ва дала ишларида қуллар менатидан ҳам фойдаланганлар.

Италиянинг боша жойлардан Римга кўчиб келган одамлар ва уларнинг авлодларини **плебейлар** деб аташганлар. Плебейлар орасида бой-бадавлат кишилар ҳам бўлган, лекин уларнинг орасида камбағаллар кўпчиликини ташкил этган.

Патрицийлар Рим давлатини идора этишда фаол қатнашиб, унга плебейларни йўлатмас эди. Лекин улар ўз идора усулларини умумхалқ иши деб билганлар. Римда республика ўрнатилган бўлишига қарамай плебейлар давлат ишларига аралаштирилмаган, улар сиёсий жиҳатдан ҳуқусиз бўлиб қолаверганлар. Плебейлар патрицийлар билан тенг бўлиш ва ўз аҳволларини яхшилаш учун тинимсиз кураш олиб борганлар. Римдаги патрицийлар билан плебейлар ўртасидаги кураш подшолик давридаёқ бошланган эди. Милоддан аввалги V–IV асрларда плебейлар катта ғалабага эришганлар. Улар ҳар йили ўзларининг ҳимоячилари халқ трибунларини сайлаш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Трибунлар вето ҳуқуқига эга бўлиб, у

консуллар ва сенатнинг плебейларга зид фармойишларини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга эдилар. Трибуннинг эшиги плебейлар учун ҳар доим очик бўлиб, улар барча масалаларда трибунга мурожаат қилардилар ва улардан ҳимоя топардилар. Трибунлар тез орада плебейларнинг йўлбошчиларига айланиб, уларнинг манфаатини кўзлаб ҳормай-толмай кураш олиб борганлар. Плебейлар ўз йўлбошилари трибунлар раҳбарлигида амалдаги ҳуқуқларқни ёзиб қўйилишига муваффақ бўлганлар.

Милоддан аввалги 451 йилда 10 патрицийдан иборат ҳайъат тузилиб, улар қонунлар мажмуасини тузишлари керак бўлган. Аммо, ҳайъат бир йилда бу ишни охирига етказа олмаган. Милоддан аввалги 445 йилда эса 5 та плебей ва 5 та патрицийдан иборат янги ҳайъат сайланган. Улар Римдаги ҳуқуқлар мажмуасини тўплаб тартибга солганлар.

Милоддан аввалги 449 йили 12 та мис лавҳага ўйиб ёзилган қонунлар форумга қўйилган ва қабул қилинган. 12 мис лавҳадаги қонунларининг қабул қилиниши плебейларнинг катта ғалабаси эди. Қонунга кўра, ер ва мол-мулк хусусий ҳисобланиб, уни меросхўрга васият қилиб қолдириш мумкин бўлган. Милоддан аввалги 326 йилда плебейлар янги қонун қабул илганлар. Қонунга кўра “қарз учун қарздорнинг тан-жони эмас, мол-мулки жавобгар бўлиши керак”,- дейилган. Қарз учун Рим фуқаросини қул қилиб сотиш қонунда ман қилинган. Айти пайтда плебейлар консуллик лавозимларни ва боша мансабларни эгаллаш ҳамда жамоа экин майдонида ер олиш ҳуқуқига ҳам эришганлар. Милоддан аввалги III аср бошларида плебейлар Римнинг тўла ҳуқуқли фуқаролари бўлиб олганлар.

Қадимги йилномачиларнинг берган маълумотларига қараганда, милоддан аввалги VI аср охирларида Римни подшо бошқарган экан. Аммо, подшо римликларига ортича жабр-зулм ўтказиб, уларнинг нафратига дучор бўлган. Милоддан аввалги 510-509 йилларда Римнинг маҳаллий аҳолиси кўзғолон кўтариб, ўз подшоларини тахтдан ағдариб, уни қувиб юборганлар. Унинг ўрнига республика-маълум муддатга сайлаб қўйиладиган кишилар идора қиладиган давлат барпо бўлган.

Милоддан аввалги V-III асрларда Римда республика тузумининг шаклланиш жараёни давом этган. Давлат ҳокимияти муассасалари комициялар (халқ мажлиси), магистратуралар ва



сенат эди. Олий ҳокимият эгаси туб жой аҳолидан бўлган Рим фуқаролари (популис Романус) бўлганлар. Расмий жиҳатдан Рим фуқаролари халқ мажлисида иштирок этишга, давлат лавозимларига сайланишга, мулкга эгалик қилишга ва Рим кўшигида хизмат қилишга ҳақли эдилар.

Триба комицияси (трибалар-уруғ-аймоғига қараб аҳолини уч гуруҳи маъносини беради. Милоддан аввалги V асрдан бошлаб ҳудудий бирлик бўлган) мажлиси. Милоддан аввалги III асрдан бошлаб қонун чиарувчилик ҳуқуқига эга бўлган.

Ижро қилувчи ҳокимият бир йил муддатда халқ сайлаб кўядиган магистратлар кўлида бўлган. Улар маошсиз ишлаганлар. Бундай ҳолат мансабларга фақат мулкдор кишилар сайланиши мумкинлигини кўрсатади.

Магистратлар кўпчилик бўлиб иш кўрганлар, қарорлар бир овоздан қабул қилинган. Норози бўлганлар Вето-таъқиқлаш ҳуқуқидан фойдаланганлар. Улар яна дахлсиз шахс бўлиб, ваколат муддати тугамагунча, жавобгарликка тортилмаган. Магистратлик икки хилга, фавқулотда ва одатийга бўлинган. Фавқулотда ҳолатлар бўлганда магистратларнинг одатдан ташқари, диктатор, триумвир ва децемвирлар сайланган ёки тайинланган. Диктатор тайинлаш тўрисида фақат сенат қарор чиқариши мумкин бўлган. Диктатор қарорларни яқка қабул қилиши мумкин бўлган мансабдор эди. Уни ўз олий нишони бўлиб, 24 та фахрий соқчи (ликтор) кузатиб юрган.

Олий мансабдорлардан консуллар ҳар йили центурия комицияларида сайланганлар. Ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти уларнинг кўлида бўлган. Консуллик коллегиял ҳокимият эди. Преторлар суд ишлари билан шуғулланган, вилоятларни бошқариш, консуллар бўлмаган пайтда уларни ўрнини босган сенат топшириғига кўра легионларга кўмондонлик қилган.

Икки цензор одатда собиқ консуллардан беш йилда бир марта 18 ой муддатга центурия комициялари томонидан сайланган. Улар ҳар беш йилда бир марта ценз белгилаганлар. Халқ трибуни эса ҳар йили триба йиғилишида сайланган. Эдиллар тартиб сақлаш билан, квесторлар хазиначилик вазифаларидан бажарганлар.

Сенат Рим республикасининг Олий давлат муассасаси ҳисобланиб, милоддан аввалги биринчи аср бошларигача 300

кишидан иборат эди. Сенат катта ҳуқуққа эга эди. Консуллар барча масалаларда сенат билан маслаҳатлашиши лозим эди. Уруш ва сулҳ масалаларида ҳам сенат аъзоларининг маслаҳатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Давлатнинг хазинаси сенат ихтиёрида эди. Сенат ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни, олдиндан тайёрлаб қўйилган қарорларни халқ йиғинига ҳавола этган, йиғин эса бу қарорларни ҳамиша қабул қилган.

Милоддан аввалги V-III асрларда Рим бутун Апеннин ярим оролини қўлга киритиш учун босинчилик урушлари олиб борган. Милоддан аввалги VI асрда этрусклар Рим ерларига бостириб кирган бўлсалар, V асрдан бошлаб римликлар этрускларга қарши кураш бошлаганлар. Римликлар латинлар билан иттифоқ тузиб, Тибр дарёсининг ўнг соҳилидаги этрускларнинг Вейя шаҳри устига қўшин тортганлар. Бу уруш милоддан аввалги 406 йилдан 396 йилгача давом этган. Урушда гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғалаба қилган. Ниҳоят, римликлар этруск қўшинларини енгиб, Вейя шаҳрини босиб олганлар. Вейя аҳолиси қул қилиб сотилган, уларнинг ерлари жамоат даласига айлантирилган. Айни пайтда Рим қўшинлари Лацийга бостириб кириб, тоғларда яшовчи эвк ва волск қабилаларини ҳам тор-мор этганлар.

Ўрта Италиянинг марказий ва ғарбий қисмида самнит қабилалари яшаганлар. Самнит жангчилари талончилик мақсадида бой Кампания шаҳарларига тез-тез ҳужумлар қилиб турганлар. Милоддан аввалги 343 йили самнитлар Кампанияга ҳужум қилиб, унинг бош шаҳри Капуяга тажоввуз қиладилар. Оғир аҳволда қолган Кампания Римга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Рим қўшинлари Кампанияга кириб келиб, самнитларга қарши кураш бошлайди. Бу уруш милоддан аввалги 343-341 йилларда бўлиб, у биринчи самнит уруши номини олади. Урушда римликлар ғалаба қозониб, Кампанияни ўзларига бўйсундирганлар. Бунга қарши милоддан аввалги 340-338 йилларда латин иттифоқига кирган шаҳарлар Римга қарши кураш бошлайдилар. Бу курашда римликларнинг қўли баланд келади. Самнитлар бир қанча италий қабилалари билан Римга қарши иттифоқ тузганлар. Милоддан аввалги 327-304 йиллар орасида иккинчи самнит уруши бўлиб ўтади. Рим қўшинлари самнитлар ерларига бостириб кирганлар. Милоддан аввалги 321 йили

самнитлар Кавдий шаҳри яқинидаги тоғ ўрмон дарасида Рим ўшинларини ўраб олиб, уларни тор-мор этганлар. Рим қўшинлари самнитлар юртини ташлаб чиқишга мажбур бўлганлар. Аммо, самнитлар билан римликлар ўртасидаги уруш милоддан аввалги 304 йилгача давом этган. Шу йили тузилган сулҳга кўра Кампания Римга ўтган.

Римликлар билан самнитлар уруши бу билан тугамаган. Милоддан аввалги 298-290 йиллар орасида учинчи самнит уруши бўлиб ўтган. Самнитлар галл ва кўпгина италий қабилалари билан иттифоқ тузиб, Римга қарши ҳаёт-мамот урушини эълон қилганлар. Ун йиллик уруш жуда оғир ўтган. Урушда самнитлар алоҳида матонат кўрсатганлар. Милоддан аввалги 288 йилда римликлар самнитлар юртини қонга белаб, улардан шафқатсизлик билан ўч олиб вайрон қилганлар. Ниҳоят, бу юртни ўзларига бўйсундирганлар. Милоддан аввалги 341-288 йилларда Рим қўшинлари Шимолий Италияни ҳам ўзларига итоат эттирганлар. Урушлар натижасида По дарёсидан тортиб Лукания ўлкаси чегарасигача бўлган ерлар Рим республикаси ҳукмронлиги остига ўтган.

Шимолий ва Марказий Италияни ўзига итоат эттирган Рим Апеннин ярим ороли жанубидаги ерларга ҳам кўз олайтира бошлаган. Милоддан аввалги III асрнинг 80-йилларида Жанубий Италияда яшовчи луканлар қабиласи Фурей шаҳрига ҳужум қилган. Фурей юнонларнинг Италиядаги колония шаҳарларидан бўлиб, бошқа юнон шаҳарлари билан рақобатда эди. Фурейликлар Римга ёрдам сўраб мурожаат қилганлар. Жанубий Италияни босиб олишни кўзда тутган Рим қўшинлари луканларни тор-мор этиб, Фурей шаҳрига кирганлар. Тарент қўшинлари шаҳар қўлтиғида турган Рим кемаларига зарба бериб, Фурейга йўл очганлар ва у ердан римликларни ҳайдаб юборганлар.

Милоддан аввалги 281 йилда Рим Тарентга қарши уруш эълон қилган. Тарентликлар эса Эпир подшоси Пиррга ёрдам сўраб мурожаат қилганлар. Пирр 280 йили Италияга кириб келган. Милоддан аввалги 279 йилда Пирр қўшинлари Адриатика денгизи соҳилидаги Аускул шаҳри ёнида бўлган жангда Рим қўшинларини тор-мор этган. Аммо, бу жангда Пирр ўзининг жуда кўп жангчиларидан айрилган. Шунда у: “Агар биз

римликлар устидан яна бир марта шундай ғалаба қилсак, тамомила ҳалок бўламиз”,- деган.

Милоддан аввалги II асрда Рим олиб борган урушлар натижасида Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг кўпчилиги вайрон этилиб, бойликлари шафқатсизлик билан таланган. Бу ҳол Рим ва Италияда кулчиликнинг ривожланиши учун катта имкониятлар яратган.

Рим ўз даврининг энг йирик денгиз давлати эди. Карфаген билан бошланган уруш Римга кемасозлик билан жиддий шуғулланиш кераклигини кўрсатади. Йирик кемаларни 150-200 тадан иборат эшкакчи куллар ҳаракатга келтирганлар. Кулдор ва аслзодалар кўплаб кул сақлаганлар ва ишлатганлар. Қадимги дунёнинг ҳеч бир мамлакатада Римдагидек, кўп кул бўлмаган ва улар Римдагидек, азоб-укубатга ташланмаган эди.

Рим жамиятида кулчиликнинг тараққий этиб бориши билан кулдорлик хўжалиги тизими ҳам ривожланиб борган. Истило қилинган вилоятларга оғир солиқлар солиш, вилоят солиқларини улгуржисига сотиб юбориш йўли билан катта бойлик тўпланган. Вилоятлар солиғини сотиб олиб, уни йиғиб олувчи ижарадорлар (“публиканлар”) қатлами шаклланган. Улар солиқ тўплашдан 200-400 % гача даромад олганлар.

Италиядаги эркин деҳонларнинг бошига тушган кулфатлар мамлакатдаги баъзи арбобларни ташвишга солиб қўйган. Чунки эркин деҳонлар камайса, Рим легионларида хизмат қиладиган жангчилар камайиб кетарди. Бу Римнинг ҳарбий қудратига ҳам путур етказарди. Эркин деҳонларни салмоғини салақ қолиш учун ўша даврнинг илғор фикрли кишилари айрим чоралар излаганлар.

Милоддан аввалги 141 йилда Лелий, Тиберий ва Гай Гракхлар жамоат даласидаги ерларни ижарага олиш олиш ҳуқуқини чеклаш тўрисидаги қонун лойиҳасини тайёрладилар. Уни халқ мажлиси ва сенат муҳокамасига қўймочи бўладилар. Гракхлар ўз ишини сенатда тарафдорлар тўплашдан бошлаб, суворийларга таяниб иш кўрган.

Рим жамиятида милоддан аввалги 130-120 йиллардаги аграр ислоотлар натижасида ер ва кулларни бир қўлга тўпланиш жараёни бир қадар секинлашган бўлса-да, милоддан аввалги II аср охирларига келиб яна кучайди. Милоддан аввалги III йилда

**оптиматлар** (йирик ер егалари) ташаббуси билан хал трибуни Спурий Торий ўтказган қонунга биноан Рим фуқароларининг эгаллик қилиб турган барча ерлари уларнинг хусусий мулки бўлиб қолган. Бу қонундан кейин майда ер егалари ўз ерларини яна сота бошлаганлар. “Цензликлар”, яъни ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлганларнинг сони яна тез камая бошлаган. Натижада, Рим армияси сони ҳам камая бориб, Югурта уруши даврида (милоддан аввалги 111-105 йиллар) унинг салбий оқибатлари сезилиб қолган.

Милоддан аввалги 60 йилларда учта сиёсий арбоб-Помпей, Красс ва Юлий Цезар Римни биргаллашиб бошқаришга келишиб олдилар. Дастлаб улар бир-бирларини қувватлаб иш олиб борганлар. Бундай келишув биринчи триумвират дейилган. Цезарнинг асосий масади Римда ҳокимиятни эгаллаш эди. Милоддан аввалги 49 йилда у ўз ўшинлари билан Галлиядан Рим томон юради. Рим сенати Цезарнинг бутун Римга ҳукмрон бўлишини хоҳламас эди. Шу туфайли Рим сенати кўшин қўмондонлигига Помпейни тайинлаб, Цезарга қарши кўяди. Лекин Помпей Рим мудофаасини ташкил этолмай, Болқон ярим оролига кетишга мажбур бўлади. Цезар қаршиликсиз Римни ва бутун Италияни ишғол қилади. Цезар ҳар қанча машҳур ва ҳар қанча улуғ бўлмасин, унинг душманлари ҳам кўп эди. Милоддан аввалги 44 йилда Цезар шарққа ҳарбий юриш уюштиришдан олдин Юпитер байрами кунин сенат мажлисига боради. Шу мажлисда Кассий ва Брут раҳбарлигидаги фитначилар Цезарни ўраб олиб, кийимлари остига яширинган ханжар билан уни 23 жойидан ярадор қиладилар. Шундан кейин Цезарнинг жасади форумда куйдирилган. Шу ерда унга мероб қўйилиб, уни илоҳий зот деб эълон қилганлар. Рим аҳолисининг кўпчилиги фитначиларни қўллаб-қувватламаган. Аксинча, уларнинг Римдан кўчиб кетишини талаб қилганлар. Рим сенатида икки оқим пайдо бўлган. Бири Цицерон бошлиқ республикачилар бўлса, иккинчиси – Цезарнинг собиқ ёрдамчиси Антоний бошлиқ цезарчилар оқими эди. Милоддан аввалги 40-50-йилларда бу икки оқим тарафдорлари ўртасида қаттиқ кураш давом этган. Бу эса мамлакатда фуқаролар урушининг авж олишига сабаб бўлган. Цезар тарафдорларидан бири унинг жияни Октавиан эди. Милоддан аввалги 43 йилда Октавиан, Марк Антоний ва Эмилий

Лепидлардан иборат уч лашкарбоши иттифоқ тузганлар. Улар биргалашиб, республикачиларга қарши кураш олиб бориш учун келишиб олганлар.

Антоний Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилларидаги бой ва маданий ўлкаларни олган. Галлия, Иллирия ва Испания Октавианга топширилган. Эмилий Лепидга эса, Шимолий Африка тақдим этилган. Италия умумнинг бошқарувида бўлса ҳам, у ерда асосан Октавиан қукмронлик қилган. Учлар иттифоқи узокқа чўзилмаган. Тож-тахт кейинчалик уларни бир-бирига қарши қилиб қўйган.

Милоддан аввалги 31-30 йилларда Октавиан қўшинлари кишни Италияда ўтказганлар. 30 йили Рим қўшинлари қаршиликка учрамай, Сурияни ишол қилиб, Фаластинга бостириб кирганлар. Шундан кейин Рим қўшинлари Мисрга қараб юрганлар. Октавиан Мисрни истило қилгач, милоддан аввалги 29 йилда Римга қайтиб келган ва зафар байрамини ўтказган. Мил.авв. 27 йилда сенат йиғилишида император унвонини олган. Рим давлатида милоддан аввалги 27 йил Принстипиат тартибини ўрнатган вақтидир. Принцепс-“биринчи киши” демакдир. Сенат ҳамма вақт унга ёқадиган қарорларни қабул қилган. Сенат Октавианга Август – “Муаддас киши” деган фахрий ном берган.

Милодий биринчи аср охирида сенатор Нерва (96-98 йиллар) даврида ҳарбийлар қаттиқ норози бўлганлар. Натижада Нерва ҳарбий саркардалардан бири Траянни ўзига ҳокимдош деб эълон қилган (96 йилда). Император ўлгач, давлатни бошқариш Траян ихтиёрига ўтган (98-117 йиллар). Бу император сенат билан самимий муносабатда бўлган, эркин фикр айтиш имконини берган.

Траян вафотидан кейин салтанат тахтига унинг асранди ўли Андриан ўтирган. Император Андрианнинг фарзандлари бўлмаган. У ўлими олдидан галлиялик Тит Аврелий Антонинни ўзига ворис деб эълон қилган. Унинг вафотидан кейин Тит Аврелий император қилиб сайланган. Унга Антонин Пий деб ном берганлар.

III-IV асрлар Рим салтанати хўжалигида жиддий қийинчиликларга дуч келинган, қулдорлик хўжалигининг инқирози, эркин ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлиши давридир. Эркин деҳонлар ва ижарачи корондалар ихтиро

қилинган янги қуроллар билан ерга ишлов бериб юқори ҳосил олганлар. Ўроқ аравалар ёрдамида ғаллани ўриб олганлар, чунки улар ўз менатидан манфаатдор эдилар. Қулдорлар эса, янги меҳнат қуролларини қулларга ишониб топширолмадилар. Уларга эски оддий қуроллар берилган. Қуллар меҳнатининг самарасизлигини кўрган кўпгина ер эгалари ўз хўжаликларидаги ерларни кичик-кичик қисмларга бўлганлар. Улар бу ерларни ерсиз эркин камбағалларга ижарага берганлар. Кичик–кичик ерларни ижарага олган кишилар Римда **колонлар** деб аталган.

Рим императорлари ва золимларга қарши курашда ожиз бўлган мазлумлар орасида ўзларига озодлик келтирадиган, золимларни жазолайдиган қудратли худога ишониш вужудга кела бошлайди. Мазлумлар қудратли худо ва унинг марҳаматли пайғамбарларини тоқатсизлик билан кутганлар. Бу худо ва унинг дастлабки пайғамбари Исо эди. Шарқ йилномаларига қараганда, милод бошларида Биби Марямдан бир чақалоқ туғилади. Унга Исо деб ном қўядилар. У ўсиб, улғайиб, пайғамбарлик даражасига эришади. У будпарастлик ва кўп худоликларни қоралаган. Бунга қарши римликлар уни бут ёғочига тортиб, оёқ ва қўлларидан михлаб ташлаганлар. Гарчи у пайғамбар бўлса ҳам, барча азоб-уқубатларга мардонавор бардош берган ва ўлган. У уч кун давомида бут ёғочида қолиб, сўнг тирилган ва арши аълога чиқиб кетган.

Аммо у кетиши олдидан яна ерга қайтиб тушишини айтиб кетган. Исо христианликни тарғиб қилган киши сифатида машҳур бўлган. I аср охири-II асрда Исо ҳақидаги бу ривоят ёзиб олинган. Бу ривоятлар юнонча “Евангелиея”–“хушхабар” деб аталган.

Исо ҳақидаги ривоятларга ишонган ва бу таълимотни қабул қилган кишилар ўзларини **христианлар** деб аташган. Улар ўз динлари ва эътиодларини **христианлик** деб атаганлар. Христиан тарғиботчилари бу таълимотни Ўрта ер денгизининг шарқидаги мамлакатлар бўйлаб тарғиб қилганлар. Кейинчалик христиан дини Рим салтанати бўйлаб кенг тарқала бошлаган. Христианлар орасида яҳудийлар, араблар, юнонлар, мисрликлар, Кичик Осиёликлар, галлар ва бошқа халлларнинг вакиллари ҳам бўлган.

Улар императорларга сажда қилишдан бош тортганлар. Шу боисдан Рим императорлари ва маъмурлари уларнинг

йиғилишларини таъқиқлаганлар. Лекин христиан жамоалари ертўла ва ташландиқ тош конларида тўплаганлар. Императорлардан Диоклетиан христианликка қарши чиқиб, христиан дини аъзоларини таъқиб остига олган. У ўзини худо Юпитернинг ўғли деб эълон қилган. Императорлардан Константин христианликка кириб, уни ҳукмрон динга айлантиришга ҳаракат қилган. У 313 йилда христианларнинг ошқора тўпланишига ижозат берган. Шундай қилиб, христиан дини кул ва камбағаллар динидан умумдавлат динига айланган.

IV асрнинг ўрталаридан бошлаб, Рим салтанатида сиёсий аҳвол ёмонлашган. Тож-тахт учун кураш кучайиб, порахўрлик, давлат мулкани талаш авжига чиққан. Рим қўшинларида интизом бўшашган. Бу ҳол ташқаридан бўладиган ҳужумлардан салтанатни ҳимоя қилиш ишига катта зарар келтирган. Бу даврда эронликлар салтанатнинг шарқий вилоятларига бостириб кириб, шаҳар ва қишлоқларни талай бошлаганлар. Шимолий Африкадаги Мавр, ғарбий Европанинг Рейн ортидаги франк, хунлар, весгот, остгот ва боша қабилалар ҳам салтанатга қарши ҳужум бошлаганлар. Айни пайтда Италиянинг ўзида ҳам менатқашлар ва қулларнинг норозилиги тобора кучайиб, салтанат чор атрофдан сиқиб келаётган душманлар галаси гирдобига тушиб олган.

Варварлар Рим салтанатининг бўлиниб кетишини тезлаштирган. Император Феодосий ўлими олдидан (395 йил) салтанатни икки қисмга ажратиб ташлаган. Болон ярим ороли, Миср ва Кичик Осиёдаги ерлар Шарқий қисмга кириб, унга императорнинг катта ўғли Аркадий император этиб тайинланган. Италия, Европа ва Африкадаги вилоятлар эса ғарбий қисмга кириб, унга императорнинг кичик ўғли Гонорий император бўлиб қолган. Салтанатнинг бўлиниб кетиши уни янада заифлаштириб юборган. Шу муносабат билан салтанатнинг ҳар икки қисмида варвар аслзодалари ва ҳарбийларнинг таъсири кучайиб борган.

Готлар ғарбий салтанатнинг заифлигидан фойдаланиб Италияга уч марта ҳужум қилганлар. Уларнинг Италияга биринчи ҳужуми 402 йилда бўлган. Аммо, вандал саркардаси Стилихон бошчилигидаги Рим қўшинлари готларнинг ҳужумини қайтарганлар. Тез орада Стилихон ўлдирилган.



408 йили готлар Аларих бошчилигида Римга яна бостириб кириб, уни талаб қайтганлар. 410 йили Аларих ўз қўшинлари билан Италияга учинчи марта бостириб киради. Готлар Римни босиб олиб уч кун талайдилар, сўнг Италия жанубига йўл оладилар. Улар ўрта ва жанубий Италий шаҳарларини талаб вайрон қилганлар. Аларих вафот етгач, готлар Атаулф бошчилигида Римга қайтиб келиб, уни яна талаганлар. Шундан кейин улар Римни тарк этиб, Галлия ва Испания ерларига бориб ўрнашганлар. 418 йили Испанияда вестготлар подшолигини ташкил этганлар. Ғарбий Рим салтанати қўл остидаги ўлкалар бирин-кетин унинг таъсиридан чиқиб кетган.

476 йили герман қабилаларининг Римдаги ёлланганқ ўшини саркардаси Одоакр ғарбий Рим салтанатининг сўнгги императори 15 ёшли Ромул Августулни тахтдан ағдариб ташлаган. Рим салтанати тугаши билан ўрта асрлар даври бошланиб кетади.

Италия қабилалари Финикия ёзуви асосида тузилган юнон алифбосини қабул қилганлар ва фойдаланганлар. Бу ёзув кейинчалик лотин алифбоси номи билан машур бўлиб кетган. Қадимги италияликлар ўз ёзувлари асосида кўплаб нодир китоблар яратганлар. Римликлар юнонлар сингари физика, математика, денгизда сузиш, астрономия, гидротехника ва агрономия фанларига жуда қизиққанлар. Улар меъморчилик, гидротехника ва агрономиядан дастлабки қўлланмалар яратганлар. Римликлар куёш ва сув соатларидан жуда эрта фойдаланганлар. Илгари маълум бўлган тақвимларни аниқроқ қилиб қайта ишлаганлар.

Милоддан аввалги II-I асрларда Римда фласафий асарлар ҳам яратилган. Улар орасида Лукреций Карнинг (милоддан аввалги 98-54 йиллар) асарлари диққатга сазовордир. Унинг ажойиб асарларидан бири “Буюмлар хислати ҳақида”ги дostonдир. Буюк олим дунё, одамлар ва нарсаларнинг пайдо бўлишини илмий нутаи-назардан тушунтиришга ҳаракат қилган.

Лукреций Кар машҳур юнон файласуфлари Демокрит ва Эпикурларнинг изидан бориб, табиатдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг атом заррачаларидан ташкил топганлигини таъкидлаган. Лукреций кишиларнинг узоқ ўтмиши билан қизиқиб, уни тош, жез ва темир даврларига бўлган.

Одамлар момақалдиروق, ер тебраниши, улкан денгиз тўлқинлари, каттиқ бўронлар, вулқон отилиши ва сел-совурлардан даҳшатга тушиб кўранлар. Одамлардаги кўрув ва нодонлик, дейди Лукреций, хилма-хил худоларга эътиод қилишни вужудга келтирган. Одамлар кашф этган олов, маъдан, деҳончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, санъат, ёзув ва бошқа нарсалар худоларнинг инъоми эмас, балки инсон меҳнатининг самарасидир. Лукреций диний эътиодларни инсон тафаккурини жиловлаб кўядиган юганга ўхшатган. У табиат, жамият ва кишилар ҳаётида содир бўладиган воқеаларнинг сабабларини илмий асосда тушунтириб беришга ҳаракат қилган. У ўз фикрларини одамларга етказиш учун асарини содда тил билан шеърий услубда ёзган.

Италияда ёзма адабиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши милоддан аввалги V-VI асрларга бориб тақалади. Ўша давр Рим-Италия адабиётининг кўзга кўринган вакиллари Андроник, Энней, Плавт, Катулл ва бошқалардир. Милоддан аввалги I асрлар Рим-Италия адабиётининг “олтин даври” ҳисобланади. Бу даврда Вергилий, Гораций, Тибулл, Секот, Проперций ва Овидий Назон каби машҳур шоирлар ижод этганлар. Цезарнинг дўсти, ўз замонасининг маърифатпарвар кишиси Мецанат бу шоирларни кўллаб-қувватлаб, уларга ҳомийлик қилган.

Шулардан энг машҳури Вергилий бўлиб, у деҳончилик тўғрисида “Георгиклар” номли шеърий дoston яратган. Унинг Гомер дostonлари мавзусида яратилган “Энейда” дostonи алоҳида аҳамиятга эгадир. Вергилий юнон ва Рим афсоналарини пухта ўрганиб, дostonни ёзишга киришган. У дoston устида ўн йил ишлаб охирига етказа олмай ўлиб кетади.

Дostonда Троя шаҳрининг афсонавий ҳимоячиларидан бири маъбуднинг ўғли Эней ҳақида ҳикоя қилинади. Афсонага кўра, камал ичида қолган Троя шаҳри ловуллаб ёнаётган эди. Эней ёнаётган шаҳардан кексайиб қолган отасини елкасида кўтариб олиб чиқади. Улар Трояни тарк этиб, ажойиб ва ғаройиб саргузаштларни бошларидан кечириб, узок саргардонликдан кейин Италияга келиб қоладилар.

Милоддан аввалги I асрда яшаган атоқли шоирлардан бири Овидийдир. У ўзининг “Иш санъати”, “Дард-аламлар” ва

“Понтдан мактублар” номли асарларида Август давридаги аслзодалар турмушини танқид остига олиб, Август ғазабига учраган. У ўзининг бошқа асарларида ўз ғам-аламини ва менаткашларнинг оғир турмушини акс эттирган.

Қадимги Римнинг ўтмиши билан шуғулланган машур тарихчилар қаторига Тит Ливий, Полибий, Саллюстий, Юлий Цезар, Галикарнасс Дионисий, Юсуф Флавий, Корнелий Тацит, Плутарх, Аппиан, Дон Кассий, Каттон, Варрон ва бошқаларни киритиш мумкин. Август даврининг тарихчиси Тит Ливий 142 жилддан иборат “Римнинг таъсис қилингандан буёнги тарихи”ни ёзган. Милоддан аввалги I асрда яшаган Галикарнасс Дионисий “Қадимги Рим ёдгорликлари” деган китоб ёзган. I асрнинг иккинчи ярмида яшаган Ката Плиний ҳам кўп асарлар ёзган. Аммо, унинг асарлари бизгача етиб келмаган.

Корнелий Тацитнинг “Тарих” китобида 68-69 йиллардаги фуқаролар уруши ва Флавий замони тарихи баён қилинган. Унинг “Йилномалар” номли асарида Август ўлими билан Нерон ўлими орасидаги воқеалар ёзилган. 155-235 йилларда яшаган Дон Кассий “Рим тарихи”ни ёзиб, унда ўзига яқин ва замонасида бўлган тарихий воқеаларни анча муфассал баён этган. Цезар ҳам “Галл урушлари ҳақидаги ёзишмалар” ва “Фуқаролар уруши ҳақидаги ёзишмалар” номли тарихий китоблар ёзиб қолдирган. Рим тарихчиларининг асарлари Италия-Рим салтанати тарихини ўрганишда қимматли манбадир.

Римда марказлашган салтанатнинг вужудга келиши тиббиёт фанининг ривжланиши учун қулай шароит яратган. Биринчидан, аслзодалар ўз саломатликларини сақлашга катта эътибор билан қараганлар. Иккинчидан, Римга мамлакатни мудофаа қилиш ва ўзга ерларни босиб олиш учун жанговар ҳолатдаги соғлом кўшин керак эди. Римда тиббиёт ишлари билан қуллар, оддий кишилар, Кичик Осиё, Миср ва Юнонистондан келган кишилар шуғулланишган.

Аслзодалар тиббиёт ишлари билан шуғулланишни ўзлари учун уят деб билганлар. Римда яшаб, ишлаган машҳур табиблардан бири Асклепиад (милоддан аввалги 131-56 йиллар) эди. У асли юнонистонлик бўлиб, Афина ва Искандарияда таълим олган. Асклепиад милоддан аввалги 95 йилда Римга кўчиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган. У беморларни тез ва азоб

бермайдиган усуллар билан даволаган. У яхши жарроҳ ҳам эди. Асклепиад беморларни даволашда тоза ҳаво, уқалаш ва жисмоний чиниқтириш усулларини кенг қўллаган.

Салтанатдаги, айниқса Рим шаҳридаги меъморий бинолар ўзининг катталиги, ҳашаматлилиги ва гўзаллиги билан кишиларни ҳайратга солган. Бу бинолар салтанатнинг куч-қудрати ва бойлигини бошқа мамлакатларга намоёниш қилиб турган. Римликлар юнон меъморчилигининг ютуқларидан самарали фойдаланганлар. Айни вақтда ўзлари ҳам бинокорлик санъатида кўпгина янгиликлар яратганлар.

Арк – ёй шаклидаги бостирмадир. У латинча – аркус – камалак сўзидан келиб чиқан. Усталар Рим шаҳарларининг майдон ва кўчаларида императорлар шарафига зафар аркқлари қурганлар. Кўприклар, сув қувурлари қурилишида аркқлар кенг суратда қўлланилган. Рим усталари тоғлардаги булоқлардан пастга қараб бир текисда озгина нишаб қилиб, сув тармоқлари ўтказганлар. Бундай нишабликни ҳосил қилиш учун пастлик жойларда аркқли кўприклар қурилган. Уларнинг устига сув оқиб ўтадиган тарновлар ўрнатилган. Ўндан ортиқ сув қузури тармоқлари Римга тоғ булоқларидан сув етказиб берган.

Рим усталари император учун муҳташам саройлар, қасрлар, маъмурий бинолар қуришган. Римдаги император термалари ҳам меъморчиликнинг нодир намуналаридан бири ҳисобланади. Термалар иссиқ ва совуқ сувлари бўлган ҳаммомлардир. Римнинг эркин кишилари бўш ватларини термаларда ўтказганлар. Термаларда дам олиш хоналари, ошхона ва кутубхоналар бўлган.

Милоднинг биринчи асрида римлик усталар гладиаторларнинг жанглари учун Колизей амфитеатри биносини қурганлар. Бу амфитеатр ўзининг улканлиги билан кишини ҳайратга солади. Амфитеатр ареналарига бир вақтнинг ўзида 11 минг йиртқич чиқарилган, 10 минг гладиатор бир-бири билан жанг қилган ва йиртич ҳайвонлар билан олишган. Тантаналар узоқ муддатларга мўлжаллаб ўтказилган масалан, император Траян томонидан ўтказилган байрам тантанаси 123 кун давом этган.

Ҳайкалтарошлик Римда ҳам Юнонистондаги сингари анча қадимдан ривожланган. Лекин, Рим ҳайкалтарошлари портретлар яратишда Юнонистон ҳайкалтарошларидан ўзиб кетганлар.

Римда ишланган портретлар одам қиёфасининг ташқи кўринишини аниқ ифодалаш билан бирга унинг хусусиятларини, хулқ-атворини, ақлини, иродасини, қаҳрамонлигини, жоҳиллигини ва очкўзлигини кўрсатиб турарди.

Бу жиатдан Сицион, Ганнибал, Цезар, Помпей, императорлар Август, Траян ва бошаларнинг ҳайкаллари диққатга сазовордир. Рим ҳайкалтарошлиги ўзининг бадий жиҳатдан бойлиги ва хилма-хиллиги билан ҳам ажралиб турарди.

Рассомчилик ҳам тасвирий санъатнинг бир туридир. Қадимги Рим рассомчилигининг асослари этрусклар даврига бориб тақалади. Қадимги этруск рассомлари эркак ва аёлларнинг расмларини ишлашда моҳир бўлганлар. Қадимги Римдаги рассомлик деворий расмларда ҳам ўз аксини топган. Императорлар, аслзодалар ва бой амалдорларнинг саройлари, уларнинг деворларига ҳар хил нақший расмлар чизилган.

Қадим замонларда Италия аҳолиси ҳам юнонлар сингари кўп худолик бўлиб турли нарсаларга сиғинганлар. Улар осмон, сув худоларини ва маъбудаларини жуда ҳурмат қилганлар. Италиянинг атрофи сув билан ўраб олинган эди. Италия қабилалари, хусусан этрусклар денгизда сузиш натижасида дашатли бўронларни, бўронлар натижасида ҳосил бўлган ажал келтирувчи денгиз тўлинларини кўп марта кузатганлар. Табиатдаги кўп нарса ва ҳодисаларнинг сабаблари, сир-асрорлари римликларга маълум бўлмаган. Шу туфайли улар бу нарсаларда қандайдир илҳой куч бор, деб ўша нарсаларга сиғиниб талпинганлар. Римликларнинг илк эътиқодида ибтидоий дин шакллари узоқ давом этган. Этрусклар эътиқодига кўра, уларда Юпитер, Юнона, Минерва, Марс каби ўз худолари бўлган. Бош худо Юпитер бўлиб, Минерва донишмандлик, Марс эса Рим ҳомийси ва уруш худоси ҳисобланган.

Италияликлар юнон худоларини ўзларининг қадимги худоларига қиёс илганлар. Улар Юпитерни Зевсга, Юнонани Герага, Венерани Афродитага, Дианани Артемидага, Минервани Афинага ва Вулканни Гефестга ўхшатганлар. Рим салтанати кучайган вақтда унинг мулклари шимолда бутун Ғарбий Европани, Британиягача, жанубда Шимолий Африка, шарқда Македония, Юнонистон, Парфиягача бўлган ерларга чўзилган эди. Бу жойларда турли қабилалар ва элатлар яшаганлар.

Уларнинг диний эътиоди ҳар хил бўлганки, салтанатда кўп худодлик эътиодининг мавжудлиги шундандир.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Қадимги Италиянинг табиий-иқлимий шароити ҳақида гапиринг?
2. Мил.авв. I минг йилликда Италия худудида яшаган халқлар ва уларни жойлашиш ўрниги айтилинг?
3. Этруск ёзувлари ва уларнинг ўқилиш тарихини биласизми?
4. Қадимги Римда патриций ва Плебейлар ўртасидаги курашлар. Варон қонунлари ҳақида гапиринг?
5. Римда сенатнинг ишлаш тартибини тушунтиринг?
6. Пуни урушлари ва уларнинг натижалари ҳақида нималарни биласиз?
7. Рим ва элин дунёси курашлари, Рим-Пир тўқнашуви?
8. Римнинг Италияни бўйсундириш жараёнини тушунтириб беринг?
9. Биринчи ва иккинчи триумвират ҳақида гапиринг?
10. Принципат тартиби ҳақида маълумот беринг?
11. Христианлик дининг пайдо бўлиши ва Рим империясида тарқалиши тўғрисида тушунчангиз қандай?
12. Диоклетиан даврида Рим империяси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни қандай кечди?
13. Император Константин даврида Рим империяси тараққиёти ҳақида гапиринг?
14. Рим адабиётининг олтин даври ҳақида гапиринг?
15. Қадимги Рим аҳолисининг диний эътиқодлари ҳақида маълумот беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017.- 592 б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон.//Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.

4. Немировский А.И. История Древнего мира: Античность; Учеб. Для студ. высш. учеб. заведений: в 2 ч. – М.: Гуманит. изд. центр, ВЛАДОС, 2000. – Ч. 1. – 448 с.: ил.

5. Немировский А.И. История Древнего мира: Античность; Учеб. Для студ. высш. учеб. заведений: в 2 ч. – М.: Гуманит. изд. центр, ВЛАДОС, 2000. – Ч. 2. – 480 с.: ил.

6. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

7. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

8. История Африки в древних и средневековых источниках. Хрестоматия. 2-е изд., исправ. и доп. – М.: наука, 1990. – 468 с.

9. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с. : табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7

10. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

11. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.— М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.

12. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. – 456 с.

13. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.

#### **Интернет материаллари**

1. [http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)

2. [http:// www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html)

3. [http:// English www.hss.cmu.Edu/history](http://English www.hss.cmu.Edu/history)

## 16-МАВЗУ. ВИЗАНТИЯ ВА РОССИЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ

### Режа:

16.1. Византия – Рим салтанати вориси. Давлат ва жамият бошқаруви.

16.2. Византия маданияти.

16.3. Россия цивилизацияси.

**Таянч иборалар.** Византия, Ромейлар, славянлар, Ника кўзғолони, Юстиниан дигестлари, “Дехқончилик қонуни”, “Миробиблион”, еретик, иконачилик, анафема, София ибодатхонаси, Шарқий славянлар, Киев Руси, Муз устидаги жанг, феодал тарқоқлик, крепостнойлик, консерватория, бадий академия

Византия империяси 395 йил Рим империяси императори Феодосий I вафот этгандан сўнг, унинг ўғиллари Аркадий ва Гонорийнинг Рим салтанатини 2-қисмга Ғарбий ва Шарқий қисмга бўлиб олишлари билан ташкил топади. Византия императори Аркадий бўлиб, унинг қўл остига Болқон ярим ороли, Эгей денгизидаги оролар, Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Миср, Месопотамия, Кавказ орти, Қрим ярим ороли жанублари кирган.

Византия гарчи қийинчиликлар билан бўлсада, варварлар ҳужумларига бардош бера олди. Қулчилик анъаналари V-VI асрларда ҳам сақланиб қолди. Ҳатто VI асрда Ғарбий ҳудудлар (Варвар королликларидан тортиб олинган)да ҳам қулчилик тикланди. Ҳатто VII-VIII асрларда ҳам Византия “Ромейлар” (римликлар) давлати бўлиб қолаверади, чунки Римнинг сиёсий ва маданий анъаналарини сақлаб қолишда давом этмоқда эди. Шундай бўлсада, ижтимоий тартибларда қулчилик тобора кўпроқ кириб кела бошлади. Византиянинг феодаллашишига словянлар (болгар, серб, хорватлар) катта роль ўйнадилар. Улар Византия ҳудудларига келиб ўрнашиб, Германлар Рим империясида қандай роль ўйнаган бўлсалар, шу ролни Византияда славянлар ўйнадилар.



Византиянинг славянлашувига, варвар королликлари, славянлар, шарқда Эрон давлатига қарши тура олган, қулчилик анъаналарини қайта тикланган император Юстиниан (527-565 йй.) бўлиб ҳисобланади. Юстиниан даврида Византия Германлар ва славянлар ҳужумини қайтариб қолмасдан балки уларга қарши ҳужумга ҳам ўта олди. У Ғарбий Рим империяси ҳудудларини ҳам ўзига қўшиб олиш учун курашди. Унинг саркардалари Велизарий, Нарсеслар 534 йил Шимолий Африкадаги Вандал короллигини, 555 йил Италиядаги Остгот короллиги, шу йили Испаниянинг Жанубий Шимолда хунлар, Шарқдан Эрон билан тўқнашувлар барбод қилади.

Юстиниан давлат бошқаруви, қонунчилик борасида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилади. Унинг ҳукмронлиги даврида барча Рим императорлари қонунлари тўпланиб, Трибониан бошчилигида 528-34 йилларда “Граждан ҳуқуқлари тўплами” ишлаб чиқилди. У тўрт қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмида 12-томдан иборат Рим императорлари қонунлари тўплами, 2-қисмда Рим ҳуқуқининг турли соҳаларига оид, Рим юристларининг дегистлари (50 китобдан иборат, 3-қисм институция деб номланиб, судьялар ва юристлар учун 1 китобдан иборат қўлланма бўлса, 4-қисм новеллалардан иборат бўлиб, у дастлаб кодексларга кирмаган. 535 йилдан Юстиниан умрининг охиригача қабул қилган қонунларидир. Юстиниан қонунларида кишилар икки гуруҳга, қарам (қул) ва эркин кишиларга бўлинсада қулларни эркинликка қўйиб юбориш, колонлар тўғрисидаги қонунлар империянинг феодаллашишидан далолат берар эди.

532 йилги Ника қўзғолонларидан кейин Юстиниан йирик ер эгалари, сенаторлар, магнатларга қарашли ерларни бир қисмини черковлар ва ҳарбий хизматчи, кам ерли, ерсиз деҳқонларга бўлиб беришга эриша олди. Маъмурий бошқарувда Марказий ҳокимият ролини ошириш учун, маҳаллий ҳудудлардаги иккинчи даражали мансабдорларни ҳам император буйруғи билан тайинлаш тартибини жорий қилади. Туз, ипак ва бошқа бир қатор маҳсулотлар савдосида давлат монополияси ўрнатилади.

Византия феодаллашув жараёнини VII асрда яратилган “деҳқончилик қонунлари” китобида айниқса аниқроқ намоён бўлади. Қонунларда Византия деҳқон жамоаларининг ердан

фойдаланиш тартиби куйидагича бўлган. Жамоа ерлари ҳар йил баҳорда жамоа аъзолари ўртасида тақсимланган. Ҳосил йиғиб олингандан сўнг, барча ерлар яна жамоа мулки ҳисобланиб, жамоа эгалари чорва молларини боққанлар, деҳқончилик қонунларида апрах – деҳқонлар, яъни ерни ижарага олиб ишловчи деҳқонлар ҳам тилга олиниб, улар йирик хусусий ер эгалари ва жамоадан ер ижарага олиб, ҳосилнинг ярмини ер эгасига берганлар. Йирик ер эгалари ҳосилни ўндан бирини тўловчи мортитлар ҳам тилга олиниб, улар эркин жамоачиларнинг йирик ер эгасига иқтисодий қарам бўлиш жараёнидаги дастлабки кўринишлардан бўлиб ҳисобланади.

Византия маданияти илк ўрта асрларда Европадаги энг илғор фан ютуқлари натижасида юзага келган десак хато бўлмайди. Чунки Византия Рим империяси вориси сифатида антик давр анъаналарини, илм-фанини давом эттириш билан бирга, шарқдаги билимлар ва империя яхлитлиги эвазига юқори маданий ютуқларга эришди. Айниқса, қасрлар, ибодатхоналар қурилишида бу ўз аксини топди. 532-538 йилларда қурилган муқаддас София черкови ўз даври учун йирик ва бетакрор архитектура намунаси бўлиб қолади. Бино сўнгги Рим императорлари томонидан қурилган иншоотларга ўхшаб кетсада, антик архитектура намуналарини (ички устунлар, колонада) ҳам ўзида акс эттирган, шунингдек, Шарқ анъаналари (қимматбаҳо безаклар бериш, йирик қубба)ни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Тарих фани соҳасида Прокопий Кесарийский (“урулар тарихи”, готлар, форслар), “қурилишлар тарихи”, “сирли тарих” каби асарларида нафақат Византия балки унга қўшни халқлар тарихига оид қимматли маълумотлар мавжуд. VI асрда яшаган Агафий Прокопий маълумотларини бир қадар тўлдиради. Аниқ фанлар соҳасида София ибодатхонасини қуришда иштирок этган Александр Тралльский, Павл Эгинский, математик механиклар исмдор Милетский, Анфимия Тролльскийларни таъкидлаш лозим. Географлардан Козьма Индикоплавт ўз даври учун энг аниқ харита чизгани билан алоҳида ажралиб туради. Юстиниан замони ва ундан кейинги оғир урушлар даврида халқ аҳволи оғирлашди. Шунингдек турли еретик секталар фаолияти ҳам кучайиб борди. V-VII асрларда империя учун монофизистлар ва несторианлар айниқса хавфли тус олади. Монофизистлар – V

асрда шаклланиб, улар Исони оддий инсон эмас худо деб ҳисоблаганлар. Несторианлар эса ғарбдаги Арианликка ўхшаб, Исони оддий инсон деб ҳисоблаганлар. Бу оқимлар Миср, сурия, Месопотамия худудларида кенг тарқалган эди. Византия маданияти Шарқий Европа халқларига ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Византия архитектураси анъаналари асосида Болгария (София ибодатхонаси), Киев ва Новгороддаги София ибодатхоналари ўз даврида Византия услубидаги архитектура услубида қурилган эди. Византия маданияти айниқса, рус маданиятига катта таъсир кўрсатди. IX-XI асрларда ҳам Византияда деворга фрескалар ва тасвирий санъат намуналари асосида ишлов бериш, мозаик тасвирлар тасвирлаш усуллари ривож топади. Ювилер буюмлар, ўймакорлик, металга ишлов бериш Европада энг тараққий этган эди. Шунингдек, қуролсизлик, кемасозлик, тоғ-кон ишлари ҳам тараққий этган эди. IX-XI асрларда Константин VII Багрянороднийнинг “Империяни бошқариш”, “Фемлар ҳақида”, “Одатлар ҳақида” асарлари, Патриарх Фотий (820-891 йй.)нинг “Мириобиблион”, Иоанн Малала, Феодан, Георгий Амартол, Анна Комнин, Никита Акоминат каби тарихчиларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг асарларида Византия ва унга қўшни халқлар салиб юришлари каби масалалар ёритилган.

Византияда христиан динининг провослав черкови ҳукмрон мавқега эга эди. Лекин Ғарбдаги католик йўналишидан анча фарқ қила бошлаганди. Провослав черковига Эрон билан бўлган урушлар рақобат натижасида Эрон худудларидан моний ва маздак оқимлари зардушт руҳонийларидан қочиб Византия худудларига кириб кела бошладилар. Натижада бу оқимлар христиан провослав динига сингиб, ҳатто монийлик христианликда Павликанлик йўналишига айланиб кетади. Католик мазҳабидаги мамлакатларга ҳам кириб боради. Монийлик таъсирида илоҳий иконалар чизишлар ва уни илоҳий қудратига ишониш кучайган даврларда ҳатто иконачилик (бутпарастликка) қарши кураш жараёнлари ҳам бўлиб ўтди.

Павликанлик еретик мазҳаб деб эълон қилинди. Христианликни католик ва провослав мазҳабларига ажралиб кетиши 1054 йили Рим папаси ва Константинопол патриархи бошқарув тизимидаги ибодат тили, одатлари устида

келишмовчиликлари туфайли жанжаллашиб, бир-бирларига анафема (лаънат) ўқишади. Католик мазҳабидан фаркли Провослав черкови марказлашмаган ташкилот бўлиб, рус цивилизациясининг дастлабки даврларида рус митрополитини Константинопол патриархи тайинласада, Митрополит мутлақо мустақил фаолият олиб борган.

Архитектура икки даврда қулдорлик (IV-V) аср ва феодализм (6-15 асрлар) даврларига бўлинади. Зафартоқлари, черковлар қурилишида базилика кенг расм бўлди. Кичик Осиё, Сурия (калоб – лузех, 480 й.) ва Калат-Семан (5 аср) базиликаси кейинчалик София ибодатхонаси (гумбаз диаметри 31,5 м, баландлиги 55 м.) қурилишида кенг қўлланилди. 7-8 асрдан бошлаб гумбазли ибодатхоналар Фессолоника собори, Константинополдаги Андрей Хрисис, Феодосий, 11-12 асрларда бу анъаналар давом этиб, Фессолоника Биби Марям (11 аср), Пантелей Мон (12 аср), Афинада Феодор (11 аср) ибодатхоналари Шарқ ва Ғарб анъаналарини уйғунлаштирган эди.

Тасвирий санъат юнон, Рим, Ғарбий Европа, Жанубий Словян, Шарқ санъати уйғунлигини кўриш мумкин. Асарларда соя, чизиклар ва рангдорлик ниҳоятда ифодали бўлган. Равенадаги Сан-Виталле чреокив (547 й) Никидаги успенсиа (7 аср) Дофнадаги монастр (11 аср) мозоика ва фрескалар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Минатюралари асарлардан китобларни безаш ва бадавлат кишилар портретларини жамлаган “Исусовин ўрамли ёзувлари” (7 аср) “Париж пластри” (10 аср) ва бошқаларни келтириш мумкин. Мусиқа санъатида профессионал мусиқа эвфемик (пардали сўзларни ибодатхоналарда қироат билан айтиш, орган, труба жўрлигида ижро этиш рам бўлган. Забур, инжил оятлари ижроси кенг тарқалган. 5-6 асрларда яшаган шоир ва мусиқачи Роман Кондак деб номланувчи мадҳия-гимнлардан мураккаб компоцизиялар тузган. 7-8 асрларда яшаган критлик Андрей Конон деб аталган бандма-банд мадҳиялари кенг тарқалган. 8 асрда яшаган Ион Дамаский муножотларнинг энг атокли муаллифидир. 9 асргача Византия мусиқаси Европада пешқадамлик қилган. Кейин инқирозга юз тутган.

5-6 асрларда фалсафада неоплатонизм ҳукмронлик қилар эди. Уни Прокл Диодох (410-485 йй.) системалаштирган эди. 4

асрда яшаган Серен Антинейский конус ва цилиндрнинг кесишишини тадқиқ қилди. Феон Александрийский математикадан ташқари оптика ва астрономия билан шуғулланди. Врач Орибасий (326-403 йй.) медицина энциклопедиясини яратди. 4 асрда Константинополда олий дунёвий мактаб очилади. У 7 асрда ёпилиб 9 асрда қайта очилади. Энг машҳур файласуфлари Михаил Пселл (1018-1078), Иоан Итол (11 аср) фалсафа ва черков бир-биридан мустақил, уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳақиқатни алоҳида таҳлил қилади деб ҳисоблайдилар.

8-9 аср бўсағасида феодал муносабатларнинг ривожланиши натижасида маркази Киев бўлган илк феодал давлати – Қадимги Рус давлати пайдо бўлди. 988-989 йилларда христиан дини қабул қилинди. 11 асрда Шарқий Славянларда феодал тузум қарор топди.

Печенег (бижинак) ва қипчоқлар ҳужумини қайтарган Киев Руси Шарқий Европадаги йирик давлатга айланди. Киев Руси давлатининг равнақи Владимир Святославич (тахм. 980-1015 йилларда идора қилган) ва Ярослав Мудрий (1019-54 йилларда идора қилган) фаолияти билан боғлиқ. Феодал муносабатларнинг ёйилиши ҳамда синфий курашнинг кескинлашуви янги феодал марказларнинг юксалиши ва маҳаллий феодаллар ҳокимиятининг кучайишига олиб келди. Владимир Всеволодович Мономах (1113-25 йилларда идора қилган) Киев Руси давлатини ўз қўлида сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Аммо улуғ князь Мстислав Владимирович вафоти (1132)дан сўнг қадимги рус давлати парчаланиб кетди. Киев русидан Владимир Суэдалъ князлиги, Галич – Волин князлиги, Новгород феодал республикаси ва бошқа давлатлар ажралиб чиқди. 1223 йили жанубий рус князликлари мўғул-татарлар билан Калка дарёси бўйидаги жангда мағлубиятга учради. 1236 йили мўғул-татарларнинг Шарқий Европага юриши бошланди. Улар Волга-Кама Булғориясини, 1237 йили Рязань ва бошқа шаҳарларни вайрон қилдилар. Айни вақтда рус давлатига ғарб томондан ҳужум бошланди. 1240 йили шведлар бостириб кирди. Рус қўшинлари Нева жанги (1240)да Александр Невский раҳбарлигида шведларни, 1242 йилги Муз устидаги жангда немисларни тор-мор келтирди. Феодал тарқоқликнинг кучайиши ва мўғул-

татарлар хавфи натижасида жанубий ва ғарбий рус ерлари кучайиб келаётган Буюк Литва князлигига, Закарпатье, Венгрия, Галиция ва Польша қўл остига ўтиб кетади. Феодал тарқоқлик мўғул-татарларга қарши кураш билан бир жараёнга тўғри келди. 15-16 асрларда Москва князлиги атрофида бирлаштирилди. Иван IV Грозный (1533-84) даврида Қозон, Астрахань хонликлари Сибирь ғарбий қисми забт этилди. 15 асрнинг охири 16 асрнинг бошларида рус халқининг шаклланиши жараёни бўлиб, Россия деган ном шу даврдан бошлаб ишлатила бошланди. Россияда 1604 йил швет феодаллари 1611-12 йилларда Польша қўшинлари бостириб кирди. Пётр I (1700-1721 йй.) даврида мунтазам армия ҳарбий денгиз флоти тузилди. Боярлар думаси тугатилиб, сенат ва коллегиялар тузилди. 1700 йилда янги календарга ўтилди. Россия Ўрта Осиёга ва Узоқ Шарқ минтақасига мустамлакачи сифатида кириб кела бошлади. 1812 йил Наполеонга қарши оғир уруш бўлиб, Россия ғалаба қозонди. Александр II даврида (1861) Россиядаги 22,5 млн Крепостной деҳқонлар чиқарилди.

Рус адабиёти унинг бой оғзаки ижодиёти 11 асрдан бошлаб шакллана бошлади. Меҳнаткашларнинг аҳволи, ташқи душманларга қарши кураш Иля Муромец, Добриния, Василий Балислав каби қаҳрамонлар образи сифатида гавдаланди. Ёзма адабиёт 11 асрда шакллана бошлади. 14-15 асрларга оид Новгороддилар ва суздаликлар жанги ҳақидаги афсона Иоан Новгородский ҳақидаги афсоналар цикли етакчилик қилди. 15-16 асрларда экспрессив эмоционал услуб (афсона ва публицистика) услуби устунлик қилди. 17 асрдан бошлаб рус адабиёти тематик ва услуб жиҳатидан бойиди. А.С. Пушкин реалистик поэзия жанрини яратди. М.Ю. Лермантов бу анъанани давом эттирди.

9-10 асрларда рус шаҳар маданияти шаклланди. 10-13 асрларда фрезка-мозаика санъати, китоб минатюраси ривожланди. 16 асрда Москвада тош ибодатхоналарнинг чодирсимон томли миноралари вужудга келди. 17 асрда рус тасвирий санъатида дунёвий мазмун кенгайди. Асрнинг ўрталарида қурол палатаси бадийий марказга айланди. 1757 йилда Петербургда бадийий академияга асос солинди. Рус муסיқаси славян қабилалари муסיқасига яқин бўлиб, меҳнат, маросим, лирий қаҳрамонлик, рақс кўшиқлари, хор, муסיқа шакли ривожланган. Асосан муסיқа асбоблари гусли, доира, балалайка,

гитара, гармон ва бошқалар бўлган. 998 йил христиан дини қабул қилинган чарвоқ хонандалиги қабул қилди. 1859 йил А.Рубинштейн ташаббуси билан рус музика жамяти тузилди. 1862 йил Петербургда, 1866 йилда Москвада консерватория очилди.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Шарқий Рим империяси таркибига кирувчи ҳудудларни аниқланг?
2. Юстиниан ҳукмронлиги даврида Византиянинг идтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёти ҳақида гапиринг?
3. Византиянинг феодаллашувида асосий ролни ўйнаган халқларни аниқланг?
4. Юстиниан қонунлари ҳақида нималарни биласиз?
5. “Дехқончилик қонунлари” асари Византия жамятининг қайси жиҳатларини очиб беради?
6. Авлиё София ибодатхонаси қурилиши ҳақида гапиринг?
7. Византияда яшаган тарихчилар ва уларнинг асарларини санаб ўтинг?
8. V-VII асрларда Византияда диний еретик секталар фаолиятини биласизми?
9. Қадимги Рус давлати вужудга келиш жараёнлари ҳақида гапиринг?
10. Русда христианлик динининг қабул қилиниш жараёнларини тушунтиринг?
11. Русда феодал тарқоқлик қачон бошланда?
12. Калка дарёси бўйидаги жанг ҳақида гапиринг?
13. Александр Невский ва унинг Швед феодаллари, немис рицарларига қарши курашлар тарихини биласизми?
14. Россияда реалистик поэзия жанрини яратган ва ривожлантирган адибларни айтинг?
15. Россияда консерваториялар қачондан бошлаб очила бошланди?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017 .- 592 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Пигулевская Н. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV-VI вв. – М.: Издательство академии наук СССР, 1951. – 408 с.

4. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.

5. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под. Редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

6. Семёнов В.Ф. История средних веков. Учебник для студентов ист. фак. пед. ин-тов. Изд. 4-е. – М.: Просвещение, 1975. – 590 с. с карт.

7. История Африки в древних и средневековых источниках. Хрестоматия. 2-е изд., исправ. и доп. – М.: наука, 1990. – 468 с.

8. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с.: табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7

9. История цивилизаций: [Учеб.пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб.и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.

10. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.

#### **Интернет материаллари**

- 1.[http:// history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)
2. [http:// www.ucr.eduFh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.eduFh-gig/horuslinks.html)
3. [http:// English www.hss.cmu.Edu/history](http://Englishwww.hss.cmu.Edu/history)
- 4.[http:// www.ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)
- 5.<http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml> //
- 6.[http:// www.lib.byu.edu/-rdh/www//](http://www.lib.byu.edu/-rdh/www//)
- 7.[http:// classics.mit.edu.](http://classics.mit.edu)
- 8.[http:// www.washlaw.edu/forint//](http://www.washlaw.edu/forint//)
- 9.[http:// www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)
- 10.[http:// www.yale.edu/acuns/](http://www.yale.edu/acuns/)



## 17-МАВЗУ. ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### Режа

17.1. Антик мерос ва Христианлик. Ўрта асрларда Ғарбий Европа жамияти.

17.2. Буюк географик кашфиётлар. Реформация жараёнлари. Европада инқилоблар.

17.3. Капитализм. Шахсинг янги типи. Европа давлатларининг мустамлака системаси

17.4. Саноат инқилоби. Саноатлаштириш даврида Ғарб маданияти. Оммавий маданият.

**Таянч иборалар.** Антик давр, черков, “Худо шахри”, муқаддас Рим империяси, Ганза иттифоқи, университетлар, готик, барокко, индустриалолди, буюк географик кашфиётлар, мустамлакачилик империялари, саноат тўнтариши, уйғониш даври, инқилоблар, АҚШ дунё раҳнамолиги, оммавий маданият

Ғарб цивилизацияси-ҳозирги кунда Европа, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландия ва Жанубий Америкада давлатларини маданий, сиёсий ва иқтисодий ўзига хосликни бирлаштирган жараён бўлиб ҳисобланади. Ғарб жамияти ва цивилизациясининг ўзаги антик даврда шаклланди. Ахлоқий қадриятлар, хусусий мулк муносабатлари, ҳокимиятнинг ташкил этилиши, ҳуқуқ ва эркинликлар учун курашлар бир сўз билан айтганда ижтимоий-маданий анъаналар антик даврда вужудга келди ва Ғарб цивилизациясининг бугунги кунгача бўлган жараёнларида ўз таъсири ўтказиб келмоқда. Антик даврнинг сўнгги хронологик даври ва илк ўрта асрлар даврида Ғарб цивилизациясининг ривожини христиан дини тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда кечди. Ғарб цивилизациясининг қадриятлари сифатида индивидуал танлов эркинлиги, рационаллилик кабилардир.

Антик давр сўнггида Рим империясидаги тушкунлик, варвар королликларига тобелик кучайиб бораётган даврда христианликка ўтиш ва ота-боболар динидан қайтиш Рим буюклигига зарба берди деган ғоя шаклланди. Ушбу ғояга қарши христиан илоҳиётчилари “Худо подшолиги”, “Икки

шаҳар” (Аврелий Августин) каби назарияларни ишлаб чиқдилар. Аммо, христиан черкови ҳукмронлиги даврида ҳам империя ғояси йўқолмади. Варвар королликлари даврида VIII-IX асрларда ҳам Римни тиклаш, Ғарбий Европа жамияти яхлитлиги учун курашлар бўлган. Рим империяси 476 йил қулагшандан сўнг, Франк қироли Буюк Карл (742-814 йй) юришлари туфайли Франклар давлати эбрордан Элбага, Ла-Маншдан Адриатика денгизига қадар ёйилиб, 800 йилда Папага таҳдид бўлиб турган Лагобардларни мавф этгани эвазига Карлга папа Лев III императорлик тожини кийгазди. Ғарбий Европа жамияти илк бора ўрта асрлар даврида ягона цивилизацияон жараёнлар атрофида бирлашди. 843 йилги Верден шартномаси Европанинг уч замонавий давлати вужудга келиш жараёнига тамал тоши қўйди.

Муқаддас Рим империяси (962 й)нинг вужудга келиши Оттон I (912-973 йй) Ғарбий Европа жамиятини бирлаштириш йўлидаги иккинчи уриниш эди. Антик мерос ва Рим императорларининг ворислари сифатида немис миллати императорлари ҳозирги Германия ерлари, Шимолий ва Ўрта Италия, Чехия ва Бургундияни бошқарди. Оттон III (980-1002 йй) эса, умум Европа цивилизациясини Римдан туриб бошқаришга ҳаракат қилди. Умум Европа яхлитлиги ва тараққиёти жараёнларини ҳарбий ва сиёсий куч билан бирлаштириш цивилизацияон жараёнлар олдида ожиз бўлиб, феодал жамият ва черков ҳукмронлиги ўсиб бораётган даврда бу ғоя атрофида инсонларни бирлаштириш мураккаб ходиса эди. Натурал хўжалик, ишлаб чиқаришнинг паст даражаси, ягона бозорнинг бўлмаслиги, вилоятлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланмаганлиги ягона цивилизацияон яхлитлик ғояларига тўсқинлик қиларди. Шунга қарамай Европа яхлитлиги ғояси қитъадаги кейинги цивилизацияон жараёнларда муҳим аҳамият касб этди.

Ривожланган ўрта асрлар даврида Европа цивилизациясида икки иқтисодий марказ вужудга келди. Шимолий савдо йўлларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган ва 80 та шаҳарларни бирлаштирган Ганза (1241-1356 йиллар оралиғида шаклланган) иттифоқи ва жанубдаги Венеция, Генуя марказлари. Ушбу марказлар XIV-XV асрларда Европа давлатларида марказлашиш жараёни

бошлангунга қадар ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказлар бўлиб, Европа цивилизацияси тараққиётида муҳим ҳисса қўшдилар. Сўнгги ўрта асрлар давомида Ғарбий Европада миллий давлатларнинг вужудга келиши, марказлашиш жараёнлари бошланиб, Франция, Испания, Англия ва ўрта асрлар сўнггида бутун Европада мустақил, шу билан бирга бир-бири билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар билан боғланган кўплаб давлатлар ягона цивилизация жараёнларга тортилган эди.

Ягона бозорнинг вужудга келиши ва миллий давлатларнинг шаклланиш жараёнларига X-XI асрлардаги Европа хўжалик ҳаётидаги сифат ўзгаришлари туртки бўлди. Дастлаб шаҳарларнинг вужудга келиш жараёни, уларнинг савдо-ҳунармандчилик марказларга айланиши ва сеньорларга қарши кураши, буржуазиянинг шаклланиши шаҳарликларнинг қиролни қўллаб-қувватлаши, феодал ва руҳоний табақасига қарши чиқишлари содир бўлди. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жипслашу Англияда парламент (1265 й), Францияда Генерал-штатлар (1302 й) каби тоифавий вакиллик органларининг ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тузила бошланди. Ривожланган ўрта асрлар давридаги шаҳар республикалар гарчи олигархлар ҳукумронлиги остида бўлсада, ўз даври учун анча илғор бошқарув тартиби эди.

Ўрта аср Ғарб жамиятига хос хусусиятлардан бири тоифаларнинг мавжудлиги эди. Тоифа бу - қонунларга кўра мерос бўлиб ўтадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ижтимоий гуруҳ (қатлам). Ўрта аср Ғарб жамияти учта тоифага бўлинган: руҳонийлар, дунёвий феодаллар ҳамда шаҳарликлар ва деҳқонлар тоифаси. Ўрта аср Ғарб цивилизациясининг ўзига хос жиҳатларидан бири корпоративлик эди. Ўрта аср кишиси ўзини доимо жамоанинг бир қисми сифатида ҳис қилган. Турли белгиларга кўра кишиларни бирлаштирган бу корпоратсияларга мисол тарзида қишлоқ жамолари, ҳунармандчилик цехлари, монастирлар, диний-руҳонийлик орденлари, ҳарбий дружиналар ва ҳ.к. кўрсатиш мумкин.

Ўрта аср Ғарб цивилизацияси характерли белгиларидан бири католик мазҳабининг ҳуқумрон мавқеи эди. Инсоният тарихида диннинг энг кучли таъсир кўрсата олган давр эди.

Жамият ахлоқи, фалсафа, илм-фан, санъат, барча ижтимоий ҳодисалар теологик дунёқарашга бўйсундирилган эди. Европанинг христианлашуви бутун Ғарб цивилизацияси характериға таъсир кўрсатди. 1054 Константинопол патриархи ва Рим папаларининг ўзаро бир бириға анафема эълон қилиши христиан черковининг иккиға бўлинишиға олиб келди. Бу эса, Европанинг ҳам диний мазмунға кўра бўлинишиға сабаб бўлди. Католик черкови ҳокимиятнинг қатъий марказлашувини талаб қилар эди. Ўрта аср Европасида маориф тизими деярли тўлиқ черков қўлида эди. Черковнинг таянчи бўлиб хизмат қилган монастирлар бора-бора маориф марказларига айланди. Монастир ва черков мактабларида етти эркин санъат ўқитилган. Черков учун энг муҳим масалалардан бири дунёвий ҳокимият билан муносабат эди. 413 йилда Аврелий Августин “Худо шаҳри” ҳақида асар ёзиб, черков ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принципларини яратди. Августиннинг фикриға кўра, Ер ҳокимияти Худо шаҳриға яқин бўлган черков ҳокимиятидан пастда туради, демак, дунёвий ҳокимият черковға бўйсунуши лозим. Ушу назария Григорий VII (1073-1085 йй) ва Генрих IV (1056-1106 йй) шртасидаги курашлар ва Вормс конкордати (1122 й) га олиб келди. Шарқ мусулмон мамлакатларига салб юришининг ташкилотчиси ҳам католик мазҳаби руҳонийлари бўлдики, унга қатнашишдан бирор қирол бўйин товлай олмасди. Черковнинг қироллар устидан ҳукмронлиги миллий давлатлар вужудға келгунға қадар бўлган даврда черков ҳукмронлигининг асосий қуроли бўлиб хизмат қилди. Черков Ўрта асрлар даврида ўз ақидаларига қарши бўлганларни бидъат (еретик)ликда айблаб улардан шафқатсиў ўч олган. Пеллагийлик, аррианлик, донатистлар, циркумцеллионлар, албигойлар каби христиан оқимлари ҳам шафқатсиз қирғин қилинганди.

Черков билиш, эътиқод масалаларида ўз догмаларига эга бўлиб, унга қарши кураш жараёнида ўрта асрлар сўнггида рационалистик қарашларнинг кучайишиға, Европада янги типдаги эркин, фаол, тадбиркор инсонни шакллантиришға хизмат қилди. Ёзувнинг кенг тарқалиши ва китоб чоп этишнинг кашф этилиши интеллектуал фоллят доирасининг кенгайишиға хизмат қилди. XI асрдан вужудға кела бошлаган бошлаган ўрта аср университетлари билим ва маданият ўчоғиға айланди. 1500 йилда

бутун Европада 65 та университет бор еди. 1088 йилда Италиянинг Болоня университети, 1096 йилда ва 1117 йилда расман университет сифатида шаклланган Оксфорд, ва 1209 йилда очилган Кембридж университетлари Европадаги илк университетлар эди.

Ўрта асрларда дунёвий санъатда ҳам нодир асарлар яратилди. Адабиёт соҳасида бугунги кунда жаҳон адабиётининг дурдоналари қаторига кирган асарлар чоп этилди. Меъморчиликда (Вормс, Шпеер, Майнтс, Шартр шаҳарларининг соборлари) роман, (Париж Биби марями ибодатхонаси, Милан, Страсбург соборлари) готика услублар намуналари ўзига хос меъморий ечими билан машҳур.

Ғарбий Европа цивилизацияси ривожда XVI-XVIII асрлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. хўжаликнинг ривожланиши, эски ва янги анъаналар, маънавий ҳаётнинг турли шакллари ўртасидаги кураш, беқарорлик, ўсиб бораётган тартибсизликлар, инқирозлар ва инқилоблар билан тўла бўлган бу давр дунёда Европага сиёсий ва иқтисодий етакчилик қилиш имконини яратди. бу даврни (XIV-XVII асрлар) индустриалолди цивилизациясини гуманизм бошлаб берди. Гуманизм даврида фанда қатор ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этила бошланди. Натижада умумий бозор чегаралари кенгайди, жаҳон савдо иқтисодий бозори вужудга келиш жараёнлари содир бўлди. Капиталнинг жамланиш жараёни, савдо, саноат, денгиз транспорти, қисман қишлоқ хўжалигида капиталиктик муносабатлар юзага кела бошлади. Миллий давлатларда абслютизм даври содир бўлди. Буюк географик кашфиётлар мустамлакачилик системасига кенг йўл очди. Жамиятнинг ижтимоий ва маънавий қиёфаси ўзагагиб, моддий маданият устунлиги ўрнатилди бошланди, эркин хусусий мулк эгаси пайдо бўла бошлади, бозор учун рақобат юзага келди.

Модернизатция, урбанизатсия (шаҳарларнинг ва шаҳар аҳолисининг ўсиши), индустриализатсия (Англиядаги саноат инқилоби), табиат ва жамият ҳақидаги билимларнинг ўсиши, тафаккурнинг инсоннинг ўрни ва роли ҳақидаги янги тизими шакланди. Давлат ҳокимиятининг илоҳийлиги ҳақидаги тушунча йўқолди. Индустриалолди даври кишиси шароитга мослашувчан бўлиб, ўзини бир синф ёки миллатнинг бир қисми

деб билган. хўжалик тараққиёти аҳолининг ўсишига олиб келди. Агар XV асрга келиб Европа аҳолиси 100 млн. киши бўлса, XVI асрда аҳоли сони 115 млн. кишини ташкил этар эди. Аммо ўртача ёш 30-35 ёшни ташкил этарди. Европа аҳолисининг 80-90% зи ҳали қишлоқларда яшарди.

Буюк географик кашфиётларнинг дастлабки даврида XV аср охири – XVI аср бошида (испанлар ва португаллар) Б.Диас, Х.Колумб, Васко да Гамаларнинг туфайли Ғарбнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари кенгайди. Иккинчи босқичда XVI аср ўрталаридан XVII аср ўрталаригача (голландлар, инглизлар ва французлар) қилинган кашфиётлар глобал океан цивилизациясини бошлаб юборди. Жаҳон савдо йўлларининг Ўртаер денгизидан Атлантика океанига кўчиши туфайли Европанинг етакчи савдо марказлари ўзгарди. Буюк географик кашфиётлар саноат ва савдонинг ривожига, капиталистик муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилди. Аммо, бойишга, христианликни бошқа халқлар орасида ёйишга интилиш бошқа нисбатан кам тараққий этган маданиятларнинг йўқ қилинишига (инклар, атстеклар, майялар), шармандали қул савдосининг юзага келишига олиб келди.

Капитализм кириб келиши, янги типдаги одамнинг шаклланишига илм-фан ва инсонлар онгидаги ўзагришлармуҳим аҳамиятга эга бўлди. Николай Коперник, Джордано Бруно, Галилео Галилей, Тихо Браге, Иоганн Кеплер, Галилей, Торричелли, Декарт и Паскал каби олимларнинг кашфиётлари черков догмаларига зарба бўлиб, инсонларнинг янгича фикрлашга ўтиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ижтимоий-фалсафий қарашларда Френсис Бекон, Рене Декарт, Томас Мор, Николо Макиавеллилар кириб елаётган капиталистик жамиятнинг илк ғоявий мафкурачилари бўлдилар. Фан тараққиёти, жамоатчиликнинг унинг имкониятларига эътиборининг ошиши янги типдаги илк илмий жамиятларнинг яратилишига туртки бўлди. Лондон қироллик жамияти (1666 й), Франция фанлар қироллик академиясини илк илмий жамиятлар эди.

Европадаги индустриалолди цивилизацияси ягона умумевропа яхлит маконини шаклланиш йўлидан борди. Сиёсий марказ зиддиятли бўлиб, XVI-XVII асрларда Англия, Франция ва

Испания Европанинг сиёсий марказларига айланди. Ўша даврнинг энг кучли зиддиятларидан бири бўлган феодал Испания ва туғилиб келаётган буржуазия ватани Нидерландия ўртасидаги кураш, Европада 1566-1609 йиллардаги биринчи буржуа инқилобига олиб келди. Биринчи умумевропа уруши-Ўттиз йиллик (1618-1648 йй.) уруш Реформация ва унга қарши контрреформация жараёнлари эди.

Индустриалолди цивилизацияси даврида маданият соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. XVII асрда юзага келган классицизм абсолют монархиянинг ўрнатилиши ва мустақамланиши жараёнида содир бўлди. Классицизм антик анъаналарани қайта тиклаш, сиполик, уйғунлик ва ратационализмга қайтишни тарғиб этарди. Классицизмнинг сўнгги босқичида Наполеон даврида ампири услуби шаклланди. XVII-XVIII асрларда Европа меъморчилигида барокко услуби устунлик қилди. Абсолютизмнинг инқирози даврида рококо услуби шаклланди.

Индустриалолди ёки ренессанс даври Проторенессанс (XIII асрнинг иккинчи ярми-XIV асрлар), Илк Ренессанс (XV аср), Юқори Ренессанс (XV асрнинг охири-XVI асрнинг 20-30 йиллари) ва Сўнгги Ренессанс (XVI аср) ўз ичига олади. Уйғониш даври инсоният ўз бошидан кечирган ўзгаришлар ичида энг буюк прогрессив ўзгариш эди. Бу давр ижодкорлари халқ оммасининг орзу-истакларини, ҳис-туйғуларини ифодалаб чиқдилар, илғор гуманистик ғояларни кўтариб чиқдилар.

Ўзгариб бораётган Ғарб дунёсининг черковга бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Виттенберг университети профессори Мартин Лютер (1483-1546 йй) таълимоти асосида Германияда вужудга келган реформация черковнинг янги давр талабларига мослаб янгиланиши, кўплаб черков ақидаларининг яқсон қилиниши, христианликда учинчи диний оқим – протестантликнинг юзага келишига замин ҳозирлади. Шу билан бирга реформация аксилфеодал характерга эга эди.

Уйғониш ва Реформациядан сўнг Маърифатпарварлик ўрта аср қадриятлари тизимини бутунлай яқсон қилиб, янги маънавий тўнтариш ясади. Ж. Локк (1632-1704), Ж. Ж. Руссо (1712-1778), Д. Дидро (1713-1784), Ш. Монтеске (1689-1755), Волтер (1694-1778) каби маърифатпарварлар инсонни ҳаётга, эркинлик ва

тенгликка бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилдилар. Маърифатпарварлик даврида туғилаётган цивилизациянинг иқтисодий назариясини шотланд файласуфи ва иқтисодчиси Адам Смит (1733-1790) яратди. Маърифатпарварлик даврида жамият ҳаётига таъсир кўрсатувчи омил-жамоатчилик фикри вужудга келди. Индустириалолди даврда газета ва журналларнинг нашр этила бошлаши ижтимоий фикр ривожига улкан ҳисса қўшди. XVII аср бошида бор-йўғи 2 та даврий нашр бўлган бўлса, XVII аср охирида 68 та, XVIII асрда 900 тадан ошганди.

Фан, маориф тараққиёти, жамоатчилик фикрининг вужудга келиши омма қарашларини сиёсийлаштиришга хизмат қилди. Ўсиб келаётган капиталистик қарашларни ҳимоя қилиш жамият модернизацияси учун муҳим эканлиги тўғрисидаги фикр қатъийлашди. XVI-XVIII асрларда Европа Нидерландия инқилоби (1566-1609 йй.), Англия инқилоби (1640-1660 йй.) ва Буюк француз инқилоби (1789-1794 йй.) содир бўлиб, амалда Ғарбий Европа цивилизациясини капиталистик тараққиёт йўлидан кетишини таъминлади. Бу эса шахснинг янги типининг вужудга келишига ва ижтимоий келиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлмаслиги, унинг тақдирини белгиламаслигини кўрсатиб берди. Шахсий фаоллик ва муваффақият ғоялари ривожланаётган буржуазия синфи вакилларининг кайфиятларига мос келарди. Бойишга интилиши бу даврда инсонлар онгида биринчи ўринга чиқди ва ҳаётнинг мазмунига айланди. Аммо пулни топиш мақсадида ҳеч нарсадан тап тортмаслик, ўз шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш каби хислатлар ҳам шу даврдан шакллана бошлади. Меҳнатсеварлик инсон ҳаётининг муҳим принципига айланди. Бунда протестант меҳнат этикаси ҳам муҳим ўрин тутди.

XVIII асрдан алоҳида давр-индустириал цивилизациянинг юзага келиш босқичи бўлиб ҳисобланади. Фабрика ишлаб чиқариши мануфактурадан йирик машина ишлаб чиқаришга ўтишни бошлаб, саноат инқилоби деб ном олди. Хом ашёнинг, эркин ишчи кучи ва тадбиркорлар қўлида капиталнинг мавжудлиги саноат инқилобининг асосий омили эди. Цивилизация тараққиётининг индустриал босқичида техника, техник жараён асосий қадрият ва моддий неъматлар яратувчисига айланди. Дастлаб энергиянинг янги манбалари ва уни қўллаш



усуллари излаб топилди. XIX асрнинг буғ асри деб ном олиши бежиз эмас еди. Шунингдек, янги энеңргия тури электр ҳам вужудга келди. Илк трамвайлар, ички ёнув двигатели пайдо бўлди, унинг энг мақбул варианты Рудолф Дизел томонидан 1897 йилда ишлангани эди. Ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига капиталистик монополиялар (картел, синдикат, трест, консернлар) катта таъсир кўрсата бошлади. XIX аср охирига келиб, йирик машина индустрияси, замонавий транспорт, жаҳон бозорини ўз ичига олган жаҳон хўжалиги тизими шаклланди. Дастлаб Англия қиёфасидаги ягона марказга эга бўлган эвроцентрик жаҳон хўжалиги XX асрда икки марказли хўжаликка асосланган (Европа ва АҚШ) айланди. Индустириал цивилизация даврида дунё аҳолиси сони билан ўсиб борди. 1700 йилда дунё аҳолиси сони 610 млн. бўлса, 1800 йилда 905 млн., 1900 йилга эса, 1 млрд. 630га етди. Агар 1800 йилда атиги 3% аҳоли шаҳарда яшаган бўлса, 1900 йилда 13,6% ни ташкил етди.

XIX асрда аҳолининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгарди. Саноат тўнтаришининг натижасида буржуазия ва ишчилар синфи пайдо бўлди. Европа давлатларининг давлат тузумида ўзгаришлар содир бўлиб, абсолют монархиялар деярли қолмади. XIX аср ижтимоий инқилоблар даври бўлди. XIX аср ва XX аср бошларида Европа тарихидаги ўзгаришлар ва зиддиятлар бу даврдаги маънавий маданиятга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ижтимоий кучларнинг ўзаро курашининг ривожланиши эса турли ғоявий оқимларни вужудга келтирди: романтизм, реализм, импрессионизм ва ҳ.к.

Романтизм жаҳон маданиятига жуда кўплаб машҳур номларни берди: булар адабиётда Т.А. Гофман, В. Вордсворт, В. Скотт, Дж. Байрон, П.Б. Шелли. В. Блейк, В. Гюго; мусиқада Ф. Шуберт, К. Вебер, Р. Вагнер, Г. Берлиоз, Н. Паганини, Ф. Лист, Ф. Шопен; тасвирий санъатда э. Делакруа, Т. Жерико, Дж. Констебл, У. Тернер ва бошқалар еди. реализм соҳасидадаги ижодкорлардан Оноре де Балзак, Стендал, У.Теккерей кабиларнинг машҳур бўлдибўлди. Импрессионистлар-Клод Моне (1840-1926), Огюст Ренуар (1841-1919), эдгар Дега (1834-1917), Камил Писсарро (1830- 1903)лар ўз даврининг машҳур ижодкорлари эдилар. Айти бир вақтди пессимистик қарашлар ҳам пайдо бўла бошлади. XIX аср инсоннинг ўзи ҳақидаги

карашларида улкан янгиликлар яратилди. Ч.Дарвиннинг эволюцион назарияси ва З.Фрейд томонидан ишлаб чиқилган инсон концепсияси, психоанализ ҳақидаги таълимоти катта аҳамиятга эга бўлди

XVIII асрда Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларининг мустақиллик учун курашлари АҚШнинг ташкил топиши билан якунланди. 1776 йилда 13 та штат мустақилликни қўлга киритган бўлса, уларнинг 1861 йилдаги сони 40 та эди. АҚШ асосий ҳудудларини Испания (Мексика) билан урушларда, маҳаллий ҳиндуларни қирғин қилиб ва Аляскани 1867 йилда Россиядан атиги 7,2 млн. доллар (11 млн. рубл олтин) га сотиб олиш эвазига қўлга киритиб, улкан ва кенг имкониятларга эга давлат бўлиб шакланди. XIX аср ўрталарига келиб АҚШ саноат ишлаб чиқариш ҳажми жихатидан дунёда тўртинчи ўринга чиқиб олди. Бундай юксак суръатда ўсиш бир қатор сабабларга эга эди. АҚШда саноатлашган шимол ва қулчиликка асоланган плантаторлик қишлоқ хўжалиги ҳудуди бўлган жануб тараққиёти ўртасидаги фарқ сезиларли эди Шимол ва Жануб ўртасидаги зиддият шимолликларнинг ғалабаси билан тугаган 1861-1865 йиллардаги фуқаролар урушига олиб келди. Фуқаролар уруши даврида қабул қилинган икки муҳим қонун: қулчиликнинг бекор қилиниши ва гомстедлар ҳақидаги қонунлар АҚШ қишлоқ хўжалиги тараққиётининг фермерлик йўлини белгилаб берди.

АҚШ маданияти Европа таъсири остида шаклланди, аммо ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлди. АҚШ моддий маданиятида ҳиндулар, санъатида негрлар маданиятининг таъсири сезилиб туради. Гарвард, Йел, Пенсилвания, Принстон ва Калифорния университетлари таълим ва маданият марказларига айланди. Масалан, Бостонда 1636 йилда асос солинган Гарвард университетида 30 та Нобел лауреати ва 6 та АҚШ президетини таҳсил олган. АҚШ демократияси ҳам ўзига хос зиддиятларга эга. Унинг дунё раҳнамолигига интилиши эса дунёнинг икки қутбга бўлиниб кетиши, дунёнинг турли бурчакларида уруш ўчоқларининг юзага келишига олиб келган омиллардан бири бўлди.

XX аср иқтисодиётида инқирозлар тез-тез содир бўлиб турди. 1907 йилги инқироз, 38 давлат иштирок этган биринчи

жаҳон уруши, Россиядаги инқилоб, хусусан 1929-1933 йилардаги жаҳон иқтисодий инқирози фикримиз далилидир. Барча мамлакатларнинг ҳукуматлари инқирозлар билан курашга киришди, унга қаршилик кўрсатиш йўллари излай бошлашди. Инқироздан чиқиш йўлларидан учасини ажратиб кўрсатиш мумкин: АҚШ президенти Ф.Рузвелтнинг янги курс сиёсатида ўз аксини топган либерал-ислоҳотчилик йўли; Скандинавия давлатлари ва Франция учун характерли бўлган ижтимоий-ислоҳотчилик йўли; Германияда тўла ва изчил қўланилган тоталитар вариант. Индустириал цивилизация мафкура инқирозига дуч келди. Бу инқирозлар инсоният тарихидаги энг кенг миқёсли ва вайронкор Иккинчи жаҳон урушига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги инқирозлар (1974-75 йй, 1980-82 йй, 2008 й) техник-иқтисодий ривожланиш даражалари ўхшаш бўлган ва миллий иқтисодиётлари ўзаро боғлиқ бўлган барча Европа давлатларига бирдек таъсир кўрсатди.

XX асрда Индустириал цивилизация тараққиётига фан-техника инқилоби катта таъсир кўрсатди. Бу инқилоб жамиятнинг ижтимоий тузилмасида катта ўзгаришларга олиб келди. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида ишчилари сони ошди, ишчилар малакаси ошди, таълим соҳасида жиддий ўзгаришлар бўлиб, турмуш даражаси юксалди. Фан-техника инқилоби янгиликлари ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни уйғунлаштириш орқали кўпгина малакатлар фаровон ва демократик жамиятларда яшамоқда. Аммо, маънавий соҳадаги салбий ўзгаришлар ҳам мисли кўрилмаган даражада ўсмоқда. XX аср адабиёти, санъатида бу зиддиятлар ўз аксини топди ва экзистентсиализм (Ж.П. Сартр и А. Камю), модернизм (Д. Джойс, Ф. Кафка, М. Пруст, Т.Элиот), абстрактсионизм (К. Малевич, В.Кандинский), постимпрессионизм (А.Матисс, П.Пикассо), экспрессионизм (Г.Гросс), сюрреализм (С.Дали), гиперреализм каби ғоявий-бадий оқимларда кўзга ташланди. Фан ва техника тараққиёти натижасида оммавий маданиятнинг аҳамияти ошмоқда. Оммавий коммуникатсия воситалар-матбуот, радио, кино, китоб чоп этиш ва нусха кўчириш-буларнинг барчаси жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш, оммавий маданиятнинг тезлик билан ривожланишига сабаб бўлди. Оммавий маданият жамиятни

биринчи галда деморализация (ахлоқсизланиш)да кўзга ташланмоқда.

XX ва XXI асрлар чегарасидаги цивилизацион ривожланишнинг хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг интернационаллашувидир. Жадал давом этаётган интеграция жараёнлари иқтисодиётнинг очиқ бўлишига олиб келди, трансмиллий ва кўпмиллатли корпорациялар пайдо бўлди. Ушбу кўп тармоқли халқаро корхоналар ишлаб чиқаришни турли мамлакатларда оптимал равишда жойлаштириш ҳисобига юксак иқтисодий самарадорликка эришмоқдалар. Товар ва капиталлар, ишчи кучи дунё бозорларининг мислсиз кенгайиши билан бир қаторда халқаро корхоналарнинг ва бирлашмаларнинг ривожланиши информация бозорларининг (ноу-хау, патенлар, литсензиялар) ва илмий-техникавий хизматларнинг (инжениринг, лизинг) шаклланишига олиб келди. Индустириал ва постиндустириал цивилизациялар чегарасида миллий хўжаликларнинг давлатлараро интеграциялашуви жараёни кучайди.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Варвар королликлари даврини хронологик чегарасини айтинг?
2. Буюк Карл давлати чегараларини биласизми?
3. Муқаддас Рим империяси қачон ташкил топди?
4. Ганза иттифоқи қайси минтақалар орқали ўтган савдо йўлларида назорат ўрнатган?
5. Европада шаҳарларнинг вужудга келиш жараёни қачон содир бўлди?
6. Христиан черкови қачон иккига бўлиниб кетди?
7. Генри IV ва Григорий VII ўртасидаги инвеститсура учун курашларни айтинг?
8. Европада университетлар шаклланиш жараёнини тушунтиринг?
9. Роман ва Готик услубларини тушунтиринг?
10. Уйғониш даври (Гуманизм) ҳақида нималарни биласиз?
11. Буюк географик кашфиётлар қачон содир бўлди?
12. Дастлабки мустамлакачи давлатларни айтинг?

13. Реформация ва контреформация жараёнларини тушунтиринг?
14. Протестантлик оқимларини биласизми?
15. Европа инқилоблари нима сабабдан содир бўлганлигини тушунтиринг?
16. Саноат тўнтариши қачон содир бўлди?
17. АҚШнинг вужудга келиши ва тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини айтинг?
18. Оммавий маданият ва унинг кўринишлари ҳақида гапиринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
3. Косминский Е.А. Историография средних веков. V в. – середина XIX в. – М.: издательство московского университета 1963. — 430 с.
4. Семёнов В.Ф. История средних веков. Учебник для студентов ист. фак. пед. ин-тов. Изд. 4-е. – М.: Просвещение, 1975. – 590 с.
5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
6. Эргашев Ш. Жахон тарихи:(янги давр.1-қ. XVI XVIII асрлар) ўқув қўлланма/. Эргашев; Мухаррир И.Ахмедов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Т.: O'zbekiston, 2015. \_529 б.
7. Йўлдошев С. Қадимги ва ўрта аср ғарбий европа фалсафаси: олий ўқув юртларининг фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма //С Йўлдошев, М. Усмонов, Р Каримов/ Масъул мухаррир: Р.Жумаев. — Т.: Шарк, 2003. — 208 б.

### **Электрон адабиётлар**

1. <http://history.hanover.edu/texts.htm>
2. <http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html>
3. [http://English www.hss.cmu.Edu/history](http://English.www.hss.cmu.Edu/history)

4. [http: // www.ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)
5. [http: // www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.html](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.html) //
6. [http: // www.lib.byu.edu/-rdh/www/](http://www.lib.byu.edu/-rdh/www/)
7. [http: // classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).
8. [http: // www.washlaw.edu/forint/](http://www.washlaw.edu/forint/)
9. [http: // www.yale.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yale.edu/Lawweb/avolon.htm)
10. [http: // www.yale.edu/acuns/](http://www.yale.edu/acuns/)

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 592 б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-Февраль. ПФ 4947-сонли фармон. //Халқ сўзи, 28-сон, 2017 йил, 8 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
5. Древние цивилизации /С.С. Аверинцев, В.П. Алексеев, В.Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г.М. Бонгард-Левина. - М.: Мысль, 1989. - 479 с.: ил.
6. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т.: Зарыалам, 2004. – 138 б.
7. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк Ислом: 1 китоб. Жоҳилия асри //Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Кароматов, Н.Иброҳимов, З.Ҳусниддинов ва бошқ./. – Т.: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001. – 256 б.
8. Лаумулин М.Т. История Казахстана и Центральной Азии в мировой ориенталистике (к 550-летию Казахского ханства). - Астана: КИСИ, 2015. - 592 с.
9. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – 287 с.
10. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре/Отв. Редактор А.А. Вагасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. – 464 с.
11. История мировой культуры (мировых цивилизаций). 2-е доп. и перер. изд. - Ростов н/Д: изд-во “Феникс”, 2002. - 544 с.
12. Волков А.В., Непомнящий Н.Н. Хетты. Неизвестная империя Малой Азии. - М.: Вече, 2004. - 288 с.

13. История древнего мира. Учебник для учительских институтов./Под редакцией В.Н. Дяконова и Н.М. Никольского. – М.: 1952. – 780 с.

14. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи./таржиманинг махсус муҳаррири Яхё Ғуломов. – Т.: Ўқув-педагогика нашриёти. – 815 б.

15. История древнего Востока: Учебник/Под. Ред. В.И. Кузишина. – М.: Высш. Школа, 1979. – 458 с.

Пигулевская Н. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV-VI вв. – М.: Издательство академии наук СССР, 1951. – 408 с.

16. Крамер Сэмюэл Н. История начинается в Шумере. 2-е изд., измен. Пер. с англ. Ф.Л. Мендельсона. Передисл. пер. шумерских поэтических текстов и коммент. В.К. Афанасьевой. – М.: Наука, 1991. – 235 с.

17. Бокиев А.Оке цивилизацияси. / Бокиев А., Шайдуллаев А., Йулдошева З. Тошкент: «Yangi nashr», 2015. - 176 бет.

18. Массон В.М. Первые цивилизации. – Ленинград, Наука, 1989. – 268 с.

19. Немировский А.И. История Древнего мира: Античность; Учеб. Для студ. высш. учеб. заведений: в 2 ч. – М.: Гуманит. изд. центр, ВЛАДОС, 2000. – Ч. 1. – 448 с.: ил.

20. Немировский А.И. История Древнего мира: Античность; Учеб. Для студ. высш. учеб. заведений: в 2 ч. – М.: Гуманит. изд. центр, ВЛАДОС, 2000. – Ч. 2. – 480 с.: ил.

21. Хрестоматия по истории древнего востока. /Под редакцией академика В.В. Струве и Д.Г. Редера. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. -542 с.

22. Семёнов В.Ф. История средних веков. Учебник для студентов ист. фак. пед. ин-тов. Изд. 4-е. – М.: Просвещение, 1975. – 590 с. с карт.

23. История Африки в древних и средневековых источниках. Хрестоматия. 2-е изд., исправ. и доп. – М.: наука, 1990. – 468 с.

24. Вельгус В.А. Средневековый Китай. Исследования и материалы по истории, внешним связям, литературе. – М.: Наука, 1987. – 202 с.



25. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., “Адолат”, 2001. - 416 .
26. “Мифология древнего мира”. М.: Главная редакция восточной литературы Наука, 1977. – 456 с.
27. Вильям Тарн. Эллинистическая цивилизация.// М.: Изд-во иностранной литературы. 1949. 372 с.
28. Қадимги цивилизациялар. / Ш. Эргашев. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, - 360 б.
29. Urakov D.J. Jahon sivilizatsiyalari tarixi. T., 2018. – 128 б.
30. Древнеиндийская философия (начальный период) М.: Издательство социально - экономической литературы (Соцэкгиз), 1963.- 272 с.
31. История цивилизации [Текст] : учебник / Островский А. В. - Санкт-Петербург : Михайлов, 2000. - 359 с. : табл.; 24 см. - (Высшее профессиональное образование).; ISBN 5-8016-0176-7
32. История цивилизаций : [Учеб. пособие для вузов гуманитар. профиля] / Ю. В. Яковец. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманитар. изд. центр "ВЛАДОС", 1997. - 350,[1] с. : ил.
33. Древние цивилизации / С. С. Аверинцев, В. П. Алексеев, В. Г. Ардзинба и др.; Под общ. ред. Г. М. Бонгард-Левина.— М.: Мысль, 1989.—479 с.: ил.

### Электрон адабиётлар

- 1.[http: // history.hanover.edu/texts.htm](http://history.hanover.edu/texts.htm)
- 2.[http: // www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/Fh-gig/horuslinks.html)
- 3.[http: // English www.hss.cmu.Edu/history](http://English www.hss.cmu.Edu/history)
- 4.[http: // www.ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)
- 5.[http: // www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwiiFindex.hrml)
- 6.[http: // www.lib.byu.edu/-rdh/www//](http://www.lib.byu.edu/-rdh/www//)
- 7.[http: // classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).
- 8.[http: // www.washlaw.edu/forint//](http://www.washlaw.edu/forint//)
- 9.[http: // www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)
- 10.[http: // www.yale.edu/acuns/](http://www.yale.edu/acuns/)





**М.З. Орзиев, Ж.Ю.Эргашев**

**ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ТАРИХИ**

**(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)**

*Muharrir:*

*G`. Murodov*

*Texnik muharrir:*

*G. Samiyeva*

*Musahhih:*

*A. Qalandarov*

*Sahifalovchi:*

*M. Ortiqova*

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 15.12.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 13,2. Adadi 100. Buyurtma №221.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi  
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45